



«Тонг»
Дилшод ЭШМАТОВ асари

Хурматли журналхонлар!

2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”
журналларига обуна давом этмоқда.
Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи
ташиклотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна
бўлишингиз мумкин.

Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831

6 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

ISSN 0131 – 1832

Шарқ юлдузи



Sharq
yulduzi

6 / 2023

Унумилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ шоири
Ҳусниддин ШАРИПОВ
(1933-2015)

Муқова-3



Ҳусниддин ШАРИПОВ ҳаётидан лавҳалар

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рағиддинов
Фармон Тошев
Исајон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нибуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева

6
2023

УШБУ СОНДА:

САРХАЁП СИЙМОЛАР



Хусниддин ШАРИПОВ

КЎЗЛАРИМ НУРӢ

Бобораҳим эса берарди жавоб
Гоҳ қора сўз билан, газал билан гоҳ:
Ерга ҳам, кўкка ҳам рост сўзлар Жаноб,
Ёлғон –

шайтонга хос азалий гуноҳ!
Шу сабаб хуррак ё устаси фаранг
Тушини айтади обиравонга.
Эҳ, ғарип, ростингни айта олмасанг,
Не учун келувдинг ёруғ жаҳонга?

ҲАСР

Эркин АЪЗАМ

БАҲОРӢИ КҶВИӢ



Авомроқ биттаси гапга аралашади:

– Арчалига севги-муҳаббатни шу олиб келган, дейдиларку! Илгари севги-певги деган гаплар бўлмаган экан. Ўзи чиройли бўлгани учун опкелгандир-да.

Бу “кашфиёт”га аксарият мийигида кулиб қўяди.

– Бўлишга-ку бўлган, хозиргидай шовкин-сурони бўлмаган-да, aka!

– Эштишишмча, ана шу опкелган нарсаси ўзининг бошига етган!

– Их, их, қандай опкелади уни? – дейди ҳовлиқмароқ бирори.

– Опкелганду ташлаб кетган-да! Ана кейин бошланди севги-севги ўйини! “Кимнинг кимда кўнгли бор, кўяберинг ўйнасин” бўпкетди ҳаммаёқ! Раис бобонинг арзанда келини жингалаксоҳ бир тишдўхтир билан қочиб кетди! Салим новвойнинг қизи кўчага валасапед миниб чиқди! Уйга судраган акасига “Керак бўлса, сенинг хукуқингдан менини баланд!” деб дағдага қиласидан бўлди. Бу ёғи – ке-етди..

Иқбол ҚўШШАЕВА

ИҲСОДИӢ КЕНГАШЛАРДА

*БАҲПИННИГ ПЕШОННАСИДАН ҲИЛБ-ҲИЛБ
ҶИЛДАН ДОСТОНЛАР*



Тенгиз Абуладзенинг “Илтижо” фильмни финалида хақиқат учун курашишдан толиқкан шоир мағлубиятни бўйнига олади. Шоир хақиқат тимсоли эди. Ҳақиқат қочаётган маҳал Фариштани – Эзгуликни дорга осадилар. Шоир куролини ерга кўйган он Фариштани Иблис никоҳига олади... ва улардан маймунлар туғилади. Бизда адабиёт одамларининг чалғиганига, чекинганига кўп бўлди. Мангу қонуният шундаки, жамиятнинг жон томирига қўлини кўя олмаган шоирнинг некбину чучмал сатрлари, ёрқиндан-ёрқин мисралари ҳам энди бу халқка керак бўлмайди. Жамиятнинг ўзи каттол таҳрирчига айланади.

НАЗМ

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА

СИР ОНИЙ ЛАРЗАНИ КУПЛАВЕРАМАН

Маҳзун ёдинг ила ёдим ямалган,
 Сени эслай туриб мен бутланаман.
 Жонимда бир дунё согинч қамалган,
 Сени кўмсай туриб мен тикланаман.

Каршимда хажрнинг қилкўприклари –
 Кетаман, шу йўлдан кетаман.
 Йиқилсан, ўзимга келмайман қайтиб,
 Ўзимдан ўзимга қачон етаман?




Хулио КОРТАСАР

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ЧАЛКАНЧА ВА ЙОЗПЛУАН

Лаблари титраб, саодатли оқшомлар ҳадя этажак дуоларни пичирлади, эзгу ва ёвуз амалларга раҳнамо илохи олийга илтижолар қилди. Аввалига тўуғигига қадар, энди эса яна ҳам чуқурроқ балчиққа ботиб борар экан, бегона ўрмон зимиstonида ноаён қисматини кутиб ўтириш азоб эди. Бу орада эса қўланса балчик хиди анқиётган ўрмонда инсон ови давом қиласар, ой туққан кечада бошланган мукаддас уруш ҳали якунига етган эмасди. Агар у сўқмоқдан четлашиб, чакалакзорда паноҳ топганида эди, балки жангчилар изига тушишмаган бўлармиди? Фанимлар қанча асири қўлга олганлари ҳақида ўйлади. Аммо бу урушда микдор эмас, балки маъбуллар белгилаган муддатга қадар зафар қучиши муҳим эди. Коҳинлар ортга қайтиш ҳақида белги бергунларига қадар таъқиб давом этиши тайин. Ҳар нарсанинг тартиби ва ниҳояси бор, аммо у эса урушни ғаним тупроғида кутиб олгани қайгули эди.



Сўна МУҲАММАД қизи

ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ

СЕНГА СЕВИЙМ ЧЕКСИЗДИР, ОЛЛОХ

Бир эртакли дунём тарқ этди мени,
 Қояси нимпушти, тошида хино.
 Жонимнинг тафтини, тилим тотини,
 Йўқотдим у ердан, у юргдан айро.



Ўйинқароқ эдим, сочим жамалак,
 Онали, момоли дунём бор эди.
 Менинг ўйинчогим атлас камалак,
 Овунчогим қушлар, чаманзор эди.

Барҳаёт сиймолар



Кўзларим нури

Шеърий роман



Хусниддин
ШАРИПОВ

БИРИНЧИ БОБ

*Намангон шаҳридан, дўстлар, менинг ёронларим келди,
Отам бирла онамни билгучи меҳмонларим келди.*

*Шижоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Суҳроб,
Адолат таҳтига минганду кун султонларим келди.*

*Иноятили, диёнатли яна ҳам муршиди комил,
Ҳама ориф, ҳама судиқ, ҳама ирфонларим келди.*

*Аларнинг хоки поин кўзларимга тўтиё, Машраб,
Чарогимни мунаввар қилгучи хоқонларим келди.*

1

Ҳа, етиб борганди Машраб овози
Қашқардан ҳаволаб,

Намангонгача.

Сўзга қанот бўлиб машшоқлар сози,
Тўйларда янгарди гоҳо тонггача.
Ҳайрат-ла оғзини очару қисса,
Ҳофизга саргардон ёға бошларди.
Бирга ўсган дўстлар кўнглида эса,
Ифтихор мавж уриб оқа бошларди.
Бирга ўсгандилар бир чанг кўчада,

Хусниддин ШАРИПОВ – (1933–2015). Ўзбекистон ҳалқ шоюри. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмон-мелиорация факультетини тамомлаган. Шоурнинг “Ниҳол”, “Кўнгил буюргани”, “Қуёшга оишқман”, “Тупроққа қасида”, “Лирика”, “Ҳаяжонли дақиқалар”, “Оҳ, гўзал”, “Ёр истаб”, “Асирингман” сингари шеърий китоблари, “Бир савол” шеърий романни ҳамда “Дўстим Тожсиддин” номли воқеий қиссаси чоп этилган.

Лекин ҳеч ғуборсиз,
мехнаткаш, ахил.

Орадан етти йил ўтган бўлса-да,
Етти лаҳзага ҳам қаримади дил.
Энди болаликнинг олис ҳар куни
Хаётга –

каштадай –
бахш этарди зеб:

Бир дўст “Бобораҳим” атаса уни,
Бири чакиради “Рахимбобо” деб.
У ҳам ёш тўкарди йиғласа бирор
Ё кимдир кувонса,

бўлар эди шод.

Ойдин кечаларда,
бамисли олов
Сокин кўчаларни этарди обод.
Ҳамон “бисотим” деб асрар хотира
Ўтмишнинг оташу қуюнларини.
Айниқса унтиб бўлмасди сира
“Шоҳ ва ўгри” деган ўйинларини.

2

Ўшандада Маддоҳон маҳалласига
Жалол эндигина келганди кўчиб.
Қувноқ тенгдошларнинг ғужғон сафига
Қўшилолмай юрди уч-тўрт кун чўчиб.
Болалар синовни чўзмасдан узоқ,
Ўйинга тортишди уни ҳам алҳол.
“Ўгри бўласанми, бўласанми Шоҳ”,

Мумтоз адабиётимизнинг иирик намояндаларидан бири, оташнафас шоир, буюк сўз санъаткори Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кўп асалар яратилган. Шоир замондошлари Пирмат Сеторийнинг “Қиссаи Машраб”, Исҳоқ Богистонийнинг “Тазкираи қаландарон” асалари ҳамда бугунги адабиётимиз вакиллари Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссаси, Ҳамид Гулом ва Шуҳратнинг бир номдаги “Машраб” романлари, Муҳаммад Алиниңг “Машраб” шеърий достони, Иброҳим Гафуровнинг “Озод нафас” ҳикояси, Хайриддин Бегматовнинг “Девона Машраб” романи ана шулар жумласидандир.

Машрабнинг Ҳақ ўйлидаги қаландарона саргашталиги, тариқат имининг пешволари даражасига ва авлиёлик мақомига етишиши ўйлидаги сиру синоатларга бой умри ҳамон нафақат олимларимизни, шоир-ёзувчиларимизни қайта-қайта қалам олишига унда бекеради. Атоқли шоиримиз Ҳусниддин Шарипов ҳам ҳаётлик чоғларида Машраб ҳақида шеърий роман битган ва эълон қилишига улгурмаган эдилар. Уибу шеърий романни ўғиллари Рустам Шарипов таҳририятимизга тақдим қилдилар. Куйида уибу шеърий романдан парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Таҳририят

Хусниддин ШАРИПОВ

Дея, жиддий туриб,
беришди савол.
Үғрилик тоабад тавқи лаънат-ку,
Ким гард қўндирарди ахир бахтига?!
“Подшоҳ” деб викорла жавоб берди у
Ва қўнди оҳиста тўнка – “такт”ига.
Дарҳол пайдо бўлди Латифжон – “миршаб”,
Асқарнинг қўлини қайриб ортга.
“Ўғри тутдим” дея,
арбобга ўхшаб,
Бош эгди таҳтдаги мўътабар зотга:
– Буюринг!
...Бир сўзга барча мунтазир.
Ёлғиз кўтаролмай масъуллик юкин,
Вазирга боқди шоҳ;
Шипшигач вазир,
– Дорга тортилсин! –
деб қилди у ҳукм.
Миршаб ҳайдар экан маҳкумни телип,
Ўғри таҳт пойига ўзин ташлади.
Шоҳ оёғин ўпиб,
қўлини ўпиб,
Манглай ва юзини силай бошлади.
Томиру пайларга бахш этиб ҳузур,
Парвоз айлар экан ўғрининг илги,
Шоҳнинг чехрасини безарди ғурур,
Аёнлар юзини эса –
нимкулги!
Эҳ, қандай яширсин кулгини кўзлар,
Тун каби қорайгач подшонинг афти?!
Ахир қозонкуя эди-да, дўстлар,
Махкумнинг орқага қайрилган кафти.
Вақт “пишганин” сезгач,
аста эгилиб,
Яна нималардир шипшиди Вазир.
Бир нафас ўғрига мажхул тикилиб,
Шоҳ ҳам ўз ҳукмини айлади таҳрир:
Махбус омон қолиб,
йўлланди дарҳол
Ҳожатхоналарни тозаламоққа!
Миршаб ўз хизматин бажариб ҳалол,
Уни ҳайдаб кетди аллақаёққа.

3

Подшоҳ ҳам йўл олди ўз уйи томон,
Қилган ишларидан бағоят мамнун.
У кетгач,
жўралар урди-ю хандон,

Бир силкиниб олди мудраётган тун.
Лекин зил бўлади ҳазилниинг таги,
Ахир ой ёритса юз-кўзни сал-пал,
Ёрилиб кетмасми она юраги
“Олабўжи” билан тўқнашган маҳал?!
Кейин бошқалар ҳам,
эс йигиб илдам,
Тарқалиб кетишиди яқин-йирокқа:
Яхши бўлмасди-да кеп қолса бирдан
Жалолнинг отаси
жанжал қилмоққа!

Сал ўтгач, бузилиб сукунат сози,
Қайдандир тараалди бола овози:
Уй – уйлик,
Капа – тўйлик,
Бир қиз бор
Ўрта бўйлик...
Ким олади-ё
Шу болани-я?
Мен оламан-а
Шу болани-я!
Қарши ёқдан эса, унга жавобан,
Сатрлар ёғилди Раҳимбободан:
Нам-он-гон, Нам-он-гон,
Ўчмайтурғон шам он гон.
Нам-он-гон, Нам-он-гон,
Кўрмағай ҳеч ғам он гон.
Осмонида ойи бор,
Ёнбошида сойи бор,
Нам-он-гон, Нам-он-гон,
Бўлмас асло кам он гон!

4

Бемаҳал янграган қувноқ садолар
Уйғотиб юборди Валибобони.
Оҳ-оҳ, ҳар қандайин дардни даволар
Муштдек фарзандининг гўзал забони.
Теппа-тeng завқ эмиб зулмату нурдан,
У миниб ўтаркан хивич-отини,
Шеър айтиб,
дўстларни қиласди хурсанд,
Шеър айтиб,
берарди рақиб додини.
Валибобо камтар тўқувчи-косиб,
Билгани –
бўздўкон, алак, “қалами”.

Хусниддин ШАРИПОВ

Унга куч ва гайрат этди-ю насиб,
Мактабга етмади аммо қадами.
Ўттиздан ўтса-да,
қилмади парво,
Санаб ўлтирмади сочининг оқин.
Кўли бўшаб қолса мокидан гоҳо,
Йигиб сотар эди адир шувогин.
Бахорда тут қоқиб, ёзда нок териб,
Елка тутар унга ўғли ва қизи.
Қанот касб этишни кутиб ўлтириб,
Қуриб қолмаса бас инсон илдизи!
Ўзи чиколмаган баланд шотига
Фарзандлар чикишин хоҳлар эди у.
Айниқса ўғлининг истеъдодига
Ширин умидини боғлар эди у.
Шукр, Бобораҳим ўқиш-чизища
Барча тенгдошларин чўкиб ташларди.
“Алиф”, “Бе”, “Те”, “Се”ни, мисоли писта,
Тилининг учida чақиб ташларди.
Афсус, ўнқир-чўнқир йўқсулнинг йўли,
Кечаги топгани етмас бугунга.
Эзилиб қолмасми азамат ўғли,
Шогирд килиб берса Бозор Охунга?!
Жажжи оила ҳам улкан бир боғ-да,
Шоҳлаб кетар экан ҳар қандай фикр.
Катталар ўртага олишган чоғда,
Бобораҳим деди: – Менга бари бир...

5

Хайрият, “бари бир” бўлмади унга
Билим деб очилган баланд дарчалар.
Хўжа Убайдулло Бозор Охунга
“Пирим” деб бокарди муллаваччалар.
Улар қаторига тошдайин чўкиб,
Китобга шўнғиди Бобораҳим ҳам
Кунларни тунларга уларди ўкиб,
Лекин ҳеч демасди “Қуриди тинкам”.
Оқшомлар тонгларга туташганидай,
Унга ўз чехрасин очарди мозий.
Табассум қиласи туғишганидай
Уч аср наридан Ҳофиз Шерозий:
Золни бол дегандек,

бидди саодат

Етим болаликнинг аламини у.
Дунёни кучса-да неча бор оғат,
Авайлаб асрари қаламини у.
Бир қора қаламдан туғилган ранглар

Қоғозда жонланар рақс тушиб, сайраб.
 Мана, янграй кетди форсий оҳанглар
 Энди Бобораҳим лабида яйраб.
 Ҳар байт бамисоли самовий ҳадя,
 Заминнинг оҳидай эди рубоят.
 – Кўргим келаётир шоирни, – дея,
 Хархаша бошлади бола ниҳоят.
 На чора, ўзлари қолганда ёлғиз,
 Шогирдни ёнига ўтқизиб, Охун
 Тушунтириб берди ҳазрати Ҳофиз
 Ўлиб кетганини уч юз йил бурун.
 Сўнг деди: – Куйма кўп, ҳаммамиз ғариб,
 Ҳеч кимни аямас ўткинчи олам!
 “Ҳа, бу рост: яқинда яшашдан ҳориб,
 Бандалик килганди Валибобо ҳам.
 Ҳуллас, яқин қилиб йўлнинг узогин,
 Ҳаётни тебратиб тургувчи даҳо
 Ҳофиз татиб ўтган етимлик доғин
 Бобораҳимга ҳам кўрганди рано.
 У энди китобдан кўтармай бошин,
 Йигитлар етишган ергача етди.
 Арабий ҳикматлар синааб бардошин,
 Тезда “Минг бир кеча” эргаша кетди.
 Даврада жўшса ҳам, юрса-да якка,
 Ризқи бут бўлса ҳам, бўлса-да ярим,
 Билим деб аталган гўзал юксакда
 Болани кутарди “Куръони Карим”.

6

Янги бир жаҳон у.

Янги бир нафас.

Азалий сирларнинг хазинаси у.
 Инсон билан бирга туғилган ҳавас,
 Илк ёнган гулханнинг ҳазин саси у.
 Сокин дарсхонада ўтган сари вақт,
 Бола қўз ўнгидаги бўлиб намоён,
 Дарвоза очарди жаннат ва дўзах,
 Кифтдан жой оларди Шайтон ва Раҳмон.
 Сўнгра,

жоиз бўлса бу содда таъбир,
 Баланд кўтарганча муҳаббат жомин,
 Пайғамбарлар ўтди дунёдан бир-бир,
 Улуғлаб Оллоҳнинг муқаддас номин.
 Эҳ-ҳе, ирмоқларни қучгандай дарё,
 Севигига баҳш этиб ўзгача жаранг,
 Зиёбахш муқаддас оятлар аро
 Ҳазрати Юсуф ҳам жой олмиш, қаранг!

Хусниддин ШАРИПОВ

Сатрлар ошиқнинг оҳидай янгрок,
Гавҳардай қўнар сўз вафо тожига,
Маъно ва гўзаллик – ўриш ва арқоқ,
Қофиялар эса – заррин ҳошия.
Ҳаволаб боланинг иситмаси боз,
Кўзида қандайдир учқунлар балқир:
– Кўргим келаётир Шоирни, устоз,
Ўзингиз айтингиз – тирик у, ахир!
...Охун кўп шогирдлар ўстирди йиллаб,
Лекин кўрмаганди бунақасини.
Бурнимас, мияси кетди зингиллаб,
Сезгач фалокатнинг мудҳиш исини.
Не қилсин – урсинми, уришсинмикин?
Йўқ, йўқ...

Сал ўзини босиб олди-да,
Юпатди: – Шошилма, олдинма-кетин
Ҳаммамиз борамиз унинг олдига...
Бола ниҳол каби чайқалар такрор:
– Қани йўл, у менинг пирим бўлади;
Қилмасман бу сирни ҳеч кимга ошкор,
Бу менинг ўлгунча сирим бўлади.
– Бўй ўлчаша кўрма Яратган билан,
Тилгинант кесилгай... Камтар бўл, шаккок!
– Ўзига ўҳшатиб яратган экан,
Биз ҳам ўзи каби бўлайлик-да пок!!
– Ўпкангни бос, бола, – домла куйинар, –
Билиб қўй: қилсанг-да кўп яхши ният,
Қовушмас ҳеч қачон ишқ ила хунар,
Қовушмас ҳеч қачон эт ва рухият.
– Ижобат топмаса, устозжон, нечун
“Тила тилагингни” дейди Худойим?

Тилин тишлаб қолди бир нафас Охун,
Қалбida қўпса-да қиёмат-қойим.
Ушбу зарб – хуфёна портлаб-ёнишдан
Гўё сал каттароқ очилди кўзи:
“Наҳот Мулла Бозор деган донишманд
Алдаб юрган бўлса ўзини ўзи?
Шунча хизматлари кетмасми увол,
Буни сезиб қолса ногоҳ одамлар?
Ўча бошламасми йўлакда дарҳол
Шунча вақт изини ёритган шамлар?”
Йўқ,

у хавотирнинг қувар кўлкасин,
Ноумидлик эса мутлақ бегона.
Домла аста силаб бола елкасин,
Илжайди-ю,

деди: “Оббо, девона...”

Сүнгра эсга олди Охун негадир
 Шогирдлиги кечган тошлоқ құчани,
 Тоғлар этагини үпган қир-адир,
 Улардан ҳам юксак Офокхұжаны.
 Агар Офокхұжа топса бир чора,
 Учовларига ҳам наф бўларди, ҳа,
 Нафини қўйинг-ку,

бала бечора

Ҳар ҳолда ёнидан даф бўларди, ҳа!
 Маъданни эритмоқ истаган мисгар
 Оловга май пуркар, ҳа, ҳа, вақт тифиз:
 – Мендан хафа бўлма, жигарим,

бизлар

Пасқам бир шаҳарча фуқаросимиз.
 Олам – кенг, кўп нарса кўрасан ҳали,
 Фақат шошилмагин зинҳор-базинҳор.
 Сен менга устоз деб юкиндинг, балли,
 Менинг ҳам қўл берган азиз пирим бор.
 Баланд тоғлар аро унинг ошёни,
 Сену мендан кўра Худога яқин.
 Барча саволингга битта жавобни
 Эҳтимол ўша зот бериши мумкин.
 Ҳадаб сайрайверсанг ўзингдан ўзинг,
 Тақдир қарамайди ҳатто тожингга,
 Дор остига тортар

айтган ҳар сўзинг,

Мансур Ҳаллож куни тушар бошингга.
 Нияting пок бўлса –

қўллагай Хизр,

Фойдангга ҳал бўлгай ҳар қандайин баҳс!
 Бобораҳим деди: – Менга бари бир,
 Ўша сиймо нурин кўра олсам бас!!

7

Устоз, юрмасин деб бола дарбадар,
 Борадиган бўлди ўзи бош бўлиб.
 Она ва сингилга бу совуқ хабар
 Етди-ю

урилди чағир тош бўлиб.

Ўғли ахир кириб ўн тўрт-ўн бешга,
 Яна тўқувчининг ёниб чироғи,
 Оғзи эндингина етганди ошга,
 Даастгоҳ тепкисига эса – оёғи.
 Шамолни кутади доимо елкан,
 Косибни кутади омад бозорда.
 Она-боланинг ҳам

олисда кулган

Хусниддин ШАРИПОВ

Тўқ-тўқин кунлардан умиди бор-да!
Домла дер: – Ўғлингиз билимдон бўлса,
Баландроқ кўтаргай ислом тугини.
Розиман ўшанда ўрнимни олса,
Шод айлаб отасин ғариб руҳини!

Аёлнинг умрини тебратар туйғу,
Билар у – сорбонсиз адашгай карвон.
Юраги жизиллаб турса ҳамки, у
Этгай эр руҳига ўзини қурбон.
Хуллас, анча-мунча чўзилса-да гап,
Таомнинг мазаси тақалиб тузга,
Сафарнинг бехатар бўлишин тилаб,
Тўртовлон фотиҳа тортишди юзга.

8

Намангандан келган азиз меҳмонлар
Яхши эслашади шу нуқтагача.
Ундан сўнг ўрмалаб ўтган замонлар
Туш ё афсонага ўхшарди пича.
Олисдан кузатсанг эл ҳаётини,
Кимдир зол туюлар, кимдир – авлиё.
Айниқса, безатар Шоир зотини
Ҳаёлда мавж урган самовий зиё.
Бунга мисол ҳам кўп:

Ана – Навоий,
Ғазали оташдай порлаб-ловуллар.
Қўлида – қалами,
қозонда – мойи,
Хизматида – юзлаб чўрилар, қуллар.
Уни совуқ елдан асрарган ҳатто
Изини ўпган боғ,
кўқ ўпар қаср;
Мушоираларда ҳаммадан аъло,
Мажлисда – уламо,
саройда – Вазир!

Буни кам десангиз, эсланг Бобурни,
Ўтдан-чўққа отиб давр дардисар,
Кўп жангда қонаган бўлса-да бурни,
Шоир деб у зотни,
шоҳ кўтардилар.

Ёдламас ҳукмин эл,
ёдлар ғазалин,
Фақат тарихдадир ҳукмдор номи.
Оёғи остида
буюк бир замин,
Бор экан ҳаттоки шахсий ҳаммоми.

Бизнинг Бобораҳим ризқи-рӯзини
Топгандир эҳтимол дафтар қўлтиқлаб.
Тилга оладилар ахир сўзини
Тўйларда завқланиб,
азада йиглаб.

Байтлари ёйилгач боғу даштларга,
Иноят этгандир балки Илоҳим:
Амир бўлмаса-да мулки Қашқарга,
Бирон-бир шахрига бўлгандир ҳоким.
На бўлгай у томон айласак сафар,
Дунёни кўрардик, дам ҳам олардик.
Агар ҳокимтўра таклиф этсалар,
Майли, ёнларида ишлаб қолардик.
Шуйтиб йўлга чиқди тўрт танти ботир,
Бир вакт мўлжалга ҳам етишди, қаранг:
Сўроқлаб-дараклаб,

Машрабни охир

Чет бир отхонадан топишди аранг.
Наҳот мева тугмай тўқилди ғунча,
Наҳот буғдой сепиб,
сомон ўрамиз?..

(Мехмонлар эсини йифиб олгунча
Биз йўлнинг бошига қайтиб турамиз.)

9

Айрилик...

Айрилиб бўлмайди енгил:
Кетди Бобораҳим қалбда тош билан:
Торкўча бошида она ва сингил
Кузатиб қолишиди кўзда ёш билан.
Сафарни бошлиашди устоз ва толиб,
Бола қўлтигида азиз “Куръон”и.
Жийдакапа бўлди уфқда ғойиб,
Кечдилар Норин ва Қорадарёни.
Карвон йўли билан туташгач дарё,
Кузатди Балиқчи қўлда тўр ила.
Ғариб қишлоқларда дам олиб гоҳо,
Етди Андигонга шогирд ва мулла.
Ҳар кун сал ўзгача юз очиб олам,
Ҳар кун беш мачитда ўқишиб намоз,
Ортда қолдирдилар Ўшбувани ҳам
Юксакка интилган шогирд ва устоз.
Чарчоғу хатарга қилмасдан парво,
Кўркам отахон ва жўшқин расида
Бир жума ниҳоят бўлишди пайдо
Қашқарнинг муборак остонасида.

Хусниддин ШАРИПОВ

Мехробга яқинлаб бўлмасди аммо;
Иковлон эл билан тушиб мақомга,
Оллоҳга дил-дилдан айтишгач сано,
Бош эгиб боришди ҳазрат имомга.

10

Ҳазратнинг кўзида йилт этиб учқун,
Бобораҳим сари қилди ишора.
Тилини ростлашга улгурмай Охун,
Ўкириб юборди бола бечора:

*“Даргоҳингга бир ожизу ағзор келибман,
Арзи дилими айтмак учун зор келибман...”*

– Ё Раб, тугилдими яна бир Ҳофиз? –
Дея, ёқасини ушлади ҳазрат.
...Авжлана бошлади лекин шу боис
Боланинг дилидан ўрлаган ҳасрат:

*“Йўқдир менинг илкимда сенга тұхфаи лойиқ,
Жұз зилли гунаҳ эл ичіда хор келибман...”*

– Ҳофиз – ер фарзанди! – Имлади Охун; –
Бу эса қўл чўзар нуқул самога.
...Боланинг охлари, бамисли тутун,
Ёйилиб борарди аста ҳавога:

*“Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,
Жон нақди билан сенга харидор келибман...”*

– Ҳар бир бош Оллоҳнинг тоши экан-да,
Биз фақат нишонмиз, – хўрсинди имом.
...Тақдирнинг савдоси пишган дўконда
Боланинг арз-ҳоли этарди давом:

*“Лутф бирла қарам айла-ю, дардимга даво қил,
Дармон тилабон соҳиби озор келибман...”*

Ҳазратнинг нигоҳи сўфида тўхтар,
Қарорин оҳиста қуяр қулоққа:
– Отаси ўтинчи ўтганга ўхшар,
Бу ҳам хизмат қилсин тандир, ўчоққа!

11

Ҳа, вақтдан адашмас тақдирни азал
Ҳар кимга улашар экан улушин.
Энди Бобораҳим тушунди сал-пал
Ҳаётда ўтин ҳам керак бўлишин.

Ана, кир-адирга ин күйиб боғлар,
Хув, түқай бағрида эркаланар сой.
Уларнинг ҳар бирин жонидай асрар,
Бегона кўзлардан авайлаб Олой.
Муридлар забт этмиш пасту баландни –
Уйғурлар, қайсоқлар, қипчоқ, қирғизлар.
Бири даволатмоқ истаса танин,
Бири касб-корига күшойиш излар.
Бири ката тикиб кутса навбатин,
Бири бурга боқар,

эгни – юз ямок.

Лекин барига ҳам керакдир ўтин,
Ахир ҳаққин сўрар тақиллаб томоқ.
Бобораҳим эса,

елкада арқон,

Арра ва болтани олиб қўлига,
Шўрликлар дардига бўлсин деб дармон,
Хизматни бошлади Худо йўлига:
Тўнкани тўрт бўлиб, юлғунни юлиб,
Ўрик сочин ўриб, арча бутади...

Ўтинчи боладай югуриб-елиб,
Фақат ой-кун эмас,
йил ҳам ўтади.

Тезда бўлиб қолди унга қадрдон
Ошпаз, чойхоначи, гўлахигача.
Қўшқўллаб кутарди ҳар бир тирик жон
Унинг шох-шабба-ю, фўласигача.
Хосият кўп экан меҳнат қилишда,
Пўстинлик бўлди у ниҳоят “бойиб”:
Ичкарига олса юнгини қишида,
Ёзни ўтказарди тескари кийиб.
Рўшнолик кўрсатган чогда табиат,
Бир хом хисоб-китоб уни эзарди:
Ҳар янги чўққига ўтаётган пайт
Осмон узоклигин кўпроқ сезарди.

Уч сакраб,
балогат ёшидан ўтгач,
Амали янада ёзиб кенг қулоч,
“Об-оға” аталди
хукмида – обкаш,
Хум, пақир, обдаста, кўзаю саноч!
У жарнинг лабини чўқиб қушдайин,
Не-не булоқларнинг очиб кўзини,
Каттаю кичикни таниган сайин
Таниб борар эди ўзи ўзини.

Хусниддин ШАРИПОВ

Таҳоратхоналар чорларди уни,
Эшигин очарди унга дахлизлар.
Чолларни қўйинг-ку,
жонфизо сувни
Кутарди ҳаттоки назира қизлар.
Уларнинг бирига
бизларнинг Мажнун
Челагин тўлдириб берәётган чоғ,
Синамоқ бўлдими қув гардуни дун,
Кўллари тўқнашиб қолди баногоҳ.
Қиз сесканиб кетди мисоли оху,
Лекин сир бермасдан
сайёдга ўлжа,
Деди: – Соқолингиз чиқиб қопти-ю,
Наҳотки ақлингиз кирмаган бўлса?!
Қиз,
юзин очмасдан,
қайтди изига,
Лекин Бобораҳим шунга ҳам рози, –
Гўзал одимлари қолди кўзида,
Кулогида эса –
ширин овози.

12

Вакт ўтар,
тошлар ҳам тўкила бошлар,
Қадрини йўқотмас фақат дурдона.
Аҳли мурид аро кўпайиб ёшлар,
Шоирга бўларди кўпроқ парвона.
Бири йўл сўраса,
бири қўл сўрар,
Бири соясида юрмоқ истайди.
Ҳаёт-да:
чўккалас қолса йўлқувар,
Оёқ топмаганин
бармоқ истайди.
Бобораҳим эса берарди жавоб
Гоҳ қора сўз билан, ғазал билан гоҳ:
Ерга ҳам, қўкка ҳам рост сўзлар Жаноб,
Ёлғон –
шайтонга хос азалий гуноҳ!
Шу сабаб хуркак ё устаси фаранг
Тушини айтади обиравонга.
Эҳ, ғариб, ростингни айта олмасанг,
Не учун келувдинг ёруғ жаҳонга?

Ҳаёт тарозуси одилдир фоят,
“Тўғри сўз – ўқли сўз” деганлар ҳақдир.
Ўқ эса нишонга тегиб ниҳоят,
Захарли нишини
кўрсатди тақдир:

13

Чин дилдан,
умид-ла табаррук атаб
Қашқарнинг ҳаттоки оддий тошини,
Минг-минглаб намозхон этган эди забт
Жоме масжидининг ичу ташини.
Бир бола жойнамоз узра ўлтириб,
Боқмай атрофдаги ёшу қарига,
Ўзи билганича оят келтириб,
Инсоф тилар эди рақибларига.
Намоз тугади-ю,
кўпди қиёмат,
Худди сабру сафо топгандай завол:
“Ҳаром бўлди-ку, деб, тоат-ибодат”,
Болага ташланди
бир эчкисоқол.
– У изхор айлади дилда борини,
Ёшлар янгишар-ку
сўзламас ёлғон.
Оллоҳим тушунгай унинг зорини, –
Дея Бобораҳим бўлди андармон.

Кўп ўтмай,
учовлон бошларин эгиб,
Ҳазратнинг пойида бўлдилар пайдо.
Ҳазрат ҳам ютмоқни ўйлар гон тикиб,
Демак, ҳеч нарсага боқмас бепарво.
Рост-да, ўзингиз ҳам ўйлаб кўринг бир,
Акиллашаверса ҳадеб бу итлар,
Титраб пойдевору асаблар зир-зир,
Тарқаб кетмайдими барча муридлар?!
Сўнг болага боқди: – Тавба қил, ёш қалб!
Зоҳидни алқади: – Пирлар сенга ёр!!
Шоирга хукм этди:

Сен эса, Машраб,
Мастсан – хору хассан,
Отхонага бор!!!

Машраб... Машраб?.. Машраб!
Бу гаройиб сир
Ечилди эшоннинг баҳонасида:
Шоирнинг умри ҳам ўтарди ахир
Энг олий муҳаббат майхонасида!
Тун-кун ҳамроҳ бўлиб мастона илҳом,
Ўтиб манзиллару, ойу йиллардан,
Ишқнинг қанотида

Машраб деган ном

Ҳаволаб,

жой олди дардли диллардан.

Шоирга заҳматлар этса-да инъом,
Ўзи юксакларда ўлдуздай порлаб,
Ғазаллар безаги –

Машраб деган ном

Ҳамшаҳарларни ҳам келтириди чорлаб.
Ҳайрон бўлса ҳамки тўрт азиз меҳмон,
Бериб ўлтирумади ортиқча савол.
Совға-саломларни қилиб дастурхон,
Ҳазил-хузулларни бошлишди дарҳол.
Жилмаяр Латифжон мўйловни бураб:
– Йўлга кириб қолди Ҳасан-Ҳусаним.
Юрмайман ҳеч кимдан садақа сўраб,
Шулар – мол-давлатим, ясан-тусаним!
Чидаб тура олмай келгунча гали,
Вазир – яъни Икром қўшилди гапга:
– Эҳ, ошна, кўрармиз ҳолингни ҳали,
Фотима-Зухролар кирганда сафга!
– Оёқлар кўпайсин, – Аскар рад этар, –
Биздек кошибларнинг ризқи-рўзи бу!
Жалол дер: – Давлатим ҳамманга етар,
Соямни ўпсанг бас, –

Шохнинг сўзи бу!

Сен-чи, Бобораҳим, нега шунча вакт
Сўққабош юрибсан дунёда дайдиб?
– Етти қат осмонда мен излаган баҳт,
Қайга ҳам борардим бу йўлдан қайтиб?!
– Балки насибангни Эгам аслида
Оёғинг остига сочиб қўйгандир,..
– Мен етмоқ истайман

Унинг

васлига,

Нетай, йўл излаш ҳам роҳатбахш фандир.
– Э, шунга шунча от боқмоқдамисан?

... Яна қаҳқаҳлардан шамол қўзгалди.
Сув ичиб, ўт чимчиб атрофда юрган
Отлар хам бехосдан силкиниб олди.
Она орзуларин эслашди кейин,
Эслашди умрнинг расамадини,
Муқоми оташли, сухбати майин
Намангонлик қизлар ҳашаматини.
Бобораҳим эса,
 ўзини босиб,
Бор-будин қовуриб-қайнатиб келди.
Ниҳоят,
 улфатлар ҳордигин ёзиб,
Ёркентда озгина ўйнатиб келди.
Сўнг хайру хўшлашди тўртовлон хуррам,
Ўзлари айтгандек,
 яйраб, туз татиб.
Бобораҳим эса,
 кипприлари нам,
Қолди йўл бошида ёлғиз кузатиб.

15

Аслини айтганда,
 эмасди ёлғиз,
Фақат ташна эди ҳаёт болига.
Хув, ана, бутазор оралаб, бир қиз
Пинҳона куярди унинг ҳолига:
“На бир сирдоши бор, на бир ҳимоя,
У – худди халтасин йўқотган гадо...”
– Ассалом алайкум... Тинчликми, – дея,
Рўмолин остидан учди бир садо.
Уйғотиб юборди Сайёдни Оҳу,
“Эҳ-ҳай.. Назира-ку! –
 этди у қиёс, –
Одим олишлари сал гўзалроғу,
Ўша-ўша ахир бу ширин овоз!”
Биринчи муҳаббат... Биринчи висол...
Киши сезмай қолар ўнгу чапини...
Шоир бўлса ҳамки,
 қочганда хаёл,
Зўрга-зўрга топар излаб гапини.
– Айтинг-чи, – куйган қўл ёндашди қизга, –
Ақлим кирибдими, кирмабдими ё?
– Биз бир заифамиз, ақлимиз қисқа, –
Дея қиз рўмолин очди сал қиё.
Гулми ё гулзорми? Парими ё хур?
Ё бахти кулдими қиз суратида?
Югуриб ўтди-ю томиридан нур,
Фазал ғимирлади қалбнинг қатида:

Хусниддин ШАРИПОВ

*“Күрдим юзингни, девона бўлдум,
Ақлу ҳушумдин бегона бўлдум.*

*Тортаб жафолар ўлсам қўйингда,
Қайтмасман ҳаргиз – мардона бўлдум”.*

Қиз оғзи очилиб қолди ҳайратдан, –
Ана дурхона-ю, тил учи – ана...
Ишқ бўлса шоирни ёниб сайратган,
Тилсизни ғазалхон қилгувчи – Ана:

*“Кавсар шароби ёдимга келмас,
Лаъли лабингдан мастона бўлдум.*

*Юмдум кўзумни сендин бўлакдин,
Кечдим баридин,
риндона бўлдум.*

Қиз бундай сўзларга дуч келди илк бор,
Ахир китобда ҳам йўқ-да бу сўзлар, –
Муриду чўрилар,

овламасдан ёр,

Фақат у дунёning лаззатин кўзлар.
Пастда – Қашқарсойни тутарди тўлғоқ,
Ўйчанрок куйларди бунда қушлар ҳам.
Нонин ҳалолларди туну кун уйғоқ
Кўш кўл, қўш оёқли исковучлар ҳам.
Ўша сергакларнинг ана биттаси, –
Мехмонлар жўнагач,

ўчганча кетди.

Қиз-йигит изини яна биттаси
Бироз кузатди-ю,

учганча кетди.

Турган бўлса ҳамки ёшлар ёнма-ён,
Шошарди янада яқин йўл излаб.
Шоир ўз дардини этарди аён
Сатрда сансираф,

кўнгилда сизлаб:

*“Ишқинг майига тўлди бу жисмим,
Ҳам соқи-ю ҳам паймона бўлдум.*

*Бир қатра эрдим – чўмдум денгизга,
Кирдим садафга – дурдона бўлдум”.*

Қиз кўзи сузилар,
қизнинг тили лол,
Қанот қоқарди у тасаввурида:

Жаннат деганлари шудир эхтимол,
Ахир сузарди у
севги нурида!..

16

Улар кўчган сари сокин авлокқа,
Изма-из соялар тугила борди.
Қандайдир шарпалар кириб қулоққа,
Юракда ваҳима йигила борди.
Кимдир пистирмадан чиқди югуриб,
Кимдир ҳамла қилиб,
кўтарди ғовға:
Қизни ҳайдадилар пичоқ сугуриб,
Бобораҳим эса –
қолди қуршовда:
– Ҳай, Ҳазрат билсалар, жазолар сизни!
– Тушингни сувга айт, ана – Ҳазратим!!
Қон тепди мияга:
“Сезибди исни,
Энди кор қиласми арзу баҳсларим?”

17

Ҳа, ит таталарди гўё чол ичин:
“Йўлдан урибдики бугун чўримни,
Чорасин кўрмасам,
эрта ё индин
Пайҳон қилиши ҳам мумкин гўримни...”
Эшон мис муҳрини ечиб бармоқдан,
“Қиздириб кел” дея, чўзди сўфига.
Сўнг чақди вишиллаб:
– Шундай даргоҳдан
Топганинг арзирми чархнинг чўпига?
Илоҳим қасрига қидириб шаҳроҳ,
Қаро ер титдинг-ку, қандай боласан?
Ётқизинг –
(Босдилар...
Янада пастроқ...)
Мана, насибангни тўлиқ оласан;
Муҳрни келтиринг! –
Пайпаслаб аста
Асир бечоранинг кифт ва бўйини,
Таниш пайтомирни топди бир пасда
Ва муҳрни босди...
(Тақдир ўйини
Не-не қўшиқларга багишлайди жон,
Не-не саволларга беради жавоб, –

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Бу даҳшатни эса этади баён
“Девонаи Машраб” аталган китоб.)
– Бўтам, тўрт томонинг қибла бўлса хам,
Олдингда – битта йўл бугундан бошлаб, –
Дуога қўл очди Ҳазрати олам, –
Нияting ёр бўлсин!..

Ингради Машраб:

*“Куймас, дедилар, маъмураи ганж,
Обод эдим мен, вайронга бўлдум.*

*Машрабга май сун майхона ичра,
Масжидга кирмай
мастона бўлдум”.*

ИККИНЧИ БОБ

*Минг шўру фиғон бирла, ҳай-ҳай, не бало келди,
Жон қичқирадур қўй деб, ханжарни оло келди.*

*Қўлига олиб фўлод, қошимга келур жсаллод,
Қилди мени бебунёд, тиги гузаро келди.*

*Кетсам бу алам бирлан, юз коҳииши ғам бирлан,
Савғои санам бирлан хуш даври сафо келди.*

*Рози бўлайин ўлсам, жон бергунча бир кўрсам,
Мундоғ не бало бирлан шиддатли қазо келди.*

*Захматга қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,
Ул жавру жафо подош, тиклаб югуро келди.*

*Девонаи Машрабсан, қўрқуб нега йиғларсан,
Ошиқ кишига ўлмоқ айни муддао келди.*

1

Ўз хузурин ўйлар ҳар ёш ё кекса,
Яйраб-яшинайин деб туғилар инсон.
Хур яшаб ўрганган шоирга эса,
Азоб берар эди ҳаттоки иштон.
Кун-бакун шўрликнинг қовуғи қақшаб,
Бўйсунмай қўйганди вақтга пешоби.
Лекин ўлтиrolmas чаккасин қашлаб,
Бузилгач ҳаётнинг ҳисоб-китоби.
Томошагох бўлиб у ўтган кўча,
Ўзи ҳам тилларда эртак бўларди.
Бу гап етиб борса Назирагача,
У ахир не деган эркак бўларди?!

Ниҳоят Ёркентдан излади панох,
 Лекин бу жойда ҳам қотмади тери:
 Хұмрайиб бокқандай тууларди, ох,
 Бир вакт дүстлар билан яйрашган ери.
 Айникса болалар қылғанда “уюк”,
 Тура олмасди у юзни ўгириб.
 Құвлаб қолар эди галани гумрох,
 Күтурған нортая каби ўкириб.
 Давра чекинса-да сурон күтариб,
 Изига қайтарди бир пасда тағин.
 Тортқылаб кетарди баъзи бир ҳариф
 Тескари пўстиннинг нимдош этагин.
 Не ҳам деб бўларди:

кўпи ҳали ёш,

Ғайрати шоввадек кўпирар эди;
 Бири “Жиннвой” деб унга отса тош,
 Бири “Девона” деб тупурар эди.

Тани ва жонини қучаркан заҳар,
 У дарё бўйига қочди югуриб.
 Ганимлар ҳай-ҳайлаб етгунга қадар
 “Бисотин” мавжларга тўқди улгурниб.
 Кейин имо қилди:

– У ҳам, бу ҳам сув;
 Қаранг, адашгандай йўлидан сайёр,
 Онага ичикиб ётган эди у,
 Эрк бердим,
 қовушди иккови такрор.

Энди бузавермай сиёқингизни,
 Ҳадеб қилавермай “оламни ислоҳ”.
 Учинг қўлга олиб оёғингизни
 Онаизорингиз ёнига тезроқ!
 ...Болалар анграйиб туришгач бир пас,
 Эс-хуш ва қўзлари ёришган замон
 Югуриб кетишиди:

уй-уйга эмас,
 Мактаб, мадрасаса-ю, охундлар томон.
 Шогирдлар еткизган антиқа хабар
 Ғалатроқ туюлиб устод дилига,
 Зимдан ташладиу уларга назар,
 Қайтариб юборди келган йўлига:
 – Бай-бай, қуритибсиз меҳр булоғин,
 Бегуноҳ инсоннинг қўзини ўшлаб.
 Боринг,
 узр айтинг ўпиб оёғин,
 Ахир авлиё у!

Ахир у – Машраб!
 Болалар неча бор соҳилни бўйлаб,

Хусниддин ШАРИПОВ

Дараклаб чиқиши Машраб исини.
На бутазор аро, на күча-күйда
Топиша олмади лекин изини.
Пўк сўзлар,
санчилиб мисоли ханжар,
Азоб беравергач бечора жонга,
Шоир “бормикин, деб, биронта ҳамдард”,
Ўтиб кетган эди Хўтган томонга.

2

Жон ташвиши билан яшаса эчки,
Қон ташвиши билан кун кўрар қассоб.
Шунинг-чун биримиз бўлмасу икки,
Роҳат умиди-ла экамиз азоб.
Йўллар ўзгарса-да,
ўзгармас тақдир,
Офтоб гўёки чўғ бу ўлкада ҳам.
Соябон топмагач не қилсин факир,
Ёшлар куш каби шўх бу ўлкада ҳам.
Хуллас, саргаштанинг мадори куриб,
Ичини ит бўлиб ўқинч таталар.
“Сувни булғаш шартми, шунча ер туриб”
Дея қитиқларди ҳатто катталар.
Машраб нима қилсин?

Арзу дод увол,
Улардан қайтмайди ахир акс-садо.
Сўкинайин деса йўл қўймас соқол,
Лекин индамасдан кетиш ҳам хато!
Шоир кулиб деди:
— Зувалангизни
Бир вақт шу тупроқдан олишган экан.
Мен эса,
покиза қолсин деб сизни,
Дарёни ўкситдим,
кечирсин Эгам!

...Билмай на кулишу, на куйишини,
Тил тишлиб қоларди ҳазилкаш одам.
Манглайда тобора ортиб ажини,
Машраб тарк айлади бу диёрни ҳам.

3

Энди қайга борсин?
Кўзни тиндириб,
Одамлар подадай оқар тўурт ёнда, —
Кимнингдир уммонда томоги қуриб,

Кимлардир адашиб юрар ўрмонда.
Булбулигўёлар оғзида толқон,
Кўзлар – аланг-жаланг,
кулгилар сохта,
Хақиқат кифтида рақс тушар ёлғон,
Хақорат –
ундан-да юқорироқда!
Кимдандир бўрининг,
кимдандир куртнинг,
Кимдандир маймуннинг келмоқда ҳиди.
Оллоҳим, дунёни не учун қурдинг,
Инсонни қай қўлинг яратган эди?
Тўлғаниб ҳаволар, бамисли тутун,
Тириклар кўксидан узилган фарёд.
Улар қулоғингга етмас не учун,
Ё юртни оҳу дод этгайми обод?
Хўп, қўлим қисқа-ю, оёғим чўлоқ,
Сенга жоним билан етгайми оҳим?
Киши ўз жонига қасд қилса – гуноҳ,
Жонимни ола қол ўзинг, Оллоҳим!
Жоним айтиб берар Арши аълода
Замин ва одамзод ҳикоясини:
Мен кўрмоқ истардим
ёруғ дунёда
Зулм ва зулматнинг ниҳоясини.

4

Шундай инграр экан кўнгил яраси
Ҳаётга ишончи қолмасдан зарра,
Олдда пайдо бўлиб одам қораси.
Шоир кифтда сезди яна бир зарба:
Алп йигит экан у –
хушрўй, хушмўйлаб,
Момиқдай шудгорда жўяқ тортарди.
У ўйнатган сари кетмонни куйлаб,
Шоирнинг ичida дарди ортарди.
Наҳотки ғазалда унинг ўчи бор, –
“Кавсар”ни “капттар” деб айтарди йигит;
Мундоқ зехн қўйса,
ана, неча бор
“Айёр”ни “эй, ёр” деб қайтарди йигит.
Саҳвлар сактага бўлиб омухта,
Ўқдайин ўтарди Машраб жонидан, –
Ахир ҳар сўз тугул,
ҳаттоқи нуқта
Туғилган эди-да томчи қонидан.
Дуруст бўлармикин юмиб ўтса кўз,

Хусниддин ШАРИПОВ

Ҳаётда “қонга – қон” деган гаплар бор.
Талаб қилаётир ўз ҳаққини Сўз,
Демак, адолат ва ҳимоя даркор!
Авайлаш ярашмас бу йўлда жонни,
Машраб ҳам қайтмаган асло йўлидан.
Аста-аста бориб,

раккос кетмонни

Шартта юлиб олди йигит қўлидан.
Шоирнинг қўлида ракс тушган кетмон,
Тинглаб ўлтирмасдан дехқон додини,
Кўз очиб-юмгунча айлади яксон
“Жўяқ” деб аталган ўз ижодини.
Машраб ёқасига ёпишиб, силтаб,
Кўкларга таралди йигитнинг зори:
– Не учун буздинг, айт, жўяқда не айб,
Йўқ эса ўлдиргум сени, безори!
Энди шоирнинг ҳам чиқиб фифони,
Момақалдириқдай айлади хитоб:
– Мен не-не азоб-ла қурган бинони
Айт-чи, не сабабдан айладинг хароб?
...Бу ҳавойи таҳдид бу юпун беор
Кулгили қўринди дехқонга фоят:
– О, телба, бу уй-жой бувамдан ёдгор,
Қани сен мақтаган ўша иморат?

– Мен қурган иморат – тилинг учида,
Сен менинг сўзимни айладинг пайхон...
Нелардир ёришиб-сўниб ичида,
Йигит боқиб қолди бир лаҳза ҳайрон.

Сўнг,
кандайдир сирдан бўлғандай огох,
Шоир оёғига урди бошини:
– Кечиринг, ҳазратим, танимабман, ох,
Бўлмаса,

ёғдиринг лаънат тошини.

На чора,
яшаймиз гоҳида додлаб
Оғир иш, ёлғизлик, алам-дардлардан.
Газалларни эса олгандим ёдлаб
Қандайдир дарвишу қаландарлардан.
Хаёл бўғавермас қўшиқ бўлса ёр,
Уйқу ҳам бузилмас – ҳалолдир ноним.
Энди бир илтимос:

қилмасангиз ор,
Онҳазрат, уч-тўрт кун бўлинг меҳмоним.

Кун ўтиб,
жойнамоз ёзиб беш маҳал,
Икковлон нафасдош бўлиб қолиши.
Тунда уйқу қочса –
ёдлашиб ғазал,
Тонг отгач,
янгидан жўяқ олиши.
Гарчи эшитмаган бўлса-да йигит
Меҳмоннинг у ё бу дарддан нолишин,
Сезарди,
шўрликнинг таъби бўлиб хит,
Тез-тез бир хилватгоҳ истаб қолишин.
Шунинг-чун ийманиб,
хайр-хўш чоги
Бир ўрам кўктолқон узатди кафтда:
– Минг бир дардга даво. Ҳаётбахш огу.
Бу ҳам бувамлардан мерос, албатта.
...Шоир шод айлади йигит дилини
Меҳмондўст даргоҳни тарқ этаётуб,
Нотаниш толқоннинг бир чимдимиши
Тилининг остига нос каби отиб.
Сўнг олиб ҳассасин қўлига Сайёҳ,
Уфқ узра қолдирди Тагламаконни.
Тарқаган бўлса-да тандаги чарчоқ,
Хавотир ўртарди бечора жонни:

– Оллоҳим, минг шукр, ёруғ оламда
Бор экан ўзингга ўхшаганлар ҳам.
Паноҳ топар экан қийналган дамда
Бир умр мен каби қақшаганлар ҳам.
Киши ўла қолмас қонаса бурни,
Ох, буни қаёқдан билибман, кечир.
Бош узра туғ каби тутиб фуурни,
Мен нодон шаккоклик қилибман, кечир.
Баҳорни уйғотиб очилган гулда
Юзингни кўрмабман,
кўзим кўр экан.
Фақат боғлар эмас,
ҳаттоки чўлда
Изингни кўрмабман,
ақлим ғўр экан.
Шаббода шивири, анҳор қўшиғи
Ширин алланг экан,
сезмай ўтибман.

Хусниддин ШАРИПОВ

Очилиб турганда иқбол эшиги,
Каллам гаранг экан,
сезмай ўтибман.
Хақнинг жамолига,
хаққоний сўзга
Энди очилмоқда кўз ва қулогим.
Пушти паноҳим йўқ ўзингдан ўзга,
Бандангга раҳм айла,
кечир, Оллоҳим!

7

Қийнаб юборгандай бу нолаю зор,
Ўрнин Тяншанга топширди Олой.
Оқ йўл тираб қолди Оқсув, Қорасор,
Сувдай оқиб ўтди неча ҳафта, ой.
Саратон офтобин тутганда тўлғоқ,
Шоир ҳам режани тузиб янгича,
Кундузи дам олгач,
йўлини кўпроқ
Давом эттирарди шомдан тонггача.
Кўк тоқида эса,
нафас уфуриб,
Кенгайтирар экан Кутб дарзини,
Дардкаш “Олтин қозик” мардона туриб,
Тингларди Машрабнинг ўтли арзини:
– Ҳорма ҳеч, юлдузим, шамларнинг шоҳи,
Айлаб энг улуғ зот хизматин адо!
Айтгин-чи, юз очиб Оллоҳ даргоҳи,
Сал ором топгайми мендай бир гадо?
Сен равшан торгасан ёнганинг сари,
Мен ёниб битмоқни қиласман орзу...”
Хуллас, битар-битмас Шоир дардлари,
Яна тун ўрнини кучарди ёғду.
Қадами пешланиб йўл юрган сайин,
Кимгадир дил очиб, кимдандир ажраб,
Иликсой бўйига етиб борганин
Ҳатто сезмай қолди ўзи ҳам Машраб.

8

Сой эмас,
баджаҳл дарё эди у,
Гоҳо ўнг, гоҳ чапга уради ўзни.
Мавжлар ютворарди кўтариб шов-шув
Нариги соҳилда айтилган сўзни.
У томонда эса –
қандайдир байрам,

Нигоҳлар порларди,
портларди хислар.

Санъатин намойиш этарди хуррам –
Юзтами, кўпроқми – чавандоз қизлар.
Бирлари коптокни айласа улоқ,
Бирлари ненидир қилар эди ов.
Завқу ҳайрат эса,

куттирмай узок,
Шоирнинг қалбida қўзғади олов.
Кечик истаб кетди қўзлари ёниб.
Топди...

Таваккални жо қилиб дилга,
Харсангдан харсангга қуш каби қўниб,
Яқинлашаверди қарши соҳилга.
Қадрдон ҳассаси

хатарли чоғда
Гоҳ илгак бўларди, гоҳ эса – тиргак.
Бос!..

Олға!!..
Тўсатдан: – Ҳой ўгри, тўхта! –
Дея, қўл силтади олдда бир эркак.
Бошин қўтарди-ю,

оёғи тойиб,
Машраб қулаб тушди асов тўлқинга.
Яна,

илмоқми ё суюнчиқ топиб.
Азамат ҳассаси қўл келди унга.
Қирғоққа чиқди-ю,
ганги迪 бироз
Танимай қаддини қучган “кўски”ни
Уч ийллик чанг-чунгдан бўлганди халос
Ва кулиб турарди содиқ пўстини.
Рўпарада эса,

ҳамон мушт қайраб,
Унга ўкирарди дарғазаб навкар.
Аммо эшитмасди ҳеч гапни Машраб,
Ақлин забт этганди пари-пайкаллар:
Ҳар нигоҳ – оташдон,

нафаслар – озод,
Беллар ҳам қўлдаги қамчидай хипча!
Даврани янада айлади обод,
Барқ уриб,
кўзлари сузук бир қизча.
“Ким у?” деб банди кўп бўлса-да хуноб,
Ечила қолмади жумбоқ тугуни;
Бериб ўлтирмасдан тентакка жавоб,
Навкар

ясовулга топширди уни.

Тергов...

Хайф кетди вақт...

Асир масть каби

Ҳамон тақрорларди бир сўзни: – Ким у?

Охир ясавулнинг портлади сабри:

– У бизнинг Малика! Оппоқойим у!

Энди айт, ўзинг ким? Қайдан бўласан?

Бу юртга келмоқдан мақсадинг надир?

Дўст бўлсанг – марҳамат,

йўқса – ўласан,

Шу ерга кўмамиз...

Қани, хўш, гапир!

– Кўумгани шошманглар мени бугунча,

Ҳа, она-боладир сабр ва савоб.

Мен ахир

“Номаҳрам деган тушунча

Бу элга ёт-ку!”

деб чекувдим азоб.

– Оббо... Муслиммисан?

– Алҳамдулиллоҳ!

– Бу эса – ажали етганинг сўзи.

– Рутбангиз қозими, амирми ё шоҳ?

– Бўпти. Юр... Ҳукм этсин Тождорнинг ўзи!

10

Шоир

зарнигорий саройга кириб,

Тождорга арз этди, ўшиб тахтини:

– Ҳозир, Олийҳазрат, имон келтириб,

Ўйламоқ ҷоғидир эл-юрт баҳтини.

Наҳотки кўнглингиз бўлмас алагда

Борлиқни маҳв этиб қиёмат-қойим,

Шунча гулғунчалар ёнса дўзахда,

Қоврилса ҳаттоки Малика ойим?..

Бундай башоратни кутмаган Тождор

Бир лаҳза турдию хаёли чангиги:

– Хўш, билсанг, ўзинг айт,

не қилмоқ даркор? –

Деб кулди,

жаҳлини мардона енгиб:

“Ҳа, ҳаёт йўллари гоҳ паст, гоҳ баланд,

Ҳатто осон эмас ҳукмдорга ҳам.

Мўмин мушрик билан,

ожиз зўр билан

Бу дунё неъматин кўради баҳам.

Хайрият, тилимиз бесүяк ҳамон,
Шукрки, муроса деган гаплар бор.
Бу дайди йигит ҳам,

бўлса соғ-омон,
Бирор бир юмушда келиб қолар кор...”

У эса мезбонга ўша ондаёқ

Янги бир дунёни айлади инъом:

– Одамзод йўлига тутар шамчироқ

Ягона Оллоҳим, биргина Ислом!

Дафтарга битишгай Арши аълода

Ҳар кимнинг ҳар амал, ҳар ниятини.

Ҳазрат, эта қолинг менга ҳавола

Бу басир ёшларнинг тарбиятини.

– Биз-чи? Қоламизми илмдан қуруқ,

Не бўлар отаю оналар иши?

(Улуғ кимсаларнинг фикри ҳам улуғ,

Ҳа, ха, эҳтиёт бу, эҳтиёт – яхши!)

– Ҳар савоб юмушга тайёрман, тайёр,

Бу йўлда қилмасман зарра ҳақ талаб.

– Нима еб яшайсан? Қандоқ қасбинг бор?

– Мўмин рўза тутар ойлаб, хафталаб...

– Очдан ўласан-ку!

– Тўқ кўнгил ўлмас,

Ёдда тутилса бас Оллоҳкаримни.

– У ҳолда кўнгил деб берасану дарс,

Қорин деб боқасан туяларимни.

11

Хайрият, куймади сих ҳам, кабоб ҳам,

Мана,

“Бисмиллоҳ” деб бошланди сабоқ.

Ҳали тутмаганди ёш кўллар қалам,

Бармоқлар билса-да нелигин саноқ.

Кўзга нур югурап

қизнинг тилидан

Парвоз айлаганда “Оллоҳу Акбар”.

Сўнг устоз

шогирдни тутиб қўлидан,

Вали, анбиёлар сари етаклар.

Жаннатдан Румийнинг нафаси эсса

“Висол лаҳзалари етиб қолди” деб,

Шоир хун бўларди,

толиба эса

Қочворар

“дўстларим кутиб қолди” деб.

Румий ҳикматлари вазминдир ғоят,
Ярашмас ниҳолга тогни юкламоқ.
Чўзилиб кетса гоҳ баъзи бир оят,
Ахир, айб саналмас...

ҳатто ухламоқ.

Хуллас,
тасаввурга йўл очиб равон,
Ғазалга йўргаклаб Мусонинг номин,
Машраб
ўз билгича айлади баён
Мухаммад роз этган

Оллоҳ пайғомин.

Энди офтоб чиқиб икки тарафдан,
Ўзгача жаранглаб қўнгилнинг сози,
Этар барноларнинг кўзини равшан
Олис оламларнинг илиқ зиёси.
Саволга мингашиб йўртса-да савол,
Ҳаёт бўлса ҳамки қанчалар мубҳам,
Қанот боғлар эди дам-бадам хаёл,
Авжлана борарди илми маъруф ҳам:
Очкўз мол-дунёга қул бўлиб охир,
Саховат боғига дон сочар ҳалол;
Ёлғончи тил тишлаб,

чув тушиб олғир,

Камтар топар эди албатта камол.

Машрабнинг кўксидаги сўнмасди офтоб,
Не-не тўсиқларга бўлса-да дучор:
Охир
ҳикматларга тўлиб уч китоб,
Яйловда туялар кўз ёрди уч бор.

Тождор
атаса-да йўқсулни “устод”,
Она яшар эди жавдираб кўзи:
Кун сайин қад ростлаб мисоли шамшод,
Чирой очар эди
ягона қизи.

Афсуски,
мехнат – ҳайф, эсиз тарбия,
Энди тўсолмасди ҳаттоки шоир
“Кўп кутиб қолмасин дўстларим” дея,
“Лип” этиб турсаю,
кетворса шогирд.

Бир хафта ўтдими,
 бир ойдир балким,
 Ҳатто бошланмасдан тугади сабоқ.
 Қизини Машрабга айлади тақдим
 Ҳукмдор гап-сўзни чўзмасдан узоқ:
 – Ўзинг маликани қилдинг мусулмон,
 Ўзинг пиширган ош, –
 ўзинг оласан.
 То бу эл атаркан мени ҳукмрон,
 Сен энди ворисим бўлиб қоласан...

Йигит
 бу чўнг баҳтни этса ҳамки рад,
 Лаънатласа ҳамки тақдир тошини,
 Барибир
 пишмасдан қолди маслаҳат,
 Тождор
 чақирирди навкарбошини.
 Сўнг
 ҳайдаб кетдилар яйлов тарафга,
 Ўғри тутган каби –
 тўрт ёндан ўраб.
 Сўнг,
 кафтдай капада
 ўйнаб тарок-ла,
 Бироз зеболанди соқол ва мўйлаб.
 Сўнг,
 беш-ўн чол-кампир нимадир жавраб,
 Сеҳрлаб турганда дажжол кўзини,
 Шовқин-суронлардан гангиган Машраб
 Оқ ипак чодирда кўрди ўзини.

Рўпарада эса,
 эвоҳ, Оллоҳим,
 Малика туарди очилиб-яшнаб.
 Ана, бош эгди сал:
 – Марҳабо, Шоҳим,
 Ҳа, энди унвонинг бўлур Шоҳмашраб!
 Не учун кайфинг паст,
 очдими қорнинг,
 Ана қази-қарта,
 шароб tota қол.
 Мана, сенга маҳтал момикдай ўрнинг,
 Ухламоқ истасанг,
 майли, ёта қол.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Кучиб бораётир тоғу тошни тун,
Баттол сокчилар ҳам ухлар ҳойнахой.
Шоҳим, сурил жиндек,

ахир мен учун

Ёнингдан топилар тангадайин жой?!
Энди...

Мундоқ қилсак,

бундоқ бўлади...

(Киз куёв қўлини белга йўллади.)

Мана бундоқ қилсак,

бўлади мундоқ...

(Дириллар оқ бадан. Сийна ҳам қайнок.)

Мана мундоқ қилсак,

жон етар жонга...

(Ёр кафтин сурди қиз киндик томонга.
Ёт қўлни тегворди қандайдир “полвон”,
Кориннинг ичида бошлаб тўполон.)

Баттароқ қунушиб шоир бечора,

Сирли ҳомилага қилди ишора:

– Хайрият, ҳар ҳолда –

Хумойми, Чингиз –

Бор экан ишончли ҳимоячингиз...

– Билиб кўй, Шоҳ кўйса тахт сари қадам,
Ёнида туради шаҳзодаси ҳам!

...Куёвнинг қисилиб кўкрак қафаси,
Узоқ ётиб қолди чиқмай нафаси.

Қиз тинмас:

– Бир нарса ўқивор, жоним,
Қироат келтирап уйқимни доим.

Келин ўткир бўлса, куёв ҳам сергак:

– Бир нарса ўқишга... таҳорат керак, –
Шундай деб,

чиқар у хонаи хосдан.

...Ухлаб ётар эди сокчилар ростдан.

16

Шоир сўқмоқ оша авлоққа ўтиб,
Булоқнинг бўйида ювар экан юз,
Юксак-юксаклардан ўзини отиб,
Мавж узра чўлганди

қадрдон Юлдуз:

– Кутулмоқ чоғидир нодон йўлдошдан,

Кишанни ечиб от, – дерди у гүё.

Нурни

танга каби ўгириб бошдан,

“Оқ йўл” деб фотиҳа берди у гүё.

Кўз уйғок.

Қулок динг.

Еру кўк сокин.

Фулжа ухлаб ётар олис-олисда.

Машраб ҳам бузмасдан сукунат чокин,

Чекина бошлади охиста.

Сўнг югурга кетди.

Сўнг худди оху,

Ғирт-ғирт эзиб кетди адир ўтларин.

Фақат эслолмасди

Илиқсойдан у

Кечибми ва ёки учиб ўтганин.

17

Яна йўл тўлғанар.

Ғариб ё шариф

Қишлоқ ва овуллар қолди орқада.

Кимдир нон-чой берса, кимдир жой бериб,

Кимлардир вовуллаб қолди орқада.

Минг хил ўй ўғирлаб шоирнинг ҳушин,

Ичига сигмасдан кетганда дарди:

– Минг узр юзимнинг терслиги учун, –

Деб таниш Юлдузга нола қиласди, –

Бу дунё ишларин доим бири кам,

Кечир,

тушунмабман имоларингни.

Бегона ёқларга ташлабман қадам,

Обод этарман деб иморатингни.

Кўзим очиб кетди шом чоги офтоб

“Бу ёқда, дегандай, сенинг қибланг ҳам”.

Она Наманғоним, қиблагоҳ Онам.

Сезаман,

ёдида сақлайди ҳамон

Бир уй, бир даҳлизли Ватаним мени.

Қаршилар ишкомни этиб соябон

Хулвали, ялпизли Ватаним мени

Тун-кун илтижони этмадим канда

Ҳак қарор топсин деб ёргуф оламда.

Барча дардларимни айттолмасам-да,

Англар тўқ мағизли Ватаним мени.

У элда тергамас гулбаргни хор-хас,

Ишқ ҳам Мажнунларни тупроққа қормас

Энди қучогидан қўйиб юбормас

Тўрт фасли файзли Ватаним мени.
Қачон кўраркинман токим жилвасин,
Қачон силаркинман синглим елкасин,
Қанча хизмат бўлса,
майли, йўлласин
Мажлиси раисли Ватаним мени.

18

Бу нурли орзудан бўлгандай мамнун,
Сўлим ёз жўшаркан йўл бермай кузга,
Уфқа тирмашиб,
кунлардан бир кун
Қашқарнинг томлари ташланди кўзга.
Демак, олдда – Ҳазрат,
кўрса – дил қақшар,
Кўрмай ўтсанг-кетсанг,
қарғиши ёмон.
Санчилмасдан туриб яна бир ништар,
Шоир қадам босди мадраса томон.
Унда
эътиқодга айланиб ҳавас,
Имону инсофли янги бир авлод
Нуроний имом-ла бўлиб ҳамнафас,
Муқаддас байтларни олар эди ёд.
“Нохушроқ хабар бор –
Хожа Нуриддин
Мана неча ойки, талашмоқда жон.
Борми қўл чўзгувчи бирор муридим?”
Дея,
яқунлади дарсини Эшон.
Бирор ерга боқди,
бировлар шипга,
Кўзини юмганди баъзилар “чарчаб”.
Яқин бўлганий-чун ўрни эшикка,
Қаддини тиклади
“Мен” дея Машраб.
Ҳазрат танидию,
тин олди чукур:
– Тонгда карвон жўнар,
бўтам, бўл тайёр.
Кандибодомдан сўнг
юзни Шошга бур,
Балх сари қайрилсанг, кутар сени бор!

Баҳорни қувиб

Киноқисса



Эркин АЪЗАМ

1

Иланг-биланг тоғ йўлидан кумушранг “Каптива” машинаси оқкушдек елиб бормоқда. Тўлқинсимон адиrlар оралаб гоҳ лип этиб кўзга ташланади, гоҳ тепаликлар ортига шўнғиб кетади. Худди ким биландир бекинмачоқ ўйнаётгандек.

Кечаги қўкламда гуркираб турган чор атроф аста-секин тузи ўчиб, сарғиш хас-хашакка дўна бошлаган.

Сўл томонда, олисларда қўнғир-қорамтири тоғ тизмалари бир-бирига елка тираб, чирмашиб-қўлтиқлашиб саф тортган.

Машинани абжирлик билан ҳайдаб кетаётган – Роҳат опа, қаҳрамонимиз. Олтмишларга яқинлашганига қарамай қўрк-у латофатини йўқотмаган, “ўзига қарайдиган” замонавий аёллар тоифасидан. Бирмунча ҳурпайтириб шаклга солинган соchlари маллага мойил бир тусда. Бўйнидаги ҳарир зангори шарф учмоққа шайлланган қалдирғочсимон мақомда – бир ёнга қийшайтириб қўйилибди; қаншарида ойналари жилоли қора қўзойнак.

Эгнидаги юпқа ҳаворанг костюм- shimda орқадан кўрган одам опахонимизни ёш жувон деб гумон қўлмоғи турган гап.

Баланд бир тепаликка чикканда машина секинлаб тўхтайди.

Ёнидаги ўриндиқда ётган сумкачасини титкилаб нимадир олади-да, кафтига қисганча Роҳат опамиз машинадан тушади. Бошини қўтариб олислаги тоғлару осмондаги паркув булутларга бир аланглаб олгач, эран-қаран йўлдан чапдаги дўнг бошига қараб юради.

Мана, Роҳат опамиз дўнг бошида чўнқайибгина ўтирибди. Қўлида узун сигарет, чекаёттир. Жонсарак қўzlари ниманидир кидириб пастга боқади.

Эркин АЪЗАМ – Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi, кинодраматург. 1950 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Адибнинг “Чироқлар ўчмаган кеча”, “Отойининг тугилган иили”, “Олам ям-яшил”, “Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Пакананинг ошиқ қўнгли”, “Кечикаётган одам” каби қисса ва ҳикоялардан иборат қатор китоблари нашр этилган. “Чантриморе”, “Пиёда”, “Пакана”, “Дилхиројс”, “Эркак” каби экран асарларининг ҳаммуалифи.

Эркин АЪЗАМ

Ана, пастда шунча йўл босиб, интиқиб келаётган манзили – Арчали. Тоғ этагида ястанган кўм-кўк ободгина қишлоқ. Оқ-оппоқ уй-жойлар, кўчаю тор қўчалар; қаёқка юз бурманг – толзор, теракзор. Ана, ўргада кумуш тасма мисол қишлоқни иккига ажратиб сой оқиб ётиди.

Сойдан чиқкан жойда эди мактаб, қани у? Ҳаммаёқда оқ бинолар – гўё ҳаммаёқ мактаб! Томлар устидаги лолакизгалдоқлар қаёққа кетган?.. Айни ёз палласи қизғалдоқ коладими? Ул тўрт кунлик омонат чечак гилам ёядиган пастак томлар ҳам кўринмайди-ку, ҳар ён кўзни оладиган тунука, тунука...

Роҳат опа қўлидаги чала чекилган “захар”ни ирганган каби бир четга отиб, шаҳд билан қад ростлайди: орадан ўттиз йиллар ўтди-ку, ахир! Йўқ, ўттиз беш йил!..

2

Машина ўру қирни ортда қолдириб, боғ-боғот оралаган қишлоқ кўчалариға шўнғиб кетади.

Марказга буриладиган чорраҳадан ўтаётганида Роҳат опамизни Худо бир асрайди.

Қаёқандир пайдо бўлган бир касофат кимса йўл ўртасига келганда мункиб, нақд машинанинг тагига кириб кетай дейди. Роҳат опа чаққонлик билан рулни четга буриб, сал қоладики, бетон тўсиққа бориб урилса!

Аллақандай бир пачоқ-пакана! Ерпарчин бўлиб, асфальтни қучоқлаб ётиди. Алмисоқдан қолган ғижим шляпаси хув нарига учиб кетган, ярғоқ калласи қип-қизил, бирорта туки йўқ. Эгнидаги кийимларига қараб бўлмайди – хароб. Шу аҳволида денг, бошини кўтариб машинага ўқрайишини кўринг!

Худдики атай қилгандек, бир можаро қўзғамоқ учунми, атай келиб ўзини машинага урмоқчи бўлгандек!..

Роҳат опа балодан четланиб машинани йўлга соларкан, аччиқ устида очик деразага қараб ўшқиради:

– Бўкибсан-ку, алкаш!

Юз қадамлар юргач, у машинани йўл четига олиб тўхтатади, ёнбошдаги ойнадан ортда қолган манзарани кузата бошлайди.

Ана, касофат шошилмайгина жойидан турди, узун, тўрвасимон кителини сийпалаб қоқкан бўлди, бориб ердан шляпасини олди, бошига бостириб кийди, сўнг худди ҳеч нима бўлмагандек, чайқала-чайқала йўлга тушид...

3

“Каптива” марказга яқин гавжум бир жойда тўхтаб турибди. Гирдида тўрт-беш ҳангоматалаб бекорчи, бир қиёмат машинага, бир “хотин боши билан” шундай машинани ҳайдаб келган пўрим опахонга тикилишади.

Биз ўргада кечётган гап-сўзни эшитмаймиз: Роҳат опа бошини у ён-бу ён буриб нимадир сўрамоқда, суриштирмоқда; турганлар ҳам қўлларини ҳар ён тўлғаб нимадир дея жавоб қилишмоқда.

– Вой! – дейди Роҳат опа дафъатан ларзага тушиб. – Қачон?

– Икки йилча бўлди-ёв, – дейди дўпписини қўлида айлантириб турган новчароқ йигит. – Нодир аканинг отасига икки йиллар бўлди-я, Эгам? Фирдек юриб эди, бир кечада...

– Осган ҳамдир, – дейди Эгамқул оғзида носи билан. – Кейинги жили энасиям қайтис қилди. Кашиб эди-да.

Хуши бошидан учган (“Нимага келиб юрибман унда?”) Роҳат опамиз беихтиёр оргта чекиниб, машинасига сүяниб қолади.

– Ўтилинг бундай, ука, – дейди бир вакт ўзига келиб машинага киаркан, новча йигитта.

Новча шерикларига бир-бир илжайиб, иштиёқ билан машинага чиқади.

Чорраҳадан юқорига қараб йўлга тушадилар.

4

Узун айвоннинг тўрига ёзилган кўрпачаю якандозларда Роҳат опа, ўттиз беш-кирк ёшлардаги оқ пешона боғли уй бекаси ҳамда меҳмонни бошлиб келган бояги новча йигит ерга боқиб маҳзун, соме ҳолатда ўтирибдилар. Этакроққа чўк тушган ўсмир йигитча – невара бўлса керак – ҳаваскорона бир ихлос билан чийиллаб ўтганлар руҳига тиловат қўлмоқда.

Юзларга фотиҳа тортилгач, шарфини бошига ташлаб олган, эгнидаги либосларданми иймангандек, тиззалирини бир ёнга буриб, яккакифт бўлиб ўтирган Роҳат опа қўлини кўксига қўйганча ўрнидан қўзғалаётганида уй бекаси унинг билагига ёпишади:

– Апажон, сиз қоласиз! Тошкандай жойдан келиб – йўқ! Агар сизга жавоб берсан, кечқурун укангиз келиб мени ўлдирадилар!..

Охири гап вазиятни юмшатгандек, ҳаммалари енгилгина жилмайиб қўядилар.

Новча йигит “Хизматимиз битди” деган каби ўрнидан туриб, меҳмонга тавозели бош силкий-силкий дарвозахона сари юради.

– Раҳмат сизга, укажон, – деб қолади Роҳат опа.

– Кўчада Нодир акамни кўрсам айтиб юбораман, янга, – дейди йигит дарвозадан чиқатуриб уй бекасига.

5

Батартиб, саранжом-саришта ҳовли-жойни кўздан кечириб бўлишган чоги, уй бекаси меҳмонни сердараҳт боғ томон бошлайди.

Роҳат опа кенг, ҳалпиллаган кўйлак кийиб олган, бошида энди расмана дурра.

– Бизнинг кийимларда ҳам барибири чиройлисиз-а, апа! – дейди келин унга ҳавас билан боқиб.

– Қўлимга тушсангиз, сизни бирпасда осмондаги ойга айлантириб қўяман! – дейди жилмайиб Роҳат опа. Ҳамсуҳбати анқайиб турганини кўриб, изоҳ беради: – Тошкентда опангизнинг “Гўзаллик салони” бор! Ўзимнинг номимда – “Роҳат”. Шаҳарнинг манаман деган нозанинлари бизга келади. Борганда кўрасиз... Шу туришдаям ойдайсиз, синглим! Ойдай келин!

– Ойлигим қоптими, апажон! Отим Ойгул бўлсаям, ойимни ҳам, гулимни ҳам шу тўрт бала, уй-рўзгор жеб битирган. Отам ўқитмади, домланинг ўғлига тегасан, деб туриб олди. Булар тогавачча аммавачча эди-да. Ўзи бизларда яқин-яқингача бегонага қиз бериб, қиз олмас эди. Қайнонам билан қайнотам ҳам қариндош бўлган. Лекин нолиятни деб ўйламанг, апажон, Худога шукр, толеимдан розиман. Қайнона-қайнотам тилло одамлар эди. Айниқса – қайнотам! Ҳув “Ўтган кунлар”даги Ҳожи бобо бор-ку, худди шундай эдилар раҳматли. “Сиз”лаб гапирадилар доим. Бирон марта бошларини кўтариб бетимга қарамаганлар. Мана шу дараҳтларнинг барини ўз қўллари билан ўтқазган, ўзлари парваришилаган...

Роҳат опани алланечук ҳаяжон чулғайди, йўлкага яқин ўсган олхўрининг танасини аста силаркан, димоги туз сепгандек ачишиб кетади...

Эркин АЪЗАМ

Шу пайт уй томондан қиз боланинг овози эшитилади:

- Эна-а, қаердасиз, мен келдим.
- Қизим – Роҳатой, холасиникига кетиб эди.
- Вой, исмлари Роҳатми? Адаш эканмиз-да.
- Ҳа, бобоси кўйганлар. Иби, сизниям отингиз шундайми?
- Вой, ҳалигина айтдим-ку, салонимга исмимни кўйганман, деб! – Ўзи ҳам мутаассир бир ҳолатда турган Роҳат опа уй бекасининг маънодорона тикилиб қолганини кўриб, ясама бегамлик билан уни кўлтиқлаб олади. – Юринг энди, Ойдай келин, адашим билан танишитиринг-чи мени!

Кўлтиқлашиб боғни тарк этадилар.

6

Аввал-бошлаб, чўнқайиб ўтирган тўрт-беш ёшлардаги жажжи қизалоққа кўз тушади. Лаблари қип-қизил, бўялган. Бўйман деб чаплаштириб, юз-кўзларини ҳам бежаган – кулгили. Яна дам-бадам айвон лабида турган чарм пардоҳалтача (косметичка)га кўл чўзади, ила-чила лаб бўёқни олиб лунжларига суркаб-суркаб кўяди. Баттар кулгили.

Қизалоқ кемшигини катта очиб, илжайиб томоша қилмоқда. Кўз олдида опаси бошқа опага айланмоқда. Чиро-ойли! Йўқ, бу опаси эмас, бошқа опа, бошқа. Бошқа бўлсаям роса чиройли!

Энди чиройлининг ўзига қараймиз. Ўсмир ёшидаги навниҳол бир қиз – Роҳатой. Қарамагайсиз, қарасангиз кўз узолмай қоласиз – шундай нозанин!

У айвон этагидаги пастак курсичада ўтирибди, ҳалпиллаган кўйлак устидан таниш шарфни белига боғлаб олган хусн устаси – Роҳат опамиз эса, кўлларида ҳар турли безак анжоми, унга оро эмас, жило бермоқда. Гоҳ бир қадам ортга чекиниб, кўзларини қисинқираганча қилаётган хунарига разм солади, баҳолайди. Сўнг яна қайтиб қизнинг гирдида парвона бўлади.

– Мана, кўринг, нозанинлар нозанини Роҳатой Рамазонова гўзаллар танловига тайёр! – дея тантанали эълон қиласи ниҳоят. – Ҳозирча соврини – мана! – У кўлидаги бежирим фенни қизга тақдим этади.

Томошабин қизалоқ беихтиёр чапак чалиб юборади.

Қия очиқ эшикка суяниб турган Ойдай келин кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиганча бошини сараклайди: “Иби-и, уёт!” Аммо ўзи туккан қиздан кўз узолмай маҳлиё!

Шу вақт айвон бошида ҳозиргина ишдан қайтган уй эгаси – Нодир пайдо бўлади. У кўриб турган манзарасидан лол, ярим йўлда тўхтайди.

– Салом алайкум. Келинг, – дейди нотаниш аёлга ва хотини томон ўгирилади: “Тинчликми?”

Ойдай келин айвонга чиқиб, шоша-пиша танишитиради:

– Бу киши меҳмон, дадаси. Тошкандан кептилар. Отангиз билла ишлаган эканлар.

– Отам билан? Қачон, қаерда?..

– Мактабда. Ҳув бир жиллар.

– Ҳа-а, – дейди эрнинг важоҳати юмшаб. – Э, келинг, апа, ассалом алайкум! Кўрмагандан кейин танимайди-да одам.

Роҳат опа уни кўрибоқ қотиб қолган: Қудрат Рамазонов! Худди ўзи-я! Бу сал йўғонроқ, кўполроқми-ей...

– Нодиржон-да? – Унга яқин бориб, жилмайганча кўл узатади. – Қудрат акамни кўргандек бўляпман-а, тавба!

– Ҳа, Нодир... Қани, яхши келдингизми, апа? Тошканлар зўрми? – дея сўраша туриб, айвондан пастда “Менга қаранглар, мана, мен” деган сингари гул-гул яшнаб ўтирган қизига кўзи тушади-ю, меҳмоннинг юзи ҳам демай ўшқириб юборади: – Ие, нима томоша бу?! Тур дарров, бет-бошингни юв! Тез!

Ҳамма мулзам.

Ҳамон курсида кўз-кўз бўлиб ўтирган нозанинимиз пиқиллаб йиглаб юборади ва Роҳат опага илтижоли қарай-қарай, бўёкларини бетида шашқатор қилиб, ховлининг бир бурчагидаги обрезга қараб юради.

– Дада-а, чийойли-ку! – деб чийиллайди кенжа қизалоқ.

– Оббо, сизам борми?! – дейди отанинг унга кўзи тушиб. – Бунисини қаранглар энди, ажи-бужи! Майли, сен шундай тасқара юравер, сенга мумкин... – Сўнг дафъатан чехрасига илиқлик югуриб, узроҳлик билан Роҳат опага юзланади: – Айга буюрмайсиз-да энди, апажон. Буларни ҳозирдан тийиб турмасангиз!.. (Хотини томон бурилиб) Тошканлардан келган азиз меҳмонни шундай кутадими, Ойгулим?! Қани – кўзи гўштига қовурдоқ! – Бўёқ-сўёғини пардозхалтасига жойлаётган Роҳат опани айвоннинг бошидаги ёғоч зинапоядан чиқиладиган баланд шийпонга таклиф қиласи: – Қани, апажон, тепага! Кўчадаги улов сизникими? Ростдан? Ўзингиз ҳайдаб келдингизми дейман? Тошкандан-а? Зўр-ку! “Каптива”!

Қизалоқ ҳамон чийиллашини кўймайди:

– Чийойли... чийойли...

Нодир усти-бошини алмаштиргани ичкари кириб кетади, Ойдай келин айвон адогидаги ўчақбоши томон юради – пардозхалтаси қўлида, Роҳат опамиз серрайиб қолади.

– Чийойли, чийойли-и...

Шом чоги. Тўрт тарафи панжарали баҳаво шийпон. Чароғон. Уй бекасидан бошқа ҳамма жам. Ўртадаги меҳмонбоп дастурхон ҳали йиғиштирилмаган.

Тўрда, эркаланган каби меҳмоннинг пинжига суқилиб ўтирган “бепардоз” Роҳатойга қараб отанинг энсаси қотади:

– Тўғри ўтиrolмайсанми, сен қиз??

Роҳат опа қизни елкасидан кучиб, “айбини ювмоқчи” бўлади:

– Дугонам-да! Биз қизингиз билан дугона бўволдик, Нодиржон.

– Қанақа дугона?!?

– Дугона бўлиш учун нимасидир бир-бирига ўхшashi керак. Бизнинг эса исмларимиз бир – отдош эканмиз.

Зинапоя ғижирлаб, Ойдай келин чиқиб келади. Қўлидаги каштали қийикқа ўралган алланимани эрига узатиб, сўрайди:

– Шумиди?

– Ҳозир, кўрайлик-чи. – Нодир қийиқчани тиззасига кўйиб тугунини ечади, ичидан деярли бир хил катталиқдаги картон тахлами чиқади. Мактаб “виньетка”лари. – Дадам раҳматли жуда саришта, серҳафсала одам эдилар-да, қаранг, йилма-йилига териб кўйилган! Саксон тўртинчи йиллар, дедингизми ҳали? Саксон олти, саксон беш... Мана-а! – У виньеткани юзига яқин олиб бориб, тепа катордаги суратларни кўздан кечира бошлидай. – Р.С.Шукуровами? Мана, борсиз! (Меҳмонга сипогина кўз ташлаб олади.) Унчалик ўзгармагансиз ҳам... Ия, ёнингизда турган – дадамизми? Бизнинг бобой ҳам ёшлиқда чатоқ бўлган эканлар-а! Ким билла тушишни билганлар!

– Қани, Нодиржон, бу ёққа олинг-чи, – дея тортиниброқ кўл чўзади Роҳат опа. Дилидан нелар кечётганини бу ердагилар қайдан билсин! – Узимда ҳам бор эди, кўч-кўчларда қаёқдадир қолиб кетган.

Эркин АЪЗАМ

У винъеткани чироққа тутиб, узоқ тикилиб қолади. Аслида бир нуктага – бир суратга қараёттир. Кейин беихтиёр ён-верини пайпаслаган бўлади. Хумори тутди, касофат!

– Кудрат акамдан бошқалари... борми ҳали? – дейди ниҳоят винъеткани эгасига қайтиб бераркан. – Кўп йил бўлди ахир...

– Ўқитувчиларни сўраяпсиз-да? Ҳозир қараймиз, хозир. – Нодир суратларга бармок нуқиб, бирин-бирин шарҳлай кетади: – Хў-ўш, директордан бошласак. Н.Қосимов. Опажон, тўғрисини айтсан, бу кишини эслашим кийинроқ. Мен ёшлигимда паҳтакор бир районга ишга ўтган деб эшитаман. У ёгини билмайман. Г.Н.Синельникова. Завуч. Бунисиям қай бир гўрга кетган, дафи жаҳон. Мана бу бобомиз – бо-ор. Кўзлари хиралашиб, уйда ўтириб қолган. (Хотинига қараб) Сойнинг лабида ўтиради. Ҳамсојларинг-чи?.. Бобоёров Юсуф бобо. Энди-и... Ҳамроев. Раҳматли Қайим бобо бўлса керак-да. Ўтиб кетганига минг йил бўлди! Эшонкулов. Бу кишиям ўша ёқда. Дадамдан ҳам олдин эди. Л.Е.Шевченко. Қўбизчи шоирнинг неварасими? Кетгандир бобосининг юртига. Т. Салимов. Ўғли ошнам, Илҳом. Якинда бир маъракада кўрувдим. (Винъеткани чертиб) Мана бу – бор! Ҳожикулов, Ҳожи Маркс! Партком бўлган экан энағар... Узр, апажон, оғзимдан чиқиб кетди!

– Арчалингизда бир эмас, икки йил яшаганман, укажон... – дейди кулимсираб Роҳат опа. Кейин бирдан хомуш тортади: – Ўша партком... бор дeng ҳали?

– Бор. Ўлмайди у! Бола-чақали ўғилларига қўшиб кампириниям ҳайдаб юборган. Бозору мозорларда изғиб юради. Пиёниста!

– Бобоёров домлани ҳаёт дедингиз, бориб бир зиёрат қилсан бўлармикан?

– Жуда бўлади-да! Мана, дугонангиз бошлаб боради. Биласан-а, бобонгнинг боғидан пастроқда... Жон-жон деб ўзим оборардим-у, вилоятдан комиссия келган...

Дастурхонга дуо қилиб, бирин-кетин ўринларидан турадилар.

8

Мехмонга дарвозахона устидаги болохонада жой қилинган. Бир деразаси тоғ томонга қараган, бир деразаси кўчага. Ёргу, хур-хур шабада.

Ойдай келиннинг айтишича, раҳматли қайнотаси эрта баҳордан то қиш чилласигача шу хонани маъқул кўрган экан. Ана, деворда эсадалик яктаги осиглик, ёнидаги михда – тутган тасбехи. Бурчакдаги баланд этажерка дафтар-китобга тўла.

Роҳат опа уларни бир-бир кўздан кечириб чиқади. Асосан француз тили дарсликлари, беш-ўнта французча китоб. Фаранг тилидан мутахассис эди-да раҳматли.

Шундай файзли, шинам жой бу кеча Роҳат опамиз учун жазо хонасига айланади. Ётади – туради, ётади – туради. Тоққа қараган дераза олдига бориб, яқин кир бошидаги ўша унутилмас якка арчани қидиради – йўқ, зим-зиё қоронгида кўз илғамайди. Ўшанда сутдек ойдин кеча эди-да...

Орқасида ёстиқ, деворга тиравиб ўтиаркан, нигоҳи дам-бадам қарши девордаги эр-хотиннинг портретига тушади. Алоҳида-алоҳида олинниб, кейинчалик бириктириб сайқалланган, ҳар хонадонда бор одатдаги сурат.

Эр – Роҳат опамизга жондай таниш Кудрат Рамазонов. Ўқтам, қотма йигит. Айнан ўша кезларда олинган сурат. Чамаси, кечаги винъеткадаги.

Хотин – тўлароқ, истаралигина. Амманинг қизи... Бир қараганда – у қаёққадир учиб кетиб, ўрнида ўшгина Роҳатнинг анов винъеткадаги акси пайдо бўлади; бир қараганда эса яна аслига қайтади. Икки сиймо ўрин алмашгани алмашган...

Бир вақт мудроқ шуурда узук-юлуқ манзаралар, ҳар хил бакир-чақирлар қуюни бошланади.

...Бузоккүз башара, таҳдидли чинқириқ: “Бадарға этишни талаб қиласман, талаб қиласман, бадарға, бадарға...”

...Тонгти автобус бекатида икки қызы дийдирабгина турибди, бирининг елкасида каттакон жомадон... Ана, дугоналардан бири автобусга чиқди, иккінчиси унга жомадонни узатаётір, күзларида селоб ёш... Ана, икки дугона йўлка бўйлаб мактаб сари кетаётір. Бири иккінчисининг бикинига туртади: “Вон твой идёт”. Кўчанинг нари тарафидаги йўлкадан бир жўраси билан Кудрат Рамазонов келаётір...

Лариса, Лариса... Исёнкор Тарас Бульба ютидан муаллимликка келган мусофири қызы. Еттиёт бегона, меҳрибон, жондай яқин дугона... “Это же любовь! Это же любовь!”

9

Кенг паҳтазорнинг ўргасида, тупроқ йўл бўйида қўққайган бараксимон узун иморат. Дала шийпони. Томнинг бир қирғогига ёнбошлишиб қизил байроқ ўрнатилган, пештоқдаги алвонда эса чақириқ-шиор: “*Она Ватан хирмонига – 6 000 000 тонна “оқ олтин”!*”

Шийпоннинг орқа тарафида омонат ўчоқ, ўчоқбоши; атрофда ҳар хил ўтиңчўп сочилиб ётибди, чала куйган ғўлалар. Ёнбош томонда – мой аралаш тупроқ майдончада устма-уст иккита каттакон баллон, соляркадан бўшаган бочкалар. Дала йўлига яқин жойда тиркамали учоёқ трактор.

Олис тоғ мактабидан паҳта теримига олиб келинган ўқувчилар шу шийпонда ётиб туради.

Айни дамда – чошгоҳ маҳали ҳамма далада, шийпон жимжит.

...Пайкалдан чиқиб келган икки қора шийпонга яқинлашади. Бири иккінчисини суюб-қўлтиқлаб олган. Белига этак боғлаган муштдек қизгинанинг бошидаги саватдек рўмол орасидан бир бурда бўлиб кўринаётган юзи оғриқдан буришиб-буришиб кетаётір. Оёғига резина этик, узун мовут кўйлак устидан бўзранг паҳталик кийиб олган ёшгина муаллима эса – ўзимизнинг Роҳат Шукурова.

Шийпонга кирилгач, меҳрибон ўқитувчи дардман қизни ўргасидан чодир тутилган узун баракнинг қизлар бўлмаси томон йўллаб, ўзи кираверишдаги чап ёқда жойлашган, тепасига бир парча картонга вахимали қилиб “Штаб бошлиғи” деб ёзилган эшик олдига қайтади. Бир-икки тақилятиб секин туртса, эшик ланг очилиб кетади... Рўпарадаги буклама каравотда ҳарбий либосли бир йигит ўтирибди. Бошяланг, олди очиқ гимнастёркаси тагидан кўкиш йўлли “телняшка” таранг тортилиб кўринади. Нотаниш! Бу ерда нима қилиб юрибди?

Роҳат таққа тўхтаб, бир қадам ортга чекинади. Кўзлар тўқнашган! Кўзлардан ўт чиққудек!..

Шу чоғ ён тарафда кўринмай ўтирган кимнингдир чаққон қўли ўртадаги ясама дастурхонда турган аракшишани юлқиб олади. Газета тўшалган яшик устида нон ва колбаса бўлаклари...

– Ким у? – дея кичқиради бирор ичкаридан. Сўнг эшик ортидан бўйини чўзиб қарайди: Ҳожиқулов, штаб бошлиғи. Баҳараси бўғриқиб турибди, пишиброк қолган. Муаллимани кўриб у ўрнидан тургудек бўлади ва меҳмонга ишоратан шоша-пиша бидирлай кетади: – Бу ёқ мана, ўзимизнинг кадр – Кудратилло, Рамазонов. Икки йил бурун худди мана шундай паҳта терими пайти хизматга кетиб эди. Мана, қайтиб келди. Ўзим ўқитганман. Мен буни зўр бир физик бўладими деб юрардим, француз бўлиб кетди!.. – У қаҳқаҳлаб кулади. – Бу киши бўлса – Шукурова, химбиолог. Тошкентдан!..

– Домла! – дейди Шукурова бетоқат бўлиб. – Бир қизимизнинг мазаси бўлмай колди. Кўричакка ўхшайди. Дўхтирга олиб бориш керак.

Эркин АЪЗАМ

- Да-а? Чатоқ-ку. Фамилияси нима, қайси синф?
- Кенжаева Солия. Олтингидан.
- Кенжаева дейсизми? Ўртоқ Баҳриддин Нурматовичнинг қизлари бўлмасин тагин? Қани ўзи?
- Шу ерда. Ана, ётибди.
- Олиб чикинг. Раймарказга боришим керак эди ўзи. – Ҳожикулов дикиллаб ўрнидан туаркан, собиқ ўқувчисига маъни-дод қилади: – Мана, бизнинг аҳвол шу, Қудратбой! Сен бемалол жойлашиб, далага чиқаверсанг ҳам бўлади. Қолганини кечкурун...

Штаб бошлиғи сезилар-сезилмас чайқалиб эшик сари юради. Шукурова қизлар бўлмаси томон кетади.

...Шийпон бикинида учёқ трактор патпатлаб турибди. Бемор орқадаги тиркамада, бир бурчакка солинган матрас устида ғужанак бўлиб ётибди.

– Тушинг, тушинг, – дейди Ҳожикулов қизнинг бошида чўнқайиб, бирга бормоқчи бўлаётган Шукуровага. – Сизлар далага қаранглар, болаларга қаранглар. Мана, сафимизга янги, навқирон кучлар келиб қўшилди. Бугун норма кечагидан баланд бўлиши керак! А, комсомол?

– Есть, домла, бўлади! – дейди “комсомол” – Қудрат Рамазонов беихтиёр бориб, тиркамадан тушаётган Шукуровага кўмаклашаркан.

Бу ҳолни кўрган Ҳожикулов бехос тўхтаб, уларга бир қарайдию учёқнинг зинасига тирмашади. Чиқиб тракторчи йигитнинг ёнига суқиларкан, бурилиб яна назар солади: мен кетяпман, булар эса қоляпти, иккови, бирга...

Тиркама устида ётган беморимиз энди тўшакка қўндаланг, юзтубан бўлиб олган...

Трактор патпатлаганча тўзон кўтариб йўлга тушади.

...Икки киши ёнма-ён юрганча пахта пайкалига кириб кетаётир. Бири – фурражкаси қўлида, ҳарбий либосдаги шаҳдам йигит, бири – елкасида бўзранг пахталиқ, бўйин-бошини сарғиштоб дурра билан танғиб олган киз.

Уларнинг бир-биридан сўрайдиган-сўрамайдиган гаплари кўп, кўп...

10

Эртаси кун, чошгоҳлар. Кўчанинг икки тарафи дўкону дўкончага тўлиб кетган қишлоқ марказидан “Каптива” елиб бормоқда. Ўтиб-қайтаётган улов кам эмас, бироқ кўрганнинг кўзи шу машинада.

Аввало, аёл киши ҳайдаб кетаётир, бегона аёл. Камига, унинг ёнида шундай бир қиз ўтирибдики! Ёшгина, қаламқошгина! У ҳам Арчали аҳлига... нотаниш! Отаси кўрмаса, отаси билмаса бўлди-да. Ўзимизнинг Роҳатой! Йиғлай-йиғлай ювиб ташланган кечаги пардоз бугун янгиланган, тўйга отлангандек бўлиб боряптилар.

Бир кўзи кўча-кўйда, бир кўзи кечагина топган “дугона”сида. Завқ ва ҳавас билан тикилади унга. Мана, кўриб қўйинглар бизни!

Машина сойга эниш олдидан чапга бурилиб, юқорига бир ўрлайдиу тагин пастлай бориб, толларга кўмилган зангори дарвоза олдида тўхтайди.

Мехмонларни дарвоза тагида икки ўғил, икки келин пешвоз олади. Сўнг уларни этаги сойга қараб қиялаб кетган кенг, ораста ҳовли тўридаги ойнаванд айвонга бошлаб чиқадилар.

Қават-қават оҳорли якандозлару зар ёстиклар, хонтахта, қанд-курс, чойнак-пиёла – бари меҳмонга мунтазир.

Ўғиллардан бири “ўтинг-ўтиринг” қилиб, қалпок бостириб қўйилган чойдан куйиб беради-да, бош меҳмон билан бош мезбонни холи қолдиради.

Ёш Роҳатой эса ҳали ҳовлида тенгдошини топиб, бир хилватда пичирлашгани пичирлашган.

Бош мезбон, орқасида қўшёстиқ, пастак катсимон тўшакка суяниб ўтирибди. Қомат тик, дароз, қотма. Сочсиз бош оппоқ, дўппи елка оша кат устида. Эгнида қордек оппоқ жома. Кўзлар бир нуктага қадалган, юзда нимадандир мароқ килаётгандек бир жилмайиш.

Хонтахта бурчагига ташлаб қўйилган қоқсуяк чап қўлда аломат тасбех: дона ўғирганда пистоқи қўздек товланиб кетади. Шик-шиқ, шик-шиқ...

Хизр бобо дейсиз!

Тўқсонни коралаб бораётган собиқ муаллим, “маориф аълочиси” Юсуф ота Бобоёров шу киши бўладилар!

– Нимага эсламайин, синглим, мактабда ўтган эллик йиллик сиру савдо мана шу ерда (пешонаси ва кўкрагига бармоқ уриб қўяди) турибди! Роҳат Шукурова... Чиройли қиз! Хим-биолог Тошкентдан йўлланма билан келган. Анатомиядан ҳам дарс берардингиз. Топдим-а? Лекин кўп ишламадингиз, бир йилми, икки йил, холос. Кейин нимадир можаро бўлдими, дарров кетиб қолдингиз. Шуниси эсада қолмабди, қаранг. Ёшлик ўтган жойларни бир кўриб келай дебсиз-да, баракалла, раҳмат. Қудрат Рамазонникадаман, дедингиз-а? Ҳа-а, эрталаб анов солиқчи ўғли телефон қилиб экан. Э, бизникига ҳам келинг, уч-тўрт кун меҳмон бўлинг.

– Раҳмат, домла, мана, ўзингизни кўрдик, соғ-саломат экансиз, яхши.

– Ҳа-а энди, шунисигаям шуқр. Кўз йўқ, қулоқ ҳам, бошқаси ҳам кирди-чиқди. Кани энди, дунёга тўйсангиз! Бир ўзингиз келганимисиз, Роҳатой, ёки хўжайин, болалар биланми?

Тасбех: шик-шиқ, шик-шиқ...

– Ўзим, ўзим... Боя эслагингиз келмадими, мен бу ердан яхшилик билан кетмаганман, Юсуф ака! Дафтарчамизга чатоқ ёзилган экан, мактаб тугул бошқасига ҳам жойлашолмадим. Завод, фабрика – тўғри келган ишни қилиб юрдим. Билмассиз, ўзим етимхонада ўсганман, қарайдиган-сўрайдиганим йўқ эди.

– Шундай де-енг? Э, атта-анг! Ана энди эслагандайман. Шу ғавғога анов Ҳожи қалта аралашганмасмиди? Ҳожи Маркс? Юрибди ҳалиям. (Кулиб) Мана, ўзимиз ҳам юрибмиз-ку...

...Ховли этаги. Дараҳт остидаги болалар арғимчогида тенгдошлар хиринглашиб ўтирибди. Роҳатой – малика!

– Ҳозир энди ҳаммаси ўнгланиб кетган, шуқр, – дейди Роҳат опа ва тиззасидаги сумкачадан нимадир олиб, аста якандознинг тагига тикиб қўяди.

Шу чоқ ака-уқалар – бири ош, бир икки тақсимчада “аччиқ-чучук” кўтариб киради.

11

“Каптива” бояги йўл билан қайтиб, энди яйдоқроқ дўнгликлар сари йўл олади. Яна бир “тирик тарих” – Тўрабой Салимовни зиёрат қылгани.

...Роҳат опа йўл четидаги машинасида телефон “вараклаб” ўтирибди, “дугона”си чопқиллаб дўнг бошидаги ҳовлига кириб кетган.

Ана, дарвозадан қўлтириққина йигитча билан чиқиб, тағин бир муддат қаймоқлашиб қолади. Ҳах, касофат! Бугунги пардозлардан мақсад асли шу бўлмасин...

Роҳатой тойгона-тойгона пастга тушиб келади. Юзи лов-лов.

– Икки кун бўпти, бобосини дадаси Тошкентга олиб кетибди. Юрагини кўрсатгани. Дўхтирма-дўхтир юришганмиш.

Эркин АЪЗАМ

- Буларнинг телефонини биласанми? – деб сўрайди Роҳат опа андак ўйланиб.
– Қанақа телефон? Ҳа-а, биламан, биламан.
Ортга қайтадилар.
Ногаҳон машина ичида “дуд-дуд” садоси тарагиб, жарангдор аёл овози эшитилади:
– Здравствуйте, Рахат Сабировна, как доехали?
– Спасибо, всё хорошо. Слушай, Сюзанна, кажется среди твоих было много кардиологов...
– Да – Нигора Гулямхаджаева. Кардиолог – асс!
– Записывай тогда: Салимов Турабой. Его она может принять завтра?
– Но проблем!
– Смотри, чтоб всё было о’кей!
– Есть, Рахат Сабировна, гап йок!
– Привет девочкам!
Яна “дуд-дуд”.
Роҳатойнинг оғзи лант очилиб қолган...
– Оғзингизни ёпинг, дугонажон, – дейди кулиб “катта дугона”. – Телефон қилиб айт: отаси билан бобоси эртага эрталаб Кардиология марказига бориб Нигора Ғуломхўжаева деган дўхтирга учрашсин. Тушундинг-а?
– Эрталаб... Кардиология... Ғулом Нигорахўжаевамиди?
– Яшанг, яшанг, дугонажон! – дейди Роҳат опа қиқирлаб.
Мулзам қолган қиз аллақандай тепаликни ёнлаб ўтаётганларида бирдан тилга киради:
– Бобомнинг қабрлари мана шу ерда...
Машина таққа тўхтайди.

12

Шарфини бошига ўраб олган Роҳат опа қабр қошида чўнқайган. Ёлғиз. Невара хув нариларда.

- Ички овоз:
- Келдим... Шунча йилдан кейин. Сизни кўргани. Унутолмадим-да... Бу шўрпешона киройи тиловат қилишниям билмайди, кечиринг. Худо раҳмат қилсин сизни. Рози бўлинг...
- Роҳат опа шарфининг учи билан кўзларини арта-арта ўрнидан кўзгалади.
- Невара қиз қаерданdir терган бир тутам ёввойи чечакни аста келтириб бобосининг қабрига қўяди.
- ...Қайтмоқдалар.
- Дугона, – дейди Роҳатой ийманибина, – Яккаарчага чиқамиз, деган эдингиз, қачон?
- Ой тўлганда, ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлганда.
- Қачон тўлади ой?
- Тўлганда тўлади, қизим.

13

Қишлоқ маркази. Йўл бўйидаги сомсахона. Тол соясида тўрт-беш кундашунда, сомсахўрлик баҳона, қиттак-қиттак қилиб ўтирибди. Ўртада еб-еийлмаган сомсалар, сигарет қолдиқлари, бир чойнак чой. “Оқсоқол”нинг ўзи стол тагида, яширин.

Ҳикоямиз бошида учратганимиз – Роҳат опани Нодирларникига бошлаб борган новча йигит ҳам шу ерда.

Давра хийла қизиб қолган, гап-сўзлар пойинтар-сойинтар, лоф-қоф аралаш.

– Шу мосина бугун кўп қатнади-да у ёқдан-бу ёқка, – деб қолади тиш кавлаб ўтирган афти гижимроқ киши. – Бу яқин атрофнинг мосинасига ўхшамайди, нўмири бошқача! Боя қарасам – рўлида бир хотин...

Шу маҳал даврага янги улфат кўшилади. У келасолиб, ҳеч нимага қарамай, ўтрадаги сомсанинг бутунроғига чанг соларкан, “Қани, борми?” дейди тараашасифат жўрабошига им қоқиб. Баҳона кутиб ўтирган эканми, жўрабоши ила-чила стол тагидагини қўлга олиб, пиёлаларга қуйиб чиқади.

– Маркс бобомизга-чи? – дейди янги улфат даврадан сал четроқда – увадаси чиққан эски креслода, алмисоқдан қолган фижим, минораси илма-тешик шляпасини юзига қопқоқ қилганча пинакка кетган муштаккина мўйсафидни кўрсатиб.

Пинакчи чолнинг бўйнида энлидан-энли, калтагина қилиб боғланган, тугуни муштумдек катақ галстук. Ҳафталаб ечилмайдими, яғири чиқиб кетган. Хув отамзамоннинг урфи.

– Маркс бобонг аллақачон капут! – дейди жўрабоши “ризқ”ни аяниб.

Шляпа остидан дўқ эшитилади:

– Қуй, ўв тараша!

Янги улфат шўхлик билан ҳайқиради:

– Яшасин марксизм ва ўн беш ёшидан бери марксист – домла Ҳожикулов!

“Шляпа” тағин тилга киради:

– Ўн тўрт ёшдан!

– Бир хотинки, роса кетворган, пасон! – дея боя бошлаган мавзусига ёпишиб олади афти фижим киши.

– Тошкентдан келган у. Қудрат Рамазонницида хозир.

– Сиз қаердан биласиз? – дейди жўрабоши. – Қудрат Рамазон ўлиб кетган-ку!..

– Кеча ўзим бошлаб борганман! Нодир ака билан ҳамсоямиз-ку биз, – дейди новча бўғилгудек. – Бир вакълар мактабда бирга ишлашган эканми...

Тешик шляпа қорин томон сурилиб, бузоқкўз бир башара намоён бўлади:

– Отини сўрамадингми, оти нима экан?

– Хотин киши, нима деб сўрайман?

– Анови тошкентлик момони айтяпсизларми? – дейди янги улфат. – Зўр момо экан лекин! Битта қўнғироқ билан Тўра тоғамни Тошкентдаги энг зўр балнисага жойлаб қўйибди. Битта қўнғироқ билан-а! Эрими, ўғлими каттаконлардан, дейдилар...

– Каттакон бўлмаса, бунақа қийқириқ мосиналарни қаёқдан минарди момонг, тўғрими?

– Ўзиям жуда-а бошқача апа экан. Культурний!

Жўрабошимиз “кераксиз” мавзуга “керакли” нуқтани қўяди:

– Қани, урдик бўлмаса! Умар Хайём айтгандай – ё ҳаёт, ё мамот!

Ҳожи Маркс деганлари газак ҳам қилмай, латтага айланәзган шляпасини ярғоқ бошига бостириб секин ўрнидан туради-да, кишибилмасликка уриб зипиллаганча жўнайди.

Уйи бу томонда қолиб унинг бошқа ёққа йўл тортганини кўрган жўрабоши тусмолини айтади:

– Маркс бобонг ўнгни қўйиб чапга йўл солди, бир нарсанинг ҳидини олди-ёв бу энағар!

– Анови тошкентлик момонинг изидан кетди бу, аниқ! Ўша мактабда бу кишим ҳам ишлаган, неча йил парткомлик қилган – таниш чиқар балки...

Бугунги таассуротлар ҳоритган Роҳат опамиз болохонада – дераза тагидаги темир каравотга чўзилган кўйи қалин бир дафтарни (марҳум муаллимнинг эски конспектларини) вараклаб ётаркан, алланечук тараддуд билан эшикдан Ойдай келин бош сұқади.

– Апажон, кечириасиз-да, безовта қилдим, – дейди у хижолатомуз. – Сизни бир бобо сўраб кепти.

– Ким экан? – дейди Роҳат опа каравотдан оёғини тушириб.

– Кўришим керак, гапим бор, деяпти. Лекин чиқманг, апажон – маст, оёғида зўрга турибди! Ўзиям бир... Сиз гаплашадиган одам эмас-да!

– Қани, кўрайлик-чи! – Роҳат опа деразага узалиб, кўчага қарайди. Қарайдио дарҳол юзини буриб олади.

Дарвоза тагида ўша – тунов куни ўзини машинага урган турқи совуқ! Алмисоқдан қолган шляпаси кўлида, бош битта туксиз, қип-қизил...

– Йўқотинг! – дейди Роҳат опа бирдан беziллаб. – Ухляяпти дейсизми, бошқами, ишқилиб бир бало қилинг, жон синглим!

– Хўп, хўп, апажон.

Кейин ўзини хотиржам қилмоқ учунми, Роҳат опа бир маҳал деразага яқинлашиб, аста мўралайди.

Ойдай келин кўлидаги аллақандай бозорхалтани узатаётир, анови гўрсўхта халтачага қўл суқиб, кўкиш қалпоқли шишани бир кўтариб қарайдио шоша-пиша садақани бағрига босиб, пилдирай-пилдирай йўлга тушади.

Нархинг шугина экан, Роҳат Шукуровани чақириб нима килардинг, эй, Худо урган банда!

Опа бурилиб, девордаги эр-хотиннинг суратига кўз солади. Чорчўпдан бир жуфтгина кўз бокиб турибди, ёнидагиси ғойиб...

Бир вақтлар бинойидеккина бўлган ҳовли, уй-жой энди батамом қаровсиз, ташландиқ ҳолатда. Ҳаммаёқ ивирсиб ётибди. Гўёки эгаси кўчиб кетган, йўқ, ўлгандек.

Иморатнинг ёнбошидан чиқиладиган чордоқ эшигига тақалган узун нарвонга ушоқ жуссали, тортанак мисол бир кимса тирмашиб ётибди. Нарвон ҳаддан ортиқ узун, баланд, лопиллайди. Чиқаётган “дорбоз” ҳар погонада тўхтаб, тин олиб, сўнг яна осилиб-тирмашиб зўрга кўтарилаётир.

Чордоқ эшигига етай деганда қалқигандек бўлиб, бошидаги шляпаси учеб кетади. Ана шунда бурилиб қарайдио биз уни танимиз: ўзимизнинг бояги Ҳожи Маркс!

У не бир азобда чордоқча чиқиб олгач, кўзи нимқоронғига кўникунча бир лаҳза серрайиб туради. Очиқ эшик ва томнинг ҳар еридан тушаётган шуълалар чордоқ ичини олачалпоқ ёриштиради.

Ҳаммаёқ эски-туски: бешик, қадимий сандиқ, синиқ этажерка, оёқсиз стол-стуллар ва ҳоказо. Муқовалари тошдек қаттиқ, зарҳал бўртмали қалин-қалин томликларни айтинг! Баъзилари саф-саф қилиб бойлаб қўйилган, баъзилари оёқ остида топталиб ётибди. Пролетариат доҳийлари – Маркс, Энгельс, Лениннинг ордона мероси!

Ҳожи Маркс бир лаҳза уларга паришонҳол бокиб қолади, сўнг айланиб ўтиб, қопқоқсиз сандиқни титкилай-титкилай, каноп ип билан чандиб ташланган бир тўп картонни қўлтиқлаб эшик сари юради.

Чордокдан чиққач, нарвоннинг тепасига ўрнашиб олади-да, бурун учига қўзойнагини қўндириб, тиззасидаги тахламдан битта-битта винъеткани сугуриб, йилларига кўз ташлай бошлайди.

– Бу эмас! – дея қўлидаги винъеткани отиб юборади. Картон ҳавода қалқа-қалқа учиб бориб ажриқзорга тушади. – Бу эмас!.. Бу эмас!.. Бу эмас!.. Бунисиям эмас!..

Ажриқзор усти картон винъеткалар билан қопланади. Катталаштириб қараладиган бўлса – бир дунё сурат! Бир дунё одам! Қани улар энди?..

– Саксон тўртингчи йил қани?! – дея имраниб юборади Ҳожи Маркс. – Қани саксон тўрт?!

Дафъатан, янгишиб пастга отиб юборгандек туюладио нарвондан тушмоқ учун жойидан бурилаётганида бурнида омонат турган кўзойнак учиб кетади. Бузоқникига ўхшаш кўзлар баттар чақчайиб, шабкўронга аланглай-аланглай қотиб колади.

– Саксон тўртингчи йил қани-и-и?..

16

Кекса бир мархумнинг худойиси. Пешин чоғи.

Ўн болорли узунчоқ хонани тўлдириб таъзиячилар ўтирибди. Улар орасида тунов кунги сомсаҳўр танишларимиздан ҳам баъзилари бор.

Мошранг дўппили мулланамо киши дастурхонга дуо қилаётир:

– Бу – тўқсонга кириб фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилган табаррук отахонимизнинг тўйи. Барчаларимизни у кишининг қутлуг ёшига етказсин, омийн, Оллоҳу акбар!

Юзларга фотиҳа тортилади, аммо ҳеч ким ўрнидан қўзғалмайди.

Даврада бири боғдан, бири тоғдан йўсингдаги гурунг бошланади.

– Эшитдиларингми, анови Қудрат Рамазоннинг уйига тушган тошкентлик момо Ашур Жуманинг ўқишини битириб, тузук иш тополмай юрган неварасини битта қўнфироқ билан банкага жойлаб қўйган эмиш!

– Битта қўнфироқ билан-а? Уккағар, зўр экан шу момо. Нечтасининг ишини битириб берди-я!

– Эрими, ўғлими вазир эмиш-ку!

– Роҳат Шукуровани айтяпсизларми? Ёшлигига роса чиройли қиз эди, дейди амаким. Мактабда кўп йил завхоз бўлиб ишлаган-да.

Авомроқ биттаси гапга аралашади:

– Арчалига севги-муҳаббатни шу олиб келган, дейдилар-ку! Илгари севги-певги деган гаплар бўлмаган экан. Ўзи чиройли бўлгани учун опкелгандир-да.

Бу “кашфиёт”га аксарият мийигида кулиб қўяди.

– Бўлишга-ку бўлган, ҳозиргидай шовқин-сурони бўлмаган-да, aka!

– Эшитишмча, ана шу опкелган нарсаси ўзининг бошига етган!

– Иҳ, их, қандай опкелади уни? – дейди ҳовлиқмароқ бирори.

– Опкелгану ташлаб кетган-да! Ана кейин бошланди севги-севги ўйини! “Кимнинг кимда қўнгли бор, қўяберинг ўйнасин” бўпкетди ҳаммаёқ! Раис бобонинг арзанда келини жингалаксоч бир тишдўхтир билан қочиб кетди! Салим новвойнинг қизи кўчага валасапед миниб чиқди! Уйга судраган акасига “Керак бўлса, сенинг ҳуқуқингдан менини баланд!” деб дағдаға қиладиган бўлди. Бу ёғи – ке-етди!..

Бошлаб ҳалиги дуо ўқиган мулланамо юзини сийпай-сийпай жойидан қўзғалади...

Намозгар пайти. Елкасига сочиғини ташлаб Роҳат опа ҳовлига тушади.

– Бирпас бўлсаям мизгиб олдингизми, апажон? – деб сўрайди нимадир юмуш билан ҳовлида ивирсиб юрган жонсарак Ойдай келин.

– Мизгишга ҳам қўймадингиз-ку, – дейди Роҳат опа беозор кулиб.

– Э, бир тентак бобо-да! Бир бало қилиб жўнатдим.

– Кўрдим, дераздан кўрдим.

– Ҳали келаман, деб дағдага қилиб кетди. Агар чиқмаса, ҳаммага овоза қиламан, дейди гўрсўхта. Билмасам, нимани овоза қилар экан?

Роҳат опа аччик билан елкасидан сочиқни юлкиб, юз чайгани обрез томон юради:

– Кўл-лидан келганини қўлсин! Номард! Алкаш!

– Э, бир сассиқ чолнинг гапини гап дейсизми, апажон! – дейди Ойдай келин обрезга қуиши учун иссиқ сув олгани ошхона сари ошиқаркан. – Айтгандай, боя Норой янгамиз чиқдилар. Анов чўзиб гапирадиган хотин-чи, ўғли-им катта-а ў-кишларни битири-иб... Оғизлари кулоғида, ўғли бир кундаёқ ишга жойлашибди. Сизни алқагани алқаган. Шунга бир пиёла чойга деб...

– Мендан эмас, гўзалликдан миннатдор бўлсин, айтинг, – дейди Роҳат опа қўлини арта-арта обрездан узоқлашаркан.

– Гўзаллик? Ким у? Нимага?.. – дейди Ойдай келин довдираброқ.

– Гўзаллик бўлмаса, бу ишларнинг биттаси ҳам битмас эди, синглим! Дугонам қани – Роҳатой?

– Дўёнинг юборувдим, ҳозир кепқолади.

– Бир айланиб келсакми девдим.

Икки ёни арчазор кўчада турган “Каптива” ўрнидан қўзгалаётир.

– Жуда яхши қиз эди, – дейди Роҳат опа йўл бўйидаги эскича услубда тушган қатор уйларга армонли кўз ташлаб. – Лариса Шевченко. У ҳам менга ўҳшаб йўлланма билан келган. Иккаламиз шу хонада икки йилча турганмиз. Бирор марта аразлашмаганмиз ҳатто. Полтавалик эди ўзи.

– Кириб кўрсак бўларди-ку? – деди кичик Роҳатой.

– Кўй, – дейди каттаси, – эзилиб кетаман. Қирқ йилга яқинлашиб боряпти.

Машина пастга қараб жилади. Кўп юрмай йўл бўйида тўхтайди. Тушадилар.

– Мана шу ер эди менинг мактабим, – дейди Роҳат опа рўпарадаги узун кетган оқ бинога ҳаяжон билан боқиб. – Икки йил умрим мана шу ерларда ўтган.

– Бу ер мактаб бўлганми? – дейди Роҳатой ажабланиб. – Ҳар хил дўкон-пўкон-ку бу. Тадбиркорларники.

– Юр, юр, кўрайлик.

Улар арчазор йўлкадан юқорига қараб юради.

Бинога олиб кирадиган баҳайбат зиналарни четлаб чап қўлдаги деразалар тагидан боришаркан, биттасининг қошида Роҳат опамиз тараддуланиброқ тўхтайди.

– Мана шу хона эди-ёв, – дейди оёқ учida узалиб қўқимтири ойналар оша ичкарига тикиларкан.

Ҳа, анатомия хонаси шу эди. Ҳозир қоп-қоронги, ҳеч нарса қўринмайди.

Ўшандা... эшикдан кирганда рўпарадаги бурчакда – ойнаванд шкаф ичида қобирға суюкларини шиқирлатган мисол одам скелети сакланарди. Деворларда Леонардо да Винчи, Франсуа Рабле, Иван Павлов, Ибн Сино сингари бобо физиологларнинг портретлари, тагида уларнинг соҳага қўшган ҳиссаси ҳақида катта-катта қилиб қизил ва кўк рангларда ёзилган изоҳномалар осиглиқ

туарди. Сүл бурчакдаги ёпиқ шкафда ҳам анатомияга оид ашқол-дашқоллар бир талай эди.

Бир куни дарсдан кейин Кудрат Рамазонов иккиси шу хонада рўбарў сўзлашиб ўтирганида ногаҳон мактаб партташкилотчиси Ваҳоб Ҳожиқулов кириб келган. Бузоққўз. Совуқ илжайиб. Худди тантана қилгандек.

– Қани, ўртоқ Рамазонов, французчангизни кўйиб одам анатомиясини ўрганяпсизми дейман?

– Нима, сиздан сўраб ўрганишим керакми энди, домла?! – деган Рамазонов ҳам бўш келмай. – Тинч қўясизми одамни, йўқми? Бу нима гап, бостириб кириб...

– Майли, майли, мана, кетдик. Сиз билан энди бошқа жойда гаплашамиз-да, а?

– Хоҳлаган жойингизда гаплашаверамиз!

– Ўпкалаб юрмасангиз бўлди бир кун...

Ҳожиқулов ўшанда қўлини атай қўксига кўйиб, тислана-тислана хонадан чикиб кетган.

19

Мактабдан кайтишда – машина ўрнидан жилар-жилмас, йўлка тарафдан кимнингдир ҳайқирган овози эшитилади.

– Бир киши. Тўхтанглар деяптими? – дейди Роҳатой орқага қараб.

Роҳат опа ёнбошдаги ойнага кўз ташлаб, сесканиб кетади: ўша! Ана, бир қўлида шляпаси, бир қўлини тўлғаганча ҳаллослаб келаётir.

Эгнида китель деса қўйлакка, қўйлак деса кителга тортадиган қопдек бир рўдапо, тиззасига тушиб турибди – узундан-узун. Халтасимон ён чўнтакларининг оғзи қоп-қора, яғир – ана, ўша ёқданоқ ялтираб кўринаётir.

Лекин қўйлак дейсизми, кителми, икки қўкраги тўла турли-туман нишону медаль!

Бу кимса қачон, қўрсатган қай хизматлари эвазига бунча шалдир-шулдирга эга бўлди экан?..

“Каптива” йўлда бир тўхтагандек бўлади-ю, сўнг шитоб билан елиб кетади.

20

Дарвоза тагида Ойдай келин ясан-тусан, кайвонисифат бир аёл билан гаплашиб турибди.

– Ўзи қариндошларинг бўларкан-а?

– Йўғ-э, меҳмон, шундай бир меҳмонимиз.

– Хай, бир оғиз айтиб кўринг. Боқча мудирлиги нима – оғзининг ели-ку! Ўзими, эрими каттакон вазир бўлса! Унча-мунча харажатига тайёр экан, дейсиз.

– Э, билмадим, апажон, бунақа ишларга аралашмасалар керак. – Ойдай келин узоқдан папкасини қўлтиқлаб келаётган эрига кўзи тушиб: – Иби-и, қозоним куйиб кетди! – дея шоша-пиша хўшлашган бўлиб, ўзини уйга уради.

Боқча мудирлигига орзуманд аёл бир лаҳза серрайиб қолади-да, зарда билан бурилиб кетади.

21

Ичкари хона. Нодир кийим алмаштираётir. Хотини гирдида, қарашаётir.

– Бу-у, меҳмон апангнинг путёвкаси неча кунлик экан?

– Нима деганингиз бу? – дейди хотини ҳайрон бўлиб.

– Э, анови энагар Ҳожи Маркс “Нодир тошкентлик энасини уйига опкелиб ўтирибди” деб ҳар кўчада сасиб юрганмиш!

Эркин АЪЗАМ

- Энаси?.. Кимнинг энаси?
- Сенинг, менинг! Дадам бирга ишлаган эканлар-ку. Виньеткада ҳам кўрдинг ўзинг, ёнма-ён...
- Айвонда шарпа сезилиб, Ойдай келин бармогини лабига босади:
- Жим-м... Келишди шекилли.

22

...Кечки пешин палласи. Дарслар тугаб, мактабхона хувуллаброқ қолган.
Деразаси ҳовлига қараган бир синфхонадан баланд-баланд хитоблар эшитилаётир.

Адабиёт хонаси бу. Бир деворда – Пушкин, Толстой, Гоголь, Чехов ва Горький портретлари, бир деворда – Навоий, Бобур, Муқими, Фурқат ва Ҳамза.

Педкенгашиб йигилиши авжида. Ўттиз-қирқ ҷоғлиқ иштирокчи – маъмурият, муаллимлар.

Мактаб партия ташкилотчиси Ваҳоб Ҳожиқулов сўз олган. Қайнаётир. Йўқ, заҳар сочаётир.

– Булар ёшларнинг, ўқувчиларимизнинг онгини заҳарлаяпти, ахлоқини бузяпти! Совет оиласини бузяпти! Чидаб бўладими бу ҳолга, ўртоқлар?! Доҳий Ленин бизни шунга ўргатганми? Доҳий Маркс бизга шундай таълим берганми? Мен мактаб партия ташкилоти номидан қатъий талаб қиласман: совет педагоги деган шарафли номга доғ тушираётган бу ахлоқсиз шармандалар мактабдан ҳайдалсин!

Олдинги партада ўтирган тарих муаллими – улкан гавдали Бобоёров домла қўл тўлғаб уни инсофга чақирган бўлади:

– Ўв, ўв, Ҳожиқулов! Ваҳоббой! Сал қаттиқроқ кетгандайсиз. Оила эмас ҳали, унаштириб қўйилган экан, холос...

– Йўқ, бадарга қилинсан!

Орқароқда ўтирган ёш муаллима – Роҳат Шукурова юзини чангллаганча югуриб хонадан чиқиб кетади.

– Сал шошмадикмикан, ўртоқ Ҳожиқулов?.. – деб қўяди орадан кимдир.

– Партия ташкилотининг қарори бу! – дейди Ҳожиқулов баттоллик билан. – Маиший бузук кимсаларга ўрин йўқ сафимида!

Айбланувчилардан бири бўлмиш Қудрат Рамазонов иргиб жойидан туради:

– Оғзингизга қараб гапиринг, домла, ҳеч ким ҳеч кимни бузгани йўқ!

– Буздинг, бузяпсан, бузасан!.. Кечаси қўл ушлашиб Яккаарчаларга чиққан ким? А, ким? Ўз кўзим билан кўрдим!

– Ие, сиз парткоммисиз ё пойлоқчимисиз? – дейди Рамазонов олдинга босиб ва шитоб билан эшикка юаркан, гардкамига боради: – Э, қўлингдан келганини қил! Кал! Ерпакана!

Ҳожиқулов мажлис аҳлига юзланиб, мадад сўраган каби чийиллайди:

– Мана, мана! Ҳакорат қилди! Мени, партия ташкилотини! Жисмоний камчилигимни юзимга солиб, шахсимига тегди, кўрдиларинг!

Рамазонов зарб билан ёпганида қайтиб очилган эшик оша коридорнинг охиридан ашула тўгарагининг машқ қилаётгани эшитилади:

*Осмондаги юлдузни санаб етоман дема,
Юраккинам куйдириб ташлаб кетоман дема-а-а...*

– Ё-ёп! – деб чинқиради Ҳожиқулов ҳолдан тойгудек.

Олдинроқда ўтирган физика муаллими секин бориб эшикни тортиб келади.

...Кечга томон мактабхона ҳувуллаброқ қолган бўлса-да, орқа тарафдаги спорт майдончаси этагида тиккайган турник теграсида икки қиз билан икки йигитча кўринади. Бу йилги битиравчилар, мактабга омонат, хийла мустақил.

Йигитлар турник атрофида айланишиб, маҳорат намойиш қилмокда. Турниқда тортилиш, оёқ учида унга осилиб туриш. Бари анови пастак харракада ҳи-хилашиб ўтирган икки нозанинга аталган.

Қизлардан бири Ҳаким девнинг “жасорати”ни саноққа солган:

– ... қирқ уч, қирқ тўрт, қирқ беш, қирқ олти...

Турникка енгилгина тортиларкан, мактабнинг бериги эшигига кўзи тушган Ҳаким илкис ерга сакраб:

– Роҳат опами анови? – дейди таажжуб билан. – Химия муаллимимиз. Ия, йифлаб чиқдими?

Дарҳақиқат, кимё-биология ўқитувчиси Роҳат Шукурова кўзларини арта-арта, бошини солинтириб дарвоза томон кетаётир.

– Мукар, чоп! Сўра-чи, нима гап?

Югуриш бўйича қизлар орасида мактаб чемпиони – Мукаррам икки ҳатлаб муаллимага етиб олади. Уни дилдорона қўлтиқлаб кета бошлайди.

– Кириб ҳаммасининг тўс-тўполонини чиқаролмайманми?! – дейди хўроздланиб Ҳаким.

– Кир, кир, шундай қилақол, – дейди жўраси – миқтидан қелган сариқ йигит.

– Мактабдан ҳайдалиб! Ўқишига боришининг жойига мелисаҳонанинг ялоғини ялаб!..

– Нимага бундай қиласи бўлмаса? Мактабда энг зўр ўқитувчи бўлса!..

– Э-энг чиройли! – деб луқма кўшади кийим-бошу юриш турища ўша муаллимага тақлид қиласидиган қиз.

– Бонжур муаллим билан тутиб олганмиш-да анови совуқ Ҳожиқулов...

– “Кимнинг кимда кўнгли бор, қўяберинг ўйнасин”, деб хиргойи қилиб ўтирадилар бобом. Тўқсон яшар бобо!

– Менимча, бир-бирига жуда мос шулар, – дейди қиз, чамаси, ўзини ҳам кимгадир мос кўриб.

– Бонжур домланинг хотини бор-да, – дейди сариқ миқтивой. – Аммасинингми, холосининг қизи.

– Хотини эмас, қайлиғи дегин! Кўнгли йўқмиш-ку унга, – дейди билағон қиз. – Армияда юрганида ота-она бу ёқда ишни битириб қўйган экан.

– Бунисига нима деркан бобонг, қані?

Ҳаким дев мажлис бораётган хона деразасига ғазаб билан тикиларкан, талмовсираб қолади:

– Қайси бобом?

– Тўқсон яшар бобонг-да! Ҳали айтдинг-ку?

– Бобом йўқ менинг, – дейди Ҳаким бирдан тўнини тескари кийиб. – Болалигимда ўлиб кетган. Иккаласиям!

...Педженгаш (давоми).

Дераза томонда ўтирган рус тили ўқитувчиси Лариса Шевченко ўрнидан туради:

– Можна мне?..

Эркин АЪЗАМ

Убоя Роҳат Шукурова чиқибкетгач, ёнига ўти болган физкультура муаллимининг хираликларидан бозор. Директорнинг жияни сифатида педкенгашда ҳам бўйнига чуррак осиб, бемалол спорт либосида ўтирган физкультурачи қилиқ қилгани қилган.

- Пажалиста, пажалиста, – дейди эринчоқ мактаб директори.
“Иккинчи она тил”да янграган сўзлардан ҳамма дафъатан сергак тортади: ана, энди хукм!
- Почему вы так сразу, Вахаб Хаджикулович? В чём они виноваты?
– У него жена есть, Лариса Евгеньевна, эта кишлак, разве можно так?
– Ну и что? У них дружеские отношения.
– Какой эта дружба-е, товарищ Шевченко!..
– Ну тогда любовь! А что, нельзя что ли? Вы же не можете запретить им это? Никто не имеет права запрещать! Любовь – это чувство высокое! Даже товарищ Ленин не может...
– Товарищ Ленин?! Нет, нет-э, не может быть!
– Ведь он тоже любил!
– Как?! А если и любил, то только свою жену, Надежду Константиновну! Только и всё!
– Ошибаетесь, товарищ Хаджикулов! Он любил Инессу Арманд!
– Что вы говорите, товарищ Шевченко, какой арман?
– Ну с вами невозможно! Историю надо читать, товарищ!
– Я не историк! Я...
– Сказать, кто вы? Вы просто демагог, и всё! – Лариса Шевченко сумкаласини билагига иладиу тарс-тарс юриб, стол бошида пинак қилиб ўтирган хушфеъл, хомсемиз директорнинг олдига келади: – Извините, товарищ Касымов, я тут не могу, я пошла!
- Оғиркарвон одам, шартта ўрнидан туриб кетади:
- Э, пажалиста, пажалиста. – Сўнг ҳамон чатнаб турган партташкilotчига юзланади: – Тугата қолайлик шуни?
– Мен талаб қиласман! Партиявий талаб!
– Майли, майли. Кейин гаплашайлик.
– Қарор-чи? Педкенгаш қарори нима бўлади?
– Кейин гаплашамиз, дедим-ку. Рабочий парядка. Қаранг, кеч бўпқолди. А, ўртоқлар?
- Деразаларга қоронгилик кўланка ташлай бошлаган, мажлис аҳли аллақачон қочмоққа тайёр...

25

Рамазоновлар хонадони. Ҳовли. Намозшом палла.

Қариндошлар можароси. Йўқ, ростакам исён. Қўш пешона боғли кайвонисифат амма, бир қўли орқада, рост қўлини пахса қилганча, этнида ўнгиб кетган носранг китель (собиқ колхоз раиси-да), айвон қирғоғида айборона энкайиб ўтирган укасига қараб аламангиз шанғиллаётир. Опа қаттироқ кетганида ука аста бошини кўтариб унга илтижоли қараб қўяди.

Амманинг шопмўйлов эри сал нарироқда, айвон устунига елка тираб чўнқайган. Юз-кўзида андак хижолат сезилса-да, оила шаъни учун ҳар дақика хотинининг ҳимоясига шай.

Хонадон бекаси дока рўмоли билан даҳанини тўсиб олган, уй эшигига суянган кўйи таҳлика ичиди қотиб турибди.

Айбдорнинг ўзи – Қудрат ҳовли адогида, боши хам, тандирга тирсаклаганча құлдаги аллақандай бутоқни оғзига солиб чайнагани чайнаган, дам-бадам тупуриб ташлайди. Оёқ ости тупукка түлган.

Хар тараф девор оша бундай өткөнде ҳозир нозир ҳангаматалаб құшниларнинг боши күриниб қолади.

Үртада кечеңгілдегі дийдиәни биз айнан эшитишимиз шарт эмас – нима гаплиги аён-ку, мазмұнны эса таҳминан мана бундай: “Укажон, сенларда лафз дегандан колғанми?! Эсингдан чикмаган бўлса, икки йилгина аввал хув анови ерда (амма тут тагидаги супага ишора қиласи) давра қуриб нон синдириган, қиёматли куда-андада бўлган эдик! Менинг ойдай, гулдай қизим энди ёмон бўлиб қолдими, а? Опанг бу иснодга қандай чидасин, раисжон, айт!” Раис туғишиганига аянч билан мўлтирайди: “Нима қиласи, опа, замон шундай келди. Ёшлиқ, кўнгил, “дил – дили Зайнаб” деган гаплар бор...” “Замонни қўй, ука, жиянгинамизнинг кўнгиллари бир келгиндига кетганмиш-ку, шундан гапир! Эшитдик: зот-зурёдининг тайини йўқ бир сабил детдом экан! Замон эмиш! Зайнаб эмиш-а!”

Шу жойига келганда Қудрат құлдаги хипчинни отиб юбориб, шитоб билан дарвоза томон юради. Амма: “Ана! Ана! Күёвгинамиз қочди! Қочди, қаранглар, ана!..” Ота: “Ўв! Ўв! Қаёқка?”

26

Кўча бўйидаги қатор кетган оқ бинолардан бирининг пастак эшиги олдида Қудрат билан Лариса Шевченко сўзлашиб турибди. Аниқроғи, Лариса гапирияпти – ўпкаси тўлиб, йиғлагудек бўлиб. Нима деяётгани эшитилмайди, аммо маъноси бизга маълум.

Қудрат дафъатан гандираклагудек бўлиб кўча томон йўл олади. Лариса унинг ортидан “Всё, конечно!” дегандаги қолади.

...Йигит навбатчи магазин олдида телбаларча симёғочни қучоқлаб турибди. Симёғоч учидаги қалпоқли чироқдан тушаётган нур унинг юмук кўзларини, аламдан буришган чехрасини бўрттириб кўрсатади.

Бир замон лип этиб чироқ ўчади. Чор атроф зулмат қўйнида қолади.

27

Арчалидан чиқаверишда – даранинг бир ўнгирида макон топган бензин қуиши шохобчаси. Машина камчил.

Роҳат опамиз ҳисоб-китоб туйнутика энгашиб турибди.

– Қанча бўлсин? – деб сўрайди ичкарида ўтирган йигит.

– Тошкентгача етадиган қилиб. Баким бўш.

– Ўх-хў!

Роҳат опа сумқачасидан бир тахлам пул олиб узатади.

Шунда қизиқ иш бўлади. Бурчакдаги пастак креслода ястаниб, бир кўзи қарши бурчакдаги митти телевизордан кўрсатилаётган мўъжизакор Тангем қизда, бир кўзи ажабтоворроқ кўринмиш мижоз хотинда бўлган киши – чамаси, шу дўйконнинг хўжайини – “Бу ёққа бер” деб шогирдининг қўлидан пулни оладио орқа эшикдан чиқиб келиб Роҳат опага яқинлашади. Элликларга борган, норғул, чақкон.

– Бунингизни опкўйинг, апабой, – дея қўлдаги тахламни тутқазмоқчи бўлади. – Сиздан пул олинмайди!

– Ия, вой, нега?! – дейди Роҳат опа ортга тисланиб.

Эркин АЪЗАМ

– Шунга! – Хўжайин “Каптива”га яқин бориб, пулни ҳайдовчига ёндош ўриндиқда ўтирган Роҳатойга узатади: – Опқўй буни, солиқчининг қизи! Дадангга айт, бу ёғини солиққа тортиб юрмасин тағин!

Қиз тахламни олиб, қиё ҳам боқмай, опанинг ўриндиғига ташлайди.

Хўжайин меҳмонга синовчан караб, “хужуми”да давом этади:

– Роҳат апамизсиз-да, Шукурова? Бизни мактабда ўқитгансиз. Химиядан кирадингиз. Топдимми? Мен Ҳакимман, (кулимсираб) ҳу-у Ҳаким дев...

– Бир кун келиб бензиним текин бўлсин деб ўқитган эканман-да, а? – дейди Роҳат опа шўхчан жилмайиб ва унга тикиларкан, лоп этиб эсига тушади: – Сиз – Ашуро всиз! Келажакда химик бўламан, янги модда кашф этмасдан Арчалига қайтиб келмайман, деб онт ичган йигит-да? Мен ҳам топдимми?

– Буниси бўлмади-да, апажон. Отамиз яккақўл эдилар, ўқиши битирибоқ қайтишга мажбур бўлганмиз, – дейди бензинчи хижолатомуз ва бензоколонка тарафга им қоқиб илжаяди:

– Буям аслида химия!

– Химия, химия... Фойдаси нақд химия! – дея ҳазилга олади Роҳат опа. – Майли, қайғурманг, ўзим ҳам бошқа соҳага ўтиб кетганман.

– Ҳа-а, шундайга ўхшайди... Қани, кетдик уйга! Меҳмон бўласиз, Мукарни кўрасиз...

– Мукар? Мукар... ҳалиги бўйчанроқ спортсмен қизимиз-да? Югуриш бўйича мактаб чемпиони эдилар-а?

– Ўша, ўша. Ҳозир сакраш бўйича ҳам чемпион уйда! – дейди Ҳаким Ашуро вулиб. – Ўзимизда. Бегона қилмаганмиз-да, апа. Борайлик, сизни қўрса қўйни ўзи сўяди! Синфдошлардан чакирамиз, Баландчинорларга чиқамиз...

– Яхши бўларди-ю, эрталаб йўлга чиқсамми деб турибман-да, Ҳакимжон. Келинг, кейинги сафар албатта!..

– Сўзингиз – сўзми?

– Сўзимиз – сўз! – дея Роҳат опа собиқ ўқувчиси билан эркакчасига қўл ташлашиб хўшлашибади.

Собиқ муаллима опанинг машинани абжирлик билан буриб катта йўл сари ҳайдашини кузатиб турган қоровул чол хўжайнинг яқинлашиб:

– Алангизнинг шашти зўр-ку, Ҳакимбой! – дейди армонли бир завқ билан. – Ўзиям ҳали... сал-пал ремонт билан қайтиб чимилдиққа солсаям бўладигандай!..

– Шаҳарда яшагандан кейин ўзига қарайди-да. Аёл киши. Бошдан ҳам бежирим эди ўзи...

28

Ажид манзара... Дўнг бошида танҳо арча. У орқадаги улкан ой гардишининг қоқ ўртасида нурга чўмиб турибди. Теварак-жавониб сутдек ойдин. Дўнг усти, ундан нари арчазор қир-адирлар, ундан нари тоғ ёнбагирлари, посбон чўққилар – ҳаммаёқ. Бу томонда эса, ана – чиқиб келадиган айланма сўқмоқ, ана – пастлиқда ойни оқизиб бораётган сой, узун кўприк, боғқўчаларни эргаштирган ялтироқ асфалт йўл ва ниҳоят этакда ястанган кўкалам қишлоқ.

Ажид манзара... Якка арчанинг икки ёнида дафъатан икки соя пайдо бўлади. Йигит билан қиз. Зум ўтмай улар қўл ушлашиб айланма сўқмоқ билан дўнгдан тушиб кета бошлайди.

Арча ёнида яна иккита қора! Бири – навниҳол қиз, иккинчisi – кексароқ аёл. Роҳатой билан Роҳат опа.

Бу алмашинув манзараси бир неча бор такрорланади.

Ногаҳон чап томонда турган салобатлироқ соя йўқолиб қолади. Ўнг томондагиси бундан бехабар, якка арчани қўриқлаётгандек, пастдаги қишлоқдан кимнингдир уйини, ҳовлисини қидира бошлайди.

Бир маҳал ёлғиз қолганини пайқаб, ваҳима ичида у ён-бу ён алланглаганча шеригини дараклай кетади:

– Дугона! Дугона, қаёққа кетдингиз?

“Дугона”сини сал этакроқда чўнқайиб ўтирган ҳолда кўради. Қўлида аллақандай чўғ, тескари караган.

Орқасидаги шарпани сезиб Роҳат опа чекаётган сигаретини узоққа чертиб юборади, куф-куфлаб нафасини софлаган бўлади.

Киз келиб кифтидан кучади:

– Кўрқитдингиз-ку мени, дугона!

Икковлон бир муддат шу тахлит қотиб ўтиради.

Кейин ана шу асно – дўнгликдан тушаётиб Роҳат опамизнинг кўнглидан кечганлари (ички монолог):

“Неча йиллар юра-юра нега энди келдинг бу ёқларга?.. Кейинги вақтларда мана шу дўнглик, мана шу ёлғиз арчани, ўша ойдин кечани тез-тез эслайдиган, қўмсайдиган бўлиб қолган эдинг. Тушингда ҳам, хушиングда ҳам. Яна, баҳор чоғлари пастак томлари лолақизғалдоққа бурканадиган уй-уйчалар кўз олдингдан кетмай қолди... Мана, келдинг ҳам, кўрдинг ҳам: ўша-ўша дўнглик, ўша-ўша Якка арча, ўшандай моҳтоб кечга, баркаш мисол ой... Хўш, нима бўлди, шохинг чиқдими? Йўқ, ҳеч нарса! Кўнгилда ҳатто анчайин бир ҳаяжон, энтикиш ҳам йўқ... Ҳа, унда ҳамроҳинг бошқа эди. Эсингдадир, дўнгга чиқаётганда ҳам, дўнгдан тушаётгандан ҳам юрагингнинг дукиллаши тинмаган. Кейин умрингда ҳеч бунака хузур, бунака ҳаловат туймадинг, ҳеч! Ўшаларни қўмсаб келгансан асли... Мана, эртага қайтиб кетяпсан. Ҳув бир замонлар манови ёнингдаги ёқимтой қиз – “дугона”нгнинг бобоси сабаб бу ерлардан бадарға бўлган эдинг, бугун энди унинг отаси сени бадарға қилаёт... Бунисига нима деймиз энди, ўртоқ?”

Ниҳоят, этак томон тушиб келадилар.

– Мана, шунча чиқдик, тушдик – бир оғиз ҳам гапирмадингиз-а, дугона? Нимадан хафа бўлдингиз, айтинг?

– Вой, шунча гапни мен кимга айтдим? Бор дардимни тўқдим-ку сенга, қизим!

– Иби, қачон? Қачон?

– Эшитмабсан-да? Кел, эшитмаганинг тузук... – дея Роҳат опа қизни қучоқлаб олади.

– Иби-и, бирор тушиб кетдими?.. – дейди кўприк тарафга кўз ташлаган қиз. – Ҳозиргина панжарага суюниб турган эди, бундай қарасам – учуб кетаётгандай. Сойга, сувга... Ажинамикан-а?

– Ажина? Юр, кўрамиз. Кўрқмайсанми ўзи?

– Сиз борсиз-ку! Икки киши бўлса, ажина қочиб кетади...

Улар етаклашиб кўприк бошига келади.

Келиб панжара оша пастга қарасалар – кўприқдан бурилишдаги зовурсимон чуқурликда бир қора кўланка ётибди. Чалқанча. Жуссаси ёш боладан сал дадилроқ. Кўл чўзгулик жойда шляпаси – ҳали йиқилганида бошидан учуб кетган. Хор-ҳас тилганми, афт-башараси қонталаш, пешонаси расмана қонаб турибди.

Аҳволи ночор, афтода, аммо бузоқкўз ўша-ўша – одамга мазах аралаш бир миннат билан бокади. Устига бадмастликни қўшса...

Эркин АЪЗАМ

Кундуз мисол ойдинликда бары равшан, ошкор...

Бу кимсани таниган заҳоти бир сесканган Роҳат опа шартта бурилиб кетмоқчи бўлади-ю, қандайдир ички қизиқиши, оний эса-да, ғолиблик ҳиссими, уни бу ерга боғлаб кўяди.

Бир вақт чукурликдан хириллаган сас чиқади:

- Топдим-а, кўрдим-а... Шукурова, ўзингизми?
- Сиз... ўша домла Ҳожи...
- ...кулов, Ҳожиқулов. Эсингизда эканман-а?
- Унугиб бўлармиди сизни?! Бу ерда нима қилиб ётибсиз, нима бўлди?

Хандақ бандиси инқилай-инқилай бир азобда тирсакларига таяниб олади. Туриб ўтирумокка эса мажоли етмайди.

– Сизни излаб келаётувдим. Дўнгнинг бошида кўриб дарров танидимда. Кўзим ўткир ҳали. Лекин панжара тугаганини пайқамай қолиб, йиқилиб тушибман...

– Пойлоқчилик одатингиз ҳалиям бор экан-да, домла! Ҳув ўшанда ҳам бировларнинг кетидан мана шундай искаланиб юардингиз! – дейди Роҳат опа захрини тиёлмай ва гапнинг бу ёғи кескинлаб кетишини ўйлабми, ёнидаги қизнинг кифтига туртади: нарироқ бориб тур.

Чукурдан чиқаётган овоз дадил, жанговар тус олади:

– Анови Қудрат иккаланг педагоглик шаънига доғ тушириб, ҳаммаёқни шарманда қилдинг-да! Ёшлар, ўқувчилар, бутун қишлоқнинг ахлоқини буздинг!

– Қўйсангиз-чи, домла, бунақа пуч, ваҳима гапларнинг нима кераги бор? Биз ҳеч кимни бузганимиз йўқ! Ҳеч нарса қилганимиз ҳам йўқ! Буни ўзингиз ҳам жуда яхши билардингиз!

– Лекин бундай нарсаларга чек қўйиш менинг парткомлик бурчим эди, шуни бажардим, холос!

Роҳат опа туйқус келган аламдан жазиллаб кетади:

– Сизнинг бурчингиз деб бировларнинг ҳаёти барбод бўлгани-чи! Бирор жойга ишга киролмасдан, кўчаларда қолиб, эрсиз, бола-чақасиз ўтганлари-чи! Ким жавоб беради бунга?!

Чоҳда бир зум гўристон жимлиги чўқади.

– Ия, ия, бизники ҳисоб эмас экан-да? Мана бундай расвои жаҳон бўлиб юришимизга ким айбдор, биласанми? Ё боши кал, ўзи пакана одамда кўнгил бўлмайди деб ўйлайсизларми? Ана энди эшит бўлмас...

– Сансираманг, мен сизнинг хотинингиз эмасман!

– Хотин қилмоқчи эдим-да мен сени!

– Вой-вой, гапингизни қаранг! Мўйсафид одам! Оиласнинг, болаларингиз бўлатуриб?! Совет педагогига номуносиб ахлоқсизлик бўларди-ку унда? Партиянигиздан ҳайдалиблар кетардингиз!..

– Ҳайдаса ҳайдасин эди, майли!. Лекин сен анови чулчут французни танладинг-да... – Бояги зардалар бирдан йўқолиб, чукурдан келаётган овозга аламми, ҳасрат оҳангি аралашади: – Сенга ҳавасим келарди, Роҳат, ишон! Сен эса бизга ўхшаганларни назарингга илмасдинг! Нима қилай, мен ҳам кейин ўзимни кўрсатгим келган-да. Бари рашидан, аламдан! Мана, бутун ҳам сен тепамда, баландда турибсан! Менинг бу ётишимни, бу ахволимни қара, Роҳат...

Дарҳақиқат, бу манзарани сиртдан туриб кузатган одам ўртада кечган-кечаётган гап-сўзлардан тамоми танг қолмоғи шубҳасиз эди!

Улар бамисоли куппа кундузи, бир-бирига тик қараб сўзлашмоқда. Бунақа ҳолатда бирор нимани яширмоқ, пинҳон тутмоқ имконсиз. Айниқса – бир умр кўнгилда маддалаб, зардобга айланиб кетган аламни!

– Ўзи сен нега келган әдинг-а бу ёқларга? Сенсиз биз ҳам, Арчали ҳам тинч, осойиша эди...

– Мен келиб буздим-а?.. Қаранг, шу өзінде қим сүрекшілік аспан... Мен бу ерни отамнинг юрти деб келғанман асли! Онам ўлаётганида отам ҳақида биргина сүзни айтған менға: Арчали! Гүдак қулогимда қолған шу сүзни кейин бүйінимге тумор қилиб юрдим. Лекин бу ерларга келиб нима топғаним – сизга маълум...

Ингрекми, илтижоми әшитилади чуқурликдан:

– Кечир мени, Роҳат, синглім...

Роҳат опа панжарага сұяңғанча караҳтап бўлиб қолған.

Бир замон кўкрак чўнтағини кавлаб, сигарет олади. Ошкора чека бошлайди.

Бир замон шу атрофда айланиб юрган Роҳатойни чакириб, бўйнидаги шарфни ечиб беради. “Бор, хўллаб чик”, дея сойга ишора қиласида-да, ўзи ёнламасига қиялаб аста чукурға туша бошлайди.

...Ой ёргуғида қўпrik бўйлаб учта қора имирсилаб бораёттир. Ўртадагисининг бошида шляпа, у дам-бадам тойиб, оёқлари майишиб қолади. Икки ёнидагилар уни кўлтиқлаб олган, гўёки судраб кетишаёттир.

30

Арчалини тарқ этаётган кумушранг “Каптива” тепалик бошланган жойда секин тўхтайди.

Икки ёндан икки дугона – икки Роҳатой тушади.

Каттаси кичигини бағрига олади.

– Соғинаман энди, – дейди кичиги, кўзида ёш, ҳиқиллаб. – Сизни яхши кўриб қолдим, холажон. Қачон келасиз яна?

– Ой тўлганда, – дейди каттаси ҳам дилгирланиб. – Энди сен борасан, қизим. Тошкентга, ўқишига. Меникода турасан. Икки Роҳат, икки дугона бирга яшаймиз.

Улар қайта-қайта кучоқлашиб, ўпиша-ўпиша хайрлашади.

Қиз қишлоқ сари йўл олади.

Роҳат опа машинасига сұяңғанча уни кузатиб қолади.

Бир вақт қиз кўзига иккита бўлиб кўринади. Роҳат опа машинадан кўзойнагини олиб тақади. Ҳа, иккита, икки қора. Ёнма-ён иргишлиб кетишаёттир.

Кечаги қилтириқ невараға ўхшайдими... Анов дўнгнинг орқасида яшириниб турган экан-да. Ҳаҳ, шайтонлар!..

...Кумушранг “Каптива” адирлар оралаб елиб кетаёттир.

Гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай. Ким биландир бекинмачоқ ўйнаётгандек...

Оқ йўл!

Фильм туга...майди



Бир оний ларзани кутавераман

**Гавҳар
ИБОДУЛЛАЕВА**

* * *

Оташ нафасларинг ила соғиндим,
Овозларинг ила қўмсадим ўзимни.
Валлоҳ, калимага келмаган тилим
Нечук куйиб кетмас яшаб бу сўзимни?

Олов бармоқларинг ила истадим
Минг йил силанмаган юзимни.
Ичимга бир уммон тўлқин гизладим,
Токай юмиб яшай кўзимни?

Ўтлуг нигоҳларинг ила илҳақман,
Зорман, гадосиман қутлуг дийдорнинг.
Ҳар туним бадарға асирман, нақдман,
Ҳар куним қайтаман оғзидан дорнинг.

Юпатиб, бағримга босгим келадир,
Эркалигим келар мушфиқ бағримни.
Бир оний ларзани кутавераман,
Ҳеч кимга ишонмай ишқим-сағирни.

Махзун ёдинг ила ёдим ямалган,
Сени эслай туриб мен бутланаман.
Жонимда бир дунё соғинч қамалган,
Сени қўмсай туриб мен тикланаман.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1961 йилда туғилган. Урганч давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган. Шоиранинг “Қутлуг сўзлар”, “Бир вужуд соғинч”, “Юрагимда яшаётган сир”, “Ватан сийрати”, “Мендан кетаётган кунлар” шеърий ва насрый китоблари чоп этилган.

Қаршимда ҳажрнинг қилкўприклари –
Кетаман, шу йўлдан кетаман.
Йиқилсам, ўзимга келмайман қайтиб,
Ўзимдан ўзимга қачон етаман?

* * *

Жон ёқиб асраган тилагим
Сеники.
Эҳтирос уфурган сўзларим,
Садоқат қидирган кўзларим,
Кўксимда юрагим –
Сеники.

Сенгадир покиза ардоғим,
Бахтим ҳам.
Бахтимга ўзимдай кувонсанг,
Қалбимга ўзингдай ишонсанг,
Сенгадир қарогим,
Қалбим ҳам.

Сенгадир эъзозим беадог –
Сабрингдай.
Қўлгинанг узат, дўст тутинсанг,
Юракни юракча тушунсанг,
Қадримни туёлсанг қадрингдай,
Кўксимда юрагим
Сеники,
Сеники...

* * *

Кўнглим ойга илинди,
Ҳилол бағри тилинди,
Софинганим билинди,
Сафом қайда, ёронлар?

Кумушланди ўроғи,
Мушкул дилнинг сўроғи,
Азоб берар фироғи,
Жудом қайда, ёронлар?

Тахтим бўлди устувор,
Тожим бўлди устувор,
Ишқнинг менда қасди бор,
Жафом қайда, ёронлар?

Сочимга хас илашди,
Юрап йўлим чўлашди,
Жонимга ўт туташди,
Дарём қайда, ёронлар?

Рухим – чўғсиз култепа,
Ҳаё юзга зеб-упа,
Кўнглимда бир шоҳсупа,
Гадом қайда, ёронлар?

Хуш йўқ кунга кўнарға,
Хуш йўқ шамдек сўнарға,
Бошим ғамга кўналға,
Хумом қайда, ёронлар?

Қалбга бир нақш ўйдим мен,
Исмин армон қўйдим мен,
Дунёлардан тўйдим мен,
Авлиём қайда, ёронлар?

* * *

Сизга яқинлашганим сари,
Қалинлашиб борар ўртадаги девор,
Бу девордан ҳаддимиз сифиб:
На сиз, на мен ўта олгаймиз.

Сиздан қанча узоқда бўлсам,
Шу қадар яқинсиз кўнглимга,
Шу қадар меникисиз,
Тортиб ололмагай
мендан...
сизни...
хеч ким.

* * *

Йўқ, мен сизга ипсиз бойландим,
Бойландим жон-жаҳоним билан.
Сиз менга, мен сизга айландим,
Еrim билан, осмоним билан.

Ўткинчи ўй, ҳислар бари пуч,
Фақат мангу ишқ дунё қадар.
Ажратолмас бизни ҳеч бир куч,
Ажратса бир фироқ ажратар.

Менсиз нурли дунёнгиз қаро,
Сизсиз ҳаёт – зим-зиё, зулмат.
Хеч зот сиғмас иккимиз аро,
Сиғса бир БАХТ сиғади фақат!...

* * *

Орамизда масофалармас –
Хотиранинг яйдоқ чүллари,
Бизни учраштирган дунёнинг:
Суронлари, түфон, селлари.

Орамизда масофалармас –
Мен кутиб, сиз келмаган йиллар.
Биз дунёдан сир тутган туйғу,
Дунё бизга очмаган сирлар.

Орамизда масофалармас –
Кўзёшларга дўнган чоғлар бор.
Орамизда масофалармас –
Ғурур отлиғ юксак тоғлар бор.

Номус деган дарё айқирап,
Орамизда бекўприк, беиз.
Кечолмаймиз дарёдан энди,
Ўтолмаймиз тоғдан иккимиз.

* * *

Келдингиз. Бағримга кўчди лолазор,
Қалбимни қувончлар айлади Ватан.
Билмабман, мен сизни шунчалар
Соғинган эканман.

Кўйинг, кўзларимга қарамай туриңг,
Сизнинг борингизга кўниб олайин.
Сизсиз тин олмоққа етган бардошни
Юрагим қасридан кувиб солайин.

Тўхтанг, аҳволимдан сўз очмай туриңг,
Сизсиз қай йўсинда куним кўрибман –
Буни сўзламоққа мажолим йўқин
Ўзим ҳам шу ҳозир билиб турибман.

Келдингиз. Рўёга дўнди ташвишлар,
Ёлғон экан бари чинга йўйганим.
Кўнглим яримлиги рост экан асли,
Ёлғон экан сизни кутмай кўйганим.



Андаман ё бундаман, истаб сени ҳар онда ман

Сайд БУРХОН

Ёзар бўлдик

Ёзилғон эрдими тақдир, нечукким биз кезар бўлдик,
Гаҳи ашъор, гаҳи панду гаҳи мактуб ёзар бўлдик.

Кўруб бу турфа оламни, оламни билмас одамни,
Гаҳи тубга кириб кетдик, гаҳи сиртда сузар бўлдик.

Тузиб қўйғон Ўзи бордур, аён айлаб китобида,
Таажжубким, бани одам нечун низом бузар бўлдик.

Ҳама доно, ҳама гўё илмни сув қилиб ичган,
Ақл бермоққа барча бир-биридан ўзар бўлдик.

Кибор бўлма, ғурур қилма, гапирма асло ёлғонни –
Деган эрди, ҳамасига мувосил, алҳазар, бўлдик.

Нима қолди биза энди бузилғон ушбу дунёда,
Юракда бир хуруж турса, бузулғонни тузар бўлдик.

Сабр қилдик, шукр қилдик тутиб игнани бармоқда,
Умр ўтди, қудуқни энди кетмонда қазар бўлдик.

Сайд Бурхон, ёмонми-яхшими, ҳар кун туз ашъоринг,
Ёзилғон эрмиш тақдирда, шунинг-чун биз ёзар бўлдик.

Сайд БУРХОН – 1964 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Рӯҳият” номли шеърий китоби ва “Бухорхудотлар” номли романи чоп этилган.

Эй, дил

Иккита ҳаётим, иккита юзим,
Бир ёкқа ўтломай топмадим тўзим,
Икки тўлқин аро гирдобра ўзим,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил?!

Тирикчилик, дейман, ишга кетаман,
Ишдан кўнгил тўлмас, лекин нетаман –
Орзу маош бермас, фикр этаман,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил?!

Оламшумул дардлар ётибди сенда,
Яна иллат илдиз отибди сенда,
Faфлату бедорлик не топди сенда,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

Бир куни бу танам бир ёқли бўлар,
Шаксиз, ҳаволимас, тупроқли бўлар,
Сайдурхон шунда гуноҳли бўлар,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

Бедил ғазалига мухаммас

Хол сўрмаса ҳам ёрга жавоб ўлди бизим дил,
Сарғарди гул ишқида, бетоб ўлди бизим дил,
Манзил харобот ўлди, хароб ўлди бизим дил,
Захм ўлди яна, чашми пуроб ўлди бизим дил,
Жом ичра тўла қонли шароб ўлди бизим дил.

Эй, боди сабо, ўйнама, бас, лаҳзае тингил,
Ки, ғамзаларинг ғам юкини қилмади енгил,
Борғилки Самум сори, анинг тошига ингил,
Гулбоғу чаман фаслида тош ўлса у кўнгил,
Дашт узра ғубор ўлса-да об ўлди бизим дил.

Ағёрни кўринг, май тутса, мудом хом бўлибдир,
Балки азалдан шўру талх биза ком бўлибдир,
Не мастиғ эмиш, девона бизим ном бўлибдир,
Васл анжумани ичра ҳаё жом бўлибдир,
Об ўлса агар бодаи ноб ўлди бизим дил.

Тун ўлди адо, нафс, нима топдинг ҳавасингдан,
Эй жон, чиқ, энди бу кун озод бўл қафасингдан,
Валфажр дедим, қоматга келиб қуш сасингдан,
Не ҳосил, аё нола, бул оташ нафасингдан,
Қон бўл, сени деб бўйла кабоб ўлди бизим дил.

Ҳолим не эрурки, бок, не ҳол ичра бу олам,
Ҳар ёнда тўфон, гўё завол ичра бу олам,
Бухронни дема, Бурҳон, савол ичра бу олам,
Бир чашма-ку тўфони хаёл ичра бу олам,
Бедил, наилож, эмди сароб ўлди бизим дил.

Ғазал

То ҳануз топмай сени, бир умр армондаман,
Сен каю сахродасан, ўтгувчи бир карвондаман.

Сен-ку бир жойда муқимсан, дарбадар менман, вале –
Андаман ё бундаман, истаб сени ҳар онда ман.

Во, дариғо, ҳеч қачон ёдингдан ўзга ёд йўқ,
Ё магар жон ўлсанг, ўшал табаррук жондаман.

Сен бақо гулшанида улкан сабрсан, кут мени,
Мен фано зиндонида, на илож, зиндондаман.

Йўқ тараф сен сори, билсам, якка-ю якто ўзинг,
Мен ғарибинг ногаҳон ул ёндарман, бул ёндарман.

Гар адо бўлса йўлум, чорлағил, тортқил мени,
Ўзда йўқдур ихтиёр, илкингдаги фармондаман.

Бекарору бенавоман ишқингда, эй, умри азиз,
Бир қарори бўлмағон ул Саид Бурҳон-да, ман.

Римнинг қулаши

1. Вабо

Демокрит қайдадир, Цицерон қайда,
Цезарь жавоб бермас таназзул учун.
Ёвузлик авж олган табаррук жойда,
Улуг боболар-ла мақтамоқ нечун?

Андаман ё бундаман, истаб сени ҳар онда ман

Шохлар сарой қурап, устма-уст, қайта,
Очликдан кирилар оддий халқ – демос.
Ҳеч ким чиқа олмас ҳақ сўзни айта,
Ҳеч ким: "Нима учун бу давлат?" демас.

Вабо – чиркинликнинг мудҳиш ҳосили,
Саройдан, балиқнинг бошидан тарқар.
Худо ҳам не қилсин, ахир, бандасин –
Ярми ўғри бўлса, ярми эса ғар.

Олими ёлғончи, шоири маддоҳ,
Меҳнатни қилгувчи – халқ эмас, қуллар.
Бундай тақдир раво кўрмагай илоҳ,
Империя энди, шубҳасиз, қулар!

Вабо бир баҳона, вабо бир синов,
Үйкудан уйғонмай кетди Рим аҳли...
Уйғон, деб айтгучи бўлмади бирор,
Халқни саралади холиқ шу тахлит.

Нажот саройданмас, зиндандан чиқди...

2. Спартак

Нажот саройданмас, зиндандан чиқди,
Юнон заковатин олган Римдир бу.
Сабр мұваққатдир, демиши Афлотун,
Зулм зулмдандир, демиши Арасту.

Спартак! Сабрнинг таги исёндир,
Зулм нелигини кўрсат уларга –
Кулдан чиққан мағрур гладиатор
Ота бўлганини шаҳзодаларга.

Ифлослик жонига теккан бу халқнинг
Қалби ҳам, кўзи ҳам тўлганда қонга –
Бошлардан сачраган қондан бева Рим –
Ҳомиладор бўлар янги исёнга.

Шарққа қараб қўлин узатаркан у,
Шарқдан чиқишини билгандек қуёш.
Бу гал қон биланмас, бу сафар исён
Исо сўзи билан кўтаради бош!

Хочга михладилар ҳатто Исони...

3. Варварлар

Хочга михладилар ҳатто Исони,
Ҳақиқат борлигин тан олмаганлар.
Яна беш юз йилча таҳтда асони
Тутиб, империя қай йўлни танлар?

Юксалди, юксалди, аммо бу чўкки
Остида ботқоқлиқ... Зўрлик ва вахшат.
Ерда йиқилишнинг зарари йўқ, ки –
Чўкқидан қуламоқ нақадар даҳшат!

Бало юборилди: қилич ва олов,
Варварлар тутмишdir икки қўлида.
Сўйдилар, йикдилар, ёқдилар, сўраб
Ўтирмасдан, не учраса йўлида.

Қайдан келди улар – Рим охирати?
Минг йиллик салтанат қулади оғир.
Чарх – фалак Эгаси юбормиш, албат,
Ҳақиқат қасоси шу бўлди охир.

Чунки туғилганди энди Мухаммад!

Бир нарсалар ёзгим келади,
Юрагимдан ўтганларими?..
Сўнг ташвишлар олиб кетади –
Қофоз, қалам кутганларини.

Бир кун ташвиш тугайди, илло,
Излайдилар битганларимни.
Айтиб берар бир сиким тупроқ –
Юрагимдан ўтганларини.

Севги деган чўғни босганман



**Шоди
ОТАМУРОД**

КАПАЛАК МОНОЛОГИ

Сенга парвонаман шому сахарлар,
Атрофингда учиб тинмайман, гулим.

Қанотим тафт берсин ғунчаларингга,
Қарорим – ишқимдан тонмайман, гулим.

Сенсиз яшамоққа чидайман қандок,
Шу нозик жонингда жондайман, гулим.

Сен полу ҳайронсан ҳалак жонимга,
Мендан не истайсан? Билмайман, гулим.

Бўғзимдан отилар оху фарёдим,
Бағри ўйиқ қамиш – бир найман, гулим.

Бошқа гуллар билан ишим йўқ менинг,
Ишонгин, мен ўзи шундайман, гулим.

Ўзи умрим қисқа – висолинг керак,
Аччиқ хижронингта кўнмайман, гулим.

* * *

Хаммаси ўтади,
Оҳ дема фақат,
Хазон шитиридан тушма титроққа.
Қовжираб кетмайди наҳот шу дарахт,
Наҳот раҳминг келмас шу бир япроққа.

Шоди ОТАМУРОД – 1978 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Согинч ранглари”, “Умр ўтиб борадир, гулим”номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

Шоди ОТАМУРОД

Ҳаммаси ўтади,
Ҳамма ҳам ўтар,
Ана, эшитилди кузнинг қадами.
Юки оғир қүёш кўнглимга ботар,
Бунга қандай чидар ишқнинг одами.

Ҳаммаси ўтади,
Йиглашинг шартмас,
Аслида ҳаммаси ўтишга лойик.
Кўксим қонатгани ёмон бўлди, бас
Бевафо дунёниг тиконли жойи...

* * *

Бормоқдаман,
ботмоқда куёш,
Сен ҳам уфқа кўядирсан бош,
Ўлсин деб шу изтироб, кўз-ёш –
Кипригимга маҳкам осганман.

Бормоқдаман,
борлигим йўқдир,
Қадамларим йўлга ҳам юқдир,
Товонларим ости қуюқдир –
Севги деган чўғни босганман.

Бормоқдаман,
борим таваккал,
Бу дунёда сен менга якка,
Тилларингдан юқтириб шаккар –
Ёзсам фақат “оҳ” деб ёзганман.

Бормоқдаман,
титрогим баланд,
Бандимдаги япрогим билан,
Кафтимдаги тупрого билан –
Сочилганман, йўлда тўзганман,
Сочилганман, йўлда тўзганман...

* * *

Яхшиям сен борсан, сенинг тўгрингда
Ёзилган шеър бўлди олис йўлларим.
Шеър бўлиб бошландим гулдек умрингда,
Куй бўлиб бошландим, куйди йилларим.

Олис йўлга чиқдим, кўзларим гирён,
Қайгум тирик бўлса, ғамимни ўлдир.
Кўнглим тўлмагани сўзимдан аён,
Бир нигоҳ етмади – камимни тўлдир.

Қалбим бутунлиги, ороми сенсан,
Бағрим тўлсин, умрим тожи бўл, жоним.
Нотугал шеър бўлдим, давоми сенсан,
Нотугал куй бўлдим, авжи бўл, жоним.

Хол

Во ажаб, кўнглимдан оҳлар ўтгайдир,
Шу оҳлар меники зорлари билан.

Яна гуноҳ қилсам, Худо, кечиргин,
Шу жазо меники дорлари билан.

Тоғлар қизғанмайди мендан ўзини,
Шу тоғлар меники қорлари билан.

Мен ҳам турибман-ку қаторингизда,
Шу қатор меники норлари билан.

Ўзи эслатгайдир инсонлигимни,
Шу ғуур меники орлари билан.

* * *

Дунё соқов бўлди менга келганда,
Бу хижрон шарҳини сўзлаб бермади.
Оlam жилва қилиб орзули рангда
Сенинг дийдорингга бошлаб келмади.

Кўзларимни очдим, кўзимни юмдим,
Оку корасига қоришиди дунё.
Ишқининг гардига ўзимни кўмдим,
Тупроққа айланиб кетдиммикин ё.

Озурда туйгулар кўзингда аён,
Қалбим эшигига елкангни кўрдим.
Суяноман дединг – айладинг баён,
Кўзингда дунёдай бир камни кўрдим.

Соғинчнинг ўтига беролмайсан дош,
Оҳларинг самога бошлайди хужум.
Дунё ҳамон соқов – кўзи тўла ёш,
Менга гапирмайди, сенга қарап жим...

Үнинг...

Қишларини менга берганми,
Ёғаётган қорлари камми,
Соғинчлардан оппоқ гиламни
Түшәётир –
Ёзида йўқман.

Йироқларда ҳилпирад рўмол,
Хаёлидан ўчдим эҳтимол,
Ҳижронлардан юқтирамай малол,
Яшаётир –
Ёдида йўқман.

Нигоҳини мендан беркитиб,
Кўксимдаги музни эритиб,
Юрагимнинг эшигин чертиб,
Келаётир –
Ёнида йўқман...

ТЎРТЛИКЛАР

Сочинг зулматида кундузим қани,
Кўзинг осмонида юлдузим қани.
Кўнглим сув ичмоқда қайси кўнгилдан,
Қадинг ниҳолида илдизим қани.

* * *

Бошни тутиб бердим – ёмғирим гўзал,
Бир ёмон, бир яхши тақдирим гўзал.
Гарчи йўлим айро – манзилим ўзга,
Хаёлга эрк берган чоғирим гўзал...

* * *

Демадим-ку синовингга "дод",
Сабоғингни оляпман ёд.
Бу фасллар – менинг дарсларим,
Қочдим қайси дарсингдан, ҳаёт.

* * *

Табассуминг аритади ғам,
Эътиборинг менга эмас кам.
Ҳовучингда иссиқ нафасим,
Дуо килиб турибсан, эркам.

Жаннат шамоли

Ҳикоя



Шарофат АШУРОВА

Замоннинг эврилишлари Қодиралига ўхшаганларга қўл келди. Тошкенти азимда кўп қаватли уйлар қуриш урф бўлган кезларда бор сармоясини қурилишга тикиб, кам бўлмади. Уй деганингиз болалаб кетди. Қай бирларинидир ижарага берган бўлса, бошқаларини сотиб, яна қурилишни кенгайтирди. Муваффакиятнинг оҳанграбоси бор эканми, илгари ёллари байроқ бўлган от пойгасида иштирок этишга, қизжувонларга қизиқарди, бу одатлар ҳам колиб кетди. Даромадини сархисоб қилиб адогига етмайди. У кунгина қишлоғида ўнта наввос боққани учун барчанинг тилига тушган эди, беш йил ўтмай Тошкентда ҳам бойваччага айланди. Ҳар замон масжид ёки қабристон ёнидан ўтгандагина ота-онасини йўқотгани ёдига тушиб, бир хайр-эҳсон қилишим керак деган ўйлар кўнглидан ўтарди. Йиллар давомида бу аҳдлар юз маротабалаб такрорланган эрса-да, ҳеч мавруди бўлмади.

Яна катта қурилиш олди. Эски иморатларни бузиш, қазиш ишлари бошланиб кетди. Тўғрироғи, олган жойларнинг нима эканига тушунмасди. Ҳайрон қоларлиси шундаки қазган жойидан тўда-тўда одам суяклари чиқарди. Дили хуфтон бўлди, олган жойидан кўнгли хижил бўлиб, туман ҳокимиятига борди. Аслида қурилиш муовнини у қадар хушламаса ҳам қўл қовуштириб ҳузурига кириб, дардини айтди:

– Ҳа, келардингиз-да, Анварович, қорангизни ҳам қўрсатмайсиз? – деди хоҳламайгина.

– Ишлар билан бўлиб, дегандай, хизмат борми, бошлиқ?

– Ҳокимиятнинг режасига кўра ҳар бир қурилишдан ўн фоиз уйни бизга топширишни унтиб қўйгансиз чоғи?

– Йўқ, эсимда, туман ҳокимининг топширигини адо қилиб келяпмиз, фақат сизга ахборот бериш кераклигини билмаганмиз-да. Икки хонадонни ҳокимимиз ўз қўллари билан ногиронларга топширдилар.

– Ҳм-м, бериш керак жойда ҳокимни топасиз, тиқилинч келганда эса бизни. Бирор муаммо борми?

Шарофат АШУРОВА – 1953 йилда тугилган. Қарши давлат педагогика институтининг (ҳозирги ҚарДУ) математика факультетини тамомлаган. Унинг “Қусам шайх” романни, “Илоҳий тун”, “Насирийни ёд этиб”, “Қишилоқдаги баланд иморат”, “Корабогнинг оқ тонгги” ва “Чимқўргон мавжлари”, “Жарчилар қисмати”, “Сабр султони”, “Бир каашта қисмати”, “Пойга” каби қиссалари, “Дўмбира”, “Жаннат шамоли”, “Насаф тажассуми” каби ҳикоялар тўпламлари, “Насаф муқарнаси”, “Мерос абадияти”, “Маънавият жавоҳири”, “Яхшилар тажассуси” тарихий-публицистик тўпламлари чоп этилган.

Шарофат АШУРОВА

– Уй тушадиган жойдан ҳисобсиз одамларнинг суюклари чиқяпти. Бошимиз қотиб қолган.

– Тилло чиққанда, келиб ҳам ўтирмасдингиз. Суяк чиқди дeng, эшитганмисиз Қодиралижон, дунё яралибди, одам ўлади, уни ерга кўмади. Билсангиз бир от туёғи остидан етмиш минг одам бош кўради, дейишади. Суяк чиққан бўлса, жойлари жаннатдан бўлсин, дengда, бирор жойни кавланг, ҳаммасини, тикингда, тепиб-тепиб, кўмиб ташланг. Ким билади у суюклар қайси асрлардан қолиб кетган. Ҳа, айтганча, бизга бир эзма чол тарихдан маъруза ўқиганда айтган эди, бир замонлар одам ўлгач, майитни тепаликка чиқариб қўйишган, гўштини ўлакса қушлар еб кетишгач, сўнгра суюкларини шунаقا бир жойга кўмишган. Ками унга ўн асрдан нариги суюклар бўлиши керак. Энди сизу бизда ҳақи қолмагани тайин, айтганимни қилинг.

– Ахир улар одамнинг суги. Шу суюкларни бирор қабристонга олиб бориб кўмишга рухсат олиб берсангиз дегандим.

– Жуда бошогриқ экансиз-ку, қайси қабристон уюм-уюм суюингизни қабул қиласман деб кўзи учиб туриби. Айрим қабристонларда икки метр квадрат жой палон минг доллар бўлиб турган пайтда, мен бунга кафолат бера олмайман. Камида ўн минг доллар тўлаб, ўзингиз келишиб, кўмиб кела қолинг, бу борада мен сизга ёрдам бера олмайман, ҳокимга ҳам бу гапни айтиб бошини оғритманг, чет эллик инвестирлар келиб турганда, бошогриқ бўлманг!..

Қодиралининг боши ғовлаб кетди. Айни қурилиш бошланганда иқтисод тақчил бўлади. Бу ҳам етмагандай энг тажрибали ишчиларини қўшни қурилиш корхонаси ўзига оғдириб олиби, боз устига осмонни бўйлайдиган кўтарма қрани ҳам белидан ёрилган, шу уйни қуришга ҳам бардош бера олмайди. Россияда нотинчлик бўлиб, кўп қурилиш ашёларининг нархи тўрт баробарга кўтарилиб кетди. Шу пайт суюк муаммоси ҳам қараб турганини қаранг.

Қодиралининг ҳоким ўринбосари кабинетидан дили хуфтон бўлиб чиқди. Шунга қарамай қабристон масъуллари билан бу борада муомила қилиб кўрди. Аммо бунинг учун ҳокимнинг қарори чиқиши, кекса қабристон мавжудлигини далиллаши, уни бузиш ҳақида хужжатлар тайёрланиши керак экан, шундан сўнг ҳоким қарори билан суюкларни кўчириш бўйича хужжатлар қилинсагина, суюкларни қабул қиласмиш. “Туллак ҳоким ўринбосари, у фақат ўлиб кўрмаганда, унинг боши бекорга ялтираб кетмаган. Кўзойнагининг тагидан қитмирларча нигоҳини ботириб қараганда баданимга титрок киради. Кимир этмай қараб турса, ўзини ҳам жасадга буюм кийдириб кўйганми деб ўйлайсиз. Бу одамга яна йўлиқадиган бўлсам эвазига ўзига ҳам бирорта уй сўрашдан тоймайди. Яхшиси ундан узокроқ бўлиб, муаммоларни имкони қадар ўзим ҳал этганим тузук. Аслида бу муаммони кўтариб унинг ёнига бекор бордим. Бир кунмас бир кун, ўша одам суюкларини нима қилгандинг, деб сўрек-истоқ қилиб қолса қаерга ҳам бораман. Олиб бориб кўммаса ҳам бирор қабристон билан келишиб қўйганим тузик, ҳар ҳолда ўзимни муҳофаза қилиб қўйганим яхши-да”, деган қарорга келди.

Қодирали режадагидек юзларча одам суюгини қуриладиган уйдан анча нарида бир чукур кавлатиб, кўмиб ташлади. Худди ҳоким ўринбосари айтганидек, кўмилган жойнинг устидан юриб, гўё душманини чукурга ташлагани каби, босиб-босиб кўйди. Аммо охирги бор пайафзалини тупроққа ботириб-ботириб босганда, айни дамда нимадир оёғидан тортгандай бўлди. Юраги шувуллаб, ортига тортиб кетди. “Суюкларни кўмишдан илгари, шулар ҳақига бир тиловат қилдириб, эҳсон чиқармадим-да”, деб ўйлади. Яна кўнглига тутди, аксига олгандай бир бетон плитанинг кўтарадиган илгаки ночор экан, узилиб, уй қурилаётган ертўлага тушиб

кетди. Хар қалай бирор одамга касри урмаган бўлса ҳам эндиғина қуйилган бетон деворлар шикаст еди, кранчининг юраги бежо бўлиб, касалхонага тушди. Хулласи қалом иш орқага кета бошлади. Қодирали камомадларнинг ўрнини тўлдириш учун ижарага берган битта уйини сотиб, қурилишга урди. Негадир суюкларни кўмдиргандан кейин ишлари ортга кетди, ўзи ҳам касал бўлиб касал эмас, соғ бўлиб соғ эмас, ҳеч нарса юрагига сифмайди. Боз устига иштаҳаси йўқ, мажбурлаб нималарни дир ейди, ҳал бўлмай ошқозондаги овқат оғзидан келади. Шифокорларга учради, роса текширтирилар, бирор тайин касал топмадилар. Рухиятингизни даволатинг, дам олинг, ҳаттоқи ишни ўзгартиринг деган насиҳатлар ҳам олди. Бир қарасанг ҳозир ўладигандай, бир қарасанг тоғни талкон қиласигандек. Қурилишга қараб юрса юраги ҳаприқади, уйга ҳам сифмайди, жўраларни ҳам истамайди, ҳатто тилай-тилай тўрт ўғилдан сўнг топган қизчасини ҳам кўришни истамайди. Шундай бўлса-да Қодирали қизчаси билан ўйнаб, бироз юраги ёзилгандай бўлади. Шу боис Тошкент кўчаларига ҳам сифмаган пайтида қўшқават қилиб қурган ҳовлиси томон одимлади. Ҳатто машинани ҳам бошқаришдан ҳовлиқадиган бўлиб қолди, шунча узок қурилиш корхонасидан пиёда кайтади. Хориб-толиб келади, оёқлари қалтираганча кунгирадор дарвозасининг кўнғироғини беҳол босади. Уч бор булбул товуши эшитилиши билан беш ёшлар чамасидаги қизалоқ юқори қаватдан югуриб тушади. Дарвоза зам-зама билан очилгач, отасини кўриши билан ҳар доимгидай унинг бағрига отиласди:

- Дадажоним келдилар, дадажоним келдилар!
- Она қизим менинг, тилло қизим менинг, нималар қиляпмиз экан?
- Қўғирчоғимга кўйлак тикяпмиз.
- Нима кўйлаги бор қўғирчоқларинг ками?
- Кўп, аммо қўғирчоқ ҳам одам-да, ялонғоч турса уят бўлади. Художоним буни қўриб турибди, чунки унинг кўйлагини кучукчамиз, ўйнаб йиртиб ташлабди, – деди қизалоқ дадасининг елкасидан қучганча, – Ойижоним бирам чиройли кўйлак тикдилар, энди у ҳам уялмасдан бошқа қўғирчоқларим сафида туради...

Қодиралининг вужуди титраб кетди. Чунки юзлаб либоссиз инсон суюгини қуриладиган кўпкаватли уйнинг орқасида хандақ кавлатиб, кўмиб ташлади. Лаоқал маҳрам бўлармиди, уларнинг устидан умумий кафандикдай қилиб, бирор мато, ёки чодир ҳам ёпмади. Неча кундирки улар ҳақига дуойи-фотиха қилдиришни ҳам пайсалга солиб келяпти. Ҳар куни, эртагаёт суюклар қўмилган жойнинг устига айвонча курмаса бўлмайди. Қон чиқариб, масжиддан мулла чақиради, дуойи фотиха қилдиради. Шу ишни пайсалга солиши яхши эмас. Шу қарорга келиб, бироз кўнгли таскин топгандай бўлди. Аёли келтирган хушхўргина мантидан мажбурлаб уч дона еди, бир вақт ўқчигиси келди. Тиззасида ўтирган қизчасини ерга қўйиб, ювиниш хонаси томон югорди. Ўқжиганидан ичак-чавоги чиқиб кетай дерди. Ҳатто кўзлари қинидан отилиб чиққудай, азоб тортарди. Кўп кундан бери таом тузук тановул қилолмагани, узоқ масофага ҳам пиёда юриб, тинкаси қуриганидан тўшакка чўзилиб қолди. Аёли чидай олмади, “Тез ёрдам” чакирди. Энди қизининг эркалаган овози ҳам ёқмасди:

- Чиқ, ташқарига, бошим ёрилиб кетаяпти, мусиқаларни ҳам учир!..
- “Тез ёрдам”дагилар ҳам силласи қуригани, асаби чарчагани, бироқ ошқозонида муаммо йўқлигини айтиб, дори-дармон ёзид бериб кетди. Бир хафта уйда ётиб даволанган Қодирали турай деса боши айланади, кўнгли айнийди. Шу боис бош устаси орқали суюклар қўмилган жойга дуойи фотиха қилдирирди, қон чиқарилди, айвон ҳам тикланди. Бироқ Қодиралининг касали нари кетмади. Энди у буткул тўшакда қолди. Айни дамда у касалхонама-касалхона юарди. Қани пайсал топса.

Шарофат АШУРОВА

Бутқул юришга дармони йўқ, аёли, укалари суюб шифохоналарга олиб боради, энди у аравачада қолди.

Бу қандай кулфат экан, қурилиш корхонаси сотилди. Шундан сўнг бироз рухияти кўтарилиди. “Топганимни ётиб есам, етти пуштимга етади”, дея ўзини овунтириди. Бироқ ерга сингиб бораётгандек ахволидан кўркиб кетарди:

– Онаси, катта ўғлимизнинг битта уйини сотиб, Россияга бориб даволанмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳали тузалсам, ҳовлилар олиб берарман, – деди.

– Жонингиз соғ бўлсин, ҳамма ўғилларимиз сиздан совга сифатида олиб, биттадан ижарага қўйган уйлари сиздан айлансинг, ҳаммаси беради. Россиядан кўра Хинди斯顿нинг тиббиёти кучли дейишади, – деган гаплар ҳам ортда қолди. Катта ўғлининг уйини сотиб, Россияга бориб, уч ой деганда, сўнгти чақасини самолётга сарфлаб, қайтганда ҳам аравачадан ўзи туша олмади. Иккинчи ўғлига аталган коттежни сотиб, Хинди斯顿га ҳам борди, кейинги уйни сотиб Тибет деган жойларга ҳам борди. Бироқ вазият ўнгланмади, болаларнинг биттадан уйидан мосуво қилгани қолди. Қайсиdir сармоядор Германияда ўшандай беморларни даволайдиган клиника борлигини айтганда ўзлари ўтирган кўшқаватли уйини сотиб, ўша ёкка кетди. Бирам хушхаво жойлар экан, сал ўзига келгандай бўлди. У ерда бир кекса шифокор Қодиралининг ахволи билан танишгач, қўлидан ҳеч нарса келмаганини тан олгиси келмай:

– Минг йиллик тиббиётнинг отахонларини тарбиялаб берган юрт одами бу ерда даволаниб юришини тасавур эта олмайман, – деди кўрик вақтида.

– Ўша минг йиллик тиббиёт олимлари оламдан ўтиб кетган-да, нима қилайлик, юкиниб келганмиз, – деди Қодирали умид кўзларини унга тикиб.

– Сиз ҳали ҳам юртингизга боринг, балки тоғлар орасида умргузаронлик қилаётган табиблар бордир, сизга бошқа нажот қолмади, – мен сиздек беморни ҳеч қачон кўрмаганман, – деди. Ростдан ҳам Қодирали бу ердаги муолижалардан ҳам пайсал топмаётганини ўзи ҳам билётган эди. Энди унинг сотадиган уйи, машинаси, кўчмас мулки ҳам қолмади. Ажал уни эрта топиб келганидан ўкинарди. Қишлоқда қолган ота-она уйига қайтди. Қишлоқ ахли Қодирали қишлоққа қайтди деб бири кўйиб, бири кўргани келарди. Қодиралининг чўзилиб ётганини, кундан-кун мадори қуриган ўғлидан аввалроқ кетишини истаган она ниятига етди. Қодирали ҳатто одамга ўхшаб аравада ўтириб бўлса ҳам қишлоқдошлиарининг таъзиясини қабул қилолмади. Энди оламдан умидини узган эди. Ҳатто кўзларини ҳам очгиси келмасди. Сингиллар жони ачиб, энди табибларни ахтаришга тушди, қушночу фолбин ҳам қолмади. Бир куни яқин даранинг ичкарисида бир табиб борлигини эшитдилар. Бу ҳам бир умидда суриштирсан сингил эрининг машинасида табибни укасининг уйига олиб келди.

Табиб бир қанча вақт Қодиралининг юрак товушини эшитди, томирларини ушлаб, соатлаб нималарнидир ўйлади. Сўнгра уйига олиб кетиши лозимлигини айтди. Бемор бир ўзига келиб, ўзидан кетиб ётарди:

– Ўғлим, бу касалликнинг номи маълум эмас, балки аждодларимиз даволаган рух касалидир, менинг усулим билан ўзингизга келсангиз, бир йилда даволайман, – деди. Қодирали эса ҳафтага ҳам етмайман деган қайфуси ортга чекиниб, олиб кетишлирига рози бўлди. Табиб Қодиралини уйига олиб борганда, деярли ўлик ҳолда эди. Биргина билин-билинмас нафас олишини демаса, ҳеч бир ҳаракат йўқ эди. Шу қадар ориклаб кетганидан тери остидан томир ва суяк билиниб, шалвираб туради. Қўлни, оёқни қаёққа олсангиз, шу жойда туради. Қодиралининг яқинлари ҳамма нарсага рози эди, ўлса ҳам яраттгандан кўрамиз, дея зимдан тайёргарликни ҳам кўриб кўйдилар. Борсалар табибнинг яна бир бияси бучалаб, хонадон сохибаси хурсанд эди:

– Бобоси, бияни уч кунларда бўчалайди дегандингиз, сиз кетганингиздан сўнг, енгилгина бўшаниб, қарасак тойчогини ялаб, турган экан.

– Келин, бу ҳам Худонинг каромати, ўғлимга айтинг, бир илож қилиб, биянинг увуз сутидан бир пиёлагина бўлса ҳам соғиб келсин, беморимизга, ичирамиз, – деди.

– Биямиз, ювошгина, боягина бир косача соғиб, Тоштемир деган беморингизга ҳам бир қисмини ичирган эдим, ётган жойида сермасланиб қимиirlаяптиям.

– Узвуз сутини ичиб, ўқчимадими?

– Ҳалигача тинч, кўзларини очиб ётибди.

– Унда қолган увуз сутини бу ёқка олиб келинг.

– Рўзи амманинг келини кўзилабди, шу аёл бир пиёлагина беринг, сийнасига суртамиз деб тайинлаб кетганди-да.

– Рўзи аммангизнинг келини янги бўшанганд, калта енгли кўйлакда, анҳордан сув ташиб юрганди, унга бало ҳам урган йўқ эди, тайсаллаб, ўзини шамоллатган. Бўшанганд хотин чилласини сақламайдими, майли сутдан унга ҳам соғиб берарсиз, ҳозирча қолганини тез бу ёқка олиб келинг.

– Ҳозиргина соғилган, мана, бу токчада усти ёпиқ турибди, ўзи шошиб Рўзи аммамникига кетаётгандим, ола қолинг бова, беморингиз соғайсин, аммага яна соғиб берарман.

– Барака топинг келин, мендан сўнг касбимни кимга қолдириб кетарканман, деб қайгуриб юрардим, яхши бўлса келин ҳам фарзандингдан аъло бўларкан. Пиширмадингизми? Яхши, шуниси шифо. Кейин, бўшанганд биянинг сийдигини ҳам увол қилмаслик керак. Сарман қози ҳам муаммоли касал билан уйида ётибди. Уни даволашни ҳам шу биянинг кўзи ёришига қараб тургандим.

– Ҳозиргина уларнинг уйлари томон “Тез ёрдам” ўтиб кетди.

– Оти “Тез ёрдам”, аммо Худонинг бир-бир дардлари бор, унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Унинг отини рух касали дейди. Қайгуси аригиси келган бўлса, у одам яна ўн йил яшайди. Майли, ишингизни қиласверинг, – деди. Сарман қози, яъни ёшлиқдан табибининг дўсти бўлса ҳам унинг манманлигини кўнгли хушламасди. Чунки у терговчи бўлиб ишлаган дамларда кўп майитларнинг қабрини очириб, экспертиза қилдиришда бошида турган. Аммо майитларнинг хурматини жойига кўймаган, айрим ҳолларда майитларга нисбатан нописандлик ҳам қилган. Шу боис қариганда муаммоли касаллик билан тўшакка михланиб ётибди.

Табиб пиёладаги увуз сутига пахта ботириб, Қодиралининг қуруқшаб қолган лабларига суртди. Сўнgra, аста-секин оғзига томиза бошлади. Неча вақтлардан бўён қуруқшаб ётган лабларнинг бир чети учгандай бўлди. Табиб эса угуз сутини томизиша давом этди. Бир вақт Қодирали чукур нафас олди, ҳатто ютинди. Бирпас табиб муолажани тўхтатди. Бемор кўзини очармикан деб кутди. Бироқ беморинг шу қадар силласи қуриганидан ҳатто киприкларини қимиirlатишга ҳам мажоли йўқ эди. Ярим соатлар ўтгандан сўнг, табиб яна муолажани давом эттириди. Энди Қодирали бемалол ютинар, кўзини ҳам очмоққа тиришарди. Бу сафар ҳам уддасидан чиқа олмади. Яна ярим соатлар ўтиб пиёладаги угуз сутининг қолганини ҳам пахта билан Қодиралининг оғзидан томизди. Бир вақт bemор ингранди, бурун катак атрофлари билинар-билинмас қимиirlади.

Бу муолажа уч кун давом этгандан сўнг, Қодирали кўзини очди, табиб айни дамда Сарман қози ҳам ўзига келганини эшитди.

– Бова, ошнангизнинг уйига угуз сутини кўтариб борсам, кўзларини очиб ётибди, ҳамма хурсанд. Сизга ўғиллари салом айтиб юбордилар. Яна катта ўғли нимагадир сиздан кечирим ҳам сўрадилар.

Шарофат АШУРОВА

– Ўша ўғли катта шифокор, казо-казоларни даволайди, отамни ўзим отдай қилиб тузатаман, деганди. Уддасида чиқолмайсан деганимда ишонмади, мендан қочиб юрувди, отаси кўзини очгач, айтган гапидан уялиб, кечирим сўраган-да. Аммо билиб қўйинг, қизим, руҳдан теккан касални шифокор даволай олмайди.

– Бова, ҳар сафар руҳдан теккан касал хақида айтасизу, у қанақа касаллик эканини тушунтирмайсиз, бу нарсани шогирдингизга ҳам айтмайсизми?

– Келинжон, жон жойдан тутасизда. Сиз нега зиёратгоҳларга бориб келганингиздан сўнг, руҳим енгил бўлди, ишларим ўнгланди, деб айтасиз?

– Ҳа, авлиёлар қўллайди-да, бобожон.

– Авлиёларнинг қўллаши ўз йўлига. Аммо билиб қўйинг, сиз борган авлиёнинг руҳияти илм билан тўйинган, майитнинг миясида Худонинг каромати билан минг йиллаб бу руҳ сақланиб турди. Сиз зиёратга борганингизда ўша руҳий қувват билан ўралган майдонга тушасиз. Барча руҳий зўриқишлирингиз пайсал топади. Гўёки бирор дори қабул қилгандай енгил бўлиб қайтасиз, руҳиятингиз таранг бўлмагандан сўнг ишларингиз ҳам ўнгланниб кетгандай бўлиши табиий ҳол. Авлиёларнинг руҳий қуввати минг йиллардан сўнг ҳам сақланиб қолади. Сарман қози ҳам ўшангта ўхшаган руҳий қувватли кишининг қабрини очган, уни безовта қилган, ана шунинг учун на ўлик, на тирик ётибди. Озроқ ўзига келсин, мана бу навқирон йигит иккисини дунёнинг тўрт томонига саргардон қилиб, тавбасига таянтираман, – деди табиб кўп нарсаларни режа қиларкан. Қодирали айни дамда бошини кўтарди, ярим косагина гўжа ичди, аммо кўнгли илгаргидай тортмайди, қатиқнинг хушхўргина таъми уни ўқчитмади. Қўллари, оёқларининг ориқлаб кетганини кўриб, дили хуфтон бўлганидан кўзларини юмид олди. “Одам ўлар олдидан ҳам бир бор ўзига келади дегич эдилар, бу туришда оёқка туришимга ишонмайман. Аммо табиб жодугар эканми, ўликка жон киритаётир. Бироқ шу ҳолда согайсам, шу табибга уйимнинг рўпарасидан ҳайкалини тиклайман. Аммо тузалиб, оёққа туришимга ишонмайман. Оёқлар аллақачон суяқдай қотиб улгурган...” деб ўйлаб турганда табиб унинг хонасига кириб келди:

– Аҳвол қалай йигит, оёқларга энди жон киради, шошилманг, – деди.

– Шуни ўйлаб турганимни қаердан биласиз, отахон?

– Чунки ичингизга кириб олган шайтон билан сухбат қурганинг хафта бўлди, сиз жонланмасангиз, танангизни асло тарк этмоқчи эмас. Мендан улар жуда норози, олиб кетишимизга озгина қолганда, ишимизга аралашишга ҳақингиз йўқ, дейди кўзларини лўқ қилиб.

– Шунақа денг, мен бўлса...

– У ёфини ўйламанг, сизни ичингиздаги шайтондан халос қилиш осон иш эмас. Жонланиб олинг, роса қийин синовлардан ўтиб, тавба ҳам қиласиз, барчасидан халос бўлганингиздан сўнг, қолган ишларни муҳокама киламиз.

– Майли, нима десангиз шу, балки қудуқ қаздиарсиз, девор урдиарсиз, ғишт тердиарсиз, барчасига тайёрман, аммо тузалиб кетсан бўлгани.

– Ҳовлимда қўш қудуғим бор, ҳамма жойнинг девори битган, қўргонда яшаганимизнинг боиси шуки, аллақачон сизга ўхшаган беморлар уларни қазиб, тиклаб беришган. Бироқ сизнинг касалингиз юз мингтадан биттада содир бўлади. Бир вақтнинг ўзида жисмингизга ҳам шайтон, ҳам улуғларнинг руҳи жойлашиб олган. Баҳасакига бир-бири билан курашяпти, шу кунга қадар шайтон устун келиб, ростакамига жонингизга қаёд қилган. Авлиёнинг руҳи тирик қолишингиз учун тиришса, шайтон жасадингиз устида рақс тушишни истайди. Шу тариқа улуғ зотларнинг руҳини шайтонлар маҳв этиб боради. Аммо ҳар икки руҳдан танингиз озод бўлиши осон иш эмас. Угуз сути ичингиздаги шайтонни караҳт

килади, шунинг учун айни дамда овқатингиз ошқозонда ҳазм бўлай деб турибди. Байталнинг уғиз сути тугагунга қадар ўзингизни ўнглаб олишингиз лозим. Сўнgra руҳларни танингиздан ҳайдашда роса синовларни бошдан кечирасиз. Керак бўлса ўн икки соатлаб отда юрасиз, тинкаларингиз қуриб кетади. Аввало сизларга икки айғир тайёрлашим керак.

– Сизлар деганингиз ким?

– Сизлар деганингиз бири Сарман қози, у ҳам сизга ўхшаб майитлар устида ишлар олиб борган. Бир ойдан бўён даволаяпман. Бугун у ўз оёғи билан юриб, дарвозадан чиққан эмиш. Сиз ҳам мана бу бир коса угуз сутини ичинг-да, ёшроқсиз, оёқланинг, ҳамроҳингиздан ортда қолманг.

– Ростини айтсан, турган-битганингиз сирга тўла экан, мен ўлимимни бўйнимга олиб бўлган эдим, ҳатто сўрок-истоқ ҳам бошланган эди, дабдурустдан тирилдим. Оддий угуз сути ва гиёҳларингиз ўнлаб мен курган уйларнинг нархидан ҳам юқори, баҳосиз десам хато эмас. Худонинг ўзи менга ўхшаган йўлга чиққанларни ортга қайтариш учун сизни шу дараларнинг орасида, яшириб, асраб юрган экан-да.

– Ўғлим, бу дунёнинг ўзи сирга тўла, унинг калитини топиш учун бизга ўхшаганларни юборади. Аммо устозларимизнинг қанчаси шўролар даврида отиқка маҳкум бўлиб кетди. Бизлар эса уларнинг чаласавод чулпаларимиз. Билсангиз, ҳали ҳам угуз сути билан ичингиздаги шайтонни караҳт ҳолда саклаб турибман, кейинги ишларни қилмасак у яна бош кўтаради, сизга мадад бериб турган авлиёнинг руҳини ҳам маҳв этади. Сиз тезроқ жонланишингиз лозим. Бир илож қилиб сизни айғирнинг устига чиқариб олсан, марра бизники, сиз шайтондан қутулиш учун бир ой отдан тушмайсиз. Керак бўлса от устида ухлайсиз, овқатланасиз, шайтонни сулайтириб, чўли-биёбонларда қолдириб келишингиз лозим.

– Мен бу балога қандай йўлиққанимни сиз қайдан билдингиз?

– Мен бир жойдан олиб гапирмаяпман, ичингиздаги шайтоннинг ҳомузга тортиб туришигача кўриб турибман. Авлиёнинг руҳи тим-тикка, уни жон томирингизга яқинлаштираслик учун харакатларини тўхтатмаяпти. Сизга бир вақтнинг ўзида ҳам шайтон, ҳам авлиёнинг руҳи дахл қилган. Ўша қўмган суякларингиз орасида ҳали руҳий қуввати ўлмаган авлиёнинг руҳи оёғингиздан тортиб, жисмингизга кирган. Неча минг йил улуғлар руҳини маҳв этиш учун шайтон доим шай. Ўша дамда биргаликда руҳлари илашган, авлиёнинг руҳи кўмаги билангина тирик юрибсиз. Акс ҳолда сизга ўхшаган минглаб беморлар эти суягиға ёпишиб, ўлиб кетганларини, жасадлар устида шайтонлар чаппар уриб, рақс тушганларини ҳар ким ҳам илғай олмайди. Бу олам шу қадар сиру синоатга тўлаки, кўриб туриб, ёқамни ушлайман. У эмас, бу эмас Худога ёққан тарафингиз бор эканки, бир вақтнинг ўзида икки руҳ ўртасида турибсиз. Яна баҳтингиз шундаки, аросат даврига етиб борган даврингизда мени дараклаб келиб қолдингиз.

– Сизга йўлиқтирганларидан Оллоҳимга ҳамду санолар бўлсин! Мен бир нарсага тушунмайман, ахир мен қўмган суякларнинг бирортасида тириклик аломати йўқ эди, бутқул чириб, битганди-ку.

– Сиз шундай деб ўйлайсиз. Аммо авлиё ва илм соҳибларининг мияси ҳеч қачон чиrimайди, унда Қуръони карим илми бўлса, асрлар давомида атрофга қувват сочиб ётади. Ўша суяклар орасида улуғ зотларники ҳам бўлгани, сизнинг баҳтингиз...

Кодирали бир ҳафтада оёққа турди, аста-секин Сарман қози билан отда атрофни айланиб келардилар. Ростдан ҳам Қодирали от белига мингандан ичиди нималардир жанг қилаётганини ҳис этарди. Отни йўрттирганда, чоптирганда қандайдир тирик нарса бўғзига келиб тармашарди. Буғилиб қолгани боис от жиловини тортар, чукур нафас олиб, ўпкасини ҳавога тўлдирмаса, худди ўлиб қоладигандек ҳис киларди.

Шарофат АШУРОВА

Шу тариқа бир ойча икки-уч соатлаб отда юрди, хориб-толиб, чўзилиб қоларди. Табиб яна бўчалаган бир байтални топиб келди, ҳар куни Қодирали ва Сарман қози бир косадан увуз сути ичар, ичидаги нимадир тирик жондан пайсал топиб бораётгандек, ҳис этарди.

– Энди синовлар бошланади, беморларимнинг шунча эркалагани етади, қийноқлар билан шайтон руҳидан кутуласизлар. У шайтонларни бошқариб турганларнинг қайси манзилда макон топганини билмаймиз. Чўлдами, сахродами, тогдамиз, боғи-чорбоғдами, у от девининг қийноқларидан ўз маконида қолишга ошиқади. Биласиз, Қашқадарёнинг бир томони минг йиллик қорлари қуртлаб ётган тоғларда қиши қаҳрини кўрасиз, ҳали дараҳтлар гулламаган, бир томони чексиз кирлар, адирлар, дараҳтлари найча туккан, яна бир томони боғлар-жанннат мевалари пишган, яна бир томони сахрои чўл, кузнинг нухсини илгайсиз. Ана энди ўйланг, қайси жойларга отда тинимсиз юриб, воҳанинг қиши, баҳори, ёзи, кузи акс этган жойларга отдан тушмаган ҳолда камида икки ой қатнайсиз. Ва ниҳоят касалликлардан фориг бўласиз, – деганда Қодирали ҳам Сарман қози ҳам у қадар ишонмаган эди. Ростдан ҳам вилоятнинг тўрт бурчида тўрт фаслни акс эттирган жойлар борлигини улар кўрдилар, Тангрига ҳамду санолар айтдилар. Улар ҳар сафар йўлга чиқар экан, Қодирали хуржунининг кўзини озиқ-овқатларга, елим идишларда сувларни тўлатиб олардилар. Йўл бўйи ўзларининг қилган ишлари-ю, хатоларини бир-бирига айтиб борардилар:

– Э-э, Қодиралижон, танимизга қувватимиз сифмаган кезларда юзлаб қабрлар бошида майитларни ёрдик, яна хурматини жойига қўймаган дамларимиз ҳам бўлган-да. Шўролар даврининг энг қаттол даврлари, майит бошида дуои фотиҳа қилсанг, ўзингни ҳам олиб бориб қамайдиган дамлар эди. Сўнgra, сиёсатнинг зуғумидан диний билим олишни ҳам бўйнимиз ёр бермади, сиёсатнинг йўриғига юриб, қадриятларни ўзимизча ор билганмиз. Яхшиямки ота-боболаримизнинг руҳи кўллаб, шунақа муаммоли касаллик билан ўлиб кетмаганим. Ёшим етмишдан ошганда дард тегди. Ичимга кириб олган шайтонни билиб тураман, шу қадар азоб берадики, еганим заҳар-закқум. Шу боис ичимда қурт бормикан деб, неча бор тозалатдим. Сизники ҳар қалай авлиёнинг руҳи билан жанг қилар экан, нима бўлганда ҳам инсон у дунёга кетгандан сўнг ҳам сирли-синоатли бўлишига иккимиз гувоҳ бўлдик. Болаларни диёнатта чорлаш бизнинг зиммамиизда бўлиши керак. Агар шу шайтон балосидан кутулиб олсан, масжидга чиқаман, қолиб кетган барча амалларни бажараман, Худо умр берса муқаддас ҳаж зиёратларига ҳам бел боғлайман, нима дедингиз ўғлон.

– Нияtingизга етинг, Сарман оға. Ҳозирдан бизни одамлар ўлиб-тирилганлар қаторига қўшиб турибди. Аммо шайтондан кутулиш жуда қийин экан-а, Миришкордан ўтиб, сахрога чиқиб кетганимизда, қандайдир сирга дуч келмадингизми, Сарман оға?

– Мен ҳам шуни сўрайман деб оғиз жуфтладиму, сизни қўрқитмай дегандим. Ростдан ҳам ортимиздан бир қуюн қувганга ўхшади. Ўша вактда ичимдаги шайтон шу қадар типирчиладики, жоним бўғзимга келганидан, ҳатто нафас ҳам ололмай қолдим. От жиловини тортганимда, нимадир бўғзимга тиқилди. Шамол бўлмаса ҳам айғирнинг ёллари аллақандай титраб, кўтарилди, ҳатто эгилганимда қиллари кўзимга урганда, одам қўли юзимни пайпаслагандай бўлди. Шундай ўқчиганимда, сиз отдан тушиб, кум устида афанаётган экансиз.

– Балога йўлиқкур шайтон томогимга тиқилиб, жонимни олишга ҳаракат қилди-да.

– Унда сиз айғирдан бекор тушдингиз, шу маҳал от устида ундан кутулиб олармидингиз.

– Йўқ, болам, томоқларим шундай ачишайатки, оғизларимни тирнаб ташлагандай бўлди. Жоним қолмади, бирор сардобаси бор жойга қараб юрайлик, от устида бўлса ҳам мизгиб олмасам, ҳолим қолмади. Ана, қаранг, айғирингизнинг ёлини, байроқдай бўлиб учти. Демак, табибнинг айтганлари рост экан, отнинг ёли ўз-ўзидан ҳаракатга келар экан, девлигини намойиш этяпти, шайтонни топтаб айғирнинг девлари ҳам ташлашга улар шай...

Улар бир тоққа, адирларга, бокқа, сахрга тинимсиз от устида юрар эдилар. Уларнинг жисмидаги оғриқ, тирнашлар, хуружлар аста-секин пайсал топиб бораради. Икки ҳамроҳ отда юриб, унинг устида ухлаш ҳаддисини ҳам олдилар. Кашқадарёнинг бағрида бир вақтнинг ўзида тўрт фаслни ҳам идрок этдилар. Улар шунча синовларга қарамай ўзларига кела бошлаган эди. Синовнинг сўнгги куни улар пешинларда табибнига кириб келдилар:

– Ўзларингизга келгандан сўнг, шу тариқа уйларингизга қараб жуфтакни росттайсизларми деб, умидимни узганча, беморларни даволашга ҳам киришгандим.

– Кетардигу, аммо шайтонни яна орқамидан юборсангиз, кутуломмай бало бўлмасин, деб хузурингизга яна келдик, – деди Сарман оға.

– Тўғри айтасиз, мен юбормасам ҳам, иссиққина жойини шайтон осонликча тарк этмайди. Ҳали кейин ҳам сизларни излаб топишга, жисмингизга киришга ҳаракат килади. Шунинг учун сиз биргина йўл билан улардан йироқ бўласиз, яъни бир умр отда юрасиз, айғирлар билан тиллашасиз.

– Бизни бир умр отлар кўриклар экан-да, – деди Қодирали сир-синоатни тезроқ билиб олиш учун шошиб.

– Йўқ, сизларни от эмас, уларнинг ёллари кўриклайди. Отнинг ёлларида девнинг руҳи яшайди. Девнинг руҳи шайтонга бир умр ғаним. Шунинг учун ҳам отнинг ёлида жаннат шамоли, девнинг нафаси бор, дейдилар. Отнинг ёлларида яшайдиган девнинг руҳи сизни бало-қазодан асрайди. Шундай экан, токи соғайиб кетгунингизча айғирлар сайисхонасида тунаб, устида яшайсиз. Токи шайтон руҳи сизни тарк этгунга қадар айғир билан бир тан, бир жон бўласиз, бошқа имкон йўқ.

– Унда айғирларингизни сотиб олганимиз бўлсин, – деди Сарман қози.

– Айғирларни адир ичидағи дўстимдан сўраб олиб, сизларга бериб туриб эдим, рози қилиб олиш сизнинг ихтиёригизда, – деди табиб, хурсанд бўлиб. Чунки дўсти ҳам айғирларимни яхшигина сармояга сотсам, муқаддас ҳаж зиёратига борарадим. Аммо мен сўраган нархга бозор кўтармаяпти, – деганди. Бир томондан дўстининг ҳам муқаддас зиёратига йўл очиладиган бўлди. Бу гапни тил тагида қолдириди ва собиқ беморларни дўстининг хонадонига юборди. Қодирали у ерда эндинина бўшаниб турган байталларни ҳам кўрди. Уларнинг ҳам айримларини сотиб олишни кўнглига тукканча, айғирни сўраган нархга сотиб олиб, кетди...

Хув, ана Чамбил сойда бир уюр от юрибди, ҳар бирлари шамолдай учкур, юргурганда ёлларининг байроқ бўлиб силкинганини кўряпсизми. Ўша отлар бир ўлиб, тирилган Қодиралибойники. У яна ёшлигидагидек чавандозликни бошлаган. Кўп отлари кўпкарига киради. Ота касбини қайта тиклаган Қодиралибой қишлоқда от фермасини ташкил қилиб, муаммоли беморларга текинга даволаниши учун айғирларини беради. Илгаридан колган белидаги оғриқлари ҳам айни дамларда йўқолиб кетган Қодирали айни замонда ўн отни бойловга ташлаган эди, уларни навбати билан совитишга киришган:

– Отажон, мени табриклант, яна мусобақада голиб бўлдим, – дейди ўн ёшлардаги супрақоқди қизалоги хурсанд бўлиб. Қодирали сойни тўлдириб юрган отларига марсиниш билан боқар экан, улар бор экан шайтон бу масканларга йўлай олмаслигидан масрур эди...



Бева

Хикоя



Мұхаббат САФО

Баҳорнинг тонгги шабадаси ҳамон баданни бироз жунжиктираётганди. Аммо энди кунлар илиб, ҳаво анча қизиган, шунга қарамай аёл рўмоли қўлига юк бўлишини истамай елкасига ташлаб олганди. Соатига қарай-қарай дарвоза олдига чиқди. Кўча бошида машина чироғининг шуъласи кўринди.

Доим бир хил вақтда етиб келадиган фермернинг бундай тартиби унга ёқарди. Ўзи ҳам шунга қўра харакат қиласди. Машина ичига разм солиб, шериги йўқлигини пайқагач, яна улгурмабди, қайтишда кутдириб қўймасин-да ишқилиб, деган ўй ўтди хаёлидан. Гарчи фермер индамаса-да, ичиди унинг вақтини қизганар, зарари етишидан озор чекарди. Саломлашгач, ўриндиққа ўтиаркан, кўзи ногоҳон таниш костюмга тушди. Кечакоғиндан қайтаётганда ёнида ҳамроҳи бўлганидан сурилиб ўтиришга тўғри келганди. Босмаслик учун костюмни қўлига олган эди. Туни билан кўллари чўғдай ёниб чиқди.

Согин тугагач, қўшимча ойлик олиш учун ферма ошхонасини тозалашга ўтди. Уч-тўртта сур товуқлар аллақачон ошхона тарафга юргилаб боришган ва ҳовлининг у ер-бу ерига тушиб ётган ушокларни териб ейишар, челақдаги ахлатни титкилаб атрофга сочишарди. Поли йўқ ошхонадан лойшувоқ ернинг зах аралаш ҳиди анқирди.

Аёл ҳаммаёқни йигиштириб, ариқ бўйларигача супурди. Фартугини ечиб, равонга қоқилган михга илди. Негадир ишлари тугаса ҳам кетгиси келмай омборхона тарафдаги ишчиларга қараб қўяди. Нигоҳлари эса қўнжи ҳимарилган этикли фермерни қидиради. Бу тарафга ўтиб қолишини истаб, унинг қадам товушларини кутади.

Атрофда изгиб юрган товуқлар энди тепаликдаги гўнг уюмини титишга тушган, кун исий бошлаганидан у ердан юкорига буғ кўтарилади. Ферма жимжит,

Мұхаббат САФОЕВА – 1969 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Сирли нигоҳлар”, “Исмиз ришиналар”, “Ҳаёт гули”, “Ой ифори” каби назмий ва насрый тўпламлари нашр этилган.

ишчилар ўз юмушлари билан банд. Аёлнинг ичидан нималар кечётганининг ҳеч кимга қизиги йўқ. Унинг юраги ҳаприқадими, кўзига ёш қалқийдими, хушсурат фермерни ҳар кўрганида тили танглайига ёпишиб қоладими, машинанинг бир четидаги жонсизгина матоҳ – ечиб, ташлаб кўйилган камзул ҳам ич-этини ағдар-тўнтар қилиб юборадими, кимга аҳамияти бор?!

Ошхона орқасига ўтган эди қуёш бор нурини девор тагига ташлаб тургандек, баданига илиқлик югорди. Шу ерда турган гўланинг устига ўрнашиб ўтирган кўйи ёқимли тафтдан қовоқлари осилиб, уйқу элита бошлади... Кўз ўнгиди ям-яшил ўтлок. Оёқларини қитиқлаётган майсалар устига узала тушиб олган. Фермер кафтларини соябон қилиб, аёлнинг юзини қуёш тафтидан тўсади. Бундан эркалиги тутиб, қиқирлаб кулади аёл. Овози шивалаб ёғаётган ёмғирга ўхшайди. Йигитдан уялиб ўтлоқ бўйлаб югуриб кетади. Орқасидан етиб келдим деганда яна қочади...

– Ишларинг битган бўлса, кетдик.

Кулогига чалинган бу овоздан чўчиб кетгани учун бир зум ҳозир кўрганлари ўнг эдими ёки тушлигини англомай, қандайдир қўрқувга тушиб қолди. Боши тепасида пайдо бўлган соя ҳамон қотиб турарди. Ҳижолатдан сапчиб туриб, машина тарафга юра бошлади.

– Ажойибсан.

Нигоҳлари машинанинг олд ойнасидаги бир жуфт кўз билан тўқнашди.

Ҳамон ўриндиқнинг нариги четида ташлаб кўйилганича турган кулранг кастюм гўё ҳамма сирдан воқифдек унсиз... Аёл уни қучогига босса – бас, кўксини ўтдек куйдираётган дарддан фориф этадигандек гўё.

Кўзгудаги нигоҳ ҳамон уни кузатяптими, йўқми нимагадир буни ўйлагиси келмади. Ўзига танишми, нотанишми қандайдир ҳис билан қўлларини кастюм томон узатди...

– Эрингни соғиндингми?

Кулокларига чалинган товушдан беихтиёр кастюмни янада маҳкамроқ қучоқлаб олди. Боши қуига эгилиб, бўйни елкаси ичига чўкиб кетди.

– Сени турмушга узатиш керак. Икки нафар боланг билан бундай қолдириб бўлмайди.

Аёл ҳамон бағрига босиб турган костюмни қайтариб ўрнига кўйди-ю, унинг устига бағрини ташлаб, ўмгани билан ётиб олди. Аммо кўзларига ёш келмади. Йифламади. Кейинги пайтларда бу одам унинг кўнглидагини билиб оладиган файритабии хусусиятга эга бўлиб қолгандек.

Бирордан сўнг тикланиб ўтириб олгач, унинг юзига қарашга бошқа журъят этмади. Машина тўхтаганида индамай тушиб кетди. Уйга кириб бутун қайғусини кимгадир айтгиси келди.

Боғ тарафга ўтиб, онасини қидирди. Доим нима биландир ивирсениб юрадиган кампир ҳам топила қолмади. Яна қайтиб ичкарига кирди. Дод солиб юборганди – овози бўғзидан отилиб чикса-да, деворларга урилиб, парчаланиб, пастга сирғалиб тушаверди...



Жазо

Драматик достон



Нодира ОФОК

Қатнашувчилар:

Одам Ота

Момо Ҳавво

Ибليس

Йилон

Товус

Овоз

Бепоён яланглик.

Одам Ота юзтубан ерни құчоқлаб ётибди.

Худди чормихланғандай құлу оёқлари керилған. Бекүйи.

Шамол құлоқлари остида шувлайлайды...

*Дағғатан осмонни булут қоплаб, бир-икки томчи ёмғир Одам
Отанинг бўйнига келиб тушади.*

Одам Ота сесканиб ҳушига кела бошлайди.

Одам Ота

Бошини кўтарар.

Қайдаман?

Бу не ер?

Ўнгимми шу ҳол?

Шу менинг масканим – жаннатми?

Нечун

Бу ранглар...

Бу саслар...

Нодира ОФОК – филология фанлар доктори. 1966 йилда түгилган. Бухоро давлат университетининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаған. Унинг “Баҳорнинг бошланиши”, “Аросат фасли”, “Кўнгил шеваси”, “Сўз айвони”, “Қора наво”, “Ватан дарслари”, “Бизнинг эра” каби китоблари нашр этилган.

Бу хидлар... малол
Малол солаёттир рухимга бутун?

Бошини баландроқ күтариб ён-верига қарар.

Йүк! Йүк!! Йүк!!!
Үхшамас беҳиштга зинхор!
Бегона!
Еттиёт бу макон, бу кент!

Бирдан ҳүшёргланар.

Истиғфор!
Истиғфор!!
Яна истиғфор!!!
Ахир, шуларнинг ҳам Бинокори – Сен!

Янада ҳүшёргланар.

Истиғфор дедимми? Истиғфор?! Нечун?

Бирдан бир нарсани эслагандай бошини чангаплар.

О, энди аёндир бу ҳолнинг сири –
Этилмадимми мен жаннатдан қувгин
Бир лахзами... ёки минг йил илгари?!

Бир ҳовуч тупроқни олиб алам билан эзгилайди.

Шу лойдан, тупроқдан яратди Эгам,
Рух берди, онг берди, кўзларимга нур.
Бори малакларин – нурдан яралган
Пойимга саждага эгдирган ҳам Ул!
У мени энг гўзал мавжудот этиб
Шарафга, севгига, меҳрга кўмди...
Мен Уни танидим, тағин аҳд этиб
Амрингдаман, дедим мангуга эмди.

Бошини қўйи солар, кўзларидан важирлаб ёшлар тўка берар.

О, Одам... аҳд этдинг. Сўз бердинг...
Тағин
Фармонингдаман деб қасамлар ичдинг.
Истади: Мангалик дараҳтиң шириң
Мевасин емақдан мангуга кечдинг.
Кечдинг...
Кечдим дединг!
Кечган эдинг-ку!
Ва яна қўйдинг-ку хатарли қадам –
Нафсинг черик тортиб солганда кутку

Сўзни ҳам, Уни ҳам унудинг, Одам...
Қандай лаҳза экан билмам у лаҳза –
Такиқ олмасидан татиб кўрганим,
Вужудми, кўнгилга тушиб бир ларза
Дилдан бебурдликка ўрин берганим?!

Кўзларини юмар.

Ялангоч... шармисор... нотавон... лайн...

Бир нарсани эслагандай пешанаси тиришар.

Ичдами, ташдами қўпди бир ғовур:

Овоз

Бадбаҳт бўлдинг, Одам!
Осийсан!
Хоин!
Бадбаҳт бўлдинг токим маҳшарга довур!
Раббано!
Ҳайдагил буни жаннатдан!
Бу – кечириб бўлмас оғир жиноят.
Махрум эт ҳимматдан ва мағфиратдан –
Истиғфор сўрса ҳам қилма иноят!

Кучли шамол эсар.

Момо Ҳаввонинг оҳ-ноласини олиб келар.

Момо Ҳаввонинг овози

Қайдаман?
Бу не ер?
Ўнгимми шу ҳол?
Бу менинг масканим – жаннатми?
Нечун
Бу ранглар...
Бу саслар...
Бу ҳидлар... малол
Малол солаёттир руҳимга бутун?

Одам Ота

Овоз келган томонга қараб.

Ё Ҳавво!
Сендан ҳам тушдимми айро?
Қайдасан вужуд... йўқ, кўнгил парчаси?!

Момо Ҳаввонинг овози

Мен – бунда... қандайдир танқайган сахро.
Ёнаёттир не жон бўлса – барчаси.
Мени-чи, ёқмоқда бу ногоҳ ҳижрон,

Қайдасан, панохим, англатгил, ахир.
Англатгил, бу не ҳол, бу қандай макон?

Одам Ота

Мен ҳозир бораман.
Кетяпман...
Ҳозир...

Одам Ота ўрнидан туради.
Үз аҳволига қараб йиғлаб юборади.

Одам Ота

О, яна бу не шўр?
Бу қандай малол –
Уятни ёполган биргина япроқ
Тескари айлангач бу чархи даввор
Тарк этса шарманда вужудни...
Эй воҳ!
Эй вужуд!
Адо бўл, ёнгил ва кул бўл!
Янчилгил, парчалан, чири, увалан!
Бу, ахир, дард эмас, чипқонмас, носур¹
То рўзи қиёмат битмас бу алам!

Шамол яна Момо Ҳаввонинг овозини олиб келади.

Момо Ҳаввонинг овози

Одам, не деяпсан?

Одам Ота

Ҳавво! Азизим!
Содир бўлди, ахир, тарихий гуноҳ –
Сен эмасми менга тақиқ мевасин
Едирган?

Момо Ҳаввонинг овози

Оҳ, энди эсладим...
Эйвоҳ...
Мангулик дарахти... сонсиз шоҳалар...
Мевалар – түяқуш тухмидай улкан...
Сутдай оқ... болдай таъм... хушбўйки, мушқдай...
Аввал ўзим едим... кейин сенга ҳам...

Одам Ота

Кулса гул, йиғласа дурлар тўкилган
Эй гулиқаҳқаҳим, англатгил буни:
Тақиқ олмасига қўл чўздинг нечун,
Нега гуноҳ йўлга бошладинг мени?
Сен кимнинг макрига учдинг у маҳал,

¹ Носур – даволаб бўлмайдиган яра касаллиги.

Қай йўсин гумонга қўйдинг Ҳақ сўзин?
Бизни шафоатга кўмиб У,
Фақат
Сўргани: емаслик тақиқ мевасин.

Момо Ҳаввонинг овози

Балки гуноҳкорман,
Балки айбим йўқ –
Йилон юрагимга солди ғулғула.
Йилонни биласан: жаннатда бор-йўқ
Мавжудотни бизга танитган.
Хуллас,
Ўшал кун сўрди у:
“Ҳақ сенга нечун
Мангулик мевасин ман этган?
Кани
Айт-чи, билурмисан?”
Мен эса тайин
Йўқ, дедим.
Билмасдим чиндан-да буни.
Қах-қах уриб кулиб, дедики Йилон:
“Кимки ул мевадан этса тановул
Мангу яшар, Ҳавво, сўзимга ишон,
Ишонмасанг, дараҳт тагига борғил”.
Мен бордим.
У ерда сиймтан бир малак
Туарди.
Мен сўрдим: “Махлуқсан нечук?”
Ул деди: “Ҳақ неча замонлар аввал
Яратганди мени шуъладан.
Ва лек
Ман этди емакни ушбу мевадан,
Мен унинг сўзига солмадим қулоқ.
Яшаяпман мангу, кўриб турибсан,
Тушганим ҳам йўқдир жаннатдан йироқ
Бўлган гап бориси – мана шу.
Тамом.
Мевалардан уздим, оҳ! – ўшандан сўнг...
Бору йўқ гуноҳим, ёзугим, хатом –
Гапига кирганим малъун Йилоннинг.

Кучли шамол тескари томонга эсиб, Момо Ҳаввонинг гапини ортиқ эшиштирмай қўяди. Ёмғир кучая бошлийди. Одам Ота қўлида таёқ, дабдираб Момо Ҳаввонинг овози келган томонга интилади.

Одам Ота

Ҳаввонинг жонфизо овозин нечун
Тескари томонга ҳайдайсан, шамол?
Етмасми шу ажр, шу азоб, кўрим,

Етмасми шу афсус, шу ўкинч, завол...
 Қани жаннатдаги Одам... қани ишқ...
 Ким эдим – ким бўлдим?
 Гуноҳкор кимдир?

Кўксига урап.

Бул надир? Юракми – мустазъиф, куйик,
 Ё афсус дарахти ўсгувчи адир?
 Шунчалар ожизми эрди диёнат,
 Шунчалар ожизми эрдинг, эй кўнгил?
 Қани аҳд?
 Қани шаън?
 Қани маҳобат?
 Қачон тушган эди сенга бу жоҳ – гул?
 Қўй мени, эй шамол, ўз ҳолимга қўй,
 Кўзёшларим артиб, юпатма ҳеч ҳам.
 Қани ишқ,
 Қани Ёр – қани ул Гулрўй?
 Бу ҳолимга минг йил йиғласам ҳам кам...

*Шу аснода Одам Отанинг олдидан йўрмалаб Йилон чиқиб
 қолади.*

Одам Ота

Ҳа, баттол, қўлимга тушдинг айни дам,
 Бадарга бўлишлик бош сабабкори!
 Не учун Ҳаввони алдадинг?

Йилон

Одам,
 Ўзинг ажрим айла, сўйлайин борин:
 Сенга қундай аён: мен ҳам сенингдек
 Фуқароси эдим жаннатнинг у дам.
 Балки гуноҳкорман, балки айбим йўқ,
 Ўшал кун Товусга алдандим мен ҳам.
 Эмишки, абадий яшамоқ сирин
 Пинҳон этганмиш У учта сўзга, бас,
 Кимки билса ўшал уч сўзни,
 Тайин
 Касалланмас, ўлмас ҳамда қаримас!
 Эмишки, кимарса – шу сўзни билгич
 Жаннатнинг қопқаси олдида кутар.
 Шарти бор – беҳиштга олиб кирса ким
 Ўшал уч сеҳрли сўзни ўргатар.

Одам Ота

Хўш, унда Товуснинг ўзи-чи, ўзи
 Бўлмасмиди олиб кирса кимсани?

Йилон

Жаннат Посбонидан шунчалар ўлиб
Кўркар эмиш.

Одам Ота

Майли, давом эт қани.

Йилон

Хуллас, чиқсан, эшик олдида гоят
Фасон, кўрклиқ тева турибди маҳтал.
Сўзга ҳам хўп чечан, сермулозамат,
Барини ўзича килиб қўйган ҳал:
"Йўли бор, кўрқмагил, деди, Посбондан",
Кўнглимни ойнада кўриб тургандай.
"Тишинг ковагига жойлашиб, сендан
Гап сўрса, мана мен – жавобига шай!"

Одам Ота

Хўш, ўшал уч сўзни айтдими кейин?

Йилон

Одамнинг олдига элт, деди, аввал.
Кавсар ҳовузига кетганмишсан сен.
Хаввога йўлиқдик икков шу маҳал.
Хулоса: Ҳаввонинг кўнглига ғулу
Солган мен эмасман куфр гап билан.
Оғзимга бемалол жойлашиб олиб
Ул тева сўйлади менинг номимдан.

Одам Ота

Ҳавво-чи?

Йилон

У мендан ранжиди бироз.
Ҳайвонлар сарвари Йилонсан, деди.
Нечун англатмадинг бу сирни, илло
Аввалроқ албатта билғонсан, деди.

Одам Ота

Ҳақ гапни айтибди...

Йилон

Туравердим жим.
Эшитмайин дея Ризвон койишин.
Ва яна қўксимни ёқарди сим-сим
Сехрли уч сўзни билмоқ хоҳиши.

Одам Ота

Хўш, кейин айтдими?

Йилон

Гүлмен, соддамен,
Шартни эслатаман дегунча түя
Йүқөлди учта сүз нарёқда турсин
Хатто хайр-хүшни қилиб насия.

Одам Ота

Демак, сен гунохкор эмас?

Йилон

Ложарам,
Барига сабабчи – Товус.

Одам Ота

Ха, майли,
Барибир сенда ҳам, Йилон, бор гинам:
Кувгин бўлдик сенми Товус туфайли.

*Одам Ота таёгини дўйқиллатиб кета бошлиайди.
Кучли шамол яна Момо Ҳаввонинг овозини олиб келади.*

Момо Ҳаввонинг овози

Бу хижрон йўллари бунчалар узун,
Бу азоб, бу кўрим, бу ажр, ё Раб!
Юракни айлади зарра-зарра хун,
Минг йилки юраман Одамга қараб.
Аммо етмоқликнинг имкони йўқми –
Қаҳринг ҳам меҳрингдай шунчами улуғ?
Бу саҳронинг тугаш замони йўқми –
Ахир, аршинг Сенинг ҳимматга тўлуғ?!

Одам Ота

Ҳавво!
Жоним Ҳавво!!
Юпанчим Ҳавво!!!
Шу қадар яқиндай овозинг сенинг,
Неча саҳро ошдим, неча тоғ... Аммо
Бу дайдиш билгайдир на худуд, на сўнг.

Момо Ҳаввонинг овози

Одам!

Одам Ота

Ҳавво!

Момо Ҳаввонинг овози
Одам!

Одам Ота

Овунчим Ҳавво!

Барибир мен сени топаман, шояд
Кечирса, истиғфор сўраймиз...

Даҳшатланар.

Оҳ, оҳ!...

Овоз

Истиғфор сўрса ҳам, қилма иноят!

*Янада кучли ва ваҳимали шамол эсиб, Ҳаввонинг овозини
тескари олиб кетади.*

Одам Отa

Ҳаввонинг жонфизо овозин нечун
Тескари томонга ҳайдайсан, шамол?
Етмасми шу ажр, шу азоб, кўрим,
Етмасми шу афсус, шу ўкинч, завол?!

Одам Отанинг рўпарасидан таманно ила Товус кела бошлиайди.

Одам Отa

Ҳей мужрим, вақтида келиб қолдинг дуч!

Товус

Сўзлагил қараброқ олди-орқангга,
Мен сенинг қошингда гуноҳкор нечук?
Тушганим ҳам етар кўқдан тубанга.

Одам Отa

Билиб билмасликка олма, эй айёр,
Жаннатга киритмоқ истовдинг кимни?
Йилоннинг, Ҳаввонинг ва менинг тайёр
Иссиқ жойимизни совутган сенми?

Товус

Англадим, нимага этдинг ишора,
Айтсанг бўлмасмиди дарров урмай дўқ.
Ўзим ҳам пушмонман, лекин начора,
Балки гуноҳкорман, балки айбим йўқ.

Одам Отa

Бир бошдан батафсил сўйла-чи.

Товус

Ул кун
Беҳиштдан ташқари чиқдим бир маҳал.
Кимарса туарди – хушрўй, мулойим.
Мени кўриб мақтай кетди-ку аввал.
Сўнг эса мақсадга кўчди пировард:

Малакмиш, бор эмиш битта илинжи –
 Тангрига ҳамд-сано ўқирмиш, фақат
 Жаннатни соғиниб йўқолмиш тинчи.
 Эмишки Биру Бор ахли жаннатга
 Не сир-синоатни кўргандир раво
 Кўргиси, билгиси келармиш яккаш,
 Рухсат йўқмиш унга киришга аммо.

Одам Отa

Учта сўз билармиш сехрли...

Товус

Шошма,
 Тинглагил гапимни бўлмай бетоқат.
 Ҳа, деди: "Уч сўзни билган кас, ошна,
 Касалланмас, ўлмас, қаримас абад".

Одам Отa

Нега сен демадинг...

Товус

Шошма, дедим-ку.
 "Шусиз ҳам ўлмаслар жаннатнинг ахли"
 десам, қаҳ-қаҳ уриб чандон кулди-ю,
 деди: "Товус, сенга келади раҳмим:
 Бетоб бўлар, қарир ва ўлар ҳамма.
 Истисно уч сўзни билган ҳар кимса".

Одам Отa

Ишондингми?

Товус

Қасам ичди-да аммо...
 Ҳатто Тангри номи билан...
 Алқисса,
 Ризвондан қўрқдиму унга Йилонни
 Йўлладим, хар қалай ақлли жонзот.
 Қолгани ўзингга аён.

Одам Отa

Ҳар ённи
 Ўйлаб кўрсам, сен ҳам айбсизсан... Наҳот?
 Лекин қизик: Йилон эшик олдида
 Кўрганини тева деди-ёв чоғи...

Ўйланиб қолар.

Товус

Кетатуриб ўзича.

Нодира ОФОК

Лекин ёмон бўлди, ёмон-да жуда,
Ҳақнинг бизга битди ҳиммат булоги...

Кетади.

Одам Ота

Ҳа, тева деганди...
Қизик...
Ажабо...
Ёки алдадими иккаласи ҳам?

Ўйланиб турар.

Хей Товус, тўхтагил, тўхта!

Атрофга аланглар.

*Шу вақт қаҳ-қаҳ кулги овози янграйди.
Одам Отанинг қаршиисида Иблис малак қиёфасида пайдо бўлади.*

Иблис

Хо-хо-хо!!!
Холинг қалай энди, эй азиз Одам?
Худонинг эркаси, севимли қули,
Холингта маймунлар йигласин эмди!

Одам Ота

Даҳшатланар.

Сен кимсан?

Иблис

Менми? Ҳа, хув ўшал куни
Товусни боплаган кимсаман!

Одам Ота

Телбараб.

Раббим!

Иблис бир айланиб тева қиёфасига киради.

Иблис

Теваман!

Одам Ота

Тушимми, ўнгимми бу ҳол?
Ё жинни бўлдимми ғам торта-торта?

Иблис

Тушинг эмасдир бу, эмасдир хаёл.
Ҳаммаси ҳам эмас ҳали, албатта...

Ибليس яна тевадан малак тусига киради.

Иблис

Мангулик дарахти остида Ҳавво
Кўрган малак бўлдим энди ниҳоят.

Одам Отa

Ҳа, телба бўлибман... Йўқол, эй сароб!
Етар шу изтироб, шу кулфат, шу дард!

Иблис

Хо-хо-хо! Айтдим-ку, бу сароб эмас,
Бу – ўнгинг.
Бу – борлик.
Бу – ҳақиқатдир!
Бу – Тангри малаклар бошлигин, хуллас,
Иблис мақомига солгандай гапдир.

Яна бир айланиб иблис қиёғасини олади.

Одам Отa

Сен ўша... сен ўша.. Азозил?

Иблис

Хо-хо!
Ҳа, менман – оловдан яралган вужуд.
Бир пайтлар Тангрига айтиб тасанно
Тоат-ибодатга шўнғиган нуқул.
Лекин сени

қўлини бигиз қилиб.

Сени яратди бир кун
Тупроқдан!
Тубандан олинган лойинг!

Ерни тенар.

Эсимда, сен учун яратилган Рух
Ичингга тушмакка қўрққани кейин...
Эмишки, ичингда зулмат коваклар,
Чангальзорлар, ваҳший жонзотлар бисёр.

Одам Отa

Бас! Бас!! Бас!!!

Иблис

Сигинди сенга малаклар.
Лекин мен!..

Одам Ота

Үзингча кўтардинг исён!?
Турқингга қарагин.

Иблис

Ха, лайн бўлдим...

Одам Ота

Амрига этмадинг, ахир, итоат.

Иблис

Қара-я! Ялангоч, иштонсиздир ким
Иштони йиртиққа кулармиш фақат.
Ўзинг-чи? Ужмоҳнинг султони эдинг,
Амрингга мунтазир неча-нечалар.
Тақиқ мевасини не учун единг?

Одам Ота

Тўхта...
чоғи тугун энди ечилар.
Сен – Иблис, гоҳ малак, гоҳ тевамонанд
Боз қасамлар ичиб Тангри номидан
Ҳаммани алдадинг ҳолинг бўлгач танг...
Ха, билдим, барига сабаб – сен.
Сенсан!

Иблис

Қара-я, гуноҳни гоҳ унга, бунга
Тўнкагунча ўйлаб кўрсанг бўларди...

Одам Ота

Сенга қолса, бундан баттарроқ кунга
Йўлиқсам, эҳтимол, кўнглинг тўларди.

Одам Ота ҳомуза тортади.

Иблис

Чарчаган ўхшайсан... Йўл босдингми кўп?

Одам Ота

Саргардон кезаман минг йилдир чоғи
Сенинг касофатинг, касрингга...
Ва лек
Йўлдан ҳам эзди-ку виждан қийноғи...

Одам Ота яна ҳомуза тортади. Шуни кутиб турган Иблис лип этиб Одамнинг ичига кириб кетади.

Одам Ота

Ие, нима бўлди?

Ён-верига аланглаб Иблисни ахтарар.

Иблис, хой Иблис!

Қанисан? Қаёққа бўла қолдинг гум?

Иблис

Одамнинг ичидан

Ичингдаман. Бунда тутинаман дўст

Рухинг қўрқкан ўша ваҳшийлар билан.

Одам Ота

Даҳшатга тушиб

Чиқ менинг ичимдан!

Чиққил, эй мараз!

Махрум қилганинг ҳам етар жаннатдан!

Шўрлик бир бандага бунчалар ғараз?

Менинг айбим нима? Қайси жиҳатдан?

Иблис

Ҳоо! Мени анойи деб ўйлама, ҳоо!

Сен – лойдан, Мен – нурдан яралган жонман.

Сен боис лаънатга учрадимammo.

Сен – ерсан, тубансан!

Мен-чи – осмонман!

Одам Ота

Чиқ менинг ичимдан!

Чиққил, касофат!

Бехосият! Муртад! Ғаразгўй! Мурдор!

Қайдан ҳам йўлиқдинг ҳароми, офат!

Тез чиққил ичимдан! Тез чиқ!! Тез йўқол!!!

Телбаланиб ўзини тўрт томонга урап.

Иблис

Ҳоо!

Мана кўрдингми, ҳалитдан маним

Ноғорамга ўйнаб миндинг ғазабга.

Ҳа, шундай! Бир умр мен сенга ғаним,

Йўллайман изтироб, кулфат, азобга.

Одам Ота

Чиққил, эй лаънати!

Баригир сенга

Ихтиёрим бериб қўймасман ҳеч вақт!

Ўтин қаланмоқда ўч гулханига
Сочдан то тирногим қадар айни пайт.

Иблис

Захарханда билан

Хоҳласанг ўзингни ўлдир,
Ёк,
Кул қил,
Чиқмайман ичингдан, чиқмайман асло!
Қонингга қўшилиб оқкум муттасил
Сенинг етмиш икки томиринг аро!

Гулдураб қулар.

Одам Ота

Довдираб, ҳолсизланиб ўтириб қолар

Раббано!
Алҳазар!!
Бу яна не ҳол!?
Бу қандай хатодир, қандай жиноят?
Иблисга ичингдан бериб кўйдинг жой,
Бир бор адашганинг етарди шояд!
О, Одам!
Бунчалар авом, соддасан,
Тўфони босилмай битта кулфатнинг
Яна бир қадаминг эгри отасан,
Қани событлигинг?
Қани шаън-шаҳдинг?

Даҳшат ила узоқ ўйланиб қолар.

Не учун яратдинг бунча ишқ билан,
Ажиб ҳусн санаб салтанатингга;
Қани ул кабирлик?
Қани донг?
Зотан,
Арзидимми шунча марҳаматингга?
Жой бериб муazzам беҳишт тўридан,
Пойимга эгдирдинг малаклар бошин...
Қани мушаррафлик?
Қани шон?
Зотан,
Шунча қарамингга арзидимми мен?
Шунчалар иноят, шунча адолат,
Шунчалар мурувват кўрсатдинг магар.
Мен кимман? Шуларнинг барин беҳиммат
Бир оғиз луқмага сотган савдогар...
Филҳосил, англадим, барига сабаб

Мен ўзим – хиёнат йўлини тутган.
 Нафс ила диёнат жангода, ё Раб,
 Ҳақни ҳам, динни ҳам пақкос унугтган.
 Иймонга хиёнат, аҳдга хиёнат,
 Аллоҳга хиёнат – Дўстга хиёнат,
 Шафоат, муҳаббат – нақдга хиёнат,
 Ваъдага хиёнат – Сўзга хиёнат...
 Мен неки йўқотдим, неки йитирдим,
 Неданки маҳрумман, нега гирифтор –
 Йилларким, юрагим эрийди сим-сим –
 Барига ўзимман, ўзим сабабкор!
 Йилларким, йифлайман,
 бошим ҳам...
 Кўкка
 Йоз буриб, тик қарай олмайман... тўзиб.
 То маҳшар кўкракни босгувчи юкка
 Маҳкумман... сабабкор – ўзимман, ўзим!
 Йифлагил, эй Одам... гуноҳкор Одам!
 Юпанма, юпанчга ҳаққи йўқ Одам!
 Юпанмоқ – ўлимдир, юпанмоқ – адам,
 Юпанмоқ – яна бир гуноҳдир зотан...

*Шу пайт қучли чақмоқ чақиб, еру кўк гумбурлаб ларзага келади.
 Шаррос ёмғир қўйиб, ваҳимали шамол эсади.
 Узоқда – ёмғир пардаси ортида Момо Ҳаввонинг сұмбати
 кўринади.
 Одам Ота ва Момо Ҳавво бир-бирларига қараб интиладилар.*

Одам Ота
Ҳавво!

Момо Ҳавво
Одам!

Одам Ота
Ҳавво!

Тамом

Муаллифдан:

Бу ёзувлар 1992 йилга тегишли. Шунинг учун уларга айтарли қалам урмадим.

Қиличпошшо бувимдан, одамлардан эшигтанларим, яккам-дуккам ўқиганларим хаёлда бир ҳикоя бўлиб жонланган. Бу хусусий талқин Одам Отага оид асл ривоятга унча мувофиқ келмас эҳтимол. Ўша ёшда ҳаммаси бошқача бўлган, кўнгил ўзича таҳрир қилмоқ истаган эҳтимол. Лекин барибир шу қисса ўзига жазб этган... Ҳаммамизнинг йўлимиз шу – сабаб шудир балки. Сахву хатоларимизни Ўзи кечирсин...

Ижодий кенгашиларда



Бахтнинг пешонасидан ўпиб-ўпиб ёзилган достонлар

Иқбол ҚҮШШАЕВА

Достон – роман каби мураккаб жанр. Мазкур жанрда ижодкордаги қувваи ҳофизанинг кучи, фикрнинг қўлами қай даражадалиги борича кўринади. Адабиётшунос олим Умарали Норматов шундай ёзади: “Яратмоқ, кашф этмоқ достон жанри табиатига нихоятда мос. Аслида, янги топилган, нихоятда зарур гап шоирга тинчлик бермай, қалбини туғёнга солганида, худди ўша жиловлай олиш кийин бўлган, кичик шаклга сифмайдиган қалб туғёни кўпроқ достон шаклини тақозо этади”. Чиндан ҳам, “Сурат”, “Даврим жароҳати”, “Рухлар исёни”, “Жаннатга йўл”, “Нидо”, “Хотирам синиклари”, “Нега мен?” ва “Янги инсон“ каби машҳур достонларимиз ҳам ушбу жанрнинг шеърга сифмаган ҳасрат эканини эслатади. Шеър тилига кўчган воқелик катта савол – катта оғриқ атрофида айланади.

Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгаши томонидан қўлимга берилган 2022 йилги айрим достон ва фахрия-мадхияларни мана шу мезон билан ўқиб чиқдим. Улардан бири муаллиф Замира Рўзиеванинг “Жон риштаси” тизмасидир. Назариётчилар “фахрия” жанрини шоир ўз истеъоди ва фазилатларини мақтаб ёзган шеър деб айтади. Мазкур фахриянинг ҳар бир бандига тўхталиб ўтирасдан, фақат Мирзо Бобурга тегишли қисмига эътибор қаратсак:

*Зардоби кечмишили, зардоби савол,
Бир диёр олдинда – Ҳиндистон отли.
Буюк Ганг мавжслари очар бунда фол:
“Бир ўлон келади мард, адолатли”.*

Мирзо Бобурнинг буюклигига ҳеч эътироуз йўқ. Ўзига тик боққан, ўзини аёвсиз тафтиш эта олган камёб ШАХС. Ўйлаб кўрайлик, бундай зотлар бу тахлит муболагали мадҳларга муҳтожмикан? “Ҳар неники айладим хатолиг бўлди”, деб ёзғирган инсонни ўшанда Ҳиндистон қучоқ очиб кутиб олганми? Гарчи Жавоҳрлал Неру “Бобур дилбар шахс эди”, деб эътироф этган бўлса ҳам, ҳатто ҳозиргача бу тарихий шахс хинд жамияти учун баҳсли сиймо, ахир. Биз тарихни таҳрир килмасдан, борича қабул қила олсаккина, буюкларимизга яқинлаша оламиз. Абу Райхон Берунийнинг аждодлари билан мақтанган кимсанинг ота-боболари тирик, ўзи эса ўликдир, деган маънодаги ўгити айнан бизга тегишли.

Ваҳоланки, Нажмиддин Эрмат, Хуршид Абдурашид, Сухроб Зиё ва Шаҳриёр Шавкат каби ёш ва ёвқур шоирлар тафаккурдаги бу бикикликни ёриб, ТУРКИЙ ДУНЁ нигоҳи билан оламни идрок эта бошляяпти. Зебо Мирзонинг Турон замини дарду дунёси акс этган “Киshan кийма...” шеъри ҳам катта бир достонга асос бўла

Бахтнинг пешонасидан ўпид-ўпид ёзилган достонлар

олади. Токи, шоир ўзини борлиқнинг бир парчаси билиб, банибашар қайғусига юрагидан дарча очмас экан, у шоирнинг милллати маҳдудлик, Ватани маҳалла бўлиб колаверади.

Ўтган аср совет маданиятидан қолган бир иллат ҳануз ўзбек киносида ҳам, адабиётида ҳам учрайди – бугун билан тарихни бақамти кўйиб, доруломон кунлар учун салламно айтиш. Ўтмиш фақат замонага беҳад шукроналар айтиш учун зарурдек. Робинранат Тагорнинг доно гапи бор: “Қуриган дарёга ўтмиши сабаб раҳмат айтмайдилар”. Ижодкорнинг “Мангу руҳлар сухбати”да “мангу руҳлар” – Амир Темур, Бибихоним, Мирзо Улуғбек, Абдулатиф ва Мирзо Бобурнинг гурунги ёзилган. Зухрабегим ҳам Соҳибқирон Темур ва Бибихоним руҳи билан гўзал Самарқанд кўчаларини кезганча, бутунги гулгун ҳаётни кўтаради.

Бибихоним Амир Темурга айтяпти:

*Олампаноҳ, тинчланинг,
Адолат топди қарор.
Бугун элга бош сиздек
Фидойи, мард ҳукмдор.
Мустақиллик барчага
Келди қадами қутлуғ...*

Совет даврида партияни, замонни мадҳ этиш одатга айланган бўлса, бугун очиқчасига шахсга сифинишга даъват этиляпти. Ва бу даъват асарда пропаганданинг жўнгина, бетаъсир тилида ифодаланган. Баландпарвоз кўтаринкилик эса кучайгандан-кучайиб бораверади...

*Соҳибқирон изидан
Авлодлар бораёттир.
Оллоҳ улар кўнглига
Эзгулик солаёттир.
Ўзбекнинг ўғлонлари
Хар ишида ибратлидир,
Бу юртнинг фидолари
Метиндек қудратлидир.*

Йигирма йилдирки, айнан шунаقا қофиябозлиқ, шиорнамо иллюзиялар шираси ўзбек шоирининг жамиятдаги мавқеини туширишга хизмат қилиб келяпти. Лирик мушоҳада, яъни ҳиссий тафаккур ўрнини ҳиссий кўпириш, бўум-бўш бўёқдорлик эгаллади. Интеллектуал ҳалоллик ўз ўрнини сиёsatдон бебурдликка, субутсизликка бўшатиб берди.

Зухрабегимнинг ёзганлари орасидан Сайд Аҳмад ва Саида Зуннуновага бағишлиланган “Садоқат ва матонат” достони анча самимий, анча жонли түғилган. Ўзига яқин замондошлар, ўзига яқин туйғуларни қаламга олаётганда шоира қийналмайди. Биз фақат шу асарда одам ҳақидаги тоза ҳаяжон эпкинини, йилт этгани фикр учкунини, муносабатни кўрамиз.

*Хорланди, зорланди, бош эгмай аёл,
Жӯфти ҳалолини кутди туну кун.
Кўл соатин сотиб, олди машинка,
Кўнгли ярим, аммо юраги бутун.*

Иқбол ҚҮШШАЕВА

Бу мисраларда оригинал ташбехлар, ҳақиқий достонларга хос фикр түгёнлари йўқ, лекин улар ясалган, яшалмаган сатрлар ҳам эмас. Бироқ туйгулар оқимида сузаётган муаллиф қаҳрамонлари мурод-мақсадига етиши биланоқ ҳасратдошдан маддоҳ воизга айланади-қолади:

*Талотўп кўчалар тумандай тарқаб,
Чексиз зулматларни ёритди қуёш.
Бугунги кунларга шукронга айтар,
Нуроний отахон кўзларида ёши...*

*Юртимда Истиқлол галаба қилди,
Тўйларда ёзилди оппоқ дастурхон.
Аждодлар истаги бўлди ижобат,
Ўзбекнинг довругин эшилди жаҳон.*

Биз ёзарканмиз, эҳтиёт бўлишимиз керак – Адабиётдаги ёлғон ва ўринсиз муболағалар акс таъсир қилиб, ҳалқ хотирасининг ковакларига бекиниб ётган оғриқларни ковлаб чиқаради.

Тожмаҳал обидасига бағишлиган “Мұхабbat қасри” фаҳрияси эса “баҳтнинг пешонасидан ўпган” шоиранинг олам-олам ҳаяжонидан иборат. Йўл очеркининг қофияга тушган пафосли шакли, деса ҳам бўлади.

*Диллашии айлади насиб,
Ўпдим баҳтнинг пешонасидан.
Илҳомландим ҳаяжон босиб,
Мұхаббатнинг кошонасидан.*

Ғулом Эгамшукурнинг “Қоғозлар ҳайқириғи” китобидаги “Мангу армон”, “Уруш манзаралари”, “Кўринмас майдон” қийқимлари ҳам “достон”лар рўйхатида бор. “Мангу армон”га “достондан парча” деб изоҳ берилган. Қизиқ, семизгина китобнинг ичидаги тугал достон учун жой йўқмиди? Тушунишимча, тугалланмаган бу ёзишмалар азбаройи достон ёзиш истагидан туғилганга ўхшайди. Ғаладонда қолиб кетган қораламаларни эслатади. Асарда тирноққа зор одамнинг дунёсига мўралашга ҳаракат қилингану, лекин у дарднинг бўйига бўй бўла олмаган. Ёзиқларни ўқиркансиз, савол туғилади – шоирнинг бадиий нияти нима? Мазкур қораламаларда одамнинг юрагини титкилашдан мақсад не? “Уруш манзаралари” эса бутун урушининг ҳақиқий турқини кўрган одамлар учун шунчаки Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқати чизгилар сифатида ўтиб кетади.

Чекимга бирор билиб, бирор билмаган асарлар баҳонасида ҳозирги ўзбек шеъриятининг биргина қиррасига кўз югуртириш тушди. Яна бир карра амин бўлдимки, бугун асл адабиётни, ҳақиқий дардни, баланд ҳайқириқни газета ва журнал саҳифаларидан эмас, цензурасиз олам – интернет дунёсидан топиш мумкин.

Тенгиз Абуладзенинг “Илтижо” фильмни финалида ҳақиқат учун курашишдан толиккан шоир мағлубиятни бўйнига олади. Шоир ҳақиқат тимсоли эди. Ҳақиқат қочаётган маҳал Фариштани – Эзгуликни дорга осадилар. Шоир қуролини ерга кўйган он Фариштани Иблис никоҳига олади... ва улардан маймунлар туғилади. Бизда адабиёт одамларининг чалғиганига, чекинганига кўп бўлди. Мангу конуният шундаки, жамиятнинг жон томирига қўя олмаган шоирнинг некбину чучмал сатрлари, ёркиндан-ёркин мисралари ҳам энди бу ҳалқка керак бўлмайди. Жамиятнинг ўзи қаттол таҳрирчига айланади.

Сурат

Эссе



Боқий МИРЗО

1990 йил, июль.

“Трусковец” санаторийсидаги дам олишдан сўнг Россия ёзининг қиска ва ҳузурбахш тонгларидан баҳраманд бўлиш учун Москвага қайтиб, ҳар йилги манзилим Люба холаникига жойлашдим.

Учинчи куни ўзбекистонлик дўстларим билан шаҳар айланишга келишгандик, эрталаб холага бу ҳақда гапириб турган пайтим уй телефони жиринглаб, сухбатни бўлди.

Люба хола қўнғироқ қилувчи билан икки оғиз гаплашибоқ менга гўшакни кўрсатиб, “Кел!” деб чақирди.

– Эшигтаман!

– Дилмурод, биз аспирант қариндошимиз билан тушлик қиласидиган бўлдик, – деди водийлик оғайним Салимжон, – шаҳар айланишга боролмайман, узр!

Тўсатдан тилимга гап келмай қолди. Ёлғиз шаҳар айланиш аллақандай қўнғилсизлик келтирадигандай, “Уйда қолаймикин?” деган фикрга ҳам бордим. Аммо “Ёш боламасман, аждодларимиз йўл кўрсаткичиз, сўраб-сўраб Маккани топишган-ку!” дея ўзимга далда бериб, ташқарига отланарканман, кампирга кўл силкидим...

У ёлгиз кетаётганимдан хавотирланганча:

– Бирпас шошмай турсанг, Володя (мен билан тенгдош ўғли) келади, ўзи сени айлантиради, – деди.

– Ҳечқиси йўқ!

Йигирма қаватли уйлар оралиғидаги асфалт йўлак кирғогидаги ўриндикларда эзилган ҳандалак каби тизилишган 80–90 ёшли кампирлар билан саломлашиб ўтарканман, уларнинг ижарачи Люба холам ҳақида нимадир деб ғўлдираганларига эътибор бермадим. Биламан, ижарачилардан пул олиб, ноқонуний даромад топаётганини муҳокама қилишади. Лекин бир пайтлар уларнинг ўzlари ҳам бу иш билан шугулланган, ҳозир ҳаммаси унтуилган ва ҳеч ким билмайдигандай, ижарачи сақлашга курби етмай қолганидан аламзада кўринишарди...

Бир ҳафта олдин йигирма-ўттиз қаватли уйларни кўрганда эдим, энди улар олдидан бепарво, Москвада минг йилдан бери яшаётгандай ўтиб кетаверардим.

Боқий МИРЗО – 1954 йилда туғилган. Унинг “Янги кун”, “Узукдаги ёқут кўз”, “Кўнғил хиёбони”, “Сен ҳаммадан чиройлисан”, “Учратаман сизни субҳидам” шеърий, “Тиллафуруш”, “Ўзрининг муҳаббати”, “Олмос ёки қиморга тикилган қиз”, “Ойбаҳор ва Динара”, “Хазина эгаси”, “Мактуб ёки кутимаган зарба” каби ўттизга яқин қисса ва романлари чоп этилган.

Боқий МИРЗО

Қадимий биноларни томоша қилишдан завқланиб тушлик маҳали бўлганини сезмай қолибман. Бу меҳмонхона ертўласидаги кафе жуда шинам, хўрандалар энг илғор овқатланиши маданиятини мукаммал ўзлаштиргандай бир-бирларига сира ҳалал беришмас, энг яхшиси, ташқаридаги иссиқ олдида бу ер кузнинг салқин ҳавосини эслатарди.

Қорним унчалик очмагани навбат қийинчилигини енгишимга ёрдам берди. Ярим соатга қолмай ўзим ёқтирган таомлар солинган патнис кўтариб, ўртадаги устунга теккизib қўйилган стол олдига етдим ва бўш жойни кўриб, ёш боладай севиндим. Кафеда овқат олиш навбат билан бўлганидек, жой топиш ҳам сабр-қаноат талаб қиласарди.

Мен ўшанда ўттизга кирмаган йигит эдим. Столдаги одам эса эллиқдан ўтганга ўхшаса ҳам ўзини ёш тутишга уринар, аммо танасининг ранги, кўзларида қотиб қолган аллақандай дард асорати унинг аниқ ёшини сездириб турарди. Унга салом бериб:

— Столингизга жойлашсам майлими? — дедим ва у бош кимирилатиб розилик билдиригандай дард асорати унинг аниқ ёшини сездириб турарди. Унга салом бериб:

Таажжубим ортди.

Жойлашиб бўлгандан кейин эса мен билан овқатланиши унга малол келаётганини, ёнимиздагиларниң менга тез-тез қараб, орамиздаги нохушликни англаётгандаридан жаҳлим чиқа бошлади.

— Ўрга Осиёданмисан? — деди у бармогини никаб, — ўзбекмисан?

— Ҳа, ўзбек, Ўзбекистонданман!

Унинг сўроғида ижирганиш қанча кучли бўлса, менинг жавобимда мағуурланиши ва дадиллик, қаршилик оҳангидаги сезилиб турарди. Бу ҳолат бирга овқатланиши монелик қиласарди, сабабини билолмай жаҳлим чикарди. Лекин ўзимни босиб, ичимдагини билдиримаслик учун имкони борича унинг кўзига қарамасдим.

— Қайси вилоятдансан?

Саволда заррача самимият йўқлигидан ташқари, аллақандай хавотир ва яна бироз ижирганиши бор. Мен нафақат вилоят, балки туман ва қишлоғимни ҳам гуур билан айтиб, бу гал кўзига тик қарадим: унинг хавотири қўркувга айланди! У, биз томонларда жиноят қилиб Москвада яшириниб юрган одамга, мен эса ўша жиноятини сезган ва ортидан кувиб келган изқуварга ўхшардим. Негадир бу фикрга лаҳза сайин ишониб борардим. У бироз ерга қараб ўтириди, сўнг кутилмагандаги овқатини кўтариб нариги столдаги бўш жойга ўтиб кетди ва ёнимдагилар мен ҳақимда ёмон фикрларга бораётганини сездим. Ўзимни бирор ҳазар қиласиган одамдай ҳис қилиб, кўлларим муштланди, энди жаҳлимни яширишнинг имкони ва ҳожати йўқ эди, ҳатто унга қарши бормасам, атрофдагиларга масхара бўлиб, шармандаликни бўйнига олган кимсага ўхшаб қолардим.

Кутилмаган қароримдан дадилланиб, емакларим билан, унинг столига кўчдим. Боя қарама-қарши ўтирган бўлсак, ҳозир шундоққина ёнма-ён ўтирардик. У қўркув аралаш нега ўтдингиз дегандай мен томон норизо қаради, аммо тугилган муштим ва ғазабимни кўриб ҳайиқди.

— Нега мени иснодга кўйдингиз?

Эътиroz билдириса, бир мушт уриб, нариги столнинг тагига киритиб юборишими сезди ва ранги оқариб кетди.

— Қаерим сенга ёқмади? Мен шундай қилсан, ўзингни қандай ҳис қиласдинг?

У урмоқчи бўлсан муштим етмайдиган жойгача тисарилди.

— У ерларда... ҳалиям... одам яшайдими?!

Унинг назарида, биз томонга ўлат келгану Яратганинг марҳамати билан Москвага қочиб келиб, мен тирик қолгандайман. Ўлатнинг қолган-кутгани мен орқали юқиб қолишидан кўркиб ўзини олиб қочаётгандаги ўхшарди.

Яна жаҳлим чиқа бошлади. Аммо ўзимни тийиб, кўл қовуштирганимни кўрган бу рус кишиси қўркувдан халос бўла бошлади.

— Нега одам яшамаслиги керак?

У саволга жавоб бериш шартмасдай, ўзини бемалол тутар, нигохини ердан олиб, кўрка-писа менга қаарди. Москвага келганимдан бери ўзбекни кўрганда чўчийдиган ва тортинаидиган русни биринчи учратишим эди, унга газаб аралаш дадил тикилардим.

– Тўғрисини айтсам, – деди нихоят у овози бироз титраганча, – биз... биз у ерларда ғўзага заҳарли дори сепардик! Жуда заҳарли дори...

– Бизнинг туманга-я?

– Ҳа бизга карта беришар, байроқ кўтарилиган далаларга заҳарли дори сепардик. Баъзан далада ишлаётгандар устидан ҳам сепиб ўтганмиз!

У анча дадилланди. Ва даст ўрнидан туриб битта ароқ, тарелқада газак олиб келди.

– Ўша жойлардан омон келганинг учун, кел, битта ичайлик! – сўнг танишиш учун ўнг кўлини узатди: – Николай. Коля!

Узатилган кўлини маҳкам қисдим. Негадир у чўчиб кетди. Чунки у кутганидан кўра маҳкамроқ қисгандим.

– Дилмурод! – дедим унинг кўзига қараб, – кейин нима бўлган?

У стаканнинг бирини менга узатди.

– Танишганимиз учун!

У биринчи бўлиб симириди. Шўр бодрингдан билан газак қилиб, кўлларини стол четига қовуштириб, таъқибдан кутулган одамдай менга қаради.

– У даврлар шунаقا, тирик одамлар устидан заҳар сепишга мажбур қилишарди!

Мен стаканни бўшатиб, икки карра дадиллангач, Колянинг кўрқиши сабабларини англашни бошладим. Миямда ғужғон ўйнаётган фикрлардан қай бирини айтиш ва унга кучли зарба бериш ҳақида бош қотираётгандим.

– Гапиравер, ичингга ютма!

Овозимдаги нафрат ва ғазабдан кўрқиб кетди. Санчқини пичоқдай ушлаб у томон сурилганимда эса, ранги оқарди.

– Кечирасан, мен... билмабман.

– Энди охиригача гапир, нега бундай қилдинг, гапирмасанг...

Таҳдидан тилга кирди.

– “Октябрь” колхозида “кукурузник” самолётлар аэродроми бор. Биласанми?

– Биласан! Ёшлигимизда самолёт кўргани борардик. Ҳатто учувчилар бизни расмга олишарди...

– Ўша ерларда ҳалиям одам яшаётганига ҳайратда қоламан. Аэродромга заправкага борганимизда дорининг хидини ютмаслик учун самолёт дәразасини очмасдик. Маҳаллалар устидан бошлаб пахта далаларига заҳарли дори сепардик, ҳатто далада ишлаётган хотин-қизлар устидан ҳам бемалол сепиб ўтаверганмиз. Бу ишда саккиз йил юрдим. Ойига бир ярим минг рубль (икки минг доллар) маош беришарди. Мавсум тугагандан кейин бизни давлат ҳисобидан даволанишга ва Сочига дам олиш жўнатишарди. Икки ойдан кейин яна Москвада тиббий кўрикдан ўтардик, дорининг таъсири йўқолган бўлса, мавсумгача дам оламиз. Кейинги йили июнь бошида яна Ўзбекистонга отланардик. Кирқ ёшгача ишлаб, пенсияга чиқдик. Шунча заҳарни ютиб...

– Эй, ошна, ўзбек унча-мунчага ўлаверадиган халқ эмас!

Ғазабимни сездирмасликка интилсан-да, столга муштимни қўйганимда идишлар шарақлаб кетди.

У яна буфетдан икки стакан ароқ олиб келиб, биттасини менга узатди, рад этдим. Иштаҳам бўғилиб, зарда билан овқатни сурдим.

– Сен халқ душманисан! – дедим кўзимдан ўт чақнаб.

Ташқарига чиқдим-да, миямни совутиш учун беш минутча турдим, сўнг меҳмонхонага жўновдим, у ортимдан етиб келди. Мен рад этган ароқни ҳам ичиб, газак килмаган шекилли оғзидан гупиллаб ароқ ҳиди анқирди...

– Оғайни, – деди кўл узатиб, – мендан ҳафа бўлма! – деди тирсагимдан ушлаб, – бу ишларни ўз ихтиёрим билан килмаганман, буюришган бажаргандман!

Боқий МИРЗО

Бор нафратим билан унга қарадим. Ажабо, күзларида мен кутган маъно кўринмади. Ҳатто дарди янгилангандай таассурот қолдиради.

– Тўғрисини айтсам, ўшанда халқинга ачинганман, ҳатто тирик одамлар устидан заҳар сепиш оғир жиноятлигини ҳам тушунганман, аммо менинг ачинишим ҳеч нарсани ҳал қиласди. Фақат вижданом қийналганидан бир қанча муддат азоб чекдим...

– Лекин барибир устимииздан заҳар сепавердинг, тўғрими?

– Тўғри, буни Москвада гапириб бўлмасди, мени ишдан бўшатишар, ҳатто бўйнимга айб илишлари мумкин эди.

– Кўркқансан, шунақами?

– Шунақа.

– Аммо минглаб одамлар оғир касалликка гирифтор бўлаётганидан сира қўркмай, қотиллик килавергансан ё нотўғрими?

– Ўша виждан азобини унугтиш учун ҳар куни тўйиб ичардим, бора-бора пиёниста бўлиб қолдим. Бир неча марта даволашди, аммо ҳамон қутуломмайман...

Унинг вижданои борлигига, даврнинг қаттол сиёсати туфайли азоб чекканига ишонгим келди, кўл бериб хайрлашаётсам:

– Ўйим яқин, хоҳласант, сенга бир-иккита расм кўрсатардим, – деди.

– Қандай расм?

– Ўзбекистонда ўша вақтда олинган...

Тўғриси, кизиқиб қолдим, сўзларида ёмон ният кўрмадим. Кўксимдаги номаълум бир куч мени унукига ундарди...

Тўққизинчи қаватда кекса онаси билан яшаркан. Ўғли аввал мактабни, сўнг хунартехника билим юртини битириб, БАМда ишлаб, ўша ёқларда уйланиб, қолиб кетибди. Хотини ўтган йили вафот этибди.

Кампир аввал чой, сўнг газакбоп егуликлар ва рус одатига кўра бир шиша ароқ олиб келди. Бир рюмкадан ичгандан кейин енгил тортгандай бўлдим. Николай каттагина альбомни олдимга кўйди. Расмларни томоша қиларканман, таниш манзараларга кўзим тушар, қишлоғимни кўргандай таъсирланиб кетардим. Биттасини кўрдиму, ҳайратдан ёқамни ушлаб, узоқ термилиб қолдим. Бошқа расмлар томошасига ўтай дейману ундан кўзимни узолмайман. Жуда таниш, юракка яқин. Николай таажжубда.

– Манави болалар қаерда суратга олинган, биласанми? – дедим ниҳоят.

– Буми? – ўйланиб қолди Николай, сўнг бирдан менга қаради, – “Октябрь” колхози аэроромида!

– Ростданми?! – юрагим жўшиб, ҳаяжонга чулғандим.

– Ҳа, аниқ эслайман!

– Малодец, Коля! Тур ўрнингдан!

У буйруқка бўйсунди.

Кампир ҳайрон.

Мен Коляни бағримга босдим. Бояги нафрат ва ғазабим бир лаҳзада йўқолиб кетгандай бўлди.

– Биласанми, бу ким? – дедим уни бағримдан бўшатиб.

У расмдаги эски дўппи, футболка ва чоловор, оёғига басаножка кийиб, дори сепадиган самолётга ҳайрат билан термулиб турган болага, сўнг менга қаради.

– Бурнинг билан лабинг ўхшаркан! – деди ниҳоят.

У расмга яна бир марта қаради-да:

– Э, бу сен-ку, оғайнин! – деди шошилганча мени бағрига босаркан.

Анча сухбатлашдик. Коля аслида кўнгли очик, самимий одам экан, дарров кадрдонлашиб қолдик. Кампир овқат пиширди, мазза қилиб тановул килдик. Москвага келсам, албатта яна келажагимни айтиб, хайрлашаётсам, кампир олдимга келди.

– Буни ол, биздан эсадалик! – деди қоғозга ўралган бир нарса узатиб.

Мехмонхонага бориб, уни очдим.

Бу аэроромда болалар билан тушган расмим эди. Сурат орқасида эса она боланинг исми шарифи, уй манзили, телефон рақами ёзилганди...

Қоғозларга түқдим ээгу сүзимни



Абдулла АЙИЗОВ

Йўл

Ким билади дейсиз, бу йўлнинг умри,
Балки, минглаб одам умридан узун.
Кимлардир югурган шу йўлда шошиб,
Суюнчи олгани мен туғилган кун.

Эсдан чиқмас сира, қувончга тўлиб,
Болалик-ёшлиқда бу йўлни кездим.
Гоҳ маҳзун, гоҳида шодумон бўлиб,
Ўз йўлим борлигин қалб ила сездим.

Бу йўл, балки, бир кун қайғуга ботар,
Унсиз йиглар бунда кундуз ила тун.
Қишлоқдошлар олиб тобутим ўтар,
Сўнгги манзил томон, энг охирги кун.

Биламан, бу йўлнинг умри беҳудуд,
Ўзи ҳам ғоятда узундан-узун.
Кимни кутиб олар, кимни кузатар,
Одамларга ҳамроҳ, хоҳ кундуз, хоҳ тун.

Ким билади дейсиз, бу йўлнинг умри,
Балки, минглаб одам умридан узун.
Кимлардир югурган шу йўлда,
Суюнчи олгани мен туғилган кун.

Абдулла АЙИЗОВ – 1962 йилда туғилган. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини (ҳозирги ЎзДЖТУ) тамомлаган. “Отам ёди” шеърий тўплами, “Бир гап бўлар” ҳажсий ҳикоялар тўплами, “Полвон йиелаган тун” китоби чоп этилган.

Ният мустажоб бўлгай

Юрагимда армон йиғламасин деб,
Қадим Шош шаҳрига урдим ўзимни.
Адабиёт қалбим, садоқатим деб,
Қоғозларга тўқдим, эзгу сўзимни.

Оҳ, қалбим бир ширин орзуни туйди,
Не баҳтки, беминнат нур сочар офтоб.
Элнинг назаридан қолмасак бўлди,
Дерлар: — Яхши ният бўлар мустажоб.



**Холикназар
ХОЛНИЁЗОВ**

Унга дафтар этдим қалбимни қат-қат

Кечир, муҳаббат

Нечун термиласан кўзларинг сузиб,
Шайдолик ишига қилиб итоат.
Сен ҳали фунчасан, бўлмайди узиб,
Гул бўлмагунингча шошма, муҳаббат!

Мени катта қилди шу она-Ватан,
Одам бўлиб унга қилайин хизмат.
Шайдо кўзларингга қурбон бўлсин тан,
Бироқ сен шошмагин, азиз муҳаббат.

Холикназар ХОЛНИЁЗОВ – 1939 йилда туғилган. Тошкент давлат политехника институтининг архитектура факультетини тамомлаган. Унинг “Висол қўшиги”, “Кўнгил фасллари”, “Истиқлол илҳомлари”, “Қуёши башорати”, “Наврӯзнома”, “Кўнгил фасллари”, “Озод Ватан қўшиклари”, “Келаколгин соғлом зурриёт”, “Она-Ер ниодоси”, “Орзу ва муҳаббат”, “Диёритни куйлайман”, “Истиқлол илҳомлари” номли шеърий китоблари нашр этилган.

Күнгил дунё бўлса сен унда қуёш!
Демак, сен юракда буюк бир қудрат!
Кўнгилла борлигинг жондир бекиёс,
Лекин bemavridsan ҳали, муҳаббат.

Ҳали менинг кутган йўлларим йироқ...
Одам бўлиш учун қиласин ғайрат.
Яшашда ҳаводай зарурсан, бироқ,
Ҳали вақти эмас, кечир, муҳаббат!

Сиз онам тенгисиз – ё катта опам,
Дил изҳорингиздан бўлдим хижолат.
Тенгим топиларда сағир бўлсан ҳам,
Наҳот, номуносиб бўлса муҳаббат?!.

Хукмингга эгай бош

Тошли бўлар экан орзу йўллари,
Уфқлари экан бунча бесарҳад!..
Қаёқларда қолдинг, нажот қўлларинг
Узатсанг шу пайт, қодир муҳаббат!..

Орзумга эришиб меъмор бўлдиму,
Эзгу иш қилишга берилдим фақат.
Тунлар сени қўмсаб бедор бўлдиму,
Аммо етолмадим сенга, муҳаббат!..

Бунёдкорлик ишқи ёниб юрақда,
Саҳролар бағрида қурдик иморат.
“Она юртни обод қилиш керак-да” –
Дедиму, унутдим сени, муҳаббат!..

Олдингда кўп гуноҳим бор, муҳаббат!
Энди ҳукмингга эгай бош, муҳаббат!..

Келгин, муҳаббат

Билмаган бўлсанг билдирайин, бил –
Хомлигига довча тиш урап фақат.
Пишиб турганимда ўриқдай ҳил-ҳил,
Баҳра олай десанг келгин, муҳаббат!

Шохгинамдан, эсиз кетмай узилиб,
Шунчалик бўлар-да сабру қаноат!..
Йўлингда кўзларим турар сузилиб,
Раҳму шафқат айлаб келгин, муҳаббат!

Йигитлик қуввати ҳали белимда,
Танамда жўш урур гайрат-шижоат.
Ёт бўлиб қолмайин она элимда,
Юз-хотир айлабон келгин, муҳаббат!

Йўлимда кўзларинг бўлди нигорон,
Одам бўлай дедим сени деб фақат.
Энди кел, топишиб сурайлик даврон,
Биз ҳам кун кўрайлик энди, муҳаббат!

Инсон зоти бир бор келар дунёга,
Сен эса яшашнинг боиси фақат.
Барча ишқдан ўзинг экансан зиёда,
Дунёда бор бўлсанг, келгин, муҳаббат!



Нигоҳимиз тўйсин дийдорга

Дилноза АЗИЗОВА

Шодлик оламни элтар

Титраётган нима, заъфарон япроқ,
Балки, бу япроқмас, менинг дардимдир.
Мен сени севганман, балки, энг кўпроқ,
Минг йиллик чинорлар менинг қадримдир.

Дилноза АЗИЗОВА – 1986 йилда туғилган. Шоиранинг “Чорлаётган баҳт”, “Ширин чой”, “Китобсевар мусича” шеърий тўпламлари чоп этилган.

Ёгаётган нима, майин ёмғирми,
Нега пана олиб, чиқмайды қүёш.
Сен учун йиғладим, юрак оғриқни –
Орттирдим соғиниб, түкканда күзёш.

Кулаётган нима: жилғами, булоқ,
Шодлиги оламни этар тараннум.
Мен сени уйласам, дилимда қийноқ,
Севгимдан бўламан, кувониб мамнун.

Келаётган куйми, булбул овози,
Балки, бу қўнглимдан чиққан нолалар.
Чертилса ишқ аро юракнинг сози,
Кўксимдан қон бўлиб унар лолалар.

Мен билан қол

Мен билан қол,
Ой нури сим-сим,
Ёстиғимга нурини сочсин.
Юлдузларни битталаб узиб,
Оқшом мудраб кўзини очсин.

Мен билан қол,
Шаббода сапчиб,
Дарпардадан сирғалиб ўтсин.
Кўзлар бедор ёниб турганда,
Уйқу яна уйғониб кутсин.

Мен билан қол,
Сўз айтма ортиқ,
Нигоҳимиз тўйсин дийдорга.
Чўкиб кетсин кўзда қорачик,
Ишқ деган бир катта уммонга.



У қиз энди бегона

Эркин ЙҮЛДОШ

* * *

Салқинлашиб бормоқда тунлар,
Дийдор они тугаб боряпти.
Булутларга беркиниб кунлар,
Йүлларимга хазон қоряпти.

Куйлашади маҳзун наволар,
Қарсак чалар дараҳтлар шохи.
Этни жунжуктириб ҳаволар,
Йиглатади майсалар охи.

Юракларда завқлар тошарди,
Сұхбатлашиб түймаймиз нечун?!
Айтинг, кунлар қайга шошарди,
Соғинчларга тополмай ечим.

Хувуллаган боғлар қолади,
Хотиралар қийнайди жонни.
Адоқсиз дард, андух солади,
Оғриқ сира қўймайди жонни.

Қўл силтаймиз, хайр, яхши қол,
Тилимизга қўнади титроқ.
Нигоҳингга кўмиб ўзимни,
Кетгим келмас, сендан кўп йироқ.

Эркин ЙҮЛДОШ — 1972 йилда туғилган. Фарғона давлат университетининг Шарқ филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Учмоқни истайман”, “Ўланлар ярасин тўйларингизга” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Мен тўпори, мен содда,
Кўнглимни очолмадим.
У қиз энди бегона,
Севгимдан кечолмадим.

Хотира турнақатор,
Кўнглимни эзib ўтар.
Чанг кўчалар қадрдон,
Кўзёшим сизиб кетар.

Муҳаббат оташ эрур,
Куймагунча қўймайди.
Бу дунё фурбатхона,
Ишқ тантана қилмайди.

Дунёларда мен ёлғиз,
Сенсиз ахир нетаман.
Айрилиқ мунча оғир,
Айтгин, қайга кетаман?

Юзда ёш, нигоҳларинг,
Мангу қолган ёдимда.
Севгимиздан эсдалик,
Синик кўнглим ёнимда.

Безаниб қошимга чиқади очун



Зафар ХУДОЁРОВ

* * *

Шу ғаріб келбатим, суратим билан
Дунёда бир гулни излаб ўтдим мен.
Ҳадикли, ҳадиксиз журъатим билан
Дунёда бир гулни излаб ўтдим мен.

Зафар ХУДОЁРОВ – 1966 йилда туғилган. Тошкент Политехника институтини битирган. Унинг “Атиргул атри”, “Сўз тилсими” номли шеъри тўплами нашир этилган.

Саҳарлар қимтиниб юз очган ғунча,
Унга таъриф йўқдир, ўзи тушунча.
Булбуллар хонишин бошлагуница,
Дунёда бир гулни излаб ўтдим мен.

Боғларда ифорлар кимлардан хабар,
Бу нафис гўзаллик бунча мўрт магар.
Жаранглаб тўкилган баргдан сийму зар,
Дунёда бир гулни излаб ўтдим мен.

Нургами, дургами чаярда сочин,
Безаниб қошимга чиқади очун.
Шаффофф гўзалликни бир кўрмоқ учун,
Дунёда бир гулни излаб ўтдим мен.

* * *

Ўйинларни ўйнаб бўлдик биз,
Давраларни тарк этиб кетдик.
Хилватларда рух билан ёлғиз
Юзлашмоқнинг пайтига етдик.

Ташқарида талотўп дунё,
От ўйнатиб, қиласар кўпкари.
Маррасига интилдик, аммо,
Ўтрик чиқди ваъдаси бари.

Ортга назар солдик бирма-бир,
Сув кўрмасдан ким этик ечди.
Беҳудага сарфланган умр,
От ўйинин ичида кечди.

Бир зум тўхтаб, бир зум олиб тин,
Қуёшга тик бокдим маҳтал жим.
Ҳақни англаб етмоғим учун
Йилларимни совуриб келдим.

Ва англадим сукунат аро,
Хаёт бошқа, дунё бошқадир.
Күнгил хушнуд, фақат дил яро,
Рух юксалиб кетибди ахир.

Бақо билан фано ёнма-ён,
Нима тушди қисмат чекига.
Рұхиятга юз бурғаним он,
Бўлинди бу дунё иккига.

Энди ўйин ўйнамаймиз биз,
Бўйи кемтиқ, кемтиқ бир ёни.
Бўлинган шу икки дунёни,
Хилватларда рух билан ёлғиз.

Фурқатингда исёнимдур ишқ



Саида САФО

* * *

Қатагон қурбонларига

Турналар, кўкка бўй чўзган турналар?
Яна кимнинг мендай қалби тирналар.
Сиз каби юксакка талпинган чоғда
Маконлари бўлди тўрсим турмалар.
Балки бу қисматни сезиб кетдилар,
Тарихга номларин ёзиб кетдилар.

Саида САФО – 1988 йилда туғилган. Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган.

Хаёлида не ўй, не тилак эди,
Бир зотки олов қалб, шер юрак эди,
Маърифат дарғаси, зўр тиргак эди,
Англасак ҳаммадан энг керак эди.
Дилга ҳақ расмини чизиб кетдилар,
Тарихга номларин ёзиб кетдилар.

Қатли ом сабабин кимлардан сўрай,
Сизга “лойик” ҳукмни не кўз-ла кўрай,
Бошларимни қайси деворга урай,
Ётган тупроғингиз кўзимга сурай.
Билсам, ёғийга гўр қазиб кетдилар,
Тарихга номларин ёзиб кетдилар.

Туюқ

Маълумдир бир ҳикмат кекса-ю ёшга,
Ақл бошда дерлар қарамас ёшга.
Хато қилинган сўнг пушаймонликка
Ва энди на ҳожат кўздаги ёшга.


Ишқ

Ўқ тортилган камонимдур ишқ,
Олис манзил, карвонимдур ишқ,
Кўнглинг уйи томон элтгувчи –
Йўл кўрсатар, сарбонимдур ишқ.

Борки чорам, имконимдур ишқ,
Эътиқоду иймонимдур ишқ,
Исминг дилга жойланди абад,
Фурқатингда исёнимдур ишқ.

Чалқанча ва юзтубан

Ҳикоя



Хулио КОРТАСАР

*“Маъбуллар белгилаган фурсат етгач,
улар ганимларини овлашга отланишиарди.
Муқаддас уруши мавсуми бошланган эди”.*

Меҳмонхона йўлаги бўйлаб бораркан, кеч қолаётганидан ташвишланиб, ташқарига шошилди. Кеча оқшом кўшни уйнинг илтифотли эшик оғаси рухсат берган жойдан мотоциклини олиб чиқди. Заргарлик дўконидаги соат миллари ўнтаси кам тўққизни кўрсатар, демак, манзилга етиб олиши учун вақт ҳали бемалол эди. Шаҳар марказини ишғол этган урдуну баланд иморатлар оралаб қўёш чароғон нур сочар ва у бўлгуси сайдир фароғатини тасаввур қилиб, уловига ўтириди. Остидаги темир жонивор ўкириб, шитоб билан жойидан қўзғалди.

Марказий кўчадан юриб, ҳукумат бинолари (оппоқ ва зангор) ва бир қанча ойнаванд дўконларни ортда қолдирди. Ҳадемай йўлнинг энг мароқли бўлаги бошланади: икки четида бир текис саф тортган серсоя дараҳтлару боғчалари паноҳида оромланиб ётган бадавлат ҳовлилари бисёр узун ва равон кўча. Қоидага кўра, у йўлнинг ўнг тарафи бўйлаб борар, аммо тобора ҳукмига кираётган кундузнинг енгил ва чароғон эҳтиросларига андак андармон бўлгани ҳам рост эди. Бир лаҳзалик паришонлик уни фалокатга етаклади. Муюлишда турган бир аёл, қизил чироқка қарамасдан, дафъатан йўлни кесиб ўта бошлади. Жонҳолатда қўл тормозини босди, қўшимчасига оёқларини ҳам ишга солиб, мотоциклни кескин чапга бурди – резина фидирақларнинг аянчли овози, аёл кишининг қичқириғи-ю кучли зарба ва тамом – хушидан кетди.

Тўрт-беш ҷоғли одам куймаланиб, уни мотоцикл остидан чиқариб олаётган пайт ўзига келди. Лабларида шўр қон таъми, тиззалари зирқираб оғририди, ўринидан авайлаб кўтармокчи бўлишганди, ўнг қўлида пайдо бўлган оғриқ зўридан додлаб юборди. Далда бериш ниятида қилинаётган зарофатлар қулоғига чалинар, аммо бу овозлар кимга тааллуқли эканини англай олмасди. Муюлишга қайрилаётсиб,

Хулио КОРТАСАР – (1914–1984) Аргентина ёзувчиси. “Имтиҳон”, “Ютуқ”, “Таъқибчи”, “Мануэлнинг китоби”, “Бошқа бир осмон”, “Жанубий шоссе”, “Автобус”, “Иблис сўлаги”, “Истило қилинган уй” каби насрый асарлари чоп этилган.

қоидани асло бузмаганлигини айтишгач, қувониб кетди. Бўғзига тиқилиб келаётган нарсани аранг тўхтатиб, аёл ҳақида сўради. Қандай кўтаришган бўлса, чалқанча шу ҳолича яқин орадаги дорихонага элтишар экан, фалокат сабабчиси бус-бутун эканини билди. “Салгина шилиб ўтибсиз, лекин мотоциклингиз ағдарилиб ётибди...” Гувоҳларнинг ўзаро талашиб-тортишишлари, йўқ, ундан эмас, бундай бўлди, ўз кўзим билан кўрдим ахир, эҳтиёт бўлинг, эшикка боши урилмасин, энди аста ётқизамиз, оқ либосли бирор ичимлик тутқазди, мўъжаз дорихонанинг нимкоронгисида ўзини энди тетикроқ сеза бошлади.

Беш дақика ўтар-ўтмас “Тез ёрдам” етиб келди, уни яна авайлаб машинага олиб чиқишиди. Кучли шок ҳолатида эканини билиб турса-да, ёнида ҳамроҳлик қилаётган миршабга уй манзилини дона-дона қилиб тушунтириди. Кўллари бошқа оғримас, фақат ёрилган қовоғидан муттасил қон сизиб, юзларига оқиб тушарди. Умуман олганда, ўзини бир нави хис қиласар, “Кўп куюнманг, фалокат оёқ остида деб шуни айтадилар, бир-икки ҳафтада оёққа туриб кетасиз, баҳонада турмуш ташвишларидан ҳам дам оласиз, ростини айтсан, оғайни, сизга бироз ҳавасим келяпти!” Отамлашишга иштиёқмандлиги кўриниб турган сўзамол бу миршаб мотоциклга жин ҳам урмаганини айтгач, “бўлмасачи, – деди, – уни ўз танам билан тўсиб қолдим, ахир!” Гуррос кулги кўтарилиди. Касалхонага етиб келишгач, тезроқ согайиб кетишини тилаб, миршаб у билан хайрлашиди.

Кўнгли яна айний бошлади, шохида аллақандай күшлар қатор тизилган дараҳтлар оралаб, касалхона биноси томон олиб боришаркан, кўзларини юмди ва атрофда кечәётган ушбу кундузнинг барча манзараларини, вужудида дам-бадам кўзгалаётган тушункисиз оғриқларни бира тўла унтиш учун дарҳол уйкуга чўмишни истади. Аксига олиб, хос хастахона ҳиди анқиётган бир бўлмада уни узоқ ушлаб туриши – аввал ҳафсала билан турли қофозларни тўлдиришиди, сўнг кийимларини ечиб олиб, дагал матоли кулранг либос кийдиришиди. Барака топишсин, авайлашганидан лат еган бирор жойи оғримади. Қақажон ҳамширалар ҳам унга тинмай ҳазил қилишар, ошқозонида бошланаётган ғалаённи айтмаса, у ўзини энди бинойидек, кариб бахтиёр сеза бошлаганди.

Сал ўтмай рентген хонасига олиб боришиди, кейинрок эса ўзини операция хонасида кўрди. Бошдан-оёқ оқ либос кийган, қотма ва норғул бир одам рентген тасвирини кўздан кечира бошлади. Кимнингдир нафис кўллари бошини оҳиста тўғрилаб кўйди, сўнг яна бошқа ғилдиракли каравотга ётқизишиди. Кўлларида ялтироқ нимадир тутган бояги норғул одам яна пайдо бўлди. Елкасига дўстона шапатилиб, ортида турган бирор сирли ишора қилди.

Ҳидлар билан тўйинган ғалати бир туш эди бу. Даствор кўланса балчиқ ҳиди димокқа урилди. Бу ҳид йўлнинг шундокқина сўл тарафида ястаниб ётган, ҳали ҳеч бир кимса чангалидан кутулиб кета олмаган ботқоқлиқдан таралаётганди. Бирдан балчиқ кўланаси йўқолиб, энди ацтеклар таъқибидан ўзи қочиб бораётган мана шу тун каби коронги ва қуюқ нимадир анқий бошлади. Ҳаммаси оддий ва тушунарли эди, у овга чиққан ацтеклардан муттасил қочиб жон сақлаши лозим, бунинг биргина чораси эса ибтидоий ўрмон бағрида яшириниш эди. Факат уларгагина, – мотек қабиласига маълум тор сўқмоқдан адашмаса бўлгани. Инсон ови эса давом қиласарди.

Ҳаммасидан ҳам бир бўлакча ҳид унинг тинкасини қуритар, баайни тушнинг мутлақ моҳиятида бўлган нарса ҳозирга қадар ўйинда иштирок қилмаган ноодатий унсурга қарши исён қилаётган каби эди. “Уруш ҳиди анқимоқда”, деб ўйлади у белбоғига қистирилган тош ханжарига беихтиёр қўл узатаркан. Дафъатан

Эшитилган овоз уни энгашишга мажбур қилди, титраганча турган жойида тош қотди. Бу күркүвда ҳайратланарли нарса йўқ, зотан унинг тушлари ҳамиша хатарларга тўлиқ эди. Сершох буталар ва беюлдуз тун қўйнида яширган кўйича қимир этмас, айни дамда кўлнинг нариги тарафида кўринаётган қизғиши ёлқин сабабини англашга ҳаракат қиласади. Уни шу қадар таҳликага солган товуш қайтиб тақрорланмади. Эҳтимол, қайси бир бутанинг қуриган шохи узилиб тушгандир ва балки бирор жондор худди ўзи каби уруш хидидан омонлик излаб, чопиб ўтгандир. У атрофга олазарак боқиб, оҳиста қаддини ростлади. Атроф сув қўйгандек жимжит, аммо ўша қўркув ва ўша ҳид – муқаддас урушнинг чучмал таровати уни ҳамон таъкибга олганди. Муттасил олдинга интилмоқ, ботқокни айланиб ўтиб, сельванинг олис қаърига сингиб кетмоқ лозим. Ана ўшанда омонлик, ана ўшанда – нажот. Сўқмоқ изларини топиш илинжида атрофни пайпаслаганча, илгари қадам қўйди. Имиллашга сабри чидамай жадал юргиси келар, аммо ёнгинасида қўлансан хидлар уфураётган ботқокқа бехуда ғарқ бўлиш эҳтимолидан қўрқарди. Шу зайл зимистон ичра йўл излар экан, ўзи неча замонлардан бўён қочиб бораётган ўша қўрқинч хидлар дафъатан яна бостириб келди ва ихтиёrsиз тарзда, жон аччиғида олдинга талпинди.

– Қулаб тушасиз, – деди қўшни каравотда ётган бемор. – Бунаقا сапчиманг, оғайни.

Кўзларини очди – ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари палата ойналарида аксланиб, кун ҳам адогига етаётган эди. Ҳамсоя беморга хижолатомуз жилмаяркан, ҳозиргина кўрган тушининг сўнгги қолдиқларидан қутулишга уринарди. Гипс исканжасидаги қўли ҳар турли тошлар ёрдамида муаллақ осиб қўйилганини кўрди. Узоқ масофага ҳаллослаб чопган каби ташналиқдан азоб чекар, аммо айни ҳолатида унга сув ичиш мумкинмаслигидан, фақат томоғини ҳўллашига рухсат беришди. Ич-ичидан келаётган ҳарорат бутун вужудини забтига ола бошлаган ва иситманинг ёқимли тафтидан у яна уйқу бағрига қайтиши мумкин эди, аммо негадир атрофдагиларни кузатиб бедор бўлиш, дарддош қўшнилар сухбатига қулоқ тутиб, уларнинг айрим саволларига жавоб бериш мароқларини афзал билди. Бир маҳал ёнига аравача судраб келишди. Малласоч ҳамшира унинг оёқларини спирт билан артиб, найча орқали сарғиши суюқлик тўла идишга уланган қалин игна санҷди. Ҳамшира ортидан навжуонгина йигит кириб келдида, чарм ва темирли ускунаси билан қўлларини танғиб, бир нарсаларни ўлчай бошлади. Оқшом чўка бошлаган сайин иситмаси ҳам кўтарилиб борар, иситмаси ошган сари эса атрофидаги барчаси – мана бу палата ва ўз дарди билан билан ёлғиз қолган, аммо бу ёлғизликларидан чалғиши илинжида бир-бирига маънисиз луқмалар ташлаётган беморлар унинг ғашига тега бошлаганди. Баайни бачканга бир фильм томошасига кириб қолгансану, ташқаридаги ҳаёт эса бундан ҳам сийқа эканини билганингдан охирига қадар кинотеатрда қолишга мажбур эканинг каби.

Иштаҳани қитиқлагудек бўлиб, саримсоқ ва қашничлар хиди анқиётган бир коса шўрва келтиришди. Бошқача мазали туюлган бир бурда нон эса ҳар қандай тўкин дастурхон неъматларидан totlirok эди. Қўли бошқа оғримас, фақат тикилган қовоғидан гоҳо қон томчилаб қоларди. Рўпарадаги ойнада аксланган кўқимтири осмон қорая бошларкан, уйқу элита бошлаганини сезди. Чалқанча ётиш ноқулай эди. Иситмадан қуруқшаган лабларини ялаб, ҳозиргина ўзи пакқос туширган шўрва таъмини туйркан, уйқу қўйнига чўмаётib баҳтиёргина хўрсиниб қўйди.

Таҳлика ва саросима туфайли чалкашиб, заифлашган сезгилари энди аслига қайта бошлади. Юзларига пайдар-пай урилаётган дарахт шохлари бир лаҳзага

Хулио КОРТАСАР

нигоҳида муҳрланаётган бўлса-да, аслида зим-зиё зимиston ичра тусмоллаб чопиб бораётганини билиб турарди. “Сўқмоқдан тамом адашдим”, деб ўлади. Атроф жимжит бўлса-да, қопқонга тушган жондор каби сезди ўзини. Нафасини ростлаб, атрофга олазарак боқди. Омонлик сари элтажак йўл шундок ёнгинасиададир, аммо қанча тиришмасин бу зимиstonда сўқмоқни топа олиши энди даргумон. Шу дамга қадар ихтиёrsиз тарзда ханжар сопини тутган кўллари бўйнидаги нажоткор туморга талпинди. Лаблари титраб, саодатли окшомлар ҳадя этажак дуоларни пичирлади, эзгу ва ёвуз амалларга раҳнамо илоҳи олийга илтижолар қилди. Аввалига тўпигига қадар, энди эса яна ҳам чуқурроқ балчиққа ботиб борар экан, бегона ўрмон зимиstonида ноаён қисматини кутиб ўтириш азоб эди. Бу орада эса қўланса балчиқ ҳиди анқиётган ўрмонда инсон ови давом қилас, ой тукқан кечада бошланган муқаддас уруш ҳали якунига етган эмасди. Агар у сўқмоқдан четлашиб, чакалакзорда паноҳ топганида эди, балки жангчилар изига тушишмаган бўлармиди? Ғанимлар қанча асирни кўлга олганлари ҳақида ўлади. Аммо бу урушда миқдор эмас, балки маъбудлар белгилаган муддатга қадар зафар қушиш мухим эди. Коҳинлар ортга қайтиш ҳақида белги бергунларига қадар таъқиб давом этиши тайин. Ҳар нарсанинг тартиби ва ниҳояси бор, аммо у эса урушни ғаним тупроғида кутиб олгани қайгули эди.

Атрофда дафъатан ҳайқириклар янграгач, кўлларида тош ханжарни маҳкам қисганича ўрнидан сакраб турди. Олис уфқларда пайдо бўлган олов ёлқинлари янглиг шу атрофдаги дарахт шохлари аро машъалалар кўринди. Аниқ-тиник анқий бошлаган уруш ҳидига тоқат қилиб бўлмас, дастлабки ғаним унга ташлангани ҳамон қарийб мамнунлик билан унинг кўксига ханжарини ботирди. Уни машъала тутган ғанимлар қуршовга олган, зафар тантанасига эш овозлар янграрди. Ғанимларига таҳдид қилиб икки ёки уч бора жавобан ҳайқиришга улгурди, зум ўтмай эса бўйнига улоқтирилган арқон уни ерга қулатди.

– Ваража қиляпти, – деди қўшни каравотда ётган бемор. – Ўн икки бармоқ ичагимни кесишганда менда ҳам худди шундай бўлганди. Сув ичволинг, яхшироқ ухларсиз.

Ўзи қайтиб келаётган, хатарларга тўйинган тундан кейинги палатанинг нимёруг кучоги тенгсиз баҳт бўлиб туюлди. Баланд шифтдаги чироқнинг бинафша шуъласи, беморларнинг пишиллаб ухлаши-ю бедорларнинг сокин сұхбатлари – яхшилик билан тўйинган хайриҳоҳ бу мухит кишини тинчлантирап, саросима исканжасида қолган кўнгилга ишонч багишларди. У ёқда эса чорасизлик, тун зимиstonи аро... Йўқ, бас, мудҳиши босинкираш ҳақида ортиқ ўйлашни истамади. Бунинг ўрнига кўлидаги гипсни ва бу қўлини қулай мувозанатда тутиб турган тошларни томоша қила бошлади. Муздеккина минерал сув келтиришгач, шишиаси билан кўтариб ичди ва шу он вужудига тириклик қайтган каби яйраб кетди. Юзлари аввалгидек ловулламас, иситмаси ҳам туша бошлаганга ўхшарди. Ёрилган қовоғи энди оғримасди. Мехмонхонадан чиқиб, мотоциклини ўт олдирган дакиқалардан эътиборан ҳаммасини кўз олдига келтира бошлади. Оддий кунларнинг бири эди, ахир! Ҳаммаси шунаقا аянчли тугашини туш кўрибдими? Фалокат содир бўлган лаҳзаларни хотирлашга ҳар қанча уринмасин, ўша сониялар баайни вақт тушунчасидан ташқарида қолган каби бўй-бўш эди. Қаттиқ зарба ва сўнг уни ердан кўтаргандари оралиғида бехушлик ёки бўлмаса бошқа яна нимадир кўзларини пардадек тўсиб турарди. Айни пайтда бу бўшлиқ, ушбу йўқлик асрлар давом эттани каби туйғу уни ҳеч тарқ этмасди. Бу бўшлиқ ҳукмида экан, алланарса ичра ўтиб, адоксиз фазоларни кечиб ўтгандек эди. Тўқнашув ва тош

ётқизилған йўлга зарб билан урилиш. Нима бўлганда ҳам, бир тўда одамлар уни ердан кўтаришаркан, ўша зимистон ўпқонидан қутулиб чиқиш баҳтини туйгани, лат еган кўли ва тиззаларидаги оғриқ, ёрилган қовоғларидан муттасил оқаётган қонларга қарамасдан, кундуз ёргуғлигига қайтиш баҳтини туйгани ҳамон ёдида. Накадар ажаб хиссиётдир бу! Уни уйку яна енгиб, ортга тортқилай бошлади. Ёстик шу қадар майин, муздек сув эса қақраган вужудининг олис нукталарига қадар оби раҳмат бўлиб куйилади. Азоблари бисёр анави босинқирашлар бу гал уни ҳоли кўяр, эҳтимол. Баланд шифтдаги бинафша шуъла эса оҳиста хиралашиб борарди.

У палатада юкорига қараган кўйи чалқанча ётган эди, шу сабаб, ўзига келгач, аксинча тарзда – юзтубан эканини билиб, асло ҳайрон бўлмади. Намчил тошлар уфураётган захил дудлардан энтикиб нафас оларкан, ақли тиниқлаша бошлади. Бирор нарсани кўриш илинжида атрофга олазарак боқиши бефойда – бу ерда батамом коронгилик хукмрон эди. Ўрнидан турмокчи бўлди, аммо билак ва тўпиклари зирқираб кетди, чилвир билан совуқ тошларга чирмаб ташланганини англади. Чидаб бўлмас аёз очик елкалари-ю, оёқларига ниш каби санчиларди. Кўқсидағи туморини жағлари билан пайпаслаб кўрмоқчи бўлди, аммо уни юлиб олганларини билди. Нажот йўқ, энди унинг куни битди – дуолар ҳам энди ҳалокатдан қутқариб қололмас. Зиндоннинг тош деворлари аро сизиб ўтган ногора садолари қулоқларига чалинди. Шак-шубҳа қолмади – уни ибодатхонага олиб келишган ва энди мана бу эҳром ертўласида муқаррар заволини кутмоқда эди.

Деворларда акс-садо берган кичкириқдан, бўғизланаётганники каби хириллок овоздан хушига келди. Диққатини жамлаб қулоқ тутди – овоз чиқаришга ҳоли қолмаган кимдир энди инграй бошлаганди. Бу овоз аслида унинг ўзига тегишли эди, у ҳали тирик экани учун ҳам қичқирап, унинг вужуди ҳадемай содир бўлажак нарсадан, муқаррар етиб келажак яқундан шу йўсинда паноҳ изларди. У дафъатан кўшни ертўлаларда ўз қисматини кутаётган ва ё аллақачон курбонликка олиб кетилаётган қабиладошлари ҳақида хаёл қилди. Бор кучини жамлаб, вужудига ботаётган арқонлардан бўшалишга уриниб кўрди. Кучлироқ ўнг қўлида шу қадар зўриқанидан қаттиқ оғриқ турди ва уринишларини бас қилишга мажбур бўлди. Бир маҳал рўпарадаги эшик очилиб, машъалалардан тараалаётган тутун ҳиди ёруғлиқдан олдинроқ ичкарини забт этди.

Қўлларида машъала, нигоҳларида эса ўлжаларига нисбатан битмас нафрят тутган коҳинлар қурбонга яқинлашиб келди. Уларнинг тердан йилтираган вужудлари ва пат қадалган сочларida олов ёлқинлари жилва қиласарди. Баданига ботган арқонлар бўшашган эса-да, энди уни кудратли қўллар забтига олди. Ҳамон юзтубан ётган ҳолича уни даст кўтариб, тош йўлак бўйлаб элта кетдилар. Олдинда бораётганлар машъаласи зах бу деворлар оралигини базур ёритар, йўлак шифти шу қадар паст эдики, уни елкасида кўтарганлар ҳамиша энгалиб юришга мажбур эди. Ғалати бу издиҳом тобора илгарилаб борар, елкаларда чайқалаётган одам эса шуълалардан ёришаётган шифтнинг бесайқал харсангларини шундокқина кўз олдида кўриб туради. Неча замонларки ҳеч адоги кўринмаётган бу тош йўлак ҳадемай нихоясига етиб, тунги осмон равоқларида юлдузлар, қаршисида эса ғанимларнинг гуррос ҳайқириқлари-ю, зафар рақслари ичра зинадор эҳром пайдо бўлгач, тамом – барчаси битади. Аммо тош йўлак ҳеч тугамас, коҳинлар ўлжани қўрслик билан тутиб-суртиб, қирмизи зулмат аро ҳамон устларида элтар экан, шўрпешона тутқун алам ичра тўлғонишдан бўлак чора тополмас, зотан кўқсида тумори – унинг асил қалби, ҳаётининг чинакам мужассами энди йўқ эди.

Хулио КОРТАСАР

Кутылмаган силтаниш уни касалхонанинг шинам оқшомига, палатани чулғаган шу қадар ардоқли нимкоронгиликка қайтарди. Тушимда қичкирдим чоғи, деб ўйлади, аммо қўшниларнинг бари тинч ухлаб ётарди. Ёнидаги столга қўйилган шиша – деразанинг кўкимтири манзарасида ўзидан нур тарататётган шаффоф томчини эслатарди. Киприкларида ҳамон илиниб турган қўрқинч тушнинг сўнгги тасвиirlаридан халос бўлиш илинжида ҳаприқиб нафас олар, аммо қўзларини юмгани ҳамоно улар, туш манзаралари, яна тириклик касб этар ва у яна неchanчи бор сесканиб, жиққа терларга ботиб кетарди. Айни пайтда, қўрқинч тушлардан уйғониб, энди бедор эканлиги, эшик олдида энага уни қўриқлаётгани ҳамда тонготар маҳали бу тун даҳшатларидан холи чукур ва ширин уйқуга кетишини ўйлаб, ўзини тинчлантиради... Ҳар қанча тиришмасин, уйқу барибир кучлилик қилди. Яна бостириб келаётган ташналигини қондириш илинжида соғ қўлини шишага узатди, аммо узалган бармоқлари қоронғи бўшлиқ ичида бенаф бирлашди. Йўлакнинг ҳамон адоги қўринмас, кирмизи шуълалар боши узра осилган харсангларни дафъатан ёритиб коларди. Ганимлар елкасида чалқанча алфозида чайқалиб бораркан, алам ичра бўғиқ ингради, зотан ниҳоят йўлак тугаб, соб бўлаётган ой нурлари бирдан юзларини ёритиб юборган эди. Шўрпешона тутқун шуълалардан чароғон кўхна ушбу дунёнинг чинлигига ишонгиси келмас, дамбадам қўзларини очиб-юмаркан, ўзини яна қайта халоскор ўша палата қўйнида қўришни истарди. Аммо барчаси бекор – тунги самода айнан ўша ой шуъла таратар, ўзини эса тобора пиллапоялардан юқорига – гулханлар ёниб, хушбўй дудлари тинимсиз кўкка ўрлаётган ҳов анави тепаликка элтишарди. Шу дам лахта-лахта қонлардан йилтираган харсанг тошга кўзи тушди, оёқлари шалвираган жасадни эса шимолий пиллапоядан қуйига улоктириш учун олиб кетишарди. Шунда сўнгги чорага умид бօғлаб, ниҳоят чин дунёда уйғониш илинжида қўзларини чирт юмди. Бу гал энди чиндан ҳам уйғонаётган каби туюлди, боши қуий осилган кўйи бутун танаси чайқалишда давом этаётганини сезиб турса-да, тўшакда қимир этмай ётар, аммо атрофда яна ажал ҳиди анкӣ бошлаган эди; қўзларини очиб, курбонлик келтиришга шай коҳиннинг қонга беланганд жуссасини қўрди. Коҳин қўлида тош ханжар билан ўзи томон яқинлашарди. Сўнгги бор қўзларини юмишга тиришар экан, энди уйғонмаслигини билар, аслида эса у айнан шу ерда бедорлигини, ҳов наригиси бўлса – бошқа барча тушлар каби гўзал, аммо бемаъни рўё эканини англаб етган эди. Ўша, ҳов нариги рўёда ажабтовур шаҳарнинг гаройиб кўчалари бўйлаб еларкан, на оташи бор ва на тутуни кўкка ўрламас яшил ва алвон чироқларга дучор бўлар, остида эса улкан темир ҳашарот тинмай гувулларди. Ёлғонлари адоксиз ўша тушда ҳам уни ердан даст кўттардилар ва қўзлари юмуқ ҳолда гулханлар аро юзтубан ётаркан, қўлида ханжар тутган кимдир у томон аста кела бошлади.

Испан тилидан Шарифжон АҲМАД таржимаси



Шарифжон АҲМАД – 1969 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Бир тушнинг эврилишлари” номли китоби, Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Андрей Платонов, Жуброн Халил Жуброн ижодидан таржималари чоп этилган.

Мұхаммад
АЛИ

Мангу қүёш

Тарихий роман¹



Бадиuzzамон билан учрашув

Шахзода Бадиuzzамон Мирзо ўрдаси Маймана яқинидаги чүл ўртасидаги ясама қўрғонда жойлашганди. Йироқларда у ёқдан-бу ёққа от чоптириб юрган жангталаб аскарлар кўзга ташланарди. Икки томонда икки лашкар ҳарбий машқлар билан банд. Узокларда кўкка магрур бўй чўзган Туркистон тоғлари кўринади.

Бадиuzzамон Мирзо жуда мамнун эди, кече Астрободдан ўғли Мўмин Мирзо етиб келди. Аниқроғи, отаси уни бир неча кунга маслаҳатга чақиртирди. Дубулға кийган советларга чулғанган ота-болалар шоҳчодир олдидағи заррин тўшаклар солинган панжарагулчин сўрида тиз чўқдилар. Ҳали боласининг дийдорига тўймаган Хоним бегим ўғлининг ёнгинасида худди унга суянгандай қапишибигина ўтирас, гапга аралашмас, унинг бор-йўқлиги билинмасди ҳам.

– Ҳиротда тўй бошланган экан-да? – сўради Бадиuzzамон Мирзо. – Бизни бирор айтфони ҳам йўқ.

– Музаффар Мирзо уйланмоқдалар... – деди Мўмин Мирзо. – Ҳирот тўй оғушида. Пули Молондан то Жаҳонорогача ойнаванд йўл эмиш. Жаҳоноро ҳовузига юз ботмон шакар солибдилар. Одамлар коса-коса олиб шарбат ичармишлар. Кўпкарида соврун учун мингта қўй тикибдилар...

– Шунақа дент? – ҳайратини яширмади Бадиuzzамон Мирзо. – Тўй бошида маҳди улё Ҳадича бегим... Ҳа, аёл киши яхши бўлса у бебаҳодир, агар ёмон бўлса бошга битган балодур... Ул киши ким? Ота-онасининг тайини ҳам йўқ... Бизчи? Ахир биз она томонидан Султон Санжари Мозий авлоди ҳам бўламиш-ку! Аммо бизни ҳануз одам ўрнида кўрмайдурлар... Фам ҳам бизга қарши, ситам ҳам... Очиғини айтсанам, отамиз билан бизнинг орамизга совуқчилик солғон ўша аёлдур... Бадфеъл зот...

– Шахзодам! – норизолик билдириди Хоним бегим астагина. – Ҳамма аёллар ҳам шундог эмаслар... Бирга қараб мингга баҳо бериб хатога йўл кўймасунлар, деб кўрқамен...

Шахзода бир нафас сукутга берилди. У маликанинг сўзига жавоб берса, гапнинг учичувалиб кетишини пайқади ва бутунлай бошқа мавзудан гап очди:

– Ўғлим... ҳали сизнинг тўйингизни шундай ўтказайликки!.. Ўшанда бутун Хуросону Турон элини тўйга чорлагайбиз!

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Мұхаммад АЛИ

Мұмін Мирзо изо тортиб ерга қаради. У эндигина ўн иккига қараб кетмоқда, лекин бўйлари баланд, ўзини тутишлари, одоби, босиқлиги ёшини катта қилиб кўрсатарди.

Шу палла ташқаридан отларнинг дупур-дупури, хурсандчилик овозлари эшишилди. “Хуш келибсиз!” “Келсунлар!” қабилида сўзлар кулоққа чалинди. Мулозим қўл қовуштирганча бундай деди:

– Доруссалтана Ҳиротдан муқарраби ҳазрати султон Низомиддин Мир Алишер ҳазратлари ташриф буюрдилар! “Қайда, ўғлим Бадиuzzамон?” деб сўрайдурлар!

Шаҳзодалар дарҳол ўринларидан қўзғалишиди ва улуғ меҳмонга пешвоз чиқишиди.

– Аввалдан хабар ҳам бермабдилар-да... – оғринди Бадиuzzамон Мирзо. – Бағоят камтардурлар...

Ташқарida Навоий, совутга чулғанган амир Шайх Баҳлул ва қузатувчи мақомидаги чакнаб турган аскар йигитлар жилмайганча қараб туришарди. Уларни Довуд барлос ва бошқа навкарлар кутиб олдилар. Ҳамма ҳамогуш бўлиб қўриша кетди.

– Сизлар билан дийдорлашмак қандоқ саодат! – қувонганча деди Навоий Бадиuzzамон Мирзо билан қучоқлашишар экан. – Сиз фарзандим қаторисиз, балки, аълосиз!..

– Қуллук! Ҳазрат ташриф буюрмадилар, балки шараф буржига Аторуд қадами етғондай туюлди... – таъзим этди шаҳзода. – Соғиниб ҳам қолғондик, қандай соз бўлди!..

Навоий Мўмин Мирзонинг манглайидан суюб ўпди.

Навоий назарида, Мўмин Мирзо фавқулодда манглайи ёруғ Темурийзода, Фарқад юлдузига даҳлор боши Искандар тожига муносиблиги аён, зоти тоза, мақтови фалакка кўрку хусн бағишлайдурғон, оламни обод айлайдурғон хушахлоқ шаҳзода... Ўсмирилигига қарамай жанг майдонида шердай ҳамла қилгувчи, кўрқмас ва жасур паҳлавон сифат шаҳзодани Навоий жуда ҳам суръ, унга катта умидлар боғлар, уни ўйлаганда келажак нурафшон ва порлок кўринарди.

Бадиuzzамон Мирзо Навоийни сўрига таклиф этди.

– Йўлда ҳориб келдилар... Кутиб олардик, биз ғафлатда қолибмиз, ер ёрилмайдур, ерга кирмайдурмен...

– Асло хижолат чекмасунлар... – тинчлантириди Навоий. – Аввало сизга Ҳиротдин саломлар келтурдим... Ахли илму хунарманду шоирлар сиздан мамнунлар, Инжил нахри ёқасида ҳашматмаоб мадраса курғонлари ҳали эл оғзида! Бари савобдур...

Шаҳзода Навоийнинг ташрифи бежиз эмаслиги, ниманидир айтмоққа шайланаётганлигини сезди. Тўғри, у ҳозир Ҳиротга отланган... Унинг устига, тез-тез “Астрободни Бадиuzzамон Мирзодан тортиб олиш керак!” “Астрободни Музаффар Мирзога топшириш зарур!” қабилида ғози йўқ гаплар урчиб кетган. Бас, энди шаҳзода ўз ҳақини талаб қилишни ўрганиб олди. Замоннинг расми-русми шундай экан. Қачонгача кутиш мумкин? Тўғридан-тўғри, Ҳиротга, отасига қарши боради!

Шаҳзода енгилди, деган овоза тарқалди, лекин бу – хато, у жанг қилғони йўқ, ортга чекинди! Лекин падари бузрукворига заррача зиён-захмат етказмади! Аммо... отаси унинг кўлига тушган Бадиuzzамон аскарларининг барини қатл қилдирди! Энди ортга қайтиши йўқ!

– Ҳар бир инсон бу дунёда халойиқнинг дуоси-ю холиқ ризосини олмак учун умргузаронлик қиласидур, – сўз бошлади Навоий. У ўжар шаҳзодани инсофга мойил этиш учун, гапни узоқдан бошлаб, сездирмай “эти”ни ўлдиришни ўйларди... – Лекин

пошполиқ низомида душворликлар кўп... Сўз айтмоқдин мурод ҳам шулдур, дуо – муддао... – давом этди Навоий. – Дунё ишқи бир олов, лекин оловдан йирокроқда туриб нафланмоқ даркор. Яқинлашганни, апоқ-чапоқлашиб кетганин кийдириб кул қиладур. Қарангиз, овчи ўз нафсига берилиб, балиққа қармоқ ташлайдур, балиқ ҳам шу нафс деб қармоққа илинадур... Кимки нафсни ўз эркига қўйса, ул ўзини ҳам, улусини ҳам барбод этадур...

– Насабнинг пастлиги одамни хор қиладур, мансаб мастилиги эса кўнгилни тоғдай кўтарадур, шул сабабдин гафлатни оширадур. Бу нохуш манзара... – давом этди Навоий. – Ҳақиқий инсон бунинг фарқига бормоғи керак. Ҳар ишда ростлик, ихлосни қўлласун, токи ипак билан палосни фарқ айласун... Рост дедингиз, фарзандни деб ота қонлар ютадур, оқил фарзанд эса ҳамиша отасини сарафroz этадур...

Орага жимлик чўқди. Навоий гапни узокдан бошлаб тўғри йўл танлаганини пайқади ва шаҳзода сўзларимнинг сал мағзини чақиб олсин, дегандай сукутга берилди. Оғзи қуруқшаганини сезди. Дастурхонга қўл узатиб, заррин косадаги гулобдан бир култум тотинди. Кейин ширин туюлиб кетдими, яна ҳўплади.

Мўмин Мирзо Шайх Баҳлул ва Довуд барлослар киришиб аста сўрининг этак томонига чўқдилар.

– Хў-ўш... Хиротдин йўлга чиқғонимфа икки қун бўлди, – асил мақсадга ўтди энди Ҳазрат. – Ҳурматли отангиздан дуойи саломлар бўлсун сизга...

– Қуллуқ... – деб қўйди хушламайгина шаҳзода...

Навоий ичида қандайдир ғазабми, норизолик ҳиссими кўтарилиб келаётганини сезди! Унинг назарида, Бадиuzzамон Мирзо энг аввало падари бузруквори ҳакида сўраши, унинг соғлиғи, ахволи руҳияси борасида саволлар ёғдириши лозим эди! У шуни кутганди! Йўқ, бир марта ҳам сўрамади! Сўраб ҳам қўймади! Бу Навоийга қаттиқ ботди...

– Султон Ҳусайн Мирзо Султони соҳибқирон, сизнинг отангиз, менинг эса бир умрлик дўстим эрур! – кесиб гапирди Навоий. – Ота билан саваш курмак катта хатойингиз, гунохингиздур!

– Қуллуқ, пирим... Сўзингизни хар дам бошда тутамен... – Шаҳзода ўксингандай ерга қаради. – Ўғил, катта ўғил, фарзанд ҳам – одам... Ўғлим, ўғлим, дейдилар-ку ва лекин бизни ёвдай кўрадурлар. Гарчи отам Шоҳ Фозийдур, валиаҳдмен, аммо зарра эътиборим йўқ, ҳамма ҳурмат ҳов Музaffer Мирзога... Нетайки, бугун ўзимнинг отам ўзимга душман!

– Ҳозирча, афсуски, шундоғ... – тан олди Навоий. – Лекин асил моҳият бошқа... Буни англамак лозим, шаҳзодам! Пайгамбар саллоллоҳи алайҳи васаллам ўз ҳадисларида буюрубдурларким, “Ризо урробби фир-ризаил валиди ва сахатун арроби фи сахатул-валиди”, яъни Тангри таоло ризоси ота ризосига вобастадур ва Тангри таоло ғазаби ота ғазабига пайвастадур. Киши ота ризосини олса, Тенгри таоло ризосини ҳам олғай, ота ғазабига учраса Тангри таоло ғазабига ҳам учрағай...

Бадиuzzамон Мирзо бошини эгганча тингларди.

– Машойих раҳимуллоҳ дерки: “Валадука раббука”, яъни отанг Парвардигорингдур, бунга бокингким, Тангри таоло сени ўйқдин бор қилмакка сабабчи улдур ва болалиқдин йигитлик ёшиғача тарбия бергувчи ҳам улдур...

Шаҳзода ҳайратланганча бошини кўтариб Ҳазратга бир қараб қўйди.

Орага жимлик чўқди. Ношуқр ўғил тутумидан Навоийнинг ички түғёни кўтарилиб борар, уни бу номашрӯй йўлдан қайтаришга астойдил бел боғлагани кўриниб турарди. Бадиuzzамон Мирзо ҳамон ерга кўз тиккан, ҳамма отага ола қараш қанчалар гуноҳ эканини теран ҳис этарди.

– Бу сўзимнинг даромадидур... – давом этди Навоий хийла ўзини босиб. – Ғараз шулки, сизга доим давлатхоҳлик сўзин раво кўурмен, дуо қилурмен, илохи, умру давлатингиз бардавом бўлсин. Айни дамда номуносиб ишким сиздин ўтди, сизга айтамен, ўнгламак лозим...

Бадиuzzамон Мирзо барча дашномларни эшитишга рози эди, фақат бу гаплар суюкли ўғли, ақлли ва одобли Мўмин Мирзо олдида юз берадигани уни ич-ичида изза килар, кўнглига оғир ботарди. Бундан ёш шаҳзода ҳам изтироблар чекаётгани равшан.

– ...Инчунин айрим эътиrozларимни айтмагим зарур... – Навоий яна сўз тизгинини қўлга олди. – Ўзларининг манфаатларини подшоҳнинг манфаатидан, подшоҳнинг манфаатини эса илоҳ амр манфаатидан устун кўймасунлар... – Фикр қилингиз: ахир сиз Бойсунқур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобурдек эмассиз, кўп меҳрибонлик кўрмагон Абдуллатиф ҳам эмасдурсиз, зинхор! – давом этди Навоий. – Сизнинг ишларингиз орасида бу факир ҳамроҳ эрдим, бари каминага маълум. Ахир сиз маҳдумзодалар маҳдуми, подшоҳнинг севиклиси, курратул айни эрурсиз. Маҳдумзодалар, беклар, ичкилардин ҳам кўп кишилар Ироқни фатҳ этишингизни кутардилар. У ҳолда шаънингизга улуғ сифатлар қўшилгай эрди. Унинг ўрнига, юз бор ҳайфки, мазкур ҳодисалар юз бераб, юзимизни ерга қаратиб турибдур... Нишонингиз туғросидин Мирzonинг муборак отини чиқарурсиз. Субҳонолло! Агар Ироқдин Макка, балки Мағриб замингача ерларни забт этғонингизда ҳам, бундоқ қилиш шаънингизга ярашмас иш бўлурди. Борди-ю отангизни заиф деб ҳисобласангиз, унинг ёнида доим Тангри таоло турғонини эсдан чиқармангиз! Асил фарзанд айни отанинг заифлик чоғида жонсипорлик кўргизадур...

Навоий тин олди.

– Айтиб қўймоғим жойиз, – таъкидлади Навоий яна. – Бу арзадошт подшо буйруғи ё ишораси билан эрмас, балки бундан уларнинг зинхор хабарлари ҳам йўқдир, кўнглимизнинг майлига боқиб, сизнинг тобуғингизда давлатхоҳлик сўзини дейишга маъмур эрконимиздин айтилди. Кодир мураббий Ўзи. Тавфиқ рафиқ бўлсин, омин...

– Қуллук!... – Шаҳзода шундай дер экан, “маъкул” дегандай бош тебратиб тасдиқ ишорасини қилди.

Бадиuzzамон Мирзо ўзини елкасига улкан осмон юки тушгандай туйди, лекин аллақандай шижаат билан даст ўрнидан турди-да, Ҳазрат тўни пешини уч бор ўпиб кўзларига суртди. Унинг кўзларидан ёш оқарди. Ҳамма шаҳзоданинг химматига тан берди.

– Ҳеч отамга ола қараб юрмадим, Пирим! Ҳеч қачон!..

– Балли, шаҳзодам! Хў-ўш... Ҳиротга йўл тутибсиз, энди бунга не демак керак? Бутун умрин ягона юрт тузмакка баҳш этгон, роҳат нима билмай ўтғон, ўтга-сувга кирғон Темурхоннинг руҳи зор-зор чирқираб қолмасмикин, Хурсон салтанатининг устунлари қуламасму эркан??.

– Ҳазрат, бад ниятлар этагини тутмасунлар! – Бадиuzzамон Мирзо ҳаприқди. – Отамизни асло ранжитмасмен, менда ҳам ор-номус бор! Лашкар ортга қайтарилур!

Балли, шаҳзодам! Ўзим сизга кафилдурмен!

Отангиз ҳам сизга фақат омонлик тилайдур, ўғлим ҳеч ёмонлик кўрмасин, “сен-мен”ларга барҳам берайлик, эл-улусдан ор қиласи, дейдир Султони соҳибқирон!

– Қуллук!

– Тасанно! – хитоблари янгради.

Навоий назарида олам ёришиб кетгандай туюлди. Шаҳзода билан иккиси бир-бирларини муборакбод этиб, кўнгиллар равшан тортиб турганда, ташқаридан

отнинг қаттиқ кишинагани эшитилди. Бироздан кейин Бадиuzzамон Мирзо қўшиналари ҳировули сардори кириб келди:

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, шаҳзодам!

– Кечдим!

– Шаҳаншоҳ Абулғози Баҳодирхон Султон Ҳусайн Мирзо жаноби олийлари фармони олий жўнатибурлар! Чопарни дарҳол ҳибсга олдирдим! Фармон билан хузурингизда турибмен, сultonим!

Бадиuzzамон Мирзо беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

– Фармон? Қандай фармон?.. Ҳей, сардор! Нега чопарни тутқунликка солдинг?

Подшоҳ чопарига бундай қараашга қандай ҳаддинг сиғди, малъун?..

– Нечук фармон экан?.. – тараддулланди Навоий...

Ҳировул сардори юкуниб фармонни шаҳзодага узатаркан, тиз чўқди-да, нидоқилди:

– Ҳукмдорим! Ноҳушлиги билиниб турибдур. Сўрасам, пинҳон Балх доруғаси Ислом барлос номига фармон олиб келибди. Доруғани шунга муносаб топибурлар. Чопар кўзи филдираиди, олма теради, ёмонлигини турки шундай айтиб турибдур. Шартта тутдим...

Бадиuzzамон Мирзо каловланиб қолди:

– Ие?.. Ҳа-ҳа... Гап бу ёқда дегин?.. Ҳали шунақами?.. Ҳм-м... Сезгирилгингга оғарин, баҳодир, ақлу идрокингга тасанно! Мулозим! Сардор елкасига зарбоғ тўн ёпилсун!

– Бош устига!

Мулозим ҳировул сардори билан чиқиб кетдилар.

Сабри чидамаган янгиликдан лол Навоий Бадиuzzамондан ўтинди:

– Ажабо... Шаҳзодам, фармонга бир кўз ташласинлар-чи... Нечук фармон экан? Воажаб! Нечук доруғага юборибурлар эркан? Қандай зарурат?.. Мен келиб турғон бўлсан... Бу ерда сиз бўлсангиз...

Мўмин Мирзо ҳайрон отаси ёнида турарди.

Бадиuzzамон Мирзо фармонни очиб, ўқий бошлади. Мўмин Мирзо отасининг авзойи кескин ўзгариб кетганини кўрди! “...Хушёр турилсун. Ўғлим Бадиuzzамон Мирзо... Балхдан овга чикса, ўзига билдирилмасун, қайтғонида дарвозалар тақа-так ёпилсун, шаҳарга киритилмасун!. Қаблал-билод Балхдан шитоб қувиб юборилсун!..”

Шаҳзода фармондан кўз узиб, Ҳирот томонларга қаттиқ тикилди. Навоий ҳайратдан ёқа тутганча, гоҳ Бадиuzzамон Мирзога, гоҳ Мўмин Мирзога жавдираб қарапди.

– Ўз ўғлига шундоғ бадлик раво кўрадиларму?.. – деб юборди Мўмин Мирзо...

– Ҳазрат Навоийни яхши ниятлар билан Балхга юбориб, орқаларидан шундай фитна фармон жўнатишдан мурод не эркин? Ҳазрат, бизларни кечирсунлар!.. – деди хижолат Бадиuzzамон Мирзо узокларга қааркан. – Бу очиқдан-очиқ андишасизлик, бехурматликдан ўзга нарса эрмас... Мана шуниси алам қиласи кишига!

Шаҳзоданинг Навоийга ичи ачиdi, шу ҳодисага ўзи ҳам сабабчи бўлганидан ўзини ғажиб қўйгиси келди! Ўзини, эси йўқ, деб койиди... Индамай қўзларида ёш Ҳазратга таъзим қилди-да, такрор тиз чўкиб тўнининг пешини уч бор ўшиб қўзларига суртди ва узоқ ушлаб турди, қўнглидаги ўқинч, алам ҳам бироз селгигандай туюлди.

– Йўқ, йўқ!... Хижолат бўлмасунлар, шаҳзодам! Имоним комилки, Султони соҳибқирон бундин бехабардурлар! Қани, фармонни менга берсунлар-чи, ўз кўзим билан кўрай... – сўзланди Навоий тараддулда.

Мұхаммад АЛИ

Навоий фармонни олиб унга тикилди. Мұхрни күрди-да, бирдан чеҳраси ёришди:

– Ана, айтмадимми! Мана, мұхр тескари урилибди! Султони сохибқирон бундай мұхр босмайдурлар. Шахзодам, бу ерда сир бор... Фаҳм құлурменки, бу вазири аъзам Низомулмұлк фитначининг кирдикоридур! Ҳадис бор, ёмон одам ўзига яхшилик күргизғон инсонга то ёмонлик қылмагунча бу дунёдан кетмайдур! Нечоғлик аччиқ ҳақиқат!

* * *

...Айнан шу кунларда маҳди улё Ҳадича бегим ўғли Музаффар Мирзо билан бўлган ёқимсиз учрашувдан сўнг бир неча кун Боги Жаҳонорода бетобланиб ётиб қолди, иссиғи қаттиқ кўтарилиб кетди. Бир кун бехуд ҳам бўлди.

Бугун эрталабдан рангиға ранг кириб, хийла соғайгани билинди. Эрталаб қуёш найза бўйи кўтарилигандан палла, бироз хаяжонланган Давлатбаҳт Ҳадича бегим хузурига кириб келди ва таъзим бажо айлаб, бош эгди:

– Вазири аъзам Низомумулк жаноблари ташриф буюрибдурлар!

Маҳди улёнинг кўзлари ярқ этиб очилди. Чунки вазири аъзамга жуда муҳим юмуш топширилганди, унинг адоси қай даражада кечди экан? Ҳадича бегим буни бир ҳафтадан бери кутади.

– Кўринишхонада ўтириб турсун!

Маҳди улё уйқудан тургандан кейин, юз-қўлини ювгач, биринчи галда пардозандоз ишларига киришарди, уни аъло даражада адо этгач, сўнг бошқалар билан кўришар, сарой ишларига назар ташларди. Ҳозир ҳам бир неча кундан буён диққинафас бўлиб турмакда ётган, тўлқин урган қалин қоп-қора соchlарини икки ўрим килиб орқасига ташлади, Давлатбаҳтга соchlарнинг қандай турганини бир кўриб қўйишини буюрди. Канизакнинг: “Сочларингиз тўлқин уриб, жон олар бўлиб тақимингизни ўпибгина турибди!” сўзларини эшитгач, кўнгли тинчиди ва бошига зуптагина тиллақош кўндириди, эгнига заррин кўйлак устидан ярашиб турадиган очжигарранг қабосини кийди, белини қаддининг нозиклигини кўрсатадиган олтин тасма билан боғлади. Шу либосда юриши султонга кўп ёқарди.

Кўринишхонага кириши биланоқ, маҳди улёнинг вазири аъзамга қараб, салом-аликсиз, биринчи сўраган нарсаси шу бўлди:

– Бўрими, тулки?..

Вазири аъзам аллақачон оёқда турарди. У қўлларини қўксига қўйиб эгилганча чуқур таъзим бажо айлади, юзларида енгил табассум ўйнар, кўзлари чақнарди:

– Бўри, маҳди улё жаноби олиялари! Иншоолло, бўри!

– Наҳотки!.. – деб юборди маҳди улё...

– Бўри!.. – мағрур жаранглади Низомулмұлк овози. – Ниҳоят, Олампаноҳнинг кутлуг фармонларини келтирдум! Жуда мушқул бўлди. Вақтида борибмен. Иш пишган экан. Улуг Амир Низомиддин Мир Алишер илтимос қилибдурлар. Балхга жўнашларидан аввал Астрободни Мўмин Мирзога бериш ҳақида фармонни тайёрлатиб қўйибдилар. Фақат мұхр босиш қолибдур... Бизлар Парвоначи, Қозикалон, амир ул-умаро Саъдваққосбек бу фармонга холисанилло эътиroz билдиридук, муқарраби ҳазрати султон Амир Алишер ниятлари холислигини тан олғон ҳолда, бу қадамнинг таг-тубидан хатолигини, адолатга зид эканини Султони сохибқиронга яхшилаб тушунтиридик...

– Тушундиларму ишқилиб?..

– Тушунмағонларига қўямызму: Астрободни Музаффар Мирзога бағишиладилар...

– Офарин сизга, вазири аъзам жаноблари! Оллохга шукр, шундай кунларга этдик! – мамнунлигини билдири маҳди улё.

– Сиздан ўла-ўлгунча миннатдормен, маликаи олам! – кўнгил сирларини очишга журъат этди Низомулмулк. – Каминага “Амин уд-давлат ул қохира” – қудратли давлатнинг ишончли кишиси, унвонини ҳадя этдингиз! Юмшоқ табиатли одаммен, ўзимни ниҳоятда камтар тутамен. Ўзлари тайинлағонларидек, машойих ва уламога ихлос билан қараймен. Уйим олдида ҳам, ёки идорам эшигида ҳам бирор ҳожиб ёки қўриқчи қўймасмен. Юмуши бор одамлар исталган вақтда уйдами, идорадами, ҳузуримга кириб, ишларини битира олурлар... Барчаси... ҳалиги...

Маҳди улё безовталанди ва “Фармон қани?...” деб сўради.

Низомулмулк: “Ие! Ие!.. Узр... Унутибман-ку!” деди-да, кўлида ўйнаб юрган, кувача қилиб ўралган олий фармонни эгилганча Ҳадича бегимга узатди. Маҳди улё фармонни уч бор ўпиди кўзларига суртди ва очиб тантанавор ўқий бошлади:

“Шоҳ Фозий Султон ус-салотин Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон сўзимиз. Дасти панжамида турғон дорулфатҳ Астробод баҳодир Музаффар Ҳусайн Мирзо ибн Султон Ҳусайн Мирзо Мирзо ибн Фиёсиддин ибн Мансур Мирзо ибн Бойқаро Мирзо ибн Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур Кўрагон инон-ихтиёрига тобшурулсан!”

– Муборакбод этамен, маҳди улё жаноби олиялари! Бундан кейин ҳам то умрим охиригача хизматингизга тайёрмен. Ҳалол ва инсофли одам эрконим элга маълум... Мен ва ўғилларим фидойи инсонларбиз, ўзлари кўриб турибдурлар...Faқат, бир илтимосим бор... – овозини пасайтириди вазири аъзам. – Бир илтимос...

Ҳадича бегим чиройли қошларини чимирганча сўради:

– Нима экан?

Низомулмулк тиз чўкиб ялинганча деди:

– Кечмишимиз ўзларига аён, насли-насабимиз, нисбамиз расууллоҳ алайҳиссалом саҳобаларига боғланур, инчунин Аббосийлар сулоласига мансубдурбиз. Бутун хонадонимиз бирлан хизматингиз остонасидалурбиз. Подшохи олам доим: “Катта ўғлим Камолиддинни ўнг кўзим, кичик ўғлим Абдулмулкни чап кўзим!” деб атайдурлар. Бошим нақ осмонга етадур... Жуда душманларим кўп, маликам... Энг биринчиси, Амир Алишер. Сиздек суюнчим, паноҳим борлиги учун уларнинг ҳеч биридан қўрқмаймен. Уларнинг чорасини ўзим топа оламен... Faқат...

Низомулмулк бир дам тўхтади ва хаёлидан шундай ўйлар кечди: “Ҳали ўша ўғилларим ёрдамида тахтни эгаллаймен, ўзим подшо бўламен, давру даврон сурамен! Бу ниятимга албатта етамен! Ҳали мана шу соҳибжамол маҳди улё ҳарамимни гуллатадур... Ох, қанчалар унинг ҳуснига маҳлиёлигимни билмайдур... Үнга тикилиб томоша қилиш – дунёнинг роҳати...”

– Хўш?.. – вазири аъзамга синчков тикилди маҳди улё.

– Faқат Шоҳимнинг қаҳридан қўрқамен... – деди титраб-қақшаб Низомулмулк.

– Шоҳимнинг қаҳри юксак чўққилардан сурон солиб тушаётгон пуршиддат кор кўчкисининг ўзи! Ҳеч нима дош беролмайдур! Бир келса, Худо кўрсатмасин, ҳамма нарсани супуриб кетадур! Подшо – Худонинг ердаги сояси. Подшоғазаби – Худоғазаби! Шундан мени ҳимоя айласалар кифоя...

Вазири аъзам маҳди улё пойини ўпишга интилди. Маҳди улё ўзини четга олишга тиришди, сал ортга чекинди-да, сабрсиз деди:

– Тушундим, тушундим... Кўнгилларини тўқ тутсунлар, вазири аъзам жаноблари! Албатта, ҳимоя қиласмен! Мен турибмен-ку! Faқат бу гапни бирор билмасун! Сир сақлансанун!

– Бош устига, маҳди улё жаноби олиялари!

Хадичабегим мутлақо соғайиб кетгандай сезди ўзини! Ахир умрида адо этиши шарт ишни удалади! Ўғлини Асторбодга ҳоким қилиб қўйди! Астробод таҳтини олди!

Музаффар Мирзо билан амир ул-умаро Саъдваққосга яхшилаб тушунтиради. Анграймасдан тезда қўшин билан, Астрободга отланишлари, таҳтни Мўмин Мирзодан тортиб олишлари керак... Мўмин Мирзони эса тутиб доруссалтана Ҳиротга юборсин! Зинҳор буни Амир Алишерга билдиринаслек лозим. Билса, тагин ишнинг пачаваси чиқадур!

Мўмин Мирзонинг ҳибсга олиниши

Муқаддас Развия равзаси тавофига Машҳадга кетган Навоий шериклари Султонали Машҳадий, Хондамир, Шайх Баҳлул, Ҳожа Дехдорлар билан шаҳарни айландилар, Ҷаҳорбоғда бўлдилар, азиз-авлиёлар зиёратини бажо келтирдилар, ҳар куни намозни Гавҳаршод бегим масжидида адо этдилар, тушликни Навоийнинг ўзи ҳар доим Машҳадда берадиган шулонда жамоат билан бирга ўтказдилар.

Сафар охирлаб қолганди. Ҳиротга жўнаймиз деб турғанларида, бир кун чошгоҳ маҳали, Султон Бадиуззамон Мирзодан элчи келганини маълум қилдилар. Элчи бу музофотларни яхши ҳавосини олган Бадиуззамон Мирзо соқчиси Довуд барлос эди.

Йўлларда ҳориб-толган Довуд барлоснинг ияги бултурги олмадай сўррайиб буришиб қолгани сийрак соқоли остидан кўриниб турарди. У таъзим билан ташвишли мактубни Навоийга узатди. Мактубда Бадиуззамон Мирзо бундай ёзганди:

“Улуғ ҳазратим, қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, табаррук падари бузрукворимиз, агарчи сизга ваъда айлагондилар, бизни ҳам умидвор этғондилар, илло Мўмин Мирзонинг хатна тўйида шодлик ва нашъалар оғушида қувониб, набирамга Астрободни баҳшида қилдим, деб юборғонларини жумла-жаҳон эшитғон эрди... Ул важдинким, биз хотиржам кўнгил бирлан Мўмин Мирзони Астрободга йўллағон эрдик. Вой, юз мингвой, сўзнинг ортга қайтувчан эрконини кўрингким, Ҳоқони мансур айтғонларини фаромуш этиб, фармон битиб Астрободни суюкли ўғиллари Музаффар Мирзога инъом қилибдурлар! Ва, нохуш жойи, Музаффар Мирзо Астрободга жўнаб кетғон ҳам эрмиш... Ҳазратим, ўзлари Машҳадда эканлар, биздан кўра Астрободга яқиндурлар... Бориб, Мўмин Мирзони ҳимояларига олсунлар! Унга ёрдам ва мадад зарур... Камина ҳам бунинг чорасини излаюмен... Мўмин Мирзога ҳам, “Зинҳор Астрободни кўлдан бермағил, Журжон аскарини жангга олиб чиқ! Сира ортга қайтмағил!” дея мактублар юбордим...”

Мактубни ўқиб, Навоийнинг оёқ-қўлидан дармон кетди... “Субҳонолло!..” – дея олди, холос. Кўз олди қоронғилашиб, ерга ўтириб қолди. Хондамир дарҳол ҳазратнинг қўлларини силай бошлади, Шайх Баҳлул оёқларини уқалашга турди. Лекин Навоийнинг шуури тиник, тасаввури равшан эди. Бироздан кейин ўзига келди. Унинг биринчи гапи Довуд барлосга қаратилди:

– Фурсат кетмасун... Биз ҳозир шу ердан Ҳиротгамас, аксинча Астрободга йўл олурбиз... Сиз ҳозироқ Астрободга отланингиз! Мўмин Мирзога кўз-қулоқ бўлингиз! Тайинласунларким, Амир Бобоали тез бизнинг йўлимизга чиқсун! Кўпдан уни кўрмадим...

– Камина Довуд барлосга қўшилиб борайинму? – сўради Ҳожа Дехдор...

– Йўқ, биз билан бирга шу ерда қолсунлар... – ижозат бермади Навоий. – Довуд барлосга ишонамен. Ҳамма ишни бир ўзи удалай оладур.

– Ташаккур, Ҳазратим! Ўзим шаҳзодамга қарайман. Бадиuzzамон Мирзо жаноблари ҳам каминага шуни тайинлағонлар... – Довуд барлос бош эгди ва тезлика Астрободга жўнаб кетди.

Машҳаддан Астрободга йўл гоҳ тоғ, гоҳ адирлик аралаш яйловлардан ўтарди. Баҳорнинг бошлари эди. Кенгликларга боқиб Навоийнинг сал баҳри дили очилди. Астрободга яқин Гулафшон деган жойда бир тепаликда тўхтадилар. Узокда шимол тарафда Албурз тоғлари осмон билан оғиз-бурун ўшишган, жануб ёқда кўкара бошлаган чўл кўзга ташланади.

– Қулай жой экан. Шу ерда бироз нафас росттайлик, Ҳазрат... Шабада фирғир эсиб турибди. – деди Султонали Машҳадий атрофга назар ташлаб. – Қаттиқ чарчаб қолмасунлар тағин. Яна озгина йўл юрсак, Астрободга етиб олгайбиз.

– Яхшиямки, Нишопурда бир кечада хордик чиқариб олдик... – сўз қўшди Хожа Дехдор.

Навоий тасдик ишораси сифатида бош тебратди:

– Мен, юр десаларингиз, сизлар билан қаерга бўлса ҳам кетаберамен, ўйлаб ўлтирумаймен, чунки сизларга ўзимни тенг кўрамен. Аммо сизларга тенг эмаслигимни кейин биламен. Чарчашиб мумкин экан. – Навоий жилмайди. – Узок сафарда озгина хордик олмак ҳам суннатдир. Амир Бобоалига чопар юборилғон, йўлимизга чикиши тайинланғон эрди... Нечук чиқмайдур? Бундог одати йўқ эрди. Кўнглим сал безовта... Мўмин Мирзолар эсон-омонму? Улардан ҳам хабар йўқ. Астрободда ахвол нечук?..

– Иншооллоҳ! Ҳаммаси яхши! – ҳазратни тинчлантиришга тиришди Хондамир.
– Амир Бобоали жаноблари ҳам келиб қоладилар.

– Биласизму, Мўмин Мирзо – нодир сиймо бўлур, Худо хоҳласа, – сўзланди Навоий ўз-ўзига дегандек. – Тенги кам. Заковатда Темурийлардан Мухаммад Султонга, Улуғбек Мирзога, Султони соҳибқиронга ўхшаб кетадур... Ёрқин тафаккури шундоққина кўриниб турадур. У – Темурийлар салтанати умиди! Билингизким, Темурийлар салтанати унинг шижаоти или бардавом этгай!

Кўнглим тинчимай турибдур, тезроқ Мўмин Мирзони кўрай, у нотинч шаҳарда, дейман-да... Астробод шоҳлар шаҳри, бу ерда салгина шабада эсса, мамлакатда бўйрон бўладур!

Пешиндан кейин кутилмаганда йигирма-ўттиз ҷоғлик навкарларни эргаштирган Амир Бобоали тепалик ёнида пайдо бўлди. Унинг анча урингани, ҳориб-толгани чехрасидан кўриниб турарди.

Навоий жон ҳолатда ўрнидан туриб кетди:

– Бобоали! Жигарим! Хуш келибсен! Мўмин Мирзо тинчми?..
– Бир қошиқ қонимдан кечадурлар, Ҳазрат... – ерга қаради Амир Бобоали...
– Не бўлдики, ерга қарайдурсен? Сўйла!

– Мўмин Мирзога кўмак бергали қўшин билан Ҳиротдан келаётғондик. Астрободга етмай туриб, даҳшатли хабар эшидик... Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон... ўғли Музаффар Мирзо номига фармон ёздирибдурлар ва Астрободни унга тобшурубдурлар!

– Субҳонолло!.. Бу қандай кўргулик? – деб юборди Навоий.
– Афсуски... бу – ҳақиқат... – деди Амир Бобоали.

Султонали Машҳадий чидаб туролмади:

– Демак, Астрободни Мўмин Мирзодан тортиб олмакчилар?
– Ҳазрат, узр сўраймен, – аввал Навоийга, кейин ўзгаларга бир-бир қараб кўйди Хондамир. – Тарихда буни мунофиқлик дерлар. Кўп ўқиғонмен. Мана, яқинда Майманада ҳам шундай воқеа юз берди... Изингиздан нохуш фармон

Мұхаммад АЛИ

юбордилар. Хоқони мансурнинг Астрободни энг катта набиралари Мўмин Мирзога бағишағонлари ҳақида Амир Алишерга баъят берғонларидан аниқ хабарим бор...

– Мен ҳам эшитғонмен! – Хожа Дехдор сўзга қўшилди.

– Эшитғонмиз! Эшитғонмиз! – сингари овозлар эштилди.

Навоий бир хўрсиниб қўйди:

– Оҳ, оҳ, агар берилғон ваъдалар бажарилғонда эрди, биронта ҳам чўлу биёбон қолмай, олам гул, гулзорга айланарди-ку!

– Ҳарам аҳли, маликалар ҳам асло жим туришмайдур... Фитнанинг боши шу ёқдан... – давом этди яна Хондамир заҳархандали.

Султонали Машҳадий ҳам жим туролмади:

– Ҳа, заифалар тўғри гапнинг юзига сапчийдиган чиқар... Бежиз эмас ахир, нисога низо қофия...

Навоий боқса, бошқалар ҳам сўзга аралашибмоқчи. У дарҳол сўзни кесди:

– Ҳай-ҳай! Тўхтангиз! “Ҳарам” сўзига тил теккизмангиз! Бу иш фоят беҳижоблик эрур! Билинг, ҳар бир сўз, ҳикмат ҳам дегулик эрмас...

Хожа Дехдор Навоийни қўллаб гапирди.

Навоий бироз ҷалғиди, кейин Амир Бобоалига ўғирилди ва ёлворгандай илтижо қилди:

– Бобоали! Сўйла: Мўмин Мирзо қайда ахир?.. Зада қўнгилларга бироз малҳам бўл!

– Қўллуқ... Кошки эди бу машъум гапларни мен айтмасам, ўzlари эшитмасалар!.. Афсуски, барини Астрободга келғонимда Мўмин Мирзонинг ўзларидан билдим. Шаҳарни ваҳима босғон, ҳамма шундан гапиради: “Фалокат босди!” “Икки шаҳзода ўртасида жанг бошланиб кетадурми?” деган шов-шувлар ҳар ёқда... Чунки Музаффар Мирзо бошлиқ катта қўшиннинг Астрободга отлангони аллақачон ёйилиб кетибдур...

– Ёмон гапнинг қаноти бор, дарров етиб борадур! – қўнгли қаттиқ оғриган Хондамир тинчланолмасди.

– Ҳа, етиб борибдур... Шаҳзодамнинг ўзлари эса кўпни кўрғон катта арбобларга хос босик, хотиржам эдилар. Худо ҳаққи, бағоят ақлли эканликларига яна тан бердим. Ҳазрат Амир Алишернинг, шаҳзода Султон Бадиuzzамон Мирзо топшириқларига кўра қўмакка келиб турғонимни айтдим. Энди нима қилмоқчисиз? – деб сўрадим. У жуда қувонди ва деди: “Султон бобом Шоҳ Гозий жаноби олийлари магарамким Астрободга Музаффар Мирзони ҳоким этиб тайинлабдурлар, мен бу фармонга буйсунамен, итоат қадами ила улуғвор амакимни кутиб олиб, мулку молни ўз қўлим билан унга топширамен ва қуббатул-ислом Балхга йўл оламен!..”

– Қандай ақлли йигит экан бу Мўмин Мирзо! Адолатли йўлни танлағони шундокқина қўриниб турибдур... – ҳайратини яширмади Султонали Машҳадий.

Амир Бобоали даҳшатли ҳақиқатни айтмасликни, иложи борича чўзишни истарди.

– Шаҳзоданинг сўзлари қатъий чиқди, – давом этди Амир Бобоали. – Рост, Султони соҳибқирон фармонига қарши бориш ақлдан эмас. Безовта қўнглим сал ўрнига тушди. Шаҳзода қўшинида ҳам бироз саросималик юзага келди. Шундай умид ва ҳадик орасида турғонимизда Султон Бадиuzzамон жаноблари режаларимизни ўзгартириб юбордилар: “Асло ихтиёр тизгинини қўлдан чиқара кўрмангиз, ўғлим! Жангари Журжон қўшинини тўплаб Хурсон лашкарига қарши юриш қилингиз!” “Зинҳор Астрободни бирорвга бермангиз!” деган хатлар бирин-кетин оқиб кела бошлади. Шаҳзода Мўмин Мирзо ҳеч иккиланмади, у отасининг

сўзига кириб, довюрак қўшин билан Астрободдан кўрқмай ташқарига отилди ва мардона душманга рўбарў чиқди, лекин... султон бобоси фармонига қарши бораётғонини унудти...

– Ие! Жанг ўтдиямми ҳали?.. – сўради бесабр Хожа Дехдор...

Навоий бетоқатлиқдан ўрнидан туриб кетди:

– Субҳонолло! Мўмин Мирзо ҳозир қаерда деяпмен?!..

– Қаерда ўзи Мўмин Мирзо?.. – Султонали Машҳадийнинг ҳам бардоши тугаб борарди.

– Қаерда шаҳзодам?.. – шу пайтгача одоб сақлаб сўзга аралашмай турган Шайх Баҳлул Амир Бобоалининг ёнига ўдағайлагандай бориб туриб олди. – Қаерда ахир?..

Амир Бобоали ўзини йўқотиб қўйяй деди, лекин сўзини давом эттирди:

– Ҳозир, ҳозир... Тўқнашув Астрободга яқин ерда, Тошкўприк ва Мехранжуман мавзелари оралиғида кечди. Чоршанба куни эди. Музaffer Мирзонинг жавонғори кутилмағонда Амир Саъдваккос бошчилигида Мўмин Мирзонинг баронғорига ҳужум қилиб, орқа томонга ўтиб олди! Буни кўргон шаҳзодам қизиққон эмасмилар, ғазаби қайнаб, ғулдаги навкарлари билан душманнинг қияликни тутиб кетган селдай қўшинига қараб от солди ва қиёмат куни аломатларини ҳаммага аён кўрсатиб қўйди, ғанимнинг бир тўда жангчисини ер тишлатди. Мен жаронгорда саваш қуардим, аммо бир кўзим майдонда жавлон ураётғон шаҳзодамда...

– Ҳой, Бобоали! Намунча имилладинг?.. Бундок одатинг йўқ эди-ку! Тезроқ сўзласанг-чи! – интиқ бўлди Навоий...

– Хўп-хўп, Ҳазратим!.. Аёвсиз жанг борарди. Шу пайт меҳрсиз фалак, толе шаҳзодадан юз ўтири: майдонда сурон солиб, ёвни қийратиб юрғонда фалокат юз берди! Бирдан шаҳзодам отининг айили узилиб кетди ва эгар оғиб, у ерга ағанаб тушди! Хурсон лашкаридан кимдир, бир муртад, гунгурсдай одам, кейин отини Чоршанба дедилар, шаҳзодага ажалдай қаттиқ ёпишиб олди-ю ҳеч қўйиб юбормади! Шаҳзодам ундан кутуламен, деб кўп уринди, аммо болажоннинг кучи етмасди... Шу палла Довуд барлос етиб келиб, ҳалиги муртадга мардона ташланди, дудама ханжарини яраклатиб бошига солди, шаҳзодамнинг жонига оро кирди! Мўмин Мирзони энди кутқариб олай деганда, тўрт душман навкари етиб келди ва мўътабар амирни билдиримай орқадан бўйнига кетма-кет қилич солиб шаҳид этдилар...

– Ие! Довуд барлос ҳалок бўлдими?.. – сўради бағри увалиб Навоий. – Э, аттанг! Жойини жаннатдан қилсун... У садоқат бандасиёди, чинакам инсон эди...

Амир Бобоали чап қўлида ўз соқолини тутамлаб, ўнг қўли билан ўзининг чап ва ўнг юзига шаппатилай бошлади. Ҳар шаппатилаганда: “Э, ножинс банда! Нега шаҳзодам ёнида турмадинг, химоя қилмадинг?.. Мана сенга! Мана сенга!..” деб ингранарди.

– Тўхтангиз! Ўзингизни босингиз, Бобоали! – тинчлантиришга уринди уни Хожа Дехдор. Амир Бобоалининг юзлари моматалоқ бўлиб қизариб кетганди.

– Қандай чидай бу аламу хўрликка ахир? – оҳ чекарди Бобоали. – Вовайлоларким, мен боролмадим, лашкарни қолдиришим мумкин эмас эди, сочилиб кетарди... Лашкарни қайтадан жамлаб, душманга от солишини, шаҳзода Мўмин Мирзони кутқариб олишни кўнгилга тутдим ва ишга киришиб кетдим. Бироқ, шаҳзода Мўмин Мирzonинг душман қўлига тушғонини эшитғон заҳоти лашкар парокандаликка юз бурди, ҳеч ким “Тўхта!” “Қайт!” деганга кулоқ солмади, қани энди бирор кўнса!.. Ҳар ким ўз жонини сақлаб ҳар қаёққа қочди, майдон узра фақат ғолиблар сурони эшитиларди... Кучли – кучли экан...

Навоий батамом ҳолсизланиб ўтириб қолди:

Мұхаммад АЛИ

– Мұмин Мирзо ўғлим қаерда энди-и?!.. Одамни қон қилиб юбординг-ку!?
Султонали Машҳадий билан Шайх Баҳлұл дархол ҳазраттинг ёнига келдилар:
– Ҳазрат, ўзларини күлга олсунлар! Ҳаво етишмаяптыми? Сув берайликми?
Мана!

Шайх Баҳлұл дархол заррин косада тиник сув тутди. Навоий бир-икки хўплади, бироз жони ором олди.

– Ҳазрат! Ҳазрат!.. Ўзингизни эҳтиёт қилингиз! – ёлворди Амир Бобоали ҳам. Кейин давом этди:

–...Бир пайт шаҳзодам майдонда кўринмай қолдилар! Оралиқда душман кезиб юрибдур, узилиш бор. Вазиятдан хабар ол, дея яширинча бир навкаримни жўнатдим. Мана, навкарнинг ўзи ҳам шу ерда... Ҳой, навкар! Қани, кўргонларингни ўзинг гапириб берақол! Гапиришга менда ҳол қолмади...

Дуркун ёш навкар бироз каловланиб турди-да, сўз бошлади.

– Шаҳзодамни Музаффар Мирзо олдига олиб келдилар. Ўзим кўрдим. Шаҳзода Музаффар Мирзо ўрнидан туриб, жиянига меҳрибонликлар кўргизиб тасаллилар берди, кучоfiga олиб бағрига босди, яхши сўзларни айтди. Иноқ, ширин сухбатлашиб ўлтиридилар. Шунда Мўмин Мирзо бирдан шундай байт ўқиди:

*Манам-ас тийги ман бас беша холи аз газанфар шуд,
Фалак ёри накард, эй дўстон, душманим Музаффар шуд.*

– Субҳонолло! Тасаддуқнинг шеърий санъатини кўрингиз! Қанчалар нозик!.. Катта шоирлардан баландда! – деди ҳайратда Навоий.

– Мен, – давом этди навкар, – яқин орада сухбат тугайди, кейин шаҳзодалар хайрлашадилар, Музаффар Мирзо ҳам, Мўмин Мирзо ўз лашкарлари олдига қайтадурлар, деб ўйладим. Ҳеч қандай гумонга бормадим. Чунки чодир олдидағи сухбатда файирлик, душманлик ёки адоварат, уруш хавоси сезилмасди.

Аммо Астрободга кириб... Мўмин Мирзонинг қўллариға кумуш кишан солғонларида, мен ҳеч нарса тушунмадим! Кейин эшиждимки, Мўмин Мирзона Ҳиротга олиб кетибдурлар. Навкарни сабр-токат билан эшигтан Навоий қаттиқ изтиробга тушди:

– Оҳ, бу қандай қабоҳат, уни Ҳиротга олиб кетмак! Ёш боланинг нозик қўллариға кишан солмак! Бундоғ разолат қайси элда бор? О, бешарму беҳаё замон, бемехру беоқибат даврон!.. Оҳ, Мўмин Мирзо ўғлим! Ақлсиз ота билан бемехр бобонинг жанжали касрига қолғон шўрлик шаҳзодам!

– Ҳазратим, ортиқ ҳаяжонга берилмасунлар! – илтижо қилди Хондамир...

– Фурсат кетмасун! – тараффудга тушган Навоий ҳаммага қаради. – Бобоали! Навкар иккингиз Ҳиротга от солингизлар! Шитоб, Шоҳ Фозийга хабар бергилки, токи мен боргунча, Мўмин Мирзога бирон зиён-захмат еткизиб қўймасунлар, тўрт мучасини соғ сакласунлар! Нечундир кўнглим безовта...

Нима бўлса-да, энди тез доруссалтанага қайтиб, шаҳзодани ёвузлар кўлидан ўзим кутқариб олмогим даркор, ўзи-и-им! – давом этди Ҳазрат. – Кейин Мўмин Мирзо Ҳиротда Унсияда, менинг уйимда ўзим билан бирга яшайдур, ёнимда юрадур. Ўзим тарбиялаймен, вояга етказгаймен, Худо хохласа! Одам қилиб элга қўшгаймен! Ҳали у шундай улуг инсон бўлиб вояга етгайки, миллат ва Ватан шаънини улуғлаб, дунёларга кўз-кўз қилғай! Ортиқ ҳеч қаёққа ёлғиз юбормасмен, кўз корачигимдек асрармен!..

Ажабо, Мўмин Мирзо ўғлимни ёнга олиб Унсияда, ўз боғимда хотиржам бирга

яшаш фикри нега илгарироқ хаёлимга келмади экан?.. Ё Парвардигор, нега буни гуноҳкор дилимга солмадинг?.. Нега?..

Ҳамма хуфтон кўнгиллар минг хил андиша ва гумонда Ҳиротга йўлга чиқди.

Боги Зоғонда тўй

Мезон ойи бошларида Ҳиротда шаҳзода Музaffer Мирзо хонадонида ўғил туғилиши муносабати билан тўй бошланиб кетди. Боги Зоғон дарвозаси олдида карнай-сурнай садолари бутун шаҳарга таралиб, катта хурсандчиликлардан хабар берди. Боғдаги шаҳзода чортоги обдан безатилди, йўлак ва хиёбонлар чиннидай супуриб-сирилди.

Бир ҳафта олдин ховузнинг сувини қуритдилар, паҳлавонлар жангларига тайёр қилдилар. Дошқозонларда ошлар пиширилди, эл, авомуннос ёғилиб кетди. Мехмонлар чинордай чорток олдида турган Султони сохибқирон Абулғози Баҳодирхон ва сарой офтоби, ярақ-юруқ либосларга чулғанган маҳди улё Ҳадича бегимларни кутлуғ набира туғилгани билан муборакбод этардилар.

Нафақат баҳтиёр султон ва гўзал маҳди улё, сарой маликалари, аъёну акобирлар, беку амирлар, балки бутун доруссалтана аҳли, ҳамма-ҳамма ясанган, чиройли либосларга чулғанган, шод-хандонлик авжда эди.

Тўй икки кун давом этди.

Учинчи куни тўй ва базм Ҳирот яқинидаги девор дармиён хушманзара подшо боғига кўчди. Богнинг меҳмонхонаси ҳайҳотдай катта хона бўлиб, олди ва орка эшиклари бор эди. Деворларига иримини қилиб чиройли чақалоқ кийимлари осилган хонада ясаниб-тусанган аёллар, қизлар маҳди улё Ҳадича бегим атрофида парвонадай чарх урадилар. Хушчақчақ Давлатбахт, Сумансо, Гулруҳ ва бошқа канизаклар хонанинг деразага яқин жойида қий-чув кўтаришиб, “Ёстиқчасини қаранг!” “Қовузогини алоҳида кўй!” “Сумакчасини қаранг!” дейишиб чақалоққа бешик тузашарди. Ўртада атрофига ипак тўшаклар солинган хон устида ёзиғлиқ ноз-неъматларга тўла шоҳона дастурхон “Ёнимга ўтиринг!” дея нигоҳларни имларди.

Кўп ўтмади, ниҳоят шоҳона йўргакка ўралган чақалоқни кўлларида кўтарганча энага кириб келди. Ҳамма аёллар унга ёприлиши. Сўзамолгина энага бешик томон юраркан у ёқ-бу ёққа қараб:

– Ҳай-ҳай. Инс-жинслар қочсун, эгаси келди! Эгаси!.. Қоч! Қоч!.. – саннади худди чақалоққа кимдир таҳдид қилаётгандай, ёмон кўзлардан сақлагандай авайлаб бағрига босиб. Сўнг бешик олдида тўхтади-да, маҳди улёга юзланди:

– Момоси қани, момоси, фатво берсунлар, момоси!

Кулоғига тиллага дур аралаштирилган қизил ёқут кўзли муҳташам Яман балдоғи таққан, бўйнида шода-шода дур, бармоқларида қўша-қўша олтин узук ярақлаган, эгнига ранг-баранг товланиб турган ноёб занданача кўйлак кийган Ҳадича бегим ҳуснига ҳусн қўшилиб балойи оғатга айланган, яшнаб очилиб-сочилиб кетганди. У викор билан чақалоққа яқинлашди:

– Бешик сенга илк ватан бўлсун, набирам! Униб-ўсгин, вояга етгин! Омин, Оллоҳу акбар! – деди-да, ёнчиғидан бир сиқим олтин танга олиб чақалоқнинг бошидан сочиб юборди. Ҳамма аёллар думалашиб чувуллашиб танга теришга тушиб кетдилар.

Энага Музaffer Мирзонинг ўғлини зарҳал бешикка белай бошлагандা, маҳди улё унга ҳам бир танга тўла халтacha тутқазди.

Мұхаммад АЛИ

Ҳадича бегим чақалоққа күнгли ийиб тикиларкан, заррин ёпинчиқларини түғрилаган бўлди:

– Ҳақ-Худога шукрларким, набира кўриш насиб этди! Энди ўксис, қисимсиниб юрмасмен. Яна битта валиаҳд дунёга келди! Яна битта Темурийлар сулоласи зурёди! Давлат! – чакирди канизакни бош малика. – Давлат,вой сен чақалокнинг кулишига боқ, ақлли эканини кўргин-а! Кимсиз ўзи, дегандайин тикилиб туради. Агар кўлга олмасанг, сиқилиб қолади... Ҳозирданоқ салобати сезилади-я...

Сумансо ноз билан сўзга аралашди:

– Келин излайверсунлар, хонимойим, вақт елдай ўтади-кетади! Тез кунда чақалоқ униб-ўсади, вояга ҳам етади... Ўша тўйда ўзим белимни қамишдай маҳкам боғлаб бир ўйинга тушиб берайнинки!

– Ҳаммамизни шу кунларга етказсин, диллардаги кудуратни кетказсин, илоҳи! – мамнун сўзланди Ҳадича бегим, кўнглидан эса: “Ҳиротдан чопар ҳаяллаб кетди, Мўмин Мирзо тўғрисида хабар еткуриши керак эди...” деган сўзлар кечди.

Ҳамма дуога кўл кўтарди.

Вазири аъзам Низомулмулк, Қозикалон, Парвоначи, амир ул-умаро Саъдвақкос ва мулоzимлар ҳам маҳди улёни кутлагани кириб келишиди.

Низомулмулк маҳди улёга кўл қовуштириди ва кутлади:

– Жиянингиз амир ул-умаро Амир Саъдвақкос голиб чиқди, унинг шижаоти арслонникидан ҳам баланд! Ҳоқони мансурнинг шаъни, ўзларининг шаънлари юксакларга кўтарилиди, маҳди улё жаноби олиялари!

Низомулмулк ҳали ҳам қий-чувли кўпкари ҳаяжонлари таъсирида эди. У таассуротларини маҳди улёга тезроқ айтишга ошиқарди. Узоқ-узоқлардан машхур улоқчи чавандозлар келганларини, ҳар бири ўлар-тириларига қарамай улоққа интилганларини, ўзини нақ жаҳаннамнинг ичига урганларини, ўйиннинг кўпкаримас, балки расмана жанг майдонига айланиб кетганини берилиб гапиради.

Ҳамма хурсанддай туюларди. Аммо Низомулмулк маҳди улёning унчалар хушхандон эмаслигини кўрди, у қандайдир ташвишдан безовтадай эди. Вазири аъзам нимага келганлари эсидан чиқиб, лақиллаб даромадни чўзиб юборганини сезди ва дарҳол вазиятни ўнглашга чоғланди, бироқ улгурмади, шошилинч мулоzим кирди:

– Маҳди улё жаноби олиялари! Доруссалтана Ҳиротдан чопар бор!

Ҳабарни эшитиб, негадир Ҳадича бегимнинг эти жимиirlаб кетди, аммо ҳаяжонини босди:

– Айт, кирсун!

Чопар остоnадаёқ тиз чўкиб қўл қовуштириб таъзим қилди:

– Мухтарама маҳди улё жаноби олиялари! Бир қошиқ қонимдан кечадурлар...

Ошиғич ҳабар!

– Кечдим!

– Шаҳзода Музаффар Мирзо Астрободда давлат маснадига ўлтиридилар, кувончли ҳабарлари етди. Муборак бўлсун!

Э... Э... Муборак бўлсун! Маҳди улё жаноби олиялари!

Байрам устига байрам!

Хушхабарлар қўшалоқ бўлиб келаверсин! – сингари қутловлар янгради.

– Энди ижозат бергайлар... маҳди улё жаноби олиялари... – таъзим қилди, чопар сўзини тугатди, деб ўйлаган вазири аъзам Низомулмулк, қўйнидан тилла тангалар тўла халтacha-ҳамённи олиб маликага узатаркан. – Аввало табаррук набира кўргонлари билан қутлаймиз! Илоҳи, Тангри умри билан берган бўлсин! Бошимизда подшо бўлиб давру давронлар сурсун! Сониян, Музаффар Мирзо узоқ ийллар тахтда ўтириб довруқлар таратсунлар!

– Ие... Ие... – деёлди, холос малика ҳамённи оларкан.

Амир ул-умаро, Қозикалон ва Парвоначилар ҳам маликага шундай тұхфалар тортиқ этиб, ўз тилакларини билдиришга шошилдилар.

Ҳадича бегим керилиб атрофға викорли назар ташлади:

– Қуллуқ, қуллук...

Шу пайт чопар овози эшитилди:

– ...Шахзода Мұмін Мирзони құл-оёғига кумуш кишан солиб, Ҳиротга олиб келдилар ва Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйдилар...

Дераза ёнида ўтирган Опоқ бегим бирдан сапчиб ўрнидан турди:

– Нима-нима?.. Қамаб қўйдилар?.. Мұмін Мирзони-я? А?.. Мұмін Мирзоними?...Нега? Нима гуноҳ қилди бола бечора?..

– Опоқ! Жиннімисен? Сенинг нима ишинг бор? Овозингни чикарма, уят бўлади! – уни жеркиди маҳди улё...

– Ўзингизни қўлга олинг, маликам! – деб қўйди вазири аъзам Опоқ бегимга.

Чопар аста тисарилиб чиқиб кетди.

Меҳмонхонага сукунат чўқди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд... Ҳадича бегим бошида ўйлар ғужғон уради: “Энди кутилғон фурсатлар етди! Мұмін Мирзо хибса... Бутун салтанатга ғавғо солиб турғон шахзода, исёчни... қўлимизда! Утирик экан, ҳеч қачон салтанат ҳам, ўғлим Музаффар Мирзо ҳам тинч туролмайдур, ҳамиша йўлига ўша тўғанок бўлиб чиқа берадур. Энг яхсиси, уни орадан кўтариб ташлаш лози-и-м-м!! Лози-и-м-м!!”

Ҳадича бегимнинг чиройли кўзларida ўт чақнади.

Кўпкари таассуротларини ҳали охиригача еткизмаган Низомулмулк, маҳди улё мабодо сўраб қолсалар керак, дея умидвор кутиб турарди. Чиндан ҳам, бош малика уни ёнига чорлади, лекин мақсад мутлако бошқа эди:

– Вазири аъзам жаноблари! Пайт етди... Кеча тайёрлағон фармонларингизни пинҳона буён келтирингиз, – кўзларини маккорона қисди маҳди улё, – шаҳзодаларга мулк улашиш ҳақида-да... Мулк улашиш ҳақида... Фақат Мұмін Мирзо... ҳақидаги фармон ҳақиқий...

– Мұмін Мирзони қатл этиш ҳақидаги фармонни айтяптилар-да?.. – сўради Низомулмулк... Улар ҳаяжонда меҳмонхонада бошқа одамлар ҳам борлигини унутишди.

– Ҳа!.. – маҳди улё вазири аъзамнинг асосий мақсадни лақиллаб ўтирганидан ранжиди. – Мұмін Мирзога ҳам “мулк” бергайсиз, чунончи, Машҳадни... Чунки Султони соҳибқирон доим Машҳадни Мұмін Мирзога берамен, деб юрадилар. Берсунлар... Ҳамма фармонлар қатори муҳр бостириб олғайсиз... Бошқа йўл йўқ... Тушундингизму? Ҳозир Шоҳ Ғозий кайфияти аъло даражада ташриф буюрадурлар... Ҳақиқий базм энди бошланадур! Дадил турингиз!

– Бош устига, маҳди улё жаноби олиялари! Қўл қовуштириди Низомулмулк.

Бир четда эти жунжикиб, ҳаммасини жим кузатиб турган Қозикалон кўнглидан: “Мұмін Мирзони қатл этиш... дедими? Бундай фармонга Хоқони мансур муҳр босмасалар кераг-е... Бу даҳшат-ку! Бу Худо ҳам кечирмас зил-замбил гуноҳ-ку!..” деган фикр кечди.

Амир ул умаро Саъдваққос лом-мим демасди.

– Хоқони мансур жаноби олийларини қаршилаб олайлик! Қайтиб қоладилар... – деди вазири аъзам. Барча аста ташқарига йўналди.

Ҳадича бегим мулозимни чақирди ва унга дастурхонни шоҳона безашни буюрди.

Мұҳаммад АЛИ

Опоқ бегим хеч ким йўқлигини кўргач, елдай аста юриб маҳди улёга яқинлашди... Унинг чиройли кўзлари бир алпозда чақчайган, ғунча лаблари пирпирап, чап қоши учиб-учиб кўярди. Худди ўлжасига човут солмоққа шайланган қарчиғайга ўхшарди. Маҳди улё кундошини канизакларга қўшиб чиқариб юбормагани, меҳмонхонада қолдиргани чакки бўлганини энди фаҳмлади.

– Маликам! Нималар деяпсиз? – кескин сўз бошлади Опоқ бегим. – Мўмин Мирзони қатл этмоқ?!.. Эсингиз жойидаму? Шундай сухсурдай болани-я? Ҳайхай! Худодан кўркинг! Уволидан кўркинг!..

Опоқ бегим бирдан ўзини маҳди улё оёғига ташлади:

– Маликам! Мени кечиринг! Мен тентакни кечиринг! Юз бор кечиринг! Ялиниб ёлворамен, бир яхшилик қилинг, Мўмин Мирзони менга бера қолинг! Бера қолинг! Сиз кудратли маликасиз, маҳди улё, айтгонингиз айтғон, деганингиз деган! Менга бера қолинг! Болаларингизнинг орзу ҳавасини кўринг, илоҳи! Фарзандим йўқ, ўғил қилиб оламен! Ўзим катта қиласмен! Менам одам қаторига кирамен! Бир савоб иш қилинг! Ўзим узоқларга олиб кетамен!.. Қорамизни кўрсатмай йўқ бўлиб кетамиз! Тахти ҳам керакмас, тожи ҳам! Мени ундан жудо этманг! Жудо этма-а-а-нг! Жудо этсангиз ўлганим ўшал кундир!..

Опоқ бегим ўксиниб йифлай бошлади.

Ҳадича бегимнинг энсаси қотди-ю нари кетди:

– Мулозим! Мана бу эси пастни ташқарига олиб кет!.. Бу ғирт жинни бўпти шекилли! Кўп гапирдим, бу ўнгланмайди! Жонга тегди!

Мулозим билан Опоқ бегим орқа эшикдан чиқишиди.

Лекин Опоқ бегим негадир узоқ кетгиси келмади.

Меҳмонхонада тараффудга тушдилар. Хоқони мансур томошалардан қайтмоқдайди. Ташқариди карнай-сурнай овозлари эшитиларди. Ҳадича бегим ҳаяжондан шошиб қолди, у бир жойда тўхтай олмас, нуқул ў ёқдан-бу ёққа юарди.

Мулозим кирди:

– Хоқони мансур Шоҳ Фозий Султони соҳибқирон Абулғози Баҳодирхон ташриф буюрадила-а-а-ар!

Сармастликдан хиёл тебранган Хоқони мансур, изма-из орқароқда Низомулмулк, Қозикалон, Парвоначи, амир ул-умаро Саъдваққос ва бошқа мулозимлар кирдилар.

Соқий биллур қадаҳларда, косаларда май-шароб қўтариб айланиб юрар, мулозимлар турфа хил, янгидан янги мазали нуқлу таомлар келтиришар, хонтахта устидаги рангин дастурхон тобора безаниб борарди.

Гул-гул очилган маҳди улё Ҳадича бегим юзларида табассум, кўл қовуштирида, Хоқони мансурга мурожаат этди:

– Хуш келибдилар, Хоқони мансурим, музafferim! Қўчкор, хўрор жангларида голиб бўлибдилар! Оқ тулпорингиз эса улоқни ҳаммадан олдин маррага ташлаб, зафарга мушарраф этибдур! Соқий! Косаларга майлардан қуйилсун! Музafferиятни шарафламоқ жоиздур!

Хоқони мансур яхшигина маст эди:

– Ҳа... йўлларимизда... ҳамиша зафарлар ёр б-б-бўлсин! Ш-ш-ароб кўп яхши нарса-да...

У мамнун, қўлидаги май тўла косани бир қўтаришда сипқориб ташлади.

– Подшойим, хордиқ олсунлар, черингиз ёзилсун, яйрангиз, бугун ҳар ёқдан хурсандчиликлар хабарлари келмақда... набирангиз тўйи, Музaffer Мирзонининг Астрободга ҳоким бўлиши... Ёдингиздаму, мустаҳкам Балх қалъасини қўлга киритғонингизда, зафар шарафиға янги туғилғон ўғлимизгага “Музaffer Мирзо” деб от қўйғондингиз... Бу ёқда от, қўчкор, хўроларингизнинг соврун олишлари элга достон бўлди...

Маҳди улё шундай дегач, соқийга ишора берди. Соқий косаларга май қуиди. Машшоқлар ўз хизматлариға киришиши. Бирдан “Кошки” күшиги янгради, тўй ва йигинларда бу қўшиқнинг ижро этилиши одат тусини олганди. Нозанин раққосалар хиромон айлаб гўзал рақсни бошлаб юбордилар. Май косалар эса айланишдан тинмасди.

О, “Кошки”! Дўстим иккимиз севадиган қўшиқ... Савту наво-о-о!... Дўстим Амир Алишер ҳозир қаерда экан-а... Дўстимни соғиндим... Кошки, ёнимда бўлса-а-а... Май!.. – хитоб қилди Хоқони мансур.

Ҳадича бегим ўзи кўзани қўлга олиб бетимсол қадди камолини намойиш қилиб, ноз-карашма билан подшога май қуйиб бера бошлади. “Яхшиямки, Амир Алишер Машҳадга кетгонлар...” деб қўйди ичиди маҳди улё...

– Май сўрадиларми, бу қаттиқ мастилик аломати... Яна бир-икки косадан сўнг ҳеч нарсани билмай қоладилар... – шивирлади маҳди улё Низомулмулкка. – Фурсат етди... Фармонларни тайёрлангиз!

– Бош устига, – сархушликдан бепарводай жавоб қилди вазири аъзам...

Ҳадича бегим, раққосаларга, чиқиб кетинглар, дегандай ишора берди. Буни кўрган Қозикалон, Парвоначи, амир ул-умаро Саъдаққос ва бошқа мулозимлар ҳам аста ташқарига йўл олдилар.

Мусиқа садолари хиргойи ҳолатига ўтди, сўнг пасайди. Хоқони мансур кайфияти чоғ, чайкалиб ўтиради. Хуш кад, юзлари ол гулчехралар қўлидан неча бор қизил шароб жомларини сипқорди, райҳоний майкосаларни оқ қилди... Май сўраганда, Ҳадича бегимнинг ўзи ҳам дарҳол муҳайё қиларди.

Ҳадича бегим вазири аъзамга буюрди:

– Фармонлар келтирилсун!

Низомулмулк бошқа хонага кириб фармонларни олиб чиқди. Унинг қўллари сезилар-сезилмас титрарди.

Ҳадича бегим Хоқони мансурга мурожаат этди:

– Хоқони мансурим! Буйруғингизга кўра, шаҳзодаларга мулк бериш ҳақида фармонлар тайёрланғон эрди... Ҳм-м...

Низомулмулк қўли қалтираб фармонни тутди.

Хоқони мансурнинг фармонни ўқишига мажоли йўқ эди.

– Бу нима-а?.. – дея тикилди вазири аъзамга... Низомулмулк ёлворгандай Ҳадича бегимга илтижоли қаради.

– Бу... ардокли ўғлингиз Кепак Мирзога Сарахс ҳокимлигини тобшуриш ҳақида... фармон... – Ҳадича бегим фармонни имзолашга тўғрилади. – Розилингизни олғон эрдим-ку, ўша...

– Ўқилғонму?.. – сўради подшо фармонни яхши илғамай.

Низомулмулк ҳаяжонланиб, ишнинг пачавасини чиқаришига оз қолди, лекин ўзини ўнглади ва дадил деди:

– Шубҳасиз, подшоҳим! Ўқилмай бўладими? Ҳаммаси ўқилғон... ўқилғон...

– Мана буниси яхши кўргон ўғлингиз Абулмуҳсин Мирзога Балхни тобшуриш ҳақида ... – жилмайди маҳди улё. – Ўзлари айтғон эрдилар...

– Ҳа, ҳа, Балх... Балх... айтғондим. Ўқилғонму?..

– Ўқилғон, ўқилғон!

Хоқони мансур унга ҳам ўқимай муҳр босди.

Шу орада подшо май талаб қилди. Маҳди улё дарҳол шароб тўла косани узатди.

– Май... яхши нарса-да-а... ким чиқарғо-он ўзи... – подшо косани симиргач, бир пишқириб қўйди.

Мұхаммад АЛИ

– Мўмин Мирзога қани?.. Менинг суюкли набирамга?.. – сўради бирдан подшо. – Унга унча узо-о-оқ-мас, Маш-ш... ҳадни беринглар...

Ҳадича бегимнинг аъзойи бадани жимирилаб кетди, Низомулмулкни қалтироқ тутди. Иккиси маъноли кўз уришириб олдилар.

– Мана... ўша Мўмин Мирзо... ҳақидаги... фармон...

Вазири аъзамнинг қўллари титраб фармонни ҳеч узатолмасди. Ҳадича бегимнинг жаҳли чиқди: “Ҳали ҳам сал қолди ишни бузиб қўйишига...” деди ўзига ўзи. У вазирга бир олайиб қаради-да, фармонни шарт қўлидан юлиб олди ва Хоқони мансурга узатди...

Аввалги фармонларни ўқимай муҳр босган подшо негадир бу фармонни ўқимоққа тутинди ва синчиклаб қарай бошлади. Буни қўрган Ҳадича бегим оёқларигача музлаб кетди, Низомулмулкнинг кўзлари даҳшатдан ола-кула бўлиб, гарангсиб қолди.

Хоқони мансур тимирскиланиб, фармонни тўғрилай олмай қийналарди. Ниҳоят тўғрилади, кўзига яқин олиб келди ва... узоқ термилди... аммо мастиликдан кўз олдини туман босгандай аниқ кўрмади, фармон қўлидан тушиб кета бошлади...

Жимлик чўқди. Маҳди улё ҳам вазири аъзам ҳам тошдай қотиб туришарди...

Ҳаддан зиёд кайфи ошган Хоқони мансур сўради:

– Маш-ш...ҳад-а, Машҳад... Ўқилғон-а?..

Ҳадича бегимга жон кирди:

– Машҳад, подшойим, Машҳад... Ўзлари айтғон... Ҳа, ҳа... ўқилғон, икки марта, уч марта ўқилғон...

– М-м-м-машҳад... ш-ш-шоҳим... – дейёлди, холос вазири аъзам...

Хоқони мансур мастилигидан қўллари титраб фармонга муҳр босолмади, ёрдам бер, дегандай вазири аъзамга қаради. Сабри чидамаган Ҳадича бегим ундан олдин ўзи подшоҳ қўлини тутиб фармонга муҳр босдирди. Ҳориб-чарчаган подшоҳ “Гап тамом!” дегандай, мажолсиз ўтирган шоҳона жойида ёнбошлаб ётиб қолди...

Шернинг урғочиси қасоскор бўлади, маҳди улё Ҳадича бегим ана шунга ўхшарди. У вазири аъзамга аста шивирлади:

– Вақт кетмасун... тез Абдувоҳид ясовулни Ихтиёриддин қалъасига жўнатингиз! Тайинлангиз! Ўқдай учиб борсин! Ҳозирнинг ўзида! Қалъа ҳам узоқ эмас. Фармонни адо этсунлар, Мўмин Мирзони қатл этиб келсунлар!

Низомулмулк қадамларида катъият етишмагандай чиқиб кетди. Ҳадича бегим мулозимга буюрди:

– Малика Опоқ бегимни чорла!

Бироздан кейин эс-хушидан мосуво Опоқ бегим отилиб кирди! Маҳди улё ҳеч нарса юз бермагандай, ўзини хотиржам тутди:

– Опоқ! Хоқони мансур ҳордик олишлари керак... Сенга тобшурдим... Яхшилаб қара, парвариш айла, кўнгилларини равшан қил!

Опоқ бегим ҳайратуғазаб билан маҳди улёга қарапкан йиглаб деди:

– Қанақа хотинсиз, маликам? Наҳотки, шу... сиз бўлсангиз?.. Шунчалар бағрингиз тошми? Бағрингиз тошми?.. Сизда юрак, инсоф деган нарса борму ўзи?..

Ҳадича бегим кескин ичидаги дардини тўкиб солди:

– Мени билмайсанму?.. Менда юрак йўқ, тош бор! Билдингму? Мана шу кўкрагимда каттакон тош бор! Тош, тош!! Керак бўлса, боламни деб бутун вужудимни тошга айлантирамен! Боланг бўлғонда биласен!

Ҳадича бегим шиддатли қадам ташлаб орқа эшиқдан ташқарига чиқди. Узоқлардан орзу килиб келган нияти ниҳоят амалга ошди!

Хол-мажоли йўқ Опоқ бегим ўтириб олиб бошини чангллаганча хўнг-хўнг йиглади, кейин ўрнидан турди. Йигини йигиштириди.

Миясида бир фикр ярқ этди. Жонланиб, мааст-аласт ухлаб ётган подшо атрофида парвона бўлди, қўл-оёкларини тўғрилади, пешона, юз-кўзларини, томоқларини хўл сочиқда яхшилаб артди. Кейин бошини, оёкларини оҳиста уқалади, тепасига чойшаб ташлади...

Бирдан ўксис, подшонинг кўкрагига бош қўйиб хўнг-хўнг йигига тушди. Кўзларидан ёш тўхтамасди. Ногаҳонда кўзлари катта-катта очилди, йигидан тўхтаб, кўзёшларини артди. Ўз-ўзига деди:

“Эвоҳ, Шоҳ Фозий қандай фармонга муҳр босғонларини билармикинлар?.. Ие!.. Менинг суюкли ўглимни қатл этмоқчимилар? Қандай чидаб турамен? Дарҳол Шоҳ Фозийни уйготай, ахволни билдирай! Фармонларини бекор қилисунлар! Тез!”

Оппоқ бегим дарҳол подшо оёгини қаттиқ-қаттиқ уқалай бошлади. Бироз вақт ўтди. Ниҳоят подшодан ингрок садо чиқди.

– Султоним! Султоним... – ҳаприқди Опоқ бегим...

– И-и-им-м!.. – подшо инграб юборди. – Нима қиляпсен ўзи?

– Олампаноҳим!.. Даҳшат юз берди, даҳшат!.. Даҳшат!.. – зорилларди шўрлик малика, уқалаща давом этар экан.

Хоқони мансур ўзига келиб, зўрга кўзларини очди:

– Даҳшат?! Бу... нима деганинг?..

Опоқ бегим хўнграб юборди:

– Даҳшат! Ахир нима қилиб қўйгонингизни биласизму-у-у?.. Суюкли набирангиз Мўмин Мирзони қатл қилиш ҳақидаги фармонга муҳр босдингиз-ку, подшоҳим?!..

Подшо ўрнидан туриб кетди:

– Хой, нималар деяпсен?!.. Мен унга Машҳадни мулк этиб бердим-ку!!

Йўқ, йўқ!.. Сиз уни шаҳид қилишга фармон бердингиз!! – бақирди энди ўкраб малика. – Шахид қилишга!!!.. Сизни алдадилар! Абдувоҳид ясовул фармонни олиб аллақаҷон Ихтиёридин қальасига жўнаб кет-ди-и-и-ку!.. Кетди-и-и!..

Кайфи тарқаб кетган Хоқони мансур дарғазаб қичқирди:

– Э-э!.. Хой!.. Ким бор?!.. Дарҳол тўхтатинг, ўша бадбахтларни! Тўхтатинг!! Мунший!!!

Шу лаҳза Ҳадича бегим отилиб кирди ва Опоқ бегимга ўшқирди:

– Хой, нималар деб валдираяпсен, манжалаки! Подшомизнинг бошларини оғритиб! Эсини еган тентак! Ёлғон гапиряпти бу, подшоҳим! Ишонманг! Ҳамма гапи тухмат!

– Тухмат?!..

– Тухмат эмас, подшоҳим!.. – деди Опоқ бегим жон ҳалпида.

– Бунинг эси оғган! Ҳар хил тухматларни ўйлаб топади!..

– Тухмат эмас!! – қичқирди Опоқ бегим. – Тухматмас!.. Айтғонларим рост! Тепамда Худо бор!!!.

Ҳадича бегим ёлвора бошлади:

– Барি гапи ёлғон, подшоҳим!! Ёлғон гапиряпти бу мегажин! У жинни, фирт жинни!! У мени кўролмайди! Мендан ўч олмоқчи!..

Саросимада қолган Хоқони мансур яраланган шердай тебранар, гоҳ Ҳадича бегимга, гоҳ Опоқ бегимга қарап, қайсинасига ҳамла қилишни билмасди.

Шу палла мунший кириб келди:

– Жоним омода, ҳазрати олийлари!

– Тез фармонни бекор қилгувчи фармон ёз!..

– Баш устига, подшой олам! – қүл қовуштири мунший. Ҳадича бегимни қаттиқ саросима ҳисси чулғади. Опоқ бегимнинг күнгли ёриша бошлади.

Мунший шошилмай, ивирсинганча жузвондан қозоз-қалам олиб фармон ёзишга шайланди ва Хоқони мансурга юзланди.

Подшо хали сўз айтиб улгурмаганди, бирдан ҳаллослаган Абдувоҳид ясовул отилиб кирди! Ўзини подшо оёғига ташлаб, даҳшатли хабарни маълум қилди:

– Фармонингиз адо этилди, подшой олам! Мўмин Мирзо... қатл этилди!..

Ногаҳон қарсилаган момакалдириқдай хабарни эшигтан Хоқони мансур ўрнидан сапчиб туриб кетди ва шуурсиз қўлларини фалакка чўзди:

– О-о-о!.. О-о-о!.. О-о-о!..

Ҳамма деворнинг нақшидай қотиб қолди!

– Нима-нима?.. Вой ўлмасам!.. – деди Ҳадича бегим ҳайратини яшира олмай.

– Вой, вой... Нима-а... Ие-е!.. Во-ой- ой!.. – Бирдан Опоқ бегимнинг эси оғиб, эс-хушидан мосуво бўлди! У ақлдан озганди.

Ҳадича бегим даҳшат ичиди турган жойида “Вой мирзом”лаб ҳўнграб йиглашга тушди. Опоқ бегим бирдан қах-қаҳ отиб кулиб юборди!

Ҳанг-манг подшо ясовулга яқинлашиб, унинг ёқасидан олди ва бир неча бор қаттиқ силкалади:

– Нима... нима дединг, галварс? Мўмин Мирзо қатл этилдиму ҳали?!.. Мўмин Мирзо набирам-а?!! Суюкли набирам!.. А-а-а?!!..

Жон-пони чиққудай Абдувоҳид ясовул бўғилганча дудукланиб деди:

– М-м-мен... п-п-п-одшойи олам, ф-ф-фармонни адо этдим, холос...

– Йўқол кўзимдан!.. – бақирди унга Хоқони мансур.

Қотил ортга тисарила-тисарила ташкарига чиқди ва кўздан ғойиб бўлди. Шуурсиз подшо у ёқдан-бу ёққа юрар экан, олазарак атрофга қааради...

Опоқ бегимнинг хохолаб кулгани, телбаларча саннаётгани эшитилди:

– Мўмин Мирзо ўғлим! Ўғилжоним!.. Мени йўқотиб қўйдинг-а!..

Хоқони мансур бирдан даҳшатни бутунича англаб етди шекилли, бошини чангллаганча инграб, чуқур изтиробда наъра тортди:

– И-и-мм!.. И-и-мм!.. О-ох!.. Худо расво қилибдур! Худо уриб қўйибди-ку мени!!!.. Нима деган одам бўлдим?!.. Нима қилиб қўйдингизлар, Ҳадича-а-а?! Нима қилиб қўйдингизлар?!.. Хонавайрон килдингизлар-ку мени!.. Дунёга шарманда этдингизлар-ку!.. И-и-мм!..

Подшо жаҳл устида ёнидан қиличини суғуриб шуурсиз Ҳадича бегимга қараб юрди! Султоннинг важоҳатидан қўрқиб кетган маҳди улё тутқич бермай, дод солганча ортига тисарилиб қоча бошлади. Подшо ниҳоят етиб олди ва... жаҳд билан қилич солди! Ҳадича бегим усталик билан чап берди, қилич унинг бурни тагидан шувуллаб ўтиб, токчада турган катта хумга тегди ва иккига бўлиб юборди!

Кўзёшлиарига юзини ювган Ҳадича бегим подшо оёғига ўзини отиб ёлвора бошлади:

– Кечиринг, султоним!.. Мен... подшоҳим... мен эмас, подшоҳим! Мен билғоним йўқ! Мени кечиринг! Билмай қолибмен...Faflat босибдур... Фармонга вазири аъзам қўл қўйдирибдур...

Кўзлари чақчайган подшонинг шуури яшиндай тез тиниқлашди:

– Ким?!.. Ким дединг?!.. Вазири аъзам?! Низомулмулк?!.. И-и-мм!.. Ох, бадбаҳт!.. Қора илон! Заҳарли чаённи сақлаб юргон эканмен бағримда... Ўғлимни душман қилғон ҳам шу! Алишер кўп огохлантиргон эрди! Эрди... Қулоқ солмадим. Мана, оқибати! Алишернинг Мўмин Мирзони қанчалар ардоқлашини билиб, ҳам менинг, ҳам Алишернинг бағрини тилдилар! Тилдила-а-ар!.. Орани бузиб, бизнинг

дўстлигимизга рахна солмакни ўйладилар душманла-а-ар!!!.. Ҳам менга – зарба, ҳам Алишерга – зарба!.. Ҳам салтанатга!.. Мунший!! Мунший деяпмен!!!

Мунший югуриб келиб таъзим қилди:

– Қулогим сизда, подшойи олам!

Хоқони мансур буюрди:

– Фармон ёзилсун: вазири аъзам Низомулмулкнинг териси шилинсун!! Ўғиллари қатл этилсун! Моли-мулки мусодара қилинсун!! Ясовулларни чакир! Фармонни уларга тутқиз!

“Ҳалигина Мўмин Мирзо қатлини бекор қилишга фармон ёзишим керак эди, – ҳайратланди ичиди мунший. – Энди Низомулмулкнинг териси шилиниши ҳақида фармон ёзаман... Нималар бўляпти ўзи, э Худо!.. Ўзинг панохингда асрар!..”

Мунший тез ҳаракатга тушди. Фармонни ёзигб подшоҳга тасдиқлатди ва Абдувоҳид ясовулга узатди. Улар фармонни олиб эндигина эшикка боришган эди, орқадан Ҳадича бегимнинг залворли сўзлари жаранглади:

– Ҳой! Ҳаялламангиз!.. Ҳозирдаёқ подшойимнинг фармонларини адо этиб келингизлар!.. Жазосини олсун, ўша бетавфик!

Опоқ бегим Ҳадича бегимни қучоқламоққа интиларкан, хандон отиб куларди:

– Ўглимни кўрмадингизму, опажон? Мўмин Мирзомни-да!..

Ҳадича бегим шоша-пиша дераза томонга қочди. Хоқони мансур ётган жойида беҳол ўтириб қолди. Кутимаганда Опоқ бегим Паҳлавон Муҳаммад амалга киритган Ҳиротда машҳур бўлиб кетган “Чоргоҳ” қўшигини бошлаб юборди! Маликанинг майин ва ҳазин овози тун-яримда меҳмонхонага сифмай, деразалардан чиқиб бутун боққа тараларди.

Фожианинг эртаси куни бўйи ёқимсиз ёмгир шивалаб ёғди. Осмон йигларди... Шомга бориб булувлар ҳам тарқай бошлади, осмон кўзёш тўкиш беҳудалигини билди, ўзини ўзи овутди, мудхиш фожиадан шармисор бўлмай, тезроқ кўзлардан ниҳон қиласай, дегандай, қора чойшабини апил-тапил ер узра ёя бошлади.

Кечкурун Ҳирот аҳли кўкка боққанди, нурафшон ойнинг аламдан тирналган юзларида қора доғлар пайдо бўлганини кўрди...

Мотамда қолган шаҳар

Совуқ тақдир шамоли Ҳирот кўчаларини шип-шийдам қилиб, ялаб кетди...

Мўмин Мирзонинг мудхиш воқеаси пойтахт аҳлини жунбушга келтириди. Ҳеч ким уйида жим ўтиrolмай, Боғи Жаҳоноро томон ошиқади. Майдон олдидан одам аримайди.

Халойик ичиди саййидлар, фозилу фузало, уламо вакиллари, мутавалли-ю мударрислар, мухандису усталар, косибу талабалар, хотин-халаж, мардикорларни кўриш мумкин эди. Авомуннос йиғилиб чиққанди. Вазиятни ўзгартиришнинг чораси йўқлигини билишса ҳам, аллақандай илинж ҳеч кимни тинч қўймасди. Ҳамма у ёқдан-бу ёққа юрар: “Нима гап юз берди?” “Бу фожиа кимнинг кирдикори?” “Қачон?...” “Нега ахир?...” деган саволларга жавоблар излашарди. Оғир мусибатдан неча минг ҳалқу халойик бугун бир жисм бўлиб қолди.

Баланд бўйли бир одам, мударрис чамаси, гап сўқарди:

– Подшойи олам узум сувидан кўп ичиб қўйиб, қаттиқ масти бўлибдилар. Баднийт кишилар машъум фармонга муҳр бостириб олибдилар. Унда Мўмин Мирзони қатл этиш ҳақида ёзилган экан...

– Кимлар ўша бадниятлар?..

– Териси шилинибди-ку вазири аъзам, ўғиллари билан... балки ўшаларми...

Мұхаммад АЛИ

– Подшога ҳеч ким билдирмабдиму?.. – сүради яна овоз.
– Билдирмаганлар... Фармонга күл күйіб ясовулни Ихтиёриддин қалъасига юборгандан сүнгина, подшо үзига келган, ахволни билиб, дархол фармон бекор қилинсун, деган иккинчи фармонни битиб, йилдиримдай чопар жүнатган...

– Хайрият, хайрият... У ҳолда...
– Бироқ... Чопар Хиёбон күчасининг бошига етганда... қалъа томондан фармонни адо этиб хотиржам қайтаётган Абдувохид ясовулни учраттган. Вақт кеч бўлганди. Ясовул ҳам, чопар ҳам афсусдан чапак чалиб қолаверишган...

Шу пайт Гулханий деган соддаваш шоир ҳаммани оғзига қаратиб, даҳшатли янгиликни маълум қилди:

– Айтгон ясовулингиз бешафқат жаллодтур. Бундай ёвузлик ва инсофизликини ҳали олам кўрмагани аён. Шу ишни одам боласи қилғонми, деб ўйланиб қоласен киши. Жаллод норасида гўдак Мўмин Мирзони қатл этгач, одамларнинг фикрини чалғитиши учун, болажоннинг жасадини қалъа минораси устидан пастдаги тупроқ уюми устига ташлаган! Баттолни кўрдингизму? ...Эҳ, агар имкон топилса эди, ўша жаллодни Ихтиёриддин қалъаси минорасидан ўзим бошида туриб тириклай ерга улоқтиардим!..

Гулханий шу ернинг ўзида бадиҳа айтилган қитъасини ўқиди:

*Бозори зулм боз ривожи рёфт,
З-ин кофире, ки Мўмини бинро шаҳид кард.
Он жо Язид омаду кори Ҳусайн соҳт,
Ин жо Ҳусайн омаду кори Язид кард.*

“Ёвузлар!..” “Инсофизлар!” “Бағритошлар!..” “Ҷози қаролар!..” – деган овозлар эшитилди.

– Яқинда бир набира – Музаффар Мирзо ўғлининг данғиллама тўйи бўлди, бугун эса иккинчи набира азаси бошимизга тушди... – деди Гулханий. – Начораки, тўй билан аза ҳамиша ёнма-ён...

Ҳиротнинг таги тоза, инсофли бекларидан бири, Амир Сорбон барлос дархол фожия юз берган Ихтиёриддин қалъаси олдига этиб борди. Мўмин Мирзо хизматини қилган оғаси марҳум Довуд барлос хурмати, ҳеч нарсанинг юзига боқмай шартта бевакт кетган олий зотли бегуноҳ шахзоданинг жасадини ихлос билан ювиб, кафанлаб Инжил соҳилидаги Бадиа мадрасасига дафн этди. Ва бир неча кун ошу таом тортиш, кудратли Парвардигорнинг мўъжизавий каломини хатм этишда бош-қош бўлди. Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний ўқиган Куръон оятлари савоби Мўмин Мирзо қатори Амир Сорбон барлоснинг яқинда шаҳид кетган оғаси Довуд барлосга ҳам бориб тегарди, албатта.

Шайхим Сухайлий ҳазрат Навоийнинг Машҳадга кетганларидан боҳабар эди, бугун-эрта қайтишларини кутарди. Ногаҳон юз берган мудхиш воқеа ҳеч ақлига сифмасди. Ниҳоят эрталаб мулозимни чақириб, отни тайёрлашни буюорди. Даставвал Боги Жаҳоноро майдонига бормоқни чўтлади.

Майдонда одам кўп эди, ҳалқ у ёқдан-бу ёққа гурас-гурас кезиб юрап, ҳеч ким уйда ўтиrolmas, ҳамма ўзи билан ўзи овора, бу мудхиш воқеанинг қандай кечганига қизиқар, сўраб-сuriштиар, ногаҳоний бало-офатнинг қаердан келганини билишини истарди.

Шу палла хушчақчақ бир аёлнинг майдонда кимгадир гап ташлаб, гоҳ кулиб, гоҳ йиглаб юрганини кўрдилар. Бу ақлдан озган Опоқ бегим эди.

– Мўмин Мирзо ўғлим шу ердан ўтдими?.. Хо-хо-хо!.. Ўтдими? Кўрдингизларми? Ўтди, а?.. Ўша менинг ўғлим! У мендан қочиб юрибди... – бирдан йиглаб юборди

Опоқ бегим. – Сизлар яшириб кўйдингиз менинг ўғлимни! Топиб беринг! Излаб юрибман мен!..

Бирдан ёнидан ўтиб кетаётган кимсага қараб талпинди:

– Ие! Султоним! Хоқони мансур!.. Хоқоним! Ҳозир Мўмин Мирзо келади! Сиз ҳам қидириб юрибсизми? Кетманг!..

– Подшонинг хотини жинни бўлиб қолибди, деб эшитғондим. Ўша шу экан, бечора... – деди Шайхим Суҳайлӣ ўзига ўзи.

Шу палла Жаҳонородан сарой хонимлари қуршовида Ҳадича бегим чиқиб келди. У Опоқ бегимни кўрибоқ афтини буриштириди:

– Қаерга борсанг олдингда пайдо бўладур, тасқаранг чиқмай ўл!..

Ҳадича бегимлар аста йироқлашдилар. Юрак-бағри эзилиб турган кўк кўйлакли аёл кўзларида жиққа ёш, хандон отган Опоқ бегимни меҳр билан авайлаб: “Опажоним!” “Опажоним!..” дея елкасидан қучди, йиглай-йиглай, юпанириб четга олиб кетди. Опоқ бегим аёлни танимади. У Мўмин Мирзонинг онаси, ўғлидан айрилиб, адойи тамом бўлган муштипар Хоним бегим эди... Опоқ бегимга ўзини танишириб, кўнгил сўрамоқчи бўлди, аммо бунинг бефойда эканини хис қилгач индамади. Яхшиси, уйига олиб кетади, юпанириб тинчлантиради, хуши ўзига келмагунча кўчага чиқартирмайди...

Кўнгли хуфтон Шайхим Суҳайлӣ от бошини Үнсия тарафга бурди, Ҳазрат билан дийдорлашиб (агар сафардан қайтган бўлсалар), кейин шахзода дағн этилган Бадиа мадрасасига ўтишни мўлжаллади.

Үнсия ҳовлисига кириши билан Шайхим Суҳайлӣ бинафшазорга бокиб, Үнсия соҳибининг сафардан қайтганини билди: гуллар аллақандай яшнаган, жонлангандай туюлди, эрталабки шабадада байрамга чиқкан исирға таққан одобли кизчалардай тебраниб туришарди.

– Ўтган куни қайтдик... Мўмин Мирзо фожиаси ўн кун олдин юз берган экан... Ўшанда биз айнан Машҳадда эканмиз. – Шайх Бахлул хўрсинди. – Маънисиз сафар бўлди, Шайхим... Машҳад – Астробод – Ҳирот... Охири мана бундай фожиа... Ҳазрат эшитган заҳоти, қайғудан ўзларини осмондек саргардон сездилар ва хор бўлган заррадек паришонликка чулғандилару ўзларидан кетиб қолдилар. Икки кун ўзларини билмай ётдилар. Кўрқиб кетдик... Мўмин Мирзо унинг улуғ умиди эди... Ҳазрат эрталаб бомдод намозидан сўнг, ўзлари зўрға оёқда турсалар ҳам, тоқатлари тоқ бўлиб шахзода сағанаси бошига йўл олдилар...

“Ўзим ҳам шундоғ ўйлағон эрдим...” ўйлади ичиди Шайхим Суҳайлӣ бағри унишиб. Иккиси Инжил соҳилидаги мадраса томон жўнадилар.

Навоий Бадиа мадрасаси эшигига кираверишда ўнгдаги тўшаклар солинган супада Хондамир, Беҳзод, Бадаҳший, Бобоали, Шайх Бахлул, Султонали Машҳадийлар билан бирга ерга қараганча жим ўтиришарди.

Шайхим Суҳайлӣ шоирни сафарда нотекис йўлларда юриб хийла уринган, нихоятда хоргин ҳолда кўрди.

Навоий юраги қон бўлиб ўтирап, мудхиш жудолик оловининг дами пасаймасди.

Ҳа... ҳар бир фарогат жароҳатга яқин, ҳар бир муҳаббат изтиробга ошино, қувонч қайғуга шерик, тўй билан аза бир-биридан айрилмас... – деди Навоий ҳолсиз.

Ҳеч ким сўз қўшмади.

– Қазо ўқи беомон, унга, эйвоҳ, бирон қалқон чидамайдур, – давом этди Навоий. – Сўзлай десам, тилим лол, кўнгилда эса ҳол йўқ... Эй Оллоҳим, бизга шунчалар иноятлар кўргиздинг, балолардан ўзинг асраринг. Биз ношуқр бандаларингни ўзинг кечиргил! Сен дейсанки: “Мен бандамга фақат эзгулик тилармен, ёвуз ишларни

Мұхаммад АЛИ

бандам ўзи танлаб оладур!..” Сен ҳақсен, рост: ёмон йўлга ўзим кирдим, аён, гуноҳкоринг – мен, сен нечоғлик азиз тутсанг, шунча хоринг – мен!..

Шайхим Сұхайлій бир сўз айтиб Ҳазрат кўнглини овламоқчиди, лекин ҳозир бу нарса керакмаслигини англади, чунки унга даво-ю малҳам, юпатадиган, кўнглини юмшатадиган сўзнинг ўзи йўқ... Ҳар бир сўз ҳам ҳозир бу мусибату дардни ифода қилишга ожиз қолур, дардни енгиллатиш ўрнига уни чуқурлаштирур. Аксинча, Ҳазрат ўзининг ички аламлари, қора ҳасратини тўкиб-тўкиб солса, енгил тортадур, шу унга юпанч бўлмоғи шубҳасиз...

– Бори низо Астробод устида қуюлғон эрди, ҳамма ташвиш дўстим Султони соҳибқирон тепасига қора булуғдай ёприлғон эрди... – сўзини давом этдириди Ҳазрат, гўё у ўз-ўзини юпатарди. – Ҳайҳот! Ишонувчан эканларидан набирамга Машҳадни бердим, деб ўйлаб, шахид этиб юборғонини англамай қолибдур!

Бирдан одамлар ичида шу кунларда Майманада мадрасаса қураётган Ал-Мирак меъмор кўринди. У қўлида дастрўмол тутганча: “Вой жигарим!” “Вой жувонмарг бўлғон жигарим!” “Вой, ёш кетғон шаҳзодам!” деб бўзлаб йиғлаб келарди.

– Шавкатли шаҳзода Мўмин Мирзо бевақт оламдан ўтибдурлар, Ҳазратим! Қандоғ кутилмағон иш!.. Таъзиямизни қабул этингиз! Э. аттанг... Э, аттанг...

– Ҳа, бу ҳаммамизнинг бошимизга тушғон мусибатдур... – беҳол деди Навоий.

– Бағоят ақлли, зеҳни ўткир шаҳзода эрдилар раҳматли. Инжил бўйида Султон Бадиуззамон жанобларига мадрасаса қураётғон пайтимиизда шаҳзода ҳар куни келиб, ишимизни кузатардилар. Жузжон кўприги ҳақида сўраб турардилар. Кўприк битғондан сўнг шаҳзодани олиб бориб зиёрат қилдурмакни кўнглимга туккан эрдим. Энди армон бўлиб қолди... Жойларини жаннатдан қилсун.

– Ҳа, шаҳзода Мўмин Мирзо салтанат пешонасига битғон ёрқин юлдуз эди! Нечун уни суюб яратдингу, умрини қисқа қилдинг, эй Парвардигор?.. – Худога нола қилди Шайхим Сұхайлій.

– Ҳазратим, каминани афв этурлар... – ўйланганча, минг истиҳолада сўз олди Хондамир. – Хоқони мансур сизнинг яқин дўстингиз бўла туриб, сиз каби зотга озор етказди, ардоқли Мўмин Мирзони – ўз набирасини қатл этдириди! Шундай... қабоҳатга йўл кўйғон киши билан дўстлашмоқ мумкинму? Сизга жоним ачиғондан ачийдур, Ҳазратим! Бундоқ қишидан юз ўғирмок энг тўғри йўлдир!

Бу даҳшатли хулоса, беомон хукм эди. Уни ёқлагувчилар ҳам топиларди. Лекин дадил бир нима дейишга ҳеч ким ботинмасди. Одамлар индамай қолишиди. Ҳамма, табиий равишда, Шайхим Сұхайлійга қаради, чунки у – машҳур шоир, сарой кишиси, Навоийнинг “ёри азиз”и, унинг подшо олдида ҳам ҳурмат-иззати баланд, гапи кесади... Сўз айтса шу айтсин.

– Воқеалар – кундалиқдур, оқибатлар – мангалиқдур, – сўз бошлади файласуфона босиқлиқ билан Шайхим Сұхайлій. – Биз бундай ҳолларда машойихлар тутумини эсга олмогимиз жоиз. Инсон зоти ҳамиша аввало оқибатга қараб иш кўрсун, дейди машойихлар. Кундалик воқеалар – бамисли об-ҳаво, унга эргашиб қарор қилинса, хатога йўл кўйилиши муқаррардур. Кейин уялиб қолиш зукко инсонга ярашадурғон иш эмас..

– Ҳазрат, афв этадилар... – Хондамир нимадир демоқчиди, Навоий бирдан инграб юборди. У қаттиқ ҳаяжонга тушди:

– Оҳ, Хондамир! Хондамир! Нозик жайдан олдингиз... Подшоҳдан юз ўғиринг, дейсиз... Қандоқ юз ўғираи? Султони соҳибқирон бирлан бир умрлик дўстдирбиз, умримнинг бойлиги Султон Ҳусайн Мирзо бирлан дўстлигимдир. Умрим поёнига этиб турғонда, ногаҳоний сабаб деб, қандоқ қилиб бир умрлик тоат-ибодатимдан айрилай, бу дунёлигимни совурай? Охиратим куйиб кетади-ку! Бу адолатдан эрмас!

Түғри, Мўмин Мирзо менинг ардоқли шаҳзодам эди, ҳа, мен унга улуғ умидлар боғлағондим... Унинг мусибати нечоғлик оғир эса-да, бизнинг Султони соҳибқирон билан дўстлигимизга дахл қилмақдин ожиздур! – қатъий деди Ҳазрат. – Бизлар бир кўз аросида жойлашғон икки қорачуғдурбиз, икки қуёш авжидан пайдо бўлғон бурж... Бир ғунча аро битғон икки гул... Бир бешикда ётғон икки гўдак... Бир бодомдаги ялакат мағиз... Тақдир зарбаси тушиб бодом чақилмаса, ялакат мағизлар то қиёматгача бир-биридан ажралмайдурлар!..

Бир аччиқ ҳақиқат борки, уни англаб етмак керак: Шоҳ Ғозий бу гуноҳни билиб эмас, билмасдан ғафлатда қилиб кўйдилар! Ёнма-ён туриб мен ҳам ғафлатда қолдим-ку!.. Ҳозир дўстимга жуда ҳам оғир, унга маломат тошини отиш эмас, балки дардини енгиллатадурғон малҳам сўзларни айтмагим, юпантиргамиг жоиз. У – ёлғиз! Унинг мендин ўзга дўсти йўқдир! Ҳаммаси – Оллоҳнинг иродаси!

Хондамир даст ўрнидан туриб Ҳазрат чопонининг пешини ўпид уч бор кўзларига суртди:

– Ҳазрат, афв этсунлар... Камина англамабмен: ростдан ҳам Шоҳ Ғозийнинг сиздан ўзга дўсти йўқдир... Қизиқонлигим, ёшлигимга бориб, густоҳлик қилиб кўйдим, ножоиз сўзларни деб юбордим.

Навоий даҳшатли фожиани энди англаб етаётгандай, сал ўзига келабошлади:

– Афсусларким, Мирзо йигит бир гули очилмай туриб хазонга учради, давронни қонга ботириб, ёлқинлантириб кетди. Зулму озор етказувчи фалак иложини топганча хилвираган бу жонимни ҳалак айлади. Бу ҳолни тош кўриб, кўзидин қонли ёш тўкса не тонг! Адолат борми ўзи?! Агар адолат бўлса, бу дунёвий ғамандуҳдан нега ой ерга узилиб тушмайдур? Нега мангу осмон тоқи тўнкарилиб ерга куламайдур?.. Нега офтоб изтиробдин чак-чак эриб оқиб тушмайдур? Разил ҳаёт залворидан дунё ҳамон ўртанадур, барини кўриб туриб ҳам, ажаб, ҳануз ер тўхтамай айланадур, юлдузлар ёнадур?..

Шайхим Суҳайлий билан Беҳзод ҳазратнинг икки ёнига ўтиридилар ва Навоийни тинчлантиришга тиришдилар.

– Ҳазрат, ўзларини озгина ўйласунлар!.. – ўтинди Шайхим Суҳайлий Ҳазрат қўлларини майин уқалар экан.

– Ҳазрат, уриниб кетмасунлар... Уринмасунлар... – юпатарди Беҳзод кўзларига ёш келиб.

Хондамир дарҳол бир коса гулоб тутди.

Шу палла мулоғизим Шоҳ Ғозий жаноби олийларининг сафана бошига келаётганлари хабарини етказди. Ҳамма тараддудда жойидан қўзғалди.

Хоқони мансур Қозикалон, Парвоначи, амир ул-умаро Саъдваққос, янги вазири аъзамликка тайинланган Амир Ҳожа Афзал ва бир неча сарой аъёнлари кузатувида мадраса ҳовлисига кириб келди.

Султон Ҳусайн Мирзо мудхиш воқеалардан кейин бир ҳафта бетоб бўлиб ўрнидан туролмай кун ўткарди. Бехуд кунлари уйғоқлигини ҳам, ухлоқлигини ҳам билмади. Ногаҳон унга Навоийнинг Машҳаддан қайтганини айтдилар. Подшо ичида дўсти билан кўришишдан ҳам қувонди, ҳам дўстим юзига қандай қарайман, дея хижолат бўлди... Узок мулоҳаза қилди... Охири тақдирга тан бериш Оллоҳнинг кўрсатиб турган энг тўғри йўли эканига имон келтирди. Навоийнинг сафана бошига келганини эшитгандан кейин эса дўсти билан дийдорлашув умиди унга қандайдир куч-кувват берди. У Бадиа мадрасасига қараб йўл олди. Подшо дўстидан мадад истарди.

Навоий подшонинг ранги олиниб қолганини кўрди. Ичи эзилди. Бечора дўсти! Разил одамлар борки, яхши инсонлар йўлига ғов солишади, йўлдан оздиришади,

Мұхаммад АЛИ

чохга итаришади ва бундан чиркин қалблари чуонам яйрайдики!.. Уларнинг дунёга келишдан мақсади, вазифаси шу.

Шоҳ ва шоир бир-бирларига қараб юрдилар. Хоқони мансурнинг қийиқ кўзларида ёш, ўпкаси тўлиб, дўстидан нажот тилагандай бағрига отилиб, йиғлаб юборди:

– Каминани хўп мақтайсиз, Соҳибқирон деб... Мен ҳам лойдан ясалган, ҳом сут эмган бир бандамен, холос. Асло ўзимни, фаришта деб айтолмаймен. Майга ружӯ қўйдим, тушда ичдим, кечда ичдим, ётғонда ҳам ичдим... – Хоқони мансурнинг елкалари титрарди. – Ота-ўғил тил тополмас дунё экан бу, олтин қадаҳ тутади-ю ичида – оғу... Ахир ўғил отасига хизмат қилмагайму бобо набирасини ўлдиргайму?.. Оҳ! Оҳ!.. Бу қандай тескари қисмат ахир?Faфлатда қолдим-ку....

– Йиғламаймен, кўзёшларим куриб битди, кўзимда ёш қолмади, қайгу-ғам менга шерик эди, охири чидай олмай бу вайронна вужудни ташлаб кетди... – хўрсинди Навоий. – Ҳак-таоло берганини қайтариб олди, Ҳирот шаҳзодасиз ғарип бўлиб қолди... Ҳаммаси ўзимизнинг қилмишишимизга яраша...

– Ота, бобо оловида куйғон набирам Мўмин Мирзом, сен юрагимнинг меҳвари, салтанатимнинг гавҳари эрдинг, – йиғламсиради Хоқони мансур. – Қўлимдаги кабутарим, учдинг-да кетдинг... Бадбаҳт Низомулмулк, ичимдаги илон экан, Пули Молонда териси шилинди, ўғиллари қатл этилди... Нетай, қўлимни кўкка чўзсан кўлим етмайдур, ерга кирай десам, ер қабул этмайдур... Мен гумроҳни кечиргайсиз, пирим...

Ўртага сукунат чўқди. Навоий хаёлга чўмиб, уни қийнаб турган даҳшатли ташвишдан сўз очди:

– Бир нарсадин хавотирдамен.. Бир нарсадин... Шайх Маждиддин Бағдодийни қатл этғонларидан сўнг, шу машъум қадам касрига қолиб, Хурсон, Ироқ мамлакатлари вайронага айлангон эрди... Чингизхоннинг аскарлари мўрмалаҳ мисол ҳаёт боғларини пайхон қилди. Кўрқаменким, Мўмин Мирзо фожиаси ҳам юрт бошига кулфат, ғам-алам келтирмаса деб... Темурийлар салтанатини кулатмаса, деб... Парвардигор шундан асрасин!

Навоий нафас ростлади ва Султони соҳибқиронга қараб деди:

– Ёдингиздаму икков мактабда ўқирдик, ўн ёшдабиз, чаққон, жўшкин, пуршиддат... Аҳд-паймон қилдик, қасамёд этдик, ки Қуръон тутиб дўст бўлайлик умрбод, деб! Устод Шайх Савсаний гувоҳдурлар. Айб иш қилса, дўст ёқасидан дарҳол тутиш, ё дўстини ташлаб кетиш йўқ... дедик. Бошимизга минг турли бало тушса ҳамки, то ҳануз сўзимизда қаттиқ турдик, туурубиз, зинҳор қасамга хиёнат қилмагайбиз! Дўстни дўстдек қалб нури билан севмак керак, фазилати, ҳиммати-ю қусури билан, деган аҳдимизга содик қолдик! Қасам муқаддасдур. Гарчи ичим ёниб, бағрим тутаб ётса ҳам, мен қасам этагини маҳкам тутгаймен ва кечиргаймен! Темурхон шундок дебдурлар: “Чин дўст улдур, ки дўстдин ҳеч қачон ранжимайдур! Ранжиса ҳам, узрини қабул қиласур! Дўстдан ажралмоқ – жароҳатдур, ҳеч қачон битмас жароҳат!..”

– О, қанчалар ҳақсиз, Амир Алишер! Сиз ҳақсиз, Амир Алишер!.. – дерди Хоқони мансур...

Навоий Султон Ҳусайн Мирзо кўзларига тикилди... Кечган ёшлиқ йиллари, севги изтироблари, мустарликлар, саргардонликлар, жудоликлар, қувончли кунлар, ташвишли дамлар бир-бир кўнгилларидан сизиб ўтди... Икки дўст такрор бир-бирларининг бағирларига отилдилар ва тўлиб турган йиғини тўхтатмай, андишага бормай, аламли кўзёшларини яширмай, хўнг-хўнг йиғладилар, йиғладилар...

Бехосият чоршанба

Балхнинг Хожа Уккоша дарвозасидан шаҳарга кирилса, минг қадамлардан кейин Чорсу майдонига борилади. Майдоннинг шимол томонида Султон Бадиуззамон Мирзонинг икки ошёналиқ ўрдаси савлат тўйкан. Иккинчи ошёнадан шимолда бир замонлар Мовароуннаҳр хукмдори Амир Ҳусайннинг қароргоҳи хисобланган ҳашаматли Ҳиндувон қасрининг ҳаробалари яққол кўзга ташланиб туради.

Бадиуззамон Мирзо бутун уйқудан турганда бошида салқи оғриқ борлигини сезди. Негадир тўйиброқ ухлай олмади. Унинг устига ғалати туш кўрибди. Тушида ўғли Мўмин Мирзо билан доруссалтана Ҳиротда, Инжил бўйида онаизори Бека Султонбегим бино қилдирғон, Бадиуззамон Мирзо номига қўйилғон Бадиъа мадрасаси ҳовлисида юргон эмишлар. Кўнгиллар равshan эмиш. Ота ўғлига мадраса тарихидан сўзлаб берармиш... Кутимагандা мадраса дарвозасидан бир неча қора ниқоб кийғон кишилар кириб келишибди. Навкарларнинг ниятлари хунук кўринибди. Бадиуззамон Мирзо дарҳол Мўмин Мирзони маҳкам қучоқлаб олибди! Ота-боланинг қуроллари ҳам йўқ эмиш! Навкарлар бирданига Мўмин Мирзога ташланиб, олиб кетмоқчи бўлибдилар. Бадиуззамон Мирзо бермасликка қаттиқ уринибди. “Сур-сур” давом этибди... Улар зўрлик қилиб, Мўмин Мирзони ўзлари билан номаълум ёққа олиб кетишибди...

Бу қандай туш?.. Бу нимага ишора? Мўмин Мирзо Астрободни тутиб қололдими ёки кўлдан бериб қўйдими?..

Бадиуззамон Мирзо уч бор қарсак урди. Кўринишона эшигидан кирган мулозимга буюрди:

– Куръачи имом бобони чақир! Тушимнинг таъбирини айтсун!

– Бош устига, подшойим!

Мулозим кирди:

– Кулогим сизда, султоним!

Бадиуззамон Мирзо кескин сўради:

– Лашкар шайму? Қандаҳор ҳокими Амир Зуннун аргун кўшини етиб келдиму? Шайх Али-чи, Балх лашкари сардори?.. Довуд барлосдан хабар йўқму? Шитоб Астрободга отланишимиз лозим. Мўмин Мирзога мадад зарур!

– Қандаҳор ҳокими амир Зуннун аргун жаноблари ҳам, Балх доругаси Шайх Али баҳодир жаноблари ҳам шу ердалар. Шай туришибдур. Гурас-гурас навкарлар лашкаргоҳни тутиб ётибдур... Майдон танобини тортгувчи навкарларингиз: “Қачон Астрободга отланурмиз, жангга тушмоққа шаймиз!” дейишмоқда. Лекин Довуд барлос жанобларидан ҳали хабар йўқ... – жавоб берди мулозим.

“Довуд барлос Ҳазратга мактуб олиб кетғон эрди... Етказдиму ёки йўқму? Ёки бирга Астрободга йўл олишдиму?.. Ҳазрат борсалар-ку, айни муддао бўлур эрди...” – хаёлидан кечирди Бадиуззамон Мирзо.

Унинг сал сехраси очилди:

– Кўшин бошлиқларига етказгилки, чошгоҳда лашкаргоҳда машваратда кўришгойбиз!

Чошгоҳда тантанали суратда машварат бошланди. Айниқса, қундузлик нуфузли Амир Хисравшоҳнинг ҳозир нозир бўлиб етиб келгани Бадиуззамон Мирзони бағоят мамнун қилди. Унинг устига, Амир Хисравшоҳ қўли куруқ келмабдур, ўз одатича, совға-саломни ҳам қуюқ этибдур. Бир неча навкарлар кузатувида юборилган совғалар ичиди чодир, ўтов, саропарда, қатор-қатор тоза наслли отлар, кумуш узангили хачирлар, нафис ва зариф матолар, беадад олтин тангалар, дуру

Мұхаммад АЛИ

марваридлар бисёр эди. Ортидан ўзи ҳам ҳаялламай, султоннинг файзли қўлини ўпиш шарафига мұяссар бўлди. Бу ташриф Қундузга отланаман, деб турган қўшин мушкулини осонлаштирди. Энди Қундузга бориш шарт эмас...

– Мамлакатни босиб олмак елкамиздаги энг оғир вазифалардан биридур, – Бадиuzzамон Мирзо машваратнинг бошидаёқ, асосий мақсадни қатъий белгилаб қўйди. – Ортиқ бундай ҳолга чидаш мумкин эмас. Ҳаммамиз кучларни бирлаштиришимиз лозим. Бирлашган ўзар, дейишни яхши қўрадурлар бузруквор отамиз...

Амирлар, беклар, саркардалар бир-бирлари билан кўз уриштириб олдилар. Улар бир мамлакат ичидан ота ва ўғил ўртасидаги, жонларга тегиб ҳам кетган ёқимсиз, уч-кўйруғи йўқ тўқнашув ва жанжалларга тезроқ нуқта қўйилишини истардилар.

– Ўзим қўшинни созлаб Қандахорга йўл олурмен, – давом этди баланд оҳангларда Бадиuzzамон Мирзо. – Ва Амир Зуннун Арғун қўшини билан бирлашурмиз ва ўша томондан Хуросонга юз бургаймиз. Амир Хисравшоҳ жаноблари бу тарафдан Қундуз, Боғлон, Хутталон, Бадахшон Бодғис, Исфизор, Маймана, Марвичоғ, Гур, Соҳар, Фароҳ, черигини бир жойга йиғиб доруссалтана сари бостириб борадур... Инчунин, биз икки томондан бир вақтнинг ўзида доруссалтана Ҳиротга ҳужум бошлагаймиз. Пойтахтни эгаллаб олғонимиздан сўнг вазифа – Астробод бўлур! Шитоб Астрободга бориб шаҳзода Мўмин Мирзо тахтини устувору мустаҳкам қилиб қайтгаймиз. Иншоолло! Сафар – чоршанбаи муродбахш кунига белгиланур!

“Иншооло!” “Худо ўзи қўлласун!” “Йўл берсун!” сингари садолар янгради.

Ҳамма қўшин сардорлари лашқар аҳволи, ҳарбий қуроллар, озиқ-овқат захираси, жангчиларга улуфалар улашиш ва ҳоказолар ҳақида муҳтасар маълумотлар бердилар. Бадиuzzамон Мирзо ҳар бир саркардадан аскарларнинг қурол-аслаҳаси, кийим-кечаги, улуфаси ҳақида, умуман аҳволоти ва таъминоти тўғрисида бир-бир сўраб чиқди.

Бадиuzzамон Мирзо ҳали кечаси кўрган туши таъсирида эди, ҳозир ҳам боши хиёл оғриб турарди. У машварат тугаганини билдири.

Мулозимга, унинг кўзига қоронғи кўринадиган, юракни сикадиган кўринишхона деразаларининг яшилранг пардаларини тортиб қўйишни буорди.

Мулозим ишни адо этиб, кўл қовуштирганча чиқиб кетди. Хона энди ёруғ бўлиб қолганди.

Бадиuzzамон Мирзо беихтиёр дараза олдига келиб, шимол томонда Ҳиндувон қалъаси харобаларига қаради-ю эслаб кетди: Улуғ бобокалони Соҳибқирон Амир Темур худди шу қалъада Амир Ҳусайнни енгиб, давлатни мана шу Балхда қўлга киритғонлар... Улуғ салтанат тарихи айни шу Балхдан бошланғон. Эҳ-хе... Дунёни забт этиб, узоқ йиллар давру даврон сурдилар. Бадиuzzамон Мирзони ҳам олдинда ўшандай шарафли йўллар кутмоқда, Худо хоҳласа! Ундан кейин...

Ҳукмдор шундай ширин хаёлларга ғарқ эканида мулозим кириб, Ҳировул сардори келганини маълум килди.

– Кирсун! – деган ижозат берилди.

Кутилмаганда ҳаллослаган Ҳировул сардори ранглари оқарган, кўзлари қизариб шишган бир аҳволда дод солганча ўзини Бадиuzzамон Мирзо оёғига ташлади ва бошини ерларга ура бошлади.

– Ие?! Бу нима қилиқ?.. – сўради табиатан босик, ҳеч нарсадан ҳаяжонга тушмайдиган саботи мустаҳкам лашқарбошининг беўхшов тутумидан ҳайрон ҳукмдор... Унинг бундай одати йўқ эди.

– Хонавайрон бўлдик!.. Бир қошиқ қонимдан кечингиз, султоним! Хонавайрон

бўлдик!.. Хонавайрон!.. Бир қошиқ қонимдан кечинг... Бир қошиқ... Кечинг... – дерди нуқул Ҳировул сардори ердан бошини кўттармай.

– Астагфирулло!.. Ўзингни бос! Нима, деб сўраяпман? Ҳеч қачон сени шундай аҳволда кўрмағонмен?..

Ерга юзтубан ётган Ҳировул сардори юракни қиймалайдиган ингрок овозда фарёд қилди:

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним!.. Адойи тамом бўлдик... Бу дунёда тургим келмай қолди... Тургим келмай қолди-и-и... Дунёга ўт кетди... Ўт кетди-и-и...

– Кечдим... Нима-а... Ҳиротдан лашкар бостириб келмақдаму?.. Катта лашкар? Исини олдингму?.. Ҳа-а... ўзим ҳам кутиб турувдим... Мехрибон отамизни яхши биламен...

– Йўқ, йў-ў-ўқ! Лашкар бўлса кошкийди, султоним, кошкийди. Бир чораси топилур эрди... – хўнграшга ўтди қўзёши дарё Ҳировул сардори. – Сизга қандай айтамен?.. Шу иш менинг бошимга тушсин эди?.. Минг марта рози эрдим... Бир қошиқ қонимдан кечинг..

Бадиуззамон Мирзонинг тоқати-тоқ бўлди. Унинг устига, бош оғриғи кучайиб, тарс ёриламан, дерди. Газабдан овози кўтарилиб кетганини сезмади:

– Кечдим, дедим-ку, мусулмон!! Тур ўрнингдан!!!

– Хўп-хўп... турдим... мана... Суюкли шаҳзода... салтанат юлдузи... Мўмин Мирзодан... айрилиб қолибми-и-из! – ўрдани тўлдириб ўкраб юборди энди сардор бошини ерларга уриб. – Айрилиб қолибми-и-из!.. Абулғози Баҳодирхон ўз набирасини қатл этишга фармон этибдурла-а-ар...

Балх ҳукмдори ҳайратдан анграйиб қолди, кўзлари аламдан катта-катта очилиб кетди:

– Нима-нима?!.. Ё, Олло!... Адашмадингму? Нима деганинг бу?! Нима деяётғонингни биласенму?..

Шаҳзода турган жойида оёқларидан мадор кетгандай бир чайқалди, ичида бир нарса узилди, нимадир, гусса, мусибат занги, бевакт кетган фарзанднинг аччик доғи қўшилиб, пов этиб ўкраш бўлиб отилиб чиқди! Унинг кечагина суяниб турган тоғи, бугун энди йўқ!.. Ҳукмдор ишонгиси келмасди, бу ўнгидა эмас, гўё тушида юз бераётгандай туюларди.

– Ҳайҳо-от!.. Мўмин Мирзо ўғлим шаҳид кетибдур!.. Шаҳид кетибдур!.. Шаҳид!.. О-о-о!.. О-о-о!..

– Шоҳ Фозий фафлатда қолиб... мастиликда билмай фармон берибдурлар... – тушунтириди пиқиллаб Ҳировул сардори. – Бу мудҳиш ишни қилғон фитначи вазир Низомулмулк экан. Вазири аъзамнинг тириклай терисини шилиб олибдурлар. Икки ўғли ҳам қатл этилибдур... Саройда мотам эмиш... Хоқони мансур оғир бетоб бўлиб қолибдилар... Ҳазрат Навоий сафарда эканлар...

– Расвойи жаҳон бўлибмен-ку, ҳайҳот!.. Ё Олло! Ё Олло... Суянчигим, ишонғон ўғлимдан айирдинг-ку, ё Олло!.. Ё Олло!..

– Мўмин Мирзони Бадиа мадрасасига дағн этибдурлар...

Ўзини омонат тургандай ҳис қилган Ҳировул сардори тезроқ чиқиб кетишни истарди, у аста ортга чекинаркан ингрансииди:

– Мен қўшинлар ёнига борай... султоним...

Сардор худди пулсиrotдан соғ-саломат ўтиб олгандай алпозда секин сирғалиб ташқарига ўйналди. Бадиуззамон Мирзо буни сезмади ҳам...

У чуқур изтиробга чулғанганча тетапоя юра бошлаган чақалоқдай тебраниб, ҳолсиз қўринишхонанинг у четидан-бу четига бориб келар, шундай шароитда қандай йўл тутишни ўйларди.

Мұхаммад АЛИ

Бирдан безгаги хуруж қилиб, ич-ичидан иссиғи күтарила бошлаганини сезди. Мизождаги жузъий ҳарорат тақрор үйғонди... Ботиний вужуди худди қаттиқ қызиган құмда қолган буғдой донидек қөврилди... Дуди күкка күтарилди, ох-фарёди кайвон айвонидан ошди...

Шу палла масжид минорасидан пешин азона эшитилди:

– Оллоху акбар! Оллоху акбар! Ҳай-я аалас солааҳ!... Ҳай-я аалал фалааҳ!...

Во дариг! Қандай кунларга қолди шахзода? Қандай гунохи борки, парвардигор уни турли балоларга гирифтор қылмакда? Фарзанди аржумандининг фироқида куйиб адойи тамом бўлса, не тонг!.. Ҳайхот!

Энди у нима қилсун, эй Тангри таоло? Қўшин тўплаб отасига қилич ўқталиб борсинму? Илгарилари шундай йўл тутди, отасига қурол кўтарди... Бироқ, Пули Чароғдаги жангда отаси байроғидаги сирли маҳчага назари тушиши билан... ажабо, қиличи қўлидан тушиб, беихтиёр уруш бошлолмай от бошини қочиш водийсига бурди... Инсоф йўлинни тутди. У амин бўлдики, ҳеч қачон отасига қарши қурол кўтариб жанг қилолмас экан!

Ҳазрат Навоий ҳақ гапни айтғонлар, отангта қарши борғонинг мудхиш хатойингдур! Кўзингни оч!.. Бор фалокатни ўзинг бошладинг, эй ноқис банда! Норасида гўдакни каттанинг ҳам ақли етмас балолар гирдобига отдинг! Астрободга уни ўз қўлинг билан жўнатдинг-ку, ўлимга ўз қўлинг билан юборгон экансен-ку! Барчасига ўзинг айбдорсен, ўзинг гуноҳкорсен, ўзинг, ёлғиз ўзинг!!!

Бадиuzzамон Мирзо гўё ичидағини кимгадир тўкиб солгандай енгил тортди. Икки қўли билан қаттиқ оғриқ кирган бошини чангллаганча беҳол ўтириб қолди. Боши чўяндай қизиб кетганди.

У дунёдан юз ўтиргандай кўзларини қаттиқ юмди... Шу ҳолда қанча ўтирганини, – кунми, ой – билмади...

Бир пайт шом ғира-ширасида, завол чоғи чап томонда оқ кийимга ўралган шахзода Мўмин Мирзо... кўринди! Ажабо, ўзими?.. Ё... Руҳими?.. Шахзода аниқлай олмади.

– Бошингизни кўтарингиз, отажоним! Бу ҳаёт найрангларга бой экан. Ёш эдим, ҳали орзуларим мўлдан-мўл, излагоним факат донғил, тўғри йўл эди. Менинг кўнглим тоза, ҳали на бирор гуноҳ қилиб улгурдим, на ёр лабининг болини тотиб кўрдим... Ошиқлардай ёр сочини силағоним ҳам йўқ, отам-онам хизматин қилолғоним ҳам йўқ, Ватан деб куйиш сехрини дилдан тута олмадим ҳам...

Бадиuzzамон Мирзо бошини кўтариб, овоз келган томонга қаради. Пешонаси чатнарди, аллақандай шиддат билан шарт ўрнидан туриб, ўша ёққа бир-икки қадам ташлади:

– Ўғлим! Ўғилжони-и-им!.. – дея қичқирди талпинганча...

Мўмин Мирзо яқинлашишга қўймади, бир-икки қадам ортга чекинди.

Бадиuzzамон Мирзо эргашиб нолалар қилди:

– Ўғлим, ўғлим!.. Тўхта! Ташлаб кетма шўрлик отангни!.. Ташлаб кетма-а!.. Тўхта-а-а! Ташлаб кетма-а-а!.. Мени ҳам ўзинг билан олиб ке-е-ст!!!..

Бадиuzzамон Мирзо узоқлашайтган Мўмин Мирзога интилди-ю ета олмади... Мўмин Мирзо кўздан ғойиб бўлди. Бадиuzzамон Мирзо қўлларини чўзганча гурсиллаб ерга қулади ва боши деворга қаттиқ урилганидан ҳуши ўзига келди. Кўзлари ярқ этиб очилди...

Мулозим кирганда Бадиuzzамон Мирзо дараза олдида шимол томонга Ҳиндувон қалъасига тикилиб турарди. Шаҳзоданинг иссиғи пасайган, онги тиниклашган, бошида ҳам оғриқ йўқ, факат бошининг деворга теккан жойи лўқилларди, холос.

Мулозим Ҳиротдан чопар борлигини билдириди. Чопар – Хожа Дехдор экан. Хожанинг шаҳзода билан яқинлиги бор эди. У йигламсираб шаҳзоданинг тўни пешини ўпиди, уч бор кўзларига суртди.

– Кўнгилсиз иш бўлди, шаҳзодам... – деди Хожа Дехдор. – Ох, кўнгилсиз иш... Худо ҳеч бандасига буни раво кўрмасун! Таъзиямизни қабул этсунлар... Зинхор кўнгилни чўктирмасунлар, деб тайинладилар Ҳазрат... Ул зот камина қосидга юклаб, бир нарсани ўзларидан алоҳида тиладиларки, то муқарраби ҳазрати султон Низомиддин Мир Алишер жаноблари Балхга қадам қўймагунларича, шошилиб тинч ётган қилични қўлга олмасликни, сира бадният одамлар сўзига кирмасликни, факат сабр-тоқат этагини тутиб туришни ўтиндилар...

Хожа Дехдор кўл қовуштирганча ёнидан Навоийнинг Бадиузвамон Мирзога ёзган хатини олиб узатди. Шаҳзода хатни ўпиди мусибатдан хиралашган кўзларига суртди ва Хожага, ўзлари ўқисунлар, дегандай ишора қилди. У гапирмасди. Чунки унда хатни ўқишга на ҳол-мадор бор эди, на хоҳиш-ихтиёр...

Хожа Дехдор таъзим бажо этди-да, хатни очиб ўқий бошлади, хат ҳам муҳтасар битилганди:

“Муҳлисона таъзиядин сўнг қайғули арзадошт улким, бошимизга нақ осмон тўнкарилиб тушди... Офтоб бизлардин юз ўғирди, кавокиблар кўзёшларга айланниб ерга дув-дув тўкилди... Азал қисмат рўй-хотирга бориб ўлтирмайдур. Худонинг қилғонига асло шак йўқ! Ўзи берди, ўзи олди... Улуғ Парвардигорға шукрлар ва миннатларимиз бўлсун...

Алқисса. Довуд барлос ҳам шаҳзода жангиди шаҳид кетди, не қилайликки, йўналиш байробини охират олами томонга бурди...”

Бадиузвамон Мирзо ҳолсиз бош тебратиб ўтиради. У Довуд барлос келса, у билан Мўмин Мирзо ҳақида ҳасратлашмоқчи, ундан руҳий мадад олмоқчиди... Афсуски, энди у ҳам дунёдан ўтибдур... Ох, нималар бўлмоқда дунёда ўзи?..

У ҳолсиз қўл кўтариб Довуд барлос ҳақига дуо ўқиди.

Чиндан ҳам унинг сўз айтишга мадори йўқ эди. Шуурида Навоийнинг Хожа Дехдорни, асосан “шошилиб тинч ётган қилични қўлга олмасликни” хатда ошкор ёзишдан сақланиш учун шаҳзодага айтиб қўйишга юборганини фаҳмлади.

Ажабки, – шаҳзода буни кейин билди, “чоршанба” сўзи ўзида ғалати сирни яширган бўлиб чиқди: гап шундаки, – Бадиузвамон Мирзо муборак рамазон ойидан сўнг, чоршанба куни Пули Чароғда отаси билан жангга чиқиб, жанг қилмай юз ўғириб кетганди, худди шу – чоршанба куни Астрободга ҳоким этиб тайинланган Музаффар Мирзо Тошкўприк ва Мехранжуман мавзелари оралиғида жангда Мўмин Мирзо устидан голиб келибди! Яна гаройиби, Мўмин Мирзони қўлга тушириб, асир олган жангчининг исмини сўраганларида, у хотиржам: “Менинг исмим Чоршанба...” деб жавоб берибди...

Бадиузвамон Мирзо ширкорга тайёрланётганда, чоршанба куни одатдагидек, ўзи боқиб ўстирган лочин, қарчиғай ва бошқа қушларни кўздан кечира бошлади. Тўсатдан яхши кўрган, ҳар доим авайлаб юрган, катта ўлжаларга ҳам дадил чанг соладиган суюмли оқ шунқорининг ўткир тирноғи қаттиқ тошга тегиб қарс этиб синди... Шаҳзоданинг ичи қийилди.

Худди шу машъум чоршанба куни Ҳиротда Ихтиёриддин қалъасида бешафқат оқибатсиз бадбахтлар ҳеч бир андишага бормай бошқа бир шунқорлар шунқорини, Амир Темур Курагон сулоласи осмонида порлаб кўринаётган султонлик авжи юлдузи, келажакда Темурийлар салтанатини камолга етказувчи норасида Мўмин Мирзони қатл этдилар...

Хожа Дехдорнинг Балхга келиши ҳам чоршанба куни рўй берди...

Мұхаммад АЛИ

Бу ҳодисалар бир-бирларига боғлиқми, йўқми, буни фақат Оллоҳ билар, илло айтмас эди.

“Жаҳон сувнинг устида, умр елнинг кифтида қарор топгандир... Бу – бекарор дунёning ҳукми”.

Навоий ҳар гал бу ҳикматни эслар экан, банда унинг олдидаги ўзини ожиз сезади, тан олишдан ўзга йўл йўқлигига ишонч ҳосил қиласди.

Мўмин Мирзо фожиасидан лолу ҳайрон Ҳирот аҳли хеч ўзини тинч сеза олмас, безовта, ўзича куяр-ёнар, нолалар чекар, кўча-кўйларда, гузарларда йигилартарқаларди...

Навоий сафардан келибօқ Бадиаъ мадрасасига бориб, Султон Ҳусайн Мирзо билан кўришгандан сўнг Унсияга қайтди. Даставвал уйдан чиқмади, чиққиси ҳам йўқ эди, хеч ким билан учрашмади, учрашгиси ҳам йўқ эди. Ким биландир учрашилса, ҳол-аҳвол сўраладур, аҳвол эса ҳол сўрагудек эмас... Диллар зорланадур, одамлар кўнгилларни бадтар кон килиш учун бир-биридан кўнгил сўрайдурлар. Яхиси, бирорвга кўринишдан қоч, ўз кулбаннга бошур, ўзинг билан ўзинг бўл... Узлатга чекиниш йўлини тут...

У машъум хабарни етказиш учун дарҳол Ҳожа Дехдорни Бадиuzzамон Мирзо хузурига юборди-ю, барибир кўнгли тинчимади. Уч кун ўтгандан сўнг, сездики, бесабрликдан уйда ўтиrolмайдур... Охири, у ўзи Бадиuzzамон Мирзо олдига бормоғи шартлиги, ўзи билмай жигаргўшасидан ажралган, бағри узилган бечора шаҳзодани, ёш отани юпатиши лозим, замон қалтис, уни тинчлантириш, инсофли гапларга юзлантириши кераклигини англади. Шўрлик ота не ҳолга тушди экан? Тилаб олғон ўғил эди... Қолаверса, Навоийнинг ўзи ҳам сафарга чалғиб, фожиани унутишга ҳаракат қиласди.

Дарҳол йўлга чиққан Навоий Амир Бобоали ва яна бир неча навкарлар кузатувида Балхга етиб келди, йўлларда тўхтамади. Бир томони, чиндан ҳам, йўл Навоийни яхши маънода чалғитди.

Ҳазратни кўрибօқ, тўлиқиб кетган, кўнгли бўшашибган Бадиuzzамон Мирзо: “Ҳазратим!..” дея хўнграб йифлаганча ўзини Навоийнинг оёғига ташлади! Навоий: “Йифламасунлар, йўқ-йўқ...” дея юпатаракан, ўғлининг мусибатидан сўррайибгина қолган шаҳзоданинг кўлтиғидан олиб турғизди ва бағрига босди.

Ҳаётнинг беомон даҳшатли зарбасидан эсанкираган одамлар эдилар булар. Айниқса, Навоий... У Ҳиротда ҳам туролмайдур, Балхда ҳам узоқ қололмайдур. Ҳиротда дўстидан огоҳ бўлмоғи лозим, Балхда эса шаҳзодадан ҳол сўрамоғи керак...

Навоий Бадиuzzamонга кўп насиҳатлар айтди, жўяли маслаҳатлар раво кўрди, ҳадислар келтирди, донишмандларнинг ҳикоятларидан сўзлади... Ҳа, шаҳзода буларнинг кўпини аввал ҳам ҳазрат оғзидан эшитган, қулоғига олган, риоя қилган, лекин эътибор бермай ва баъзан атай унутиб кетгандарни ҳам хийла топиларди. Буларни эслаб ичидаги хижолат тортди, уялди. Лекин энди фойдаси йўқ.

Навоий Балхдан қайтганидан сўнг хориб-чарчагани билинди. “Инсон ўзи тошдан қаттиқ, руҳи ҳарирдур. Парваришга муҳтож эрур...” деди ичидаги ўзи. Бир ҳафта Унсиядан чиқмади. Уч-куйруксиз ноҳуш ўйлар уни ҳар ёққа тортқиларди...

Бинафшаларда ёр иси

“Жаҳон сувнинг устида, умр елнинг кифтида қарор топгандир... Бу – бекарор дунёning ҳукми”.

Навоий ҳар гал бу ҳикматни эслар экан, банда унинг олдида ўзини ожиз сезади, тан олишдан ўзга йўл йўклигига ишонч ҳосил қилади.

Мўмин Мирзо фожиасидан лолу ҳайрон Ҳирот ахли ҳеч ўзини тинч сеза олмас, бозовта, ўзича куяр-ёнар, нолалар чекар, кўча-кўйларда, гузарларда йиғилартарқаларди...

Навоий сафардан келибоқ Бадиаъ мадрасасига бориб, Султон Ҳусайн Мирзо билан кўришгандан сўнг Унсияга қайтди. даставвал уйдан чиқмади, чиқкиси ҳам йўқ эди, ҳеч ким билан учрашмади, учрашгиси ҳам йўқ эди. Ким биландир учрашилса, ҳол-аҳвол сўраладур, аҳвол эса ҳол сўрагудек эмас... Диллар зорланадур, одамлар кўнгилларни бадтар қон қилиш учун бир-биридан кўнгил сўрайдурлар. Яхиси, бирорвга кўринишдан қоч, ўз кулбангга бошур, ўзинг билан ўзинг бўл... Узлатга чекиниш йўлини тут...

У машъум хабарни етказиш учун дарҳол Ҳожа Дехдорни Бадиuzzамон Мирзо хузурига юборди-ю, барибир кўнгли тинчимади. Уч кун ўтгандан сўнг, сездики, бесабрликдан уйда ўтиромайдур... Охири, у ўзи Бадиuzzамон Мирзо олдига бормоги шартлиги, ўзи билмай жигаргўшасидан ажралган, бағри узилган бечора шаҳзодани, ёш отани юпатиши лозим, замон қалтис, уни тинчлантириш, инсофли гапларга юзлантириши кераклигини англади. Шўрлик ота не ҳолга тушди экан? Тилаоб олғон ўғил эди... Қолаверса, Навоийнинг ўзи ҳам сафарга чалғиб, фожиани унутишга ҳаракат қилади.

Дарҳол йўлга чиққан Навоий Амир Бобоали ва яна бир неча навкарлар кузатувида Балхга етиб келди, йўлларда тўхтамади. Бир томони, чиндан ҳам, йўл Навоийни яхши маънода чалғитди.

Ҳазратни кўрибоқ, тўлиқиб кетган, кўнгли бўшашибан Бадиuzzамон Мирзо: “Ҳазратим!..” дея хўнграб йиғлаганча ўзини Навоийнинг оёғига ташлади! Навоий: “Йиғламасунлар, йўқ-йўқ...” дея юпатаракан, ўғлининг мусибатидан сўррайибгина қолган шаҳзоданинг қўлтиғидан олиб турғизди ва бағрига босди.

Хаётнинг беомон даҳшатли зарбасидан эсанкираган одамлар эдилар булар. Айниқса, Навоий... У Ҳиротда ҳам туролмайдур, Балхда ҳам узоқ қололмайдур. Ҳиротда дўстидан огоҳ бўлмоғи лозим, Балхда эса шаҳзодадан ҳол сўрамоги керак...

Навоий Бадиuzzамонга кўп насиҳатлар айтди, жўяли маслаҳатларраво кўрди, ҳадислар келтириди, донишмандларнинг ҳикоятларидан сўзлади... Ҳа, шаҳзода буларнинг кўпини аввал ҳам ҳазрат оғзидан эшитган, қулоғига олган, риоя қилган, лекин эътибор бермай ва баъзан атая унутиб кетганлари ҳам хийла топиларди. Буларни эслаб ичида хижолат тортди, уялди. Лекин энди фойдаси йўқ.

– Шаҳзодам... Мард йигитдурлар, шижаот кўргизиб, ўзларини қўлга олсунлар... Ўтғон ишга ўкинмаймен, деганлар Темурбек Соҳибқирон. Бу Қуръони каримдан олинғон сабоқ... Ҳадид сурасидан. Шундоқ эркан, гина-кудуратларни йиғишириб, Оллоҳга гина қилмай, отадан ўпкаламай менинг изимдан доруссалтана Ҳиротга борсунлар... ва табаррук оталари билан ярашсунлар... – деди Навоий қатъий. – Отанинг этагидан маҳкам тутсунлар! Савобнинг улуғи шулдур! Бугунги кунда Хуросон салтанатида Худога ҳам, бандасига ёқадурғон тутумдир бу! Ахир ҳеч қачон отага қарши бориб бўлмайди-ку, бу, лоҳавло вало қуввати илла-биллах, Худога қарши чиқиши-ку!

Навоий охиста тин олди.

– Мана, Худо ўз жазосини бериб, кўзимизга кўрсатиб ҳам қўйди! Хуросон салтанати танг аҳволда... Подшоҳнинг эса энг биринчи суюнадурғон ўғли – Сиз... Отанинг ўзига эмас, ҳатто соясига салом бермак керак, йироқда эрсалар, исмларини

Мұхаммад АЛИ

әшитишлари биланоқ, ўриндан туриб ғойибона таъзим бажо этмаклари жоиз!! Сиз баҳтли ўғилдурсиз, отангиз борлар, ҳаётлар... Каминага ўхшаш отаси йўқлар не чора қылгойлар? Агар, ҳозир падари бузрукворим Ғиёсиддин баҳодир, муштипар волидаи зорим Қутлуқ бегим ёнимда эрсалар эди, дунёда мендан баҳтиёррок киши топилармиди экан? Топилмасди... Фақат, афсус чекамен, холос...

Шаҳзода ерга қараганча, ҳазратнинг ҳар бир сўзига бош тебратиб розилик ишорасини билдиради.

Навоий Балхдан қайтганидан сўнг хориб-чарчагани билинди. “Инсон ўзи тошдан қаттиқ, руҳи ҳарирдур. Парваришга муҳтоҷ эрур...” деди ичида ўзига ўзи. Бир ҳафта Унсиядан чиқмади. Уч-қўйруқсиз ноҳуш ўйлар уни ҳар ёққа тортиқларди...

Навоий бирдан сесканди: салтанат дарз кетмоқдаму? Қодир ал-каюм Парвардигор ўзи қўллаб, барпо этган Ҳурносон салтанати инқизорзга учрамоқдаму?.. Бу ноҳуш қадамларнинг бошланишиму? Субҳонолло! Мўмин Мирзо ҳаётлик вақтида бундай ўйлар хаёлига ҳам келмаган. Навоийнинг кўнгли тўқ эди-да... Энди салтанат қўрғонининг бир томони ўприлиб тушгани жаҳонга маълум бўлди.

Ха, бешафқат тақдирнинг шайини синди...

Вовайлоларким, ҳозир давлат бошқаришга лаёкатли шаҳзодалар Темурийлар салтанати уфқида кўринмайдур. Лекин... Андижонда Мироншоҳ Мирзо авлоди Умаршайх Мирзо ўғли Захириддин Мұхаммад Бобур деган шаҳзода вояга етмоқда. Ўн икки ёшида Фарғона вилояти ҳукмдори бўлди. Бу бежиз эмас...

Яқинда Бобур Мирзо Навоийга мактуб битибди. Мактубни ўқиб, шоир ҳайратланди, бу ўн икки яшар боланинг мактуби эмас... Ундаги ишонч тўла сўзлар мағзини чақиб кўрди, фавқулодда кўнгли ёришди, қандайдир ўз-ўзидан бир пайтлар саробга айланган умидлар нурланиб қолди, шаҳзоданинг қулочи кенг, қадами катта, нигоҳи ўтқир, нияти улкан эканини идрок этди, узоқларни кўрадурғон салоҳияти борлиги аниқ сезилди. Мана буни иқтидор деса бўладур! Агар Мўмин Мирзо ҳаёт бўлганда, Бобур Мирзо Андижону Самарқандни эгалласа, Мўмин Мирзо Ҳурносон давлати жиловини қўлга олса, икковлари – ақлли ва зеҳни чақнаган ёш шаҳзодалар Темурийлар салтанати довругини оламларга ёйишлари шубҳасиз эди!

Энди Навоий Султони соҳибқиронга айтсин, иккиси тезлиқда барча шаҳзодаларни йиғишилари лозим, замонга қараб иш тутишни, таҳт учун сира талашиб-тортишмасликни, тортишса, битта улкан таҳт парчаланиб кетишини, Фарғона вилояти ҳукмдори Бобур Мирзо билан баҳамжиҳат бўлишлари лозимлигини уқтиришлари зарур.

Шаҳзодаларга тушунтирилсинки, замона шундай, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқару аммо донғи чиқмас... Ҳаммангизнинг томирингизда Амир Темур қони оқиб турибдур. Иноқлик, иноқлик яна иноқлик зарур... Буни яхшилаб англаб олмоқ керак!..

Навоийнинг ҳам, Хоқони мансурнинг ҳам фикрларида жон бор, мантиқ кучли. Мантиқ-ку – мантиқ... Аммо, қанийди, одамлар мантиққа қараб иш кўрса! Шундай ўйлайдурғон зукко одам бизнинг замонда ҳам топилса! Лекин, “агар”ни “магар”га никоҳласа, бир фарзанд туғилади, уни исми “кошки”, дейди донишмандлар. Кошки эди, деб умид қилишдан ўзга йўл йўқ.

Навоий имкон топиб, ёш шаҳзода Бобур Мирзо билан учрашишни кўнглига туғиб қўйди. Бу ажойиб учрашув бўлади, ажойиб! Ҳозир Темурийлар салтанатининг бирдан-бир умиди энди – Захириддин Мұхаммад Бобур! Шарқдан порлаган юлдуз! Бунга шубҳа қилмайдур! Ёшлардан – умид. У, иншоолло, Соҳибқирон

замонларидек катта салтанатни тиклаб, хоҳласин Самарқандни, хоҳласин Ҳиротни, Андижонни, мамлакатнинг пойтахти қилиб давру даврон суражак! Бунга Бобур Мирзода иқтидор, акл-идрөк етарлидур. Унинг устига, ғазаллар ҳам ёзар экан! Ўқиб кўрди, содда ёзадур. Навоийнинг нияти ҳам шундог, содда ёзиш. Бироқ айrim ғазаллар ҳамон мураккаблашиб кетмақда...

Амир Темур авлодлари қонида асли шоирона рух бор... Азалдан шундок. Барчаси шоир! Чунки, саройларда кичикликдан шахзодаларни бошқа илмлар қатори, энг аввало назму шеър санъатларини ўргатишга алоҳида эътибор берадурлар. “Мажолис ун-нафоис”нинг бир мажлисини фақат Темурийлар туздилар ахир!

Балхдан қайтганининг саккизинчи куни шоир тонг-саҳар бомдод намозидан сўнг, бинафшазор сайрига чиқди. Ҳали күёш уйкуда. Тонгти насим эсарди. Навоийни кўришиб барча бинафшалар ҳаракатга тушиб қолдилар. Қалдиргоч мимитгина тумшуғида болаларига егулик олиб келганда, палопонлар бари бирданига оғизларини очиб чирқиллаб турғанларидай, бинафшалар ҳам гўё тебранишиб бошларини чўзиб Навоийга интилардилар. Жуда чиройли манзара юз берганди.

Бинафшазор шоирни ўзига чорларди. Бинафшалардан ёр иси келарди, Бадъеулжамолнинг ҳаётбахш иси, бўйи...

...У гуллар ўртасидаги чинглинг нақшлар билан безалган сўрига қараб юрди. Сўрига ҳоргин ўтиаркан, атрофга назар ташлади: тўрт томон бинафшазор... Навоий доим шу ерда, тепада Оллоҳнинг гувоҳлигида, маҳбубаси Бадъеулжамол билан хаёлан сирлашарди. Бутун олам сукунатда уларнинг сассиз сўзларига кулоқсоларди...

Ўйлаб қараса, бошидан кўп савдолар кечибди. Навоий маҳбубасига сўзлай кетди...

...Ха, бу хоксор ва паришонрўзгор зот болаликдан то шу дамгача доли дайр дардисарликлари, айланувчи фалак ҳодисотлари, дунёнинг фитналар қўзговчи буқаламунликлари, йўқ-йўқ, очиқдан-очиқ айтилса, товламачиликларидан кўп озорлар еди...

Замонанинг ранг сингари ранг-баранглигидан аниқ йўл тополмай, кўп вақт ҳар хил хаёл ва ташвишлар исканжасида тентираб юрди... Гоҳ хорлик ва машаққатлар турбатхонасида нолалар чекди, гоҳо иззату эъзоз ва эҳтиром чаманида нафис мажлислар қурди. Турли йўлларга кирди, яхши-ёмоннинг хизматига бош сунди, йўқсуллик, етишмовчилик йилларида, юзи қаро замонларда мадрасаларда пойгаклардан жой олди, олимлар анжуманларида илм нуридан дил пучмоғларини ёритди, кўнгли рўшнолик кўрди, тақвodorларнинг масжидларида улар қадами етган жойларни азизлади, кўп сажда қилганидан манглайи гурралар бўлганини ҳам яширмайди.

Гоҳо табаррук хонақоҳлар обдасталарига сув қуйиш билан эътибор қозонди, гоҳо хароботийлар майхоналарида кўза кўтаришлар билан ўз қадрини оширди. Баъзан қабиҳ ва разил кишилар қошида хўрланди, алам қиладиган жойи, нокас одамлар олдида эътиборсиз қолиб кетди...

Навоий бирдан Бадъеулжамолнинг чуқур хўрсиниб кўйганини сезгандай бўлди... Ё бўлдими?.. Юраги ҳаприқди.

...Гоҳ она шаҳри одамлари жабридан азият чекди, гариблардан ошно тутинди, бир кун тоғлар чўққиси – оромгоҳига, бошқа кун эса саҳро этаги – паноҳига айланди. Гардун унга жафо-ю жабрлар кўргизди, андишасизларча баҳти йўлига фовлар ташлади.

Мұхаммад АЛИ

Аммо салтанат ишларига қаттық киришиб кетганида, амалдорлик курсисида эканида құнгил мулкини турли кимсалар иддаоси, ноңақ ҳужуми пайхон қылди. Гоҳ амирлик маснадида үлтириди ва саройда туриб халқнинг арз-додини тинглади, гоҳ подшоҳға вазир бўлди, унга умидвор қараб турганларга мурувватлар кўргизди...

Гоҳи, ўзи отилиб чиқиб, подшоҳлар орасига тушиб, уларни келиштириб қўйди, гоҳи эса уруш майдонига кириб, жоҳил ва нодонларнинг тухматларига ҳам қолди. Баъзан халқ учун хайрли иш қилувчилар сафига қўшилиб, ҳар хил бино, мадраса, масжидлар, кўпприклар бунёд эттириди...

Алқисса, оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришиди, катта-ю кичикнинг феъл-хўйини ўрганди, яхши-ёмоннинг қилмишларини тажрибадан ўтказди. Эзгулик ва ёвузликлар шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрди...

Лекин бошига, ҳайхот, бало-офат ёприлди, бало-офат! Навоийнинг умиди, салтанат умиди, Темурийлар сулоласининг ёрқин юлдзузи, бор-йўғи ўн икки ёшли, ақли чақиндан тез ишлагувчи нодир ўғлон Мұхаммад Мўмин Мирзони ўлдирдилар нопок бадбаҳтлар!! Эйвоҳ!! Ўн икки ёшли бегуноҳ боланинг нозик бўйнига тиф уриш... мумкинму?! Қандай қўл борди?! Нечоғлик ваҳшийлик!.. Қабоҳат!! Яна фариштадай шаҳзода танасини Ихтиёриддин қалъаси минорасидан кераксиз буюмдай пастга улоқтирганлари-чи?.. О-оҳ!!.. Қандай ёвузлик!.. Разолат!! Шулар ҳам одам боласиму?..

Вой, юз мингвой, дунёнинг хушни ўғирлагувчи ибтилосидин¹, дунё аҳлининг жабру жафосидин, малолату изосидин! Наузу биллоҳ, абнойи² замоннинг ноңақ қасду фасодидин до-од!..

Навоий Бадъеулжамолнинг ўқсиб-ўқсиб йиғлаганини эшитгандай бўлди... Юраги қинидан чиқай деди! “Ха, шундай даҳшатли ҳол юз берди, Бадъеулжамол бегим!.. Шундай бўлди... Йиғлама... Ўқсинма!.. – оҳиста шивирлаб ғойибона маҳбубасини юпатди Навоий. – Бунда ўзим гуноҳкормен, ўзим! Менга ким қўйибдур Машҳадга кетишни! Нега кетдим?.. Нимага кетдим? Ҳиротда эрсам бундай фожианинг юз беришига асло йўл қўймасдим. Ҳабар топиб, бориб жаллодларнинг қўлидан қутқариб олардим! Энди куйиб-ёнишдан не наф? Мўмин Мирзо бамисли набирам, ўғлим эди... Бадиuzzамон Мирзога, Астрободни Мўмин Мирзога қолдиринг, бироннинг қўлига тушмасун, деб тайинлағон ҳам ўзим!..

Эҳ, оғир гуноҳ қилдим! Илгари бир неча марта ҳажга бориш ҳақида Хоқони мансурдан ижозатлар сўрадим. Ҳали ниятимға етғоним йўқ... Энди ҳажга отланишим керак, ҳажга бориб, бу оғир гуноҳларимни аритмоғим лозим...

Навоий ўзини ниҳоятда ночор, ожиздан-ожиз, ҳасдек бечора ҳис этди. Аъзойи бадани жимирлаб кетди.

– ...Басе иссиф, совуқ кўрдим замонда, Басе аччиғ, чучук тотдим жаҳонда... Эй, бевафо дунё!!.. – деб юборди шоир ўрганиб.

Шу палла гўё мўъжиза юз берди! Тонг ёқасини чок қилди-ю қуёш қўринди ва унинг илк нурлари Навоий манглайига келиб худди меҳрибон бир қўл сингари майнингина уринди. Уринди эмас, балки манглайини, бошини меҳрибонона силади, эркалади...

Навоий алланечук бўлиб кетди, унга қандайдир куч инди, кувват кирди, енгил тортиди... Миннатдор шоир беихтиёр қуёшга қаради: лим-лим нурга тўлиб, тошиб кетай-тошиб кетай, деб юксак авжда ловуллаб ёнаётган қуёш унга самимий жилмайиб бокарди... Бу, ўша, ҳар куни чиқадиган қуёш эди, лекин шоир кўрдики, бугун у ўзгача, қандайдир яқин, сирдош, меҳрибон қуёш эди!

¹ Ибтило (*араబ*) – мубталолик.

² Абно (*араబ*) – ўғиллар, болалар, мальносида.

“Үксинма!.. Ҳаёт ҳали олдинда!..” дегандай бўларди осмон соҳиби, худди Навоий кўнглидаги умидсизлик, ночорлик, нотавонлик, ожизлик туйгуларини билиб тургандай.

Қуёш дерди: “Менга бок: тонг-саҳардан уйғониб кечгача дунё кезамен, аммо толиқдим демасмен, кечқурун хориб-чарчаб, ботишинга тўгри келадур. Аммо мен ботиб кетар эканман-да, дея, умидсизликка тушмасмен. “Ҳаёт ҳали олдинда!” деган яхши кўрган шиоримни маҳкам тутиб, тонгда яна осмон сайрини бошлаб юборгаймен!”

Қуёшнинг нури Навоий кўнглига ҳусн, оро берди. Парвардигорнинг мўъжизаси – Қуёш! Навоий буни яна теранроқ англади. Қуёш! У қанчалар саховатли, борини дунёга, инсонларга тўкиб соладур, аммо буни ҳеч қачон миннат қилмайдур. Ҳамиша чеҳраси очик, қовоқ солишини билмайдур, у шу қадар олийҳимматки, дўстга ҳам, душманга ҳам меҳрибонлигини аямайдур, турган-битгани нур бўлгани учун, ичикоралик, қора ниятлар унда мутлақ йўқ! Қурт-қумирсқа-ю ҳайвоноту наботовот, ўрмону чўл унинг марҳаматидан бирдай баҳраманд! Ҳа, шундок! У баланд чўққиларга ҳам, қия жарликларга ҳам, айқирган дарёларга ҳам, жилдираган ариқларга ҳам, гуллаган бўстонларга ҳам, бепоён саҳроларга ҳам бирдай нур сочадур, ҳеч кимни айирмайдур. Минг-минг юлдузларга нур улашадур. Ҳар куни оқшомда хабар олиб, ойнинг чирогини ёқиб қўйишни унутмайдур. Одамларга эзгулик, оламларга яхшилик тилайдур!

Қанчалар куч-кудрат, маҳобат! Унинг нури осмондаги булатларни заррин рангларга бўйайдур, оёқ остида хор ётган чангни ҳам, бироннинг назари тушмас ботқоқни ҳам ўкситмайдур... Қанчалар камтарлик ва хокисорлик!

Навоий қуёшга ҳавас қилди. “Инсон зоти ана шундай қуёш бўлмоғи керак!” – деган улуғ ва қутлуг фикр ўтди хаёлидан! Биринчидан, унинг юкорида осмон тоқида эканининг ўзи юксак мавқеини аён қўрсатиб турибди. Осмоннинг қоқ марказида ўрнашгани эса уни осмон устуни дейишга лойик. Ҳа, осмонда юлдузлар кўп, лекин қуёш – ягона...

Ўчмас меҳр шуълалари

Бир ойдирки, Боги Жаҳонорога подшо ҳузурига ҳеч ким ташриф буюрмайди. Бошқача айтсан, ҳеч ким чақирилмайди... Мўмин Мирзо фожиасидан сўнг, боғ худди ўлик чиққан ҳовлидай сокин бўлиб колди. Наинки боғ, ҳатто бутун шаҳар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Инсоннинг бошига қайғу тушса, энг мақбул йўл унинг ўзи билан ўзи ёлғиз қолганидир. Энг яқин дўст, маслаҳатгўй – унинг ўзи. Хоқони мансур худди шундай онларни бошдан кечирмоқдайди.

Ҳадича бегим подшога кўринмаслик учун “бетоб” бўлиб ётиб олган, ўз бўлмасидан чиқмайди. Мўмин Мирзо ўлеми сабабчиси Низомумулк аллақачон териси шилиниб жазосини олса ҳам, фожиа ҳақида бирор эсламаса ҳам, негадир маҳди улё ўзидан ўзи безовта...

Бугун эрталабдан саройда жонланиш сезилди. Хиёбонлар янгидан супуриб чиқилди, йўлакларга сувлар сепилди. Сарой мулозимлари, хизматчилар, қоровуллар у ёқдан-бу ёққа гизиллаб қолишли. Барчанинг кўнгли қандайдир ёришган, қора кунлар энди ортда, деб қувонган...

Хоқони мансур мотам либосини узоқ вақт ечмай юрди. Ўзини минг бор койиди, минг бир марта Худога нола-ю илтижолар қилиб, узрҳоҳлик русумини бажо айлади. Соқолининг икки чеккаси тамом оқариб кетди. У эгнига кўзга ёқимли қирмизи-яшил ипак ёпинчиқ ташлади. Бошига уч ўрама салла ўради,

Мұхаммад АЛИ

ўртасига қарқара патини қойилмақом санчиб олди. Навоий дүстининг шундай кийинишини ёқтиради.

Ха, бугун азиз дўсти Навоий билан дийдорлашади, унинг руҳини кўтариш учун ҳам чиройли кийиниши керак, кўзига абгор, уринган ҳолда кўринмасун.

– Ойнаванд кенг айвонга жой қилинсун! – буюрди Хоқони мансур мулоғимларга. – Фаму мотам зимистонидан ёргулликка чайлик энд...

Қўлида асо тутган подшо ичкіхонадан ҳашаматли айвонга қараб юрди. Гавда ҳассага суянган, кўнгил – гуссага... У хотиржам заррин тахтга бориб ўтириди. Подшодаги хушнуд кайфият боқقا ҳам ургандек, унинг ораста ва саришталиги яққол кўзга ташланарди. Яқинда бош вазир этиб тайинланган Хожа Афзал унинг атрофида парвона эди. Шу палла таклиф этилган амир ул-умаро Саъдваққос, Қозикалон, парвоначи, шайхулислом, амирлар, беклар, бошқа сарой мулоғимлари келишиб икки тарафда саф тортиб турдилар.

– Шаҳаншоҳимизнинг умрлари бардавом бўлсун! – деди Қозикалон таъзим қилиб. Бошқалар ҳам “Бардавом бўлсун!” “Бардавом бўлсун!” – дея сас бердилар.

Бироздан кейин мулоғим эълон қилди:

– Ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг соҳиб виқори, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг саромади, хайру эҳсонлар пешвоси, салтанат устуни, подшоҳларнинг қўлидан етакловчи, сulton ҳазратларининг яқин дўсти – муқарраби ҳазрати сulton, ҳақиқат ва дин низоми Низомиддин Мир Алишер ҳазратлари ташриф буюради-л-а-а-ар!..

Гуллар билан безалган йўлакда Навоий кўринди. Бу ҳамиша тетик юрадиган, қадами шаҳдам, бошқаларга руҳ бағишловчи одам эмас, балки бир неча кун ичida елкалари чиқиб қолган, ҳассага суянган, соқоли буткул оқариб кетган мўйсафид эди.

Йигилганлар буни кўриб, ҳайрат бармоғини тишлидилар. Ҳамманинг юраги эзилди. Унинг ортидан Шайхим Суҳайлий, Султонали Машҳадий, Беҳзод, Хондамирлар келишарди. Ҳар бирида бир заррин муқовали салмоқли китоб кўзга ташланарди. Хоқони мансур Навоийнинг анчагина чўкиб қолганини пайқаб ичи симиллади...

Қадамингизга ҳасанот, жонажон дўстим Амир Алишер! – деди Хоқони мансур ўрнидан туриб шоирга пешвоз келар экан.

– Вақтингиз ҳамиша чоғ бўлишини тилаймен, Султони соҳибқирон жаноби олийлари! – жавоб қилди Навоий.

Икки дўст бир-бирлари билан ҳамоғуш бўлдилар ва туриб қолдилар... Ўтага чўккан жимлиқда – жаҳоний изтироб, аччиқ армон, бедаво пушаймонлиғ, кўнгиллар фарёди, алам кийноги, аттанг азоби, чорасизлик ғурбати – бари-бари мужассам... Уларни сўзлаш, у ҳақда гап очиш шарт эмасди, нафсиларни айтганда, иккиси ҳам бу воқеаларни эсламасликка тиришишарди.

– Иккимиз ҳам, Амир Алишер, худди гўша тутқондек ўз-ўзимизга чекиндик. Гўша тутмок сиз билан бизга мутлақо ётдур...

– Зинҳор камина гўша тутмадим, – қатъий деди Навоий. – Заҳмат билан умримга сайқал беришда давом этдим. Ҳамиша Сизга қуллуқликда маош кўргизурмен. Она тилимни авайладим, унга руҳ бағишлай, дедим. Ватан тарихини ёзсан, ҳалқимни улуғласам... Яна достонлар, рангин ғазаллар, маснавийлар иншо этсан, жилд-жилд, жуз-жуз китобларга тартиб берсан, кошкийди... Назмни ҳам ўкситмасам, насрни ҳам. Султони соҳибқироннинг ҳиммати ва саховатини, муборак зикрини васф айласам, олам ибтиносига назар солсан, жаҳон интиҳосидин хабар олсан...

Навоий тўлқинланиб кетди. Хоқони мансур уни тинчлантиришга уринди:

– Иншооллоҳ, ниятингизга етгайсиз, Амир Алишер! Офарин! Ўзлари билурлар, жонсипор ғазалларингиз, латофатли достонларингизга ҳамиша муштоқдурбиз! Ўша кунларга етказсун!

– Қуллуқ! Аммо баъд: муборак буйруғингизни дил устига қўйиб, куллиётга тартиб бериш ишини якунинг етказғонимни билдиришга ошиқамен! Бир нидо: салтанат баҳрининг сиздай дурри яктоси наасби борасида қалам сурсам, юз минг хон ва хоқонни бир жузви мухтасарда йигиштирса бўлур, аммо ўзларининг тарихлари, қиссалари шу қадар улугки, уни қай сўзга сифдириш мумкину, қай саҳифага жойлашнинг имкони бор?

Лекин бу зинҳор хушомад эрмас, зинҳор! Бу дилимдаги рост сўзим. Агар Султони соҳибқироннинг ҳиммати, мадади, қайноқ меҳру эътибори, бегараз кўмаги, очик назарини ҳис қилиб турмағонимда, мундоқ душвор иш илгари бормоги номумкин эрди. Куллиёт ўзларининг таҳрир назарларидан ўтғони унинг шарафи бўлди. Тўрт фасл мисолида тўрт девонга тартиб берилди. Етти-саккиз ёшдин йигирма ёшгача болалик чечаклари барқ уриб очилғон умр фаслининг навбаҳоридир; анинг васфинда “Фаройиб ус-сигар”, яъни болалик гаройиботлари девонини ракам килдум. Йигирмадин ўттиз, ўттиз беш ёшгача, бу умр фаслининг ёзибур, гуркирағон навқиронлик, йигитлик ошуфталиги замони мадхинда иншо этилғон девон “Наводир уш-шабоб” – йигитликнинг нодирликлари деб аталди... Ўттиз бешдин қирқ беш ёшгача, ўрта ёш дейилур, умр фасли хазони етиб, тириклик боғи барглари тўкила бошлайдур, анинг таърифинда “Бадойиб ул-васат” – ўрта ёш ажойиботлари девонини туздум. Ва қирқ бешдин олтмиш яқинигачаким, бу умр фаслининг қишидур, унда киши букилғон қад билан йўқлик йўлига кирадур, замон аҳли билан хайрбод этадур... Анинг дуосинда “Фавоид ул-кибар” – кексаликнинг фойдалари девони битилди...

Хоқони мансур қувонганини яширмади:

– Агар устоз Махдуми Нуран Мавлоно Абдураҳмон Жомий, қуддиса сирруху, ҳаёт бўлғонларида, ҳозир Сизни бирга иккимиз муборакбод айлар эрдик...

– Ҳимматлари учун қуллук!

Навоий шундок дегач, орқасига ўгирилди ва Хондамирга ишора қилди. Хондамир қўлидаги китобни Навоийга тутди. Кейин Султонали Машҳадий, Беҳзод, Шайхим Суҳайлийлар ҳам қўлларидаги заррин муковали мұхташам китобларни Ҳазратга келтириб бердилар.

Навоий тўрт девонни олиб тавозе ила Хоқони мансурга узатди. Султон Ҳусайн Мирзо ўрнидан турди, аллақандай эҳтиётклик билан нозик нарсани ушлагандай авайлаб китобларни қўлига олди ва ҳар бирини ўпиб қўзларига суртди. Шайхим Суҳайлий подшонинг Навоий девонларини муқаддас деб хисоблаб, тавоғ этиши уларнинг чинакам дўстликларига ёрқин мисол эканини кўрди ва ҳавас қилди. Хоқони мансурнинг дўстига ҳурмати ниҳоятда самимий, покиза эди.

– Шоирнинг битган ғазали худди парвозга шай турғон илоҳий қушга ўхшайдур, – деди Хоқони мансур ҳаяжонда, уғурур билан гапираварди. – Агар тутиб қолмасангиз, бир лаҳзада ширин тушдек учеб кетадур... Ҳа, бу девонларни нур безаб турибдур, оламнинг нури! У нур коинотнинг тожи бўлғон инсоннинг умридур!.. Амир Алишер! Ўзлари Ҳаққа етишғон сиймодурлар! Аллақачон осмон тоқига чиқдилар, ой сатҳига қадам ташладилар, юлдузлардан юлдузларга ўтдилар...

Олқишлилар янгради. Хоқони мансур давом этди:

– Қани айтингиз-чи, қай миллат борки, ўзининг шундай қалами қудратли, зўр шоири билан фаҳрлана оладур? Қай миллат борки, ўзининг “Хамса”си билан, “Хазойин ул-маоний”си билан мақтаниб оламга суронлар соладур?.. Аҳсан, аҳсан, яна бир бор аҳсан, Амир Алишер!..

Барча Навоийни шарафлашга тушди. “Офарин!” “Салламно!” сүзлари айвонни тутди. “Навоий күёшdir!” “Навоий – миллат күёши!” деган хитоблар бир-бирига уланди.

– Бағоят хижолатмен, шунча мақтов, олқишлиар... – деди Навоий, ҳаяжондан унинг юзлари қизариб бўғриқиб кетганди. – Ахир мен не ҳам қилдим?.. Қиладурғон ишларим ҳали олдиндадур... Ҳаёт ҳали олдинда!..

Хоқони мансур ҳассани ҳам нарида қолдириб, айвонда юра бошлади. У қандайdir тетик ва шаҳдам эди. Шайхим Суҳайлий тӯғри мўлжал қилган экан: чиндан ҳам икки дўст учун назм ва шеър сухбати дунёда ҳамма нарсадан аъло, ҳамма дардларга даводир.

Султон Ҳусайн Мирзо атрофдагиларга назар ташлади, улардан оша айвон ойналаридан боғнинг шинам хиёбонига қаради ва босик деди:

– Сано Ҳаққаким, Оллоҳнинг инояти бирлан Ҳурросон салтанатини туздум, дунёга довруқ солдум, душманларимни тиз чўқтиридим. Бир бандага шу кифоя қилса керак. Аммо мен – Темурийлар ичида омади чопфон шаҳзодалардан биримен, – дунёда монанди йўқ яна бир салтанат бунёд этиб қўйибмен! Бу юракнинг туб-тубинда жойлашғон салтанат – сиз билан буюк дўстлигимдир, Амир Алишер!

Бу мисли кўрилмаган эътироф эди! Барча қарсак чалиб юборди.

Навоийнинг ҳам қалби “булк” этди ва ҳайратда Султон Ҳусайн Мирзога тикилди:

– Қандай улуг ҳикматни баён айладилар, Султони соҳибқирон жаноби олийлари! Камина ҳам шул ҳикматни юрагимнинг туб-тубинда сақлаб келар эрдим...

Хулосаи ҳаётимни бундоқ чамалаб кўрсам, ўтмишимга боқсам, бир ҳақиқат, ҳикмат кўз олдимда тоғдай кўтарилур: “Субҳонолло! Бу дунёда чин дўсти бўлган одамгина комил инсон деб аталиши мумкин экан!” Рўзи азал манглайимга муҳр босиб, шоҳ ила дўст бўлмоқни битибдур. Ҳа, дўстни инсон танламайдур, Худо берадур, чин дўст топфон инсонгина бу дунёда кўкрак кериб юрадур!

Бу сўзлар Хоқони мансурнинг юрак-юрагига етиб борди! Атрофдагилар айтилган дил изҳорларидан ҳайратда лол, шоир ва шоҳ сухбатларига маҳлиё бўлиб кузатар эдилар.

Бирдан Шоҳ ғозий жимиб қолди. Одамлар уни қандайdir ташвиш чулғаганини пайқадилар.

Султон Ҳусайн Мирзо жиддий деди:

– Ўргамизда бир можаро бор, Амир Алишер, кўп йиллардан бери ҳал бўлмаётғон...

Ҳамма саросимага тушди.

– Қандай... можаро эркан?.. – сўради Навоий ҳайрон.

– Низомиддин Мир Алишер – низоми диндор, у ўз ҳалқин виждонидур, бу – ҳақиқатдур! – деди Султони соҳибқирон. – Мен – Ҳурросон шаҳаншохи, темурийзода... Кўпдан бир орзум бор – ўзларини пир деб атасаму камина муридингиз бўлсан...

Ҳамма ҳайратга чулғанди! Подшо Навоийни пир деб атамоқда! Амир ул-умаро Саъдвақос, Қозикалон, парвоначи, шайхулислом, амирлар, беклар, бошқа сарой мулозимлари барчаси ёқа тутиб қолдилар!

– Субҳонолло!.. – деб юборди ўрнидан туриб кетган Навоий қўлларини кўксига қўйиб, нажот тилагандай атрофдагиларга боқаркан. – Бу қандоқ сўз ахир? Қандоқ сўз? Худо асрасун, бизда бундоқ хунук ният йўқдур! Зинҳор бундай сўзни демасунлар, гуноҳга қолгайбиз! Тўғри йўлдин адашмасунлар! Аслида, биз муриддурмиз, ўzlари пиrimizdурлар!

– Йўқ, йўқ, Амир Алишер... – кескин бош чайқади Султон Ҳусайн Мирзо. – Ҳеч замонда пир муридни пирам дейдирму? Йўқ... Хўй-ӯш, пир киму, мурид кимдур?

Қизғин баҳс барчанинг дикқатини ўзига қаттиқ жалб этди.

– Пир билан мурид орасида осмон билан ерча фарқ бор! – изоҳ берди Навоий ҳеч нарсани хаёлига келтирмай. – Пирнинг тилагини мурид ўз тилагим деб қабул қилғай.

– Ҳа, пирнинг сўзи сўз! Бас, оқ тулпоримни келтириңгиз! – фармон қилди сайисга Султон Ҳусайн Мирзо.

Дархол югани тилла, узангиси кумуш гижинглаган оқ отни етаклаб келдилар. Тулпор дам-бадам пишқириб қўярди.

– Камина пириңгизмен, сиз эса муриддурсиз, шундоғму? Демак, айтгоним вожиб: мен ўзларини пирам, деб атармен! – Подшонинг сўзи буйруқ оҳангидан чиқди. – Бас, минсунлар гижинглаган оқ ёл тулпорга! Ўзим уни етаклармен!

Навоий хижолатдан ер ёрилмас, ерга кирмас эди! У ҳамиша Хурросон шаҳаншоҳи Султон Ҳусайн Мирзо ҳақида: “шоҳлик – унинг “сурат”и, – дарвишилик “сийрат”идир”, дейишни яхши кўрарди. Ҳозир шоҳнинг олийжоҳ дарвишлиги намоён бўлаётганини сезди. У ноилож отга минди ва ёлворди:

– Гуноҳимни кечир, эй Оллоҳ! Отга миниб гуноҳга ботдим... Мен бечора бандангта ўзинг шафқат нурини ёғдиргил! Пир олдида юзим ҳам шувут бўлди, шувут... Ул зот ердалар, камина эса – отда...

Султони соҳибқирон оқ тулпорни етаклаганча, хиёбонни айланана бошлади. Кишилар улар ортидан боришарди. Бундек мўъжизани умрида кўрмаган издиҳом ахли “Нималар бўляпти ўзи” дегандай ҳайратдан ёқа ушларди, холос.

– Шоир учун ундан ортиқ сийлов, тақдирловнинг ўзи йўқ! – деб ҳайрат бармоғини тишлар эди айёнлар.

Султон Ҳусайн Мирзо билан Навоий ҳаприқишиб айвонга кириб келдилар.

Туш кўраётгандай бўлиб ўлтиришган одамлар олдинда яна бир мўъжиза дегулик ходиса уларни кутиб турганини билмасдилар. Чиндан ҳам бу, Хурросон ҳаётида барча орзу қилган, лекин рўёбга чиқишига ҳеч ким ишонмаган, етти ухлаб тушга кирмаган ноёб ҳодиса эди...

Ҳамма масъуд дамларни бошдан кечирмоқдайди.

Ногаҳон мулозим кириб эълон қилди:

– Валиаҳд шаҳзода Султон Бадиуззамон Мирзо жаноби олийлари ташриф буюрадила-а-а-ар!

Барча турган жойида бир неча лаҳза қотиб қолди! Тиллар лол, фақат хаёлларида: “Наҳотки? Доим отасига қарши тиф кўтарган, Ҳиротга бостириб бораман, деб ҳаммани қўрқитиб юрган, тинчлик бермаган, неча марталаб кекса отасини қиши демай, ёз демай гоҳ Балх, гоҳ Қандаҳор, гоҳ Ҳисори Шодмон томонларга от солишга мажбур этган, бетавфиқ тўнгич ўғил, энг катта душман Султон Бадиуззамон Мирзо ўз оёғи билан келиб турган бўлса?.. Илгариги душманликларга Мўмин Мирзо фожиаси қўшилиб, адоватлар мадда боғлаб, зил-замбил дардга айланаб, ғазаб отига миниб қасос қиличига кўл узатғон ўғил-а?..” қабилида турли қарама-қарши фикрлар ғужғон уради.

Султон Ҳусайн Мирзо таажжубда Навоийга қаради. Наҳотки... ўша ўжар димоғдор ўғли? Ўша тил уқмас қайсар ўғли-я?.. Ўн-үн беш йилдан бери Ҳирот замини унинг қадамига зор қолди. Ақли тўлишиб, панду насиҳатларга энди кулоқ осадурғон бўлибдиму? Энди отани ота, ўғилни ўғил ўрнида кўриб, инсоф кўчасига қадам қўйибдиму?.. Ҳа... Яна дўсти Навоий жон куйдирмакда, Навоий! Унинг дўсти, унинг яқини, аммо жаҳоннинг улуғи Низомиддин Мир Алишер!

Мұхаммад АЛИ

Бир неча айёnlар, саркардалар күзатуvida ҳарбий либосда ораста кийинган Султон Бадиuzzамон Мирзо салобат билан күринишхонага кириб келди. Унинг кўзлари тўла ёш эди, қаддини тик тутганча ўргада туришган Султон Ҳусайн Мирзо билан Навоийларга қараб юрди. Яқинлашиб эгилди-да, узок таъзим қилди ва тиз чўкиб, отаси тўни этагини уч марта ўпиди кўзларига суртди...

Навоий тўлқинланиб кетди ва деди:

– Султони соҳибқорон жаноби олийлари! Хайриятки, ота-бала аро мустаҳкам кўприк ташладим! Ётлашиб кетган икки кўнгилни бир-бирига боғлай олдим! Икки оролни ўзаро яқинлаштиридим, орол эмас, икки мамлакатни десангиз-чи!.. Сизни тавоғ айлагали, мана, дилбандингиз шахзода Бадиuzzамон Мирзо остонангизга бош уриб турибдурлар! – мамнун деди Навоий ва жилмайиб Бадиuzzамонга қаради:
– Кам бўлмасунлар, шахзодам! Замон Бадиuzzамонга боқмаса, Бадиuzzamоннинг замонга боқиши энг адолатли йўлдур! Зеро, “Оллоҳ хоҳлаган кишини тўғри йўлга ҳидоят этади”.

– Ассалом, эй падари бузрукворим! – нола чекди Бадиuzzамон Мирзо отасининг оёғига бош уриб. – Сизнинг босғон изингизга бу жоним садқа бўлсун, илохи! Турфаангиз фитначилар сўзига кириб, паст-баландга боқмай мен, ўғлингиз, сизга кўп бор қилич кўтардим... Гуноҳларга юз бурдим. Ҳайҳот, отанинг ҳеч қаҷон енгилмаслигини билмадим! Отага teng келиб бўлмаслигидан гоғил қолдим! Мен отамни ранжитибмен, катта хато қилибмен... Тавба дейман, тавба, Ҳудо ўзинг кечиргил!

“Баракалла!” “Умрингни берсин!” – дерди барча...

Бадиuzzамон Мирзо давом этди:

– Ҳайҳот, Мўмин Мирзо зое кетди, ёш умр ҳазон бўлди. Ўзим гуноҳкормен! Ўзим! Ўғлимни фалокатга ўзим йўллабмен... Эҳ, нодон! Астрободни қўлдан бермагин, деб бад қилибмен!.. Ўғлим кетгач, дунёда сиздан бошқа яқин кишим йўқлигини билди-и-и-им, отажо-о-он!! Ким бор яқиним?.. Сиз – ёлғиз қиблагоҳимсиз, буюрингиз, ёнингизда бўлайин, илохи дуонгизни олайин!

Султон Ҳусайн Мирзо ҳамон тиз чўкиб турган, лекин бегонадай бўлиб қолган ўғлига минг истиҳолада кўл чўзди...

– Дуо сиздан айлансан, шахзодам, сиздан айлансан! Кечир, отангни кечир, ўғлим...Faflat босиб кўрлик қилиб қўйғон отангмен, шўрлик отанг!! Ўз бошини ўзи кесфон отангмен ме-ен!.. – деб юборди Ҳоқони мансур ўзини тутолмай.

Кўзларида ёш нурланган, юраги потраган ота Бадиuzzamонни секин: “Турсунлар, ўғлим!.. Жоним болам...” дея қўлтигидан олиб турғизди ва... қаттиқ бағрига босди! Бадиuzzamон Мирзо подшо кўксига меҳр билан бош қўйди, ота-бала елкалари титраб ўқсиб-ўқсиб йигладилар...

“Балли, ота ўғил!” “Кам бўлмасин, Бадиuzzamон Мирзо!” “Ота дуосини ол!” – деган овозлар янгради.

– Жоним ўғлим, дуо бўлса, илохи, сиздан айлансан, сизга кўз тиккан бор инсу жинсларнинг йўли бойлансан! – дерди бағри увалган Султон Ҳусайн Мирзо. Кейин йигламсираган синиқ овозда атрофдагиларга қаради:

– Кўрингизлар! Ўғлим душманларни қон йиглатиб, дўстларни кулдириб, бағримга қайтиб келди!..

Сарой аҳли гаройиб ҳодисадан лолу ҳайрон... Одамлар ҳаётда ҳурмат ва иззат, ихлос ва инсоғ сингари нарсалар борлигидан қувонар, ҳали оқибат деган тансик фазилат йўқолиб кетмаганига ишончлари ортар, ота билан ўғилни олқишилардилар. Ҳоқони мансур сўзларини давом эттирди:

– Болалигимда кабутар ўйнардим, кўкка париллатиб учирардим ва чексиз завқларга ботардим... Энди билсам, ўзим ҳам ҳоли афтода бир кабутар эканмен

бу дунёда! Ўғлимдин беадаблик рўй берса, дарҳол хаёлим узоқларга кетадур. Дейдиларки, отангга қандай хизмат қилсанг, фарзандингдан шу қайтадур! Билмадим, мен ҳам болалиқда бевошмидим, отам Фиёсиддин Мансур Мирзонинг, – жойлари жаннатдан бўлсин, – ул зот жуда юввош одам эдилар, бирон марта айтғонларини адо этмай, нозик кўнгилларини оғритғонмидим? Кўзларига мен тентак бола тик қараб қўйғонмидим, ё қўпол гап қайтариб, бағирларини ўғонмидим?.. Бари бугун фарзандимдан қайтди шекилли...

Хоқони мансур тўхтади-да, орқароқда турган муншийни чорлади:

– Эй мунший! Кел, бу ёққа, фармонни ўқи! Фармон эмас, кўнгилдаги армонни ўқи!

Мунший баландпарвоз оҳангда фармонни ўқий бошлади:

“Шоҳ Фозий, Хоқони мансур Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон сўзимиз! Шаҳзода Султон Бадиуззамон Мирзоға Сеистон бирлан Фароҳ вилояти баҳшида килинсун! Бу кундан эътиборан хутбаларда валиаҳд шаҳзоданинг муборак номлари подшо номи билан бирга ўқилсун!”

Ҳамма Султон Бадиуззамон Мирзони муборакбод этарди. Навоий ва Султон Ҳусайн Мирзо шаҳзодани чин дилдан қутладилар. Шаҳзода миннатдорлик маъносида кўлларини кўксига қўйиб таъзим қилиб турарди.

Хижоз тупроғигача йўл узоқ

Навоий “Йўлга чиқишига кодир одамлар зиммасида Оллоҳ учун мана шу Байтни ҳаж қилиш бурчи бордир” оятини болалигидан қалбига жойлаб олганди. Ёшлик замонларидан бошлаб кўнглида ислом ҳажини адо этиш нияти, Хайр ал-аном алайхис-салавот ва-с-саломнинг муборак равзаларини тавоғ қилиш орзуси оромини ўғирлар эди. Ҳайхот, Ё Раб, Ясирибу Батҳога бормак қачон насиб айлар экан, қачон Маккаи мукаррамага борғаймен, Масжид ал-Ҳаромда ибодат қилғаймен, Замзам булоги бўйида дил-дилимдан тарона куйлагаймен, кўзёшларимдан ул булоқни денгизга айлантиргаймен, қачон Мадинайи мунаавварада бўлгаймен, Расулуллоҳ равзаларини тавоғ этгоймен... – деб хаёлларга эрк берарди.

Кўп марта муборак сафарнинг улуғ савоби тинч қўймай, йўлга шайланди, бироқ гоҳ у, гоҳ бу сабаб йўлдан ортга қайтди. Ҳисоблаб караса, уч-тўрт марта шундай ҳолга дуч келибди. Аммо ҳаж илинжидан ортга қайтгани йўқ. Ҳаж сафарини амалга ошириб келган баҳтиёр инсонларни кўрганда, уларнинг Оллоҳ мўъжизаларидан тўлиб-тошиб ҳикоя қилганларини эшитганда, яна дарди янгиланар, фурсатни ғанимат билиб, бугун ё эртага, нари борса индинга ҳажга жўнаб кетиш, оламнинг мўъжизаларидан тезроқ баҳра олиш истаги уйғонар, кўнглига куткулар соларди.

Ислом ҳажига бел боғлаш ва Байтуллоҳ ул-ҳаромни тавоғ айлаш Навоийнинг дил нидоси-ю илтижоси эди. Бу кутлуғ қадам мусулмонлик бурчини адо этишдан ташқари, Парвардигорга бандалик ва Расулуллоҳга умматлик эҳтиромларини кўрсатишига имконият берарди.

Ҳануз муборак ҳажга бориш ўйи, Хотам ул-анбиё саллаллоҳу алайҳи васаллам равзаларини зиёрат этиш истаги Ҳазрат кўнглини ёритиб туар, кўзлари тўрт саройдан мужда кутар, кечалари гаффору зул-жалол Парвардигори эгамга, пайғамбар алайхиссалом ҳақларига, азиз-авлиёлар шаънларига илтижолар қилиб дуолар айлаб чиқарди.

Кутилмаганда, хурсандчилик онлари етди! Ихлос ила қилинган дуолар ижобат бўлди шекилли, орадан ўн беш кун ўтиб, Султони соҳибқирондан иноят нишони келди!

Мұхаммад АЛИ

Қүёш жавзо буржининг охирларидан жой олган паллалар, Пайғамбар ҳижратининг 905 иили, зулқаъда ойи бешинчи куни Хоқони мансур жаноби олийлари амри, иродайи раъи ила ёзилган мактубда Ҳаж ижозати берилгани ҳақида хушхабар маълум қилинганди! Навоийнинг хиралашган кўзлари чақнаб кетди! Ўзини бағоят баҳтиёр сезди!

Оллоҳга шукрким, неча йиллар, неча ойлардан бери кутилғон айём етди! Шундай табаррук кунни ҳам кўрар онлар бор экан!

Фармонда Хоқони мансур, гарчи авваллари ҳам бу ният бир неча марта ўртага тушгани, айрим сабаблар туфайлигина амалга ошмагани, энди эса Ҳазратининг илтимосини адо этишга олийшон қарор қабул қилингани ҳақида хабар берилганди. Сафар давомида салтанатнинг нуфузли амирлари, зодагонлар, доругалар, аъёнларнинг қарорга қатъий амал қилишлари кўзда тутилган ҳамда тирик жон турмуши, тирикчилик, ётиш-туриш, яшашинг барча шарт-шароитлари ҳисобга олиниши, муносиб егулик-ичкиликларнинг етарлича ғамланиши, айни вақтда, йўлларда тинчлик ва хавфсизлик чоралари кўрилиши, хусусан, карвоннинг маҳсус куролли кўриқчилар билан таъминланиши айтиб ўтилганди...

Навоий дарҳол Хоқони мансурга миннатдорлик мактуби юборди:

“Хуросон шаҳаншоҳи Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодир жаноби олийлариға.

Минг бор қуллуқ, банданавозлиғ нишони била бошимни кўқдин ўткардилар, қадимни тиклаб, хокисор жисмимни тупроқдин даст кўтариб қўйдилар... Жаҳон мулки мусаххар, икки жаҳон шавкати муюссар бўлғай...

Муқарраби ҳазрати султон

Низомиддин Мир Алишер”.

Навоий қувончдан тўлиб-тошиб Шайх Баҳлулга буюрди:

– Амир Бобоалини, Султонали Машҳадийни, Беҳзодни, Хондамирни, Хожа Дехдорни, Бадаҳшаййни – барчасини бу ёққа чорла! Фурсат етди! Шитобан тараддуға тушсунлар, ҳаж сафарига тайёргарликни бошлаб юборсунлар!

Сафарда Шайх Баҳлул ва Амир Бобоали иккиси Ҳазратга ҳамроҳлик вазифасини адо этишмоқчи эканларини билдирилар, буни улар ўн йиллардирки, орзу қилиб келишарди. Хондамирда ҳам шундай фикр йўқ эмас... Талабгорлар кўп. Барча хурсанд.

Йўл тадорикини кўриш керак, – уқтириди Навоий Шайх Баҳлулга. Сафарга зарур нарсалар, хусусан, харжга етарли нақдина ақча ғамлансун, узоқ сақланадиган егуликлардан олиш унутилмасун...

Ҳамма ҳаракатга тушиб кетди, Худои таоло барчага шиҷоат бахш этди, ҳеч ким чарчадим, демасди.

Шоир ўзида йўқ хурсанд эди! Бомдод намозини адо этгач, ёлғиз ўзи Ансория мақбараси остонасига бориб тиз чўқди ва Куръон туширди, сўнг узоқ тиловат қилди. Кўнгли яна ҳам енгил тортди.

Хонақоҳга кирди... Кириши билан... тилига фавқулодда ўз-ўзидан шундай сўзлар келди: “...Ҳамдингда такаллум аҳли тили қосир...” Унинг аъзойи бадани жимиirlаб кетди! “...Ҳамдингда такаллум аҳли тили қосир...” тақрорлади Навоий... Бу – Ҳақ-Худо ҳақидаги ҳамду сано каломлари эди! Жуда ажойиб кўрку хуснли, сулув сўзлар эканми, деб турганди, янги сатрлар жамол кўргизди:

“Илоҳи, гафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидамен, хушёр қил!” Ажабо, бу иборалар қайдан пайдо бўлди? Улар шоирнинг дил-дили тубидаги сўзлар-ку! Жуда фариштали сўзлар! Фойибдан садо келмоқдаму? Оллоҳнинг ўзи кечирсун... – ваҳий сўзлари эмасму?..

У ён-верига қаради. Ҳеч ким йўқ... Фақат адир ёқдан эсган ёқимли насим – тонг шамоли хонақоҳ эшигидан оҳиста кириб Навоийнинг юзларини майин силаб, манглайдан ўпид сездирмай чиқиб кетди...

У сўзларнинг маъно-мағзини чақишига энди киришганди, улгурмади, янгилари кулоғига уринди:

“Илохи, сендин ёмонлиғ келмас, мендин яхшилиғ, сен яхшисен ва мен ёмон...”

Субхонолло! Бу чин, ҳаққоний сўзларни ким менинг кўнглимга солди? Бу ғазал эрмас... Оддий сўзлар, лекин қандай сўзлар!..

Навоий англаб етди: у Оллоҳга муножот қилмоқда экан! Муножот, илтижо, ялинма, ёлворма... Тағи...

У кун бўйи сеҳрли сўзлар таъсирида юрди. Эртаси куни янги сўзлар бўй кўргизди:

“Илохи, ул узун йўл ва қатиғ водийда иноятинг била йўлла, анинг қатида аёғим тойилса, дастгирилгинг била қўлла...”

Навоий англади: ҳаж йўли айтилаётир... Кўнгли қувончларга тўлди!

Навоий энди ҳайратланмай кўйди.

Орадан тўрт кун ўтди. Сафар тайёргарлиги ҳам ниҳоясига етмоқда эди.

Навоий сафардан бир кун олдин Унсияга борди, ҳовли-богни томоша қилди. Эрталаб бомдод намозини адо этиб бинафшазорни айланди, сўрида ўтирди.

Бинафшалар шоир ташрифидан жуда мамнун очилиб-сочилиб кетдилар. Худди шоир назарида ҳали ҳозир бинафшазорнинг ичидан Бадъеулжамол чиқиб келадигандай туюларди.

Сарин тонг шабадаси эсарди.

У гулларга термилиб, Бадъеулжамол билан сирлашди: “Бадъеулжамолим... мен ҳаж сафарига кетмакдамен...”

Негадир, – ажабо! – қувончданми, надоматданми, билмади – тўлиқиб кетди, бошқа ҳеч нарса дея олмади!

Бадъеулжамол йигларди... Балки, мени ташлаб кетмангиз, демакдамикин... Ё унинг ҳам бирон сўз айтмакка тили боғланиб қолдимикин?

Шу палла узоқда Боғи Жаҳоноро томондаги такҳонадан “Кошки” ашуласи тонг ҳавосида тиник янграй бошлиди. Ғамгин савту навонинг гоҳ ғамгин, гоҳ рухлантиргувчи оҳанглари бутун шаҳарга тарааларди. Ҳа, савту наво жаранглай беради, тин билмайди, кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга, асрдан-асрга...

Бирдан “Кошки”ни тингламоқчидай, тонг ёқасини чок қилиб қуёш чиқди! Қуёш! Бутун нурларини бир қатим ҳам қолдирмай оламга сочиб, бир оғиз ҳам миннат қилмайдургон саҳоватли қуёш! У Навоийни кўриб қувониб кетди, гўё эски дўстини кўргандай нурлари билан унинг манглайи ва юзларини мулойим силади, эркалади, бутун нурини Унсия боғига тўқди...

Кутилмаганда тилига янги сўзлар илинди:

“Илохи, агар хислатим эгридур, ниятим туздур, бу жиҳатдин агар қўркунчим бордур, аммо уммедин бирга юздур”.

Ҳайҳот! Кўнгил туйғуларини ифодалаган бу каломлар кўқдан индими?..

Бунга жавоб топа олмади.

Навоий сўридан тушиб, бинафшазорга эгилиб, аста шивирлади: “Мен ҳажга бораётирмен... Қайтамен...” Бу сўзлар кўқда фақат Ҳақ таолога етиб борди ва албатта, Бадъеулжамолга ҳам... Шоир қизнинг маъюс ун тортганини эшилди...

Навоий ва унинг ҳамроҳлари чоршанбаи муродбахш куни рағбат отига миниб, “Йўлга чиққанимиз рост бўлсун! Ё раббий! Ўзинг қўлла!” дея Ҳиротдан олис сафарга жўнадилар.

Мұхаммад АЛИ

Ҳаж сафари бошланди.

Күёш карвонни кузатиб борарди. Ёнида дўстлари Шайхим Сұхайлій, Султонали Машҳадий, Беҳзод, Шайх Бахлул, Амир Бобоали, Хондамир, Бадахший, Хожа Дехдорлар саф тортишган... Орқароқда эллик чоғли аскар. Кўнгилларда муборак ҳаж завки-шукухи, фахр-ифтихор туйғуси жўш уради.

Карвонда яхши кайфият ҳукмрон, кимдир ҳазил қилган, кимдир эса қачондир бошқалардан эшитганларини эслаб, истиқболда турган ҳаж мўъжизаларидан ошиб-тошиб сўзлар, ҳамманинг ҳавасини келтирарди.

Шу палла Бадиuzzамон Мирзодан чопар етди. У мактубида:

“Ҳазрат, ўзларини Машҳадда кутиб олғаймен...” деган сўзларни ёзибди.

—Хайрият!..—деди Навоий мамнун, чунки у йўлга чиқиша сафар ташвишларидан кўл-оғи бояганиб шаҳзода билан хабарлаша олмай қолганидан кўнгли хижил эди. Энди унга вазиятни тушунтириб мактуб ёзмоққа киришмоқчиди. Иниси Дарвешали билан ҳам хабарлашишнинг иложи топилмади...

“Илоҳи, тоатингга ҳавасим бор, аммо нафсқа забунмен, ибодатингга мултамасим бор, аммо гирифтомури ишқу жунунмен...” — пицирлади ўз-ўзига Навоий...

Карвон Айнулҳаёт деган жойга етайде деб қолди.

Хушкайфиятдаги Навоий яқин кунларда Ҳижоз томонларни, Маккаи мухаррама ва Мадина тайиба манзараларини, муҳташам Каъбани, расули акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам равзаларини зиёрат этишини ўйлар, шундай баҳт насиб этаётганидан ниҳоятда шодланарди. Кимга насиб этди, кимга — йўқ, ахир.

Ажабо, энди Оллоҳга муножот сўзлари кетма-кет ўз-ўзидан қуилиб кела бошлади:

...Илоҳи, париузорларға мени девона қилдинг ва шамъи руҳсорларга кўнглимни парвона қилдинг, бу сабаблардин расволиғ била оламга афсона қилдинг.

...Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, риёдин асрар ва ибодатқа йўл кўргизсанг, хатодин асрар.

...Илоҳи, шўхи чобукларнинг... дилраболиги ҳам — сендин ва ошуфта кўнглумнинг мубталолиги ҳам — сендин.

...Илоҳи, йигитлигим бу навъ ҳам қатиғ ўтти, ҳам ачиғ, карилиқда юз қатла ўзумни ўлтирсам, не асиғ.

...Илоҳи, андоқки, бу балоларга солдинг, кутқор ва андоқким, бу ибтидоларга киординг, чиқор.

...Илоҳи, эмди барчадин кечмак хаёлин қилурмен, ўзлугум била кеча олмон, яқин билурмен.

...Илоҳи, мен тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба бергилки, ҳам Таввобсену ҳам Маъбуд...

Илоҳи...

Илоҳи...

Илоҳи...

Таги...

Таги...

Ҳаж сафари давом этарди.

Навоий ҳали-хозир йўлда кетмакда...

Ҳижоз тупроғигача йўл узок... Унинг охири йўқ...

Йўл узок...

2012 – 2022

Тамом

Сенга севгим чексиздир, Оллоҳ



**Сўна
МУҲАММАД қизи**

Дунё бошдан-оёқ севги, гўзаллик,
Биз эса гўзаллик шайдосимиз.
Бirimiz нафис табиат,
тоғларни,
биримиз ҳазин кузги боғларни,
биримиз чечаклари момикдек
баҳорни севамиз.
Бirimiz бир дараҳт,
бир гул ошиғи,
биримиз беназир бир сас,
фусункор бир сўз гадосимиз.
Дунё гўзалликлар мажмуаси...
Менинг ишқим, менинг севгим
янада буюк,
янада гўзал.
Мен барча гўзалликларни бунёд этган
Парвардигорни,
Бутун борлиқ Султони,
Сени севдим, Оллоҳим!

Бундай ўғит берма, онажон

*Камтарилик тарбияси билан бир она
ўсмири ўғлиниң нақ миясини эговларди*

Ёшин шўх-шодон чоғида,
Умрин навниҳол чоғида,
қандай ўғит беряпсан бу болага,
эртанги кунга умиди, ишончи қоларми унинг?

Сўна МУҲАММАД қизи – филология бўйича фалсафа доктори. 1962 йилда тугилган. Озарбайжон давлат маданият ва санъат университетини тамомлаган. Унинг “Менинг пушти ранг дунём”, “Дуолар, севгилар”, “Аразбари”, “Дунё дийдор еримиз”, “Қошингга келгум, Оллоҳим”, “Дунё кўзларимда нимпушти рангда” шеърлар китоби, “Зиёга йўналган йўл” номли романи, “Вақт сезилмай ўтди” каби илмий қўлланмалар муаллифи.

Сұна МУҲАММАД қизи

Мағрурлик Тангридан бўлса, нега эгилсин?
Бу ўгитни аксига ўгир, юрагига сингсин.
Қўй, мушт туширишни ҳам билсин,
нафрати яшиндек чақнасин,
ноҳақликка чидамасин,
курашишни ўргансин.
Эр йигит бўлиб ўссин,
Ватан учун қалқон бўлсин.
Бошини эгик тутса, бўйнига оёқ етиши осон.
Мутелиқ, фақирлик гарданига осилиши осон.
Барчаси ҳаётининг маъносига айланади.
Қўй, бундай ўгитни, она.
Нор йигитга, эр йигитга,
ўғиз ўғли шер йигитга
бургутдек қанот кериб учишни,
қаддин тоғдек тутишни,
ғаним устига
кези келса, қуюндек ҳамла қилишни
сен бугун ўргатмасанг,
эртага яна мағлубмиз.
Душманга тап тортмай тик қаролмаса,
ёнгинасида бирор тупроғини юлиб олса,
эртага яна мағлубмиз.
Нигоҳлари чўғ пуркаган,
наърасидан тоғ қулаган,
чинор қадли,
қоплон қалбли
бир ўғлонни бу ўгит-ла ҳеч эгмангиз.
Юрагида улуғворлик,
ғолиблик,
умид хисларин
поймол этмангиз.
Насиҳатни силоҳ айланг,
қўлларида тутажак.
Ўғлон ҳайқирган дарё – Кура, Аразимиз,
тўсманг йўлин,
тошиб, пишқириб қутуражак.
Ўғлон хончинордек ўссин,
сарҳад бўйлаб қалқон кўкси,
чайир ғовга айланажак.
Менинг қиблам Ватандир,
Гули маъюс,
боши қуий битгандир,
Ўғил душманга тўсиқ,
Додларимга етгайдир.
Қўй, қалқонлар
эгилиб ўсмасин, онажон,
Эгри қалқонлар устидан
ёғий йўл солмасин, онажон...

Дунё күзларымда нимпушти рангда

“Дунёни пушти рангда күрасан” деган дугонамга

Бир эртакли дунём тарк этди мени,
Кояси нимпушти, тошида хино.
Жонимнинг тафтини, тилим тотини,
Йўқотдим у ердан, у юртдан айро.

Ўйинқароқ эдим, сочим жамалак,
Онали, момоли дунём бор эди.
Менинг ўйинчогим атлас камалак,
Овунчогим қушлар, чаманзор эди.

Оlamнинг нафсидан, макридан йирок,
Бир ҳалол ўчоқдир бор-йўқ топгани,
Шайтон амалидан, шаъридан йироқ,
Софдил инсонлардан олдим бу рангни.

Бу ер одамларин максади савоб,
Недан каминг бўлса, бир им-ла билдири.

Онам ўтганида боролмадим мен

Қалбим тилка-пора, факат дард унар,
Онам ўтганида боролмадим мен.
Минг еридан синиб, битсин бу йўллар,
Фигони фалакни тутган опамнинг,
Ёнида бўлишга яролмадим мен.

Кейин келганимдан менга не фойда?
Эх, энди бу ерда нимаман, кимман?
Онамдан жудолик камлик қилгандек,
Қалбимга қишлоғим дафн этдим ман.

Уйқумда ҳар кеча тушаман йўлга,
Онам йўқлигига ишонолмасман.
Дарвоза тагида йиглайман зор-зор,
Эхе-хе-хей! Бу уйнинг эркаси келди,
Онажон, болангни қўйма интизор.

Хувуллаб қолган уй тушимга кирди,
Қўрдим, ўчоқ сўнган, кули совурди.
Қўша тут остидан изладим изин,
Сўрадим, онамни қўрмадингизми?

Эҳтиёж тарози, саховат жавоб,
Бунда ҳалоллик қўз қорачиғидир.
Ланг очик дарвоза, эшиқ, дарича,
Мушкул чоғда минг бир
суюнчиғинг бор.

Бу поклик, гўзаллик, буюклик ичра,
Фақат пушти рангда эди чор-атроф.

Кўзимми, аклимми, қалбимми ҳақли?
Бу ёшда қандайин ўзгарай? Нетай?
Дунёни оқ-кора кўрмоқ-чун қайта
Алифбо ўқийми, садағанг кетай?

Мен алла эшитдим нимпушти рангда,
Ўйтитлар эшитдим нимпушти рангда.
Кўзимнинг ёши ҳам мўъжиза, рости,
Кўрсанг, ишонмассан – нимпушти рангда.

Чақирилар, ҳой Наргиз хола,

Балки зериккандир, сизникидадир?
Бир далли-девона болани қўриб,
Кўшнининг кўзида ёш милтиради.
Деди, хайр-эҳсон, назр атагандим,
Лоақал кунни кунга улай олмадим.
Эсиз, улуғ айём яқин қолганди,
Фалак карвонини тўхтатолмадим.

Ҳасратим тутуни ўртайди бағрим,
Туймоққа бир она юраги даркор.
Эвоҳ, куйиб кетди бирдан бу ёмғир,
Онамнинг руҳин ҳам тугаб бардоши,
Осмондан бошимга тўқди қўзёшин....

Озарбайжон тилидан
Шахло ҚОСИМОВА таржималари



Шахло ҚОСИМОВА – 1964 йилда туғилган. Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтининг (ҳозир ТДИУ) молия-иқтисод факультетини тамомлаган. Унинг “Денгиз кўчманчилари”, “Мен ҳақиқат садосиман”, “Дунё тушдек эриб бормоқда” каби таржима китоблари нашр қилинган.

Bolalar dunyosi



NON

Hikoya



Ulug'bek MUSTAFO

Qumri xola hozirgina tandirdan uzilgan bo'rsildoq nonlar bilan to'lgan savatni ayvondagi xontaxtaga yoygach, ustiga dasturxon yopdi. Nafasini rostlash uchun pastak so'riga cho'kib, uzun yengi bilan yelpinishga tutindi.

Bir payt hovliga yugurib kirgan nevarasi Shahnoza:

- Buvi, buvi biznikiga xalta ko'targan bir chol kelyapti, – dedi.
- Kelsa kelar... kulchangni yeb olaqol.

Q'o'lidagi hassasi bilan darvozani qoqib, qora choponli, mosh-guruch soqolli barvasta chol hovliga kirib keldi. Uning ko'zi Qumri xolaga tushib:

– Xudo yo'liga sadaqa so'rab keldim, – deya duo o'qiy boshladi. Qumri xola dasturxonagi sedana sepilgan nondan ikkitasini olib, cholga uzatdi, chol do'rildoq ovoz bilan:

- Non ko'p, ena... – dedi.

Qumri xolla ichkaridan pul olib chiqib berdi.

– Iloyo u dunyo-yu, bu dunyo kam bo'l mang, – deya tilanchi yuziga fotiha tortdi. Chol chiqib ketgach, Shahnoza:

- Buvi nega u non olmadi? – dedi ajablanib.

– Hozir to'qchilik, nonning qadri yo'q, – dedi Qumrixola chuqur xo'rsinib. So'ng xayolga cho'mdi.

...Urush yillarining qahatchiligi uning ko'z o'ngida. U o'sha kezlarda, qizaloqlik paytida ocharchilikning guvohi bo'lgandi. Bir kuni ayasi dadasingin urushga ketgandan buyon kiyilmay, osig'liq turgan pal'stosini sumkaga solib chiqib keta boshladi. Onasining harakatini kuzatib o'tirgan Qumriga bu hol g'alati tuyuldi.

- Aya, nimaga pal'stoni oldingiz? – deb so'radi.

– Bilasanmi, qizalog'im, shuni nonga almashtirmoqchiman, – dedi Manzuraopa go'yo o'zini oqlab.

- Har kuni non berishadi-ku, – hayron bo'ldi Qumri.

Ulug'bek MUSTAFO – “Mehnat shuhrati” ordeni sohibi. 1958-yilda tug'ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zMU) tarix fakultetini tamomlagan. Uning “Insof”, “Ehtirom”, “Akmalning o'yinchoqlari”, “Havas”, “Intiqom”, “O'kinch”, “Dakanglar jangi” kabi nasriy kitoblari chop etilgan.

– U juda oz. Bir bo'lakdan, xolos. Paltoni nonga almashtirishga majburman, qizim. Huv birda tug'ilgan kuningga ko'yak sovg'a qilgan Hamida xolangni bilasan-a? O'sha ochlikdan kasal bo'lib yotibdi. Unga non kerak. Endi tushundingmi, qizalog'im. Dadang bir xatida, agar qynalsanglar ul-bul narsani sotib, ilojini qilinglar, degan. Men hozir kelaman, – deya Manzuraopa tashqariga chiqib ketdi.

Ayasi bozordan qo'lida yarimta qora bo'lka non bilan uyga xursand kirib:

– Mana, qizim, non olib keldim, – dedi.

– Hammasi shu bo'ldimi? – Qumri dadasingin pal'tosi yo'q bo'lganiga hamon ko'nika olmasdi.

– Nega endi... Paltoni bita bo'lkaga almashtirdim. Nonning yarmini Hamida xolangga berib kelyapman. – Yarimta bo'lka non! Qizchaning nazdida bu ularga to'rt-besh kunga yetardi. Ammo... ertasi kuni ayasi ishga ketgan paytda kutilmagan voqeа sodir bo'ldi.

O'sha kuni qalin qor yog'di. Daraxtga sal tegsang, duv etib ustingga qor to'kilar, badanni junjiktirib yuborardi.

Qumrining qo'llari sovqotib uyga kirdi. Ayasi erta bilan yoqib ketgan pechkaga qo'llarini tutib turgan kezda dahlizdan tovush eshitildi. Bugun ayasi ishdan erta qaytganga o'xshaydi. Shu xayolda qizcha xursand bo'lib, "aya", deya unga peshvoz chiqmoqchi bo'ldi.

Ammo tasodifan xonaga begona ayol kirdi. Kiyimlari juldur. Boshiga peshonasi bilan qo'shib bir necha qalin ro'mol o'rab olgan. Yelkasiga esa ikkita xurjun ilgandi.

"Lo'li!" shu xayolda qizcha qo'rqib ketdi. Buni tilanchi xotin ham sezdi, shekilli:

– Menden qo'rhma, qizcha. Menga ozgina non kerak edi, – dedi. – Noningiz bormi?

Qumri hali birovni aldamagandi. Undan keyin "yo'q", deyishga cho'chidi ham.

– Ha, bor. Hozir... – U tanchadagi dasturxonga o'rab qo'yilgan nonni xontaxtaga qo'ysi. So'ng pichoq axtarib, narigi xonaga chiqib ketdi. Qaytib kirsa lo'li ham, yarimta bo'lka ham yo'q.

Demak, o'g'irlabdi! Yuragi "shuv" etib ketdi. Qumri kuylakchan tashqariga otildi. Haligi xotin darvozadan chiqib, qochishga ulgurgan, qorda oyoq izlari qolgandi.

Qumri ho'ngrab yubordi. Ayasi ishdan kelganda ham yig'lab o'tirardi.

– Nima bo'ldi qizalog'im? – Manzuraopa yechinishga ham ulgurmay uning yoniga bordi.

– Nonni o'g'irladi.

– Kim o'g'irladi?

– Bir tilanchi xotin...

– Shunday degin?... – Manzuraopa qizini ko'ksiga bosgancha o'ylanib qoldi. So'ng sochini silab: – Yig'lama qizalog'im, OMON bo'lsak, non topiladi, – dedi.

Darhaqiqat, omonchilik bo'lsa non topilar ekan. Bugungi to'kinchilik buning shohidi. Qumrixola faqat birnarsaga ajablanardi. O'sha qora kunlar odamlarning yodidan shunchalik tez chiqdimi? Nega ular nonni har qadamda bunchalar behurmat qiladilar? Hatto boyagi tilanchi chol ham nonni olmadi-ya!

– Buvi, buvi...

Neverasi Shahnoza uning etagidan tortqilardi.

– Nima deysan, bolam?

– Kulchang pishdi devdiz-ku. Qani?

– Voy o'rgilay bolam, senga bermasam, kimga beraman, – Qumrixola hali sovib ulgurmagan kulchani neverasiga tutar ekan, shirmon kabi qizarib pishgan nonga o'zining ham havasi keldi. Totli yutinib qo'ysi.

Адабий ҳаёт

* * *

1 июнь. Гафур Гуломнинг “Шум бола” асари энг яхши болалар адабиётининг топ юзталигига киритилди. Бу ҳақда “BBC Culture” нашри хабар берди. Айтилишича, 1 июнь – Халқаро болалар куни муносабати билан юзта энг яхши болалар адабиёти рўйхати тузилган.

* * *

Фанлар академиясида янгилangan ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” тақдимоти ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон хотираси ва ижодий меросига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмаси ва Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирларда шоир ва ёзувчилар, олимлар, Тожикистон, Қозогистон, Туркия, Миср давлатларидан меҳмонлар, шоирнинг оила-аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

* * *

2 июнь. Адиблар хиёбонида “Хиёбон оқшомлари”нинг навбатдаги кечаси бўлиб ўтди.

* * *

6 июнь. Пойтахтимиздаги Пушкин ҳайкали жойлашган майдонда таникли рус шоири А.С.Пушкин таваллудининг 224 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, адабиётшунослар, кенг жамоатчилик вакиллари, Россиянинг Ўзбекистондаги элчинонаси вакиллари қатнашди.

* * *

7 июнь. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқ таълими аълочиси, “Шуҳрат” медали ва “Мехнат шуҳрати” ордени соҳибаси Умид Абдуазимова таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

* * *

8 июнь. Адабиёт жонкуяри, маърифатпарвар олим ва жамоат арбоби Неъматулла Худайбергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишлиб чоп этилган “Эллик биринчи қалъа” номли китоб тақдимоти ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

* * *

9 июнь. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист, уюшма аъзоси, давлат ва жамоат арбоби Сафар Остоновнинг “Умид билан яшагин” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида анъанавий Зомин семинарининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда ёзувчилар, шоирлар, таржимонлар шеърият, болалар адабиёти, бадиий таржима, адабий танқид йўналишлари бўйича шўйбаларга бўлинган ҳолда ёшларнинг ижод намуналарини кўриб чиқди. Тошкент шаҳар босқичида 13 нафар ёш ўз истеъодини намоён этди.

* * *

12 июнь. Таржимон Иззат Ахмедов томонидан таржима қилинган машхур инглиз ёзувчиси, детектив қироличаси Агата Кристининг “Изқувар Пуаро” номли хикоялар тўплами нашрдан чиқди.

* * *

Таниқли журналист, таржимон ва ношир Дамин Жумақул нашрга тайёрлаган “Кошғарий ҳикматлари” номли китоб нашрдан чиқди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли хажвчи адаб Ҳабиб Сиддиқнинг “Есим құрысын” (“Эсим курсин”) китоби Нукусда қорақалпоқ тилида чоп этилди.

* * *

14 июнь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма аъзоси, шоира Гулбахор Жумаеванинг “Кўнгил нигоҳи” шеърлар китоби тақдимоти ўтказилди.

* * *

16 июнь. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи Анқарадаги “Евроосиё Ёзувчилар уюшмаси (Аврася Язарлар Бирлиғи)”га қарашли “Бенгӣ” нашриётида чоп этилди. Роман филология фанлар доктори Замира Ўзтўрк томонидан таржима қилинган.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида Иброҳим Ғафуровнинг 8-жилдлик китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

21 июнь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли публицист Қурбон Эшмат хотирасига бағишлиланган маънавий-маърифий тадбир ҳамда “Қадрдон қайрағоч” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА	
БАРХАЁТ СИЙМОЛАР	
Хусниддин ШАРИПОВ.	Кўзларим нури. Шеърий роман.....4
НАЗМ	
Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА.	Бир оний ларзани кутавераман.60
Сайд БУРҲОН.	Андаман ё бундаман, истаб сени ҳар онда ман.64
Шоди ОТАМУРОД.	Севги деган чўғни босгандман.69
Нодира ОФОҚ.	Жазо. Драматик достон84
НАСР	
Эркин АЪЗАМ.	Баҳорни қувиб. Киноқисса.....37
Шарофат АШУРОВА.	Жаннат шамоли. Ҳикоя.73
Мухаббат САФО.	Бева. Ҳикоя.82
Боқий МИРЗО.	Сурат. Эссе.103
Мухаммад АЛИ.	Мангу қўёш. Тарихий роман (давоми).123
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА	
Иқбол ҚЎШШАЕВА.	Бахтнинг пешонасидан ўпид-ўпид ёзилган достонлар.100
МУШОИРА	
Абдулла АЙЗОВ.	Қоғозларга тўқдим эзгу сўзимни.....107
Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ.	Унга дафтар этдим қалбимни кат-кат.108
Дилноза АЗИЗОВА.	Нигоҳимиз тўйсин дийдорга.110
Эркин ЙЎЛДОШ.	У қиз энди бегона.....112
Зафар ХУДОЁРОВ.	Безаниб қошимга чикади очун.....113
Саида САФО.	Фурқатингда исёнимдур ишқ.....115
ЖАҲОН АДАБИЁТИ	
Хулио КОРТАСАР.	Чалқанча ва юзтубан. Ҳикоя.....117
ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ	
Сўна МУҲАММАД қизи	Сенга севгим чексиздир, Оллоҳ.169
БОЛАЛАР ДУНЁСИ	
Улугбек МУСТАФО.	Нон. Ҳикоя.....172
Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2023

6-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри
таҳтирият ижодий жамоаси нуткай
назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳтириятга юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек
адабиёті” ихтиносигига бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билиан шугулланувчи барча
ташкilotлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,
Бузёндкор шоҳкӯча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишига руҳсат этилди:
19.07.2023

Қоғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$
Офсет босма усулида оғсет қоғозида
босилди. Босма табоби 11,0.
Шартли босма табоби 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоби 17,2.
Адади 7450 нусха.
Буюртма №8

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.
0562-ракам билан рўйхатга олинган.
“НАКИМА НАШР GROUP”
МЧЖ матбаас корхонасида чоп
этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани,
Ифтихор кўчаси 117-й 19-хонадон.
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Муҳаррир:
Дилғузा Маҳмудова

Мусаххих:

Моҳира Ҳусанова

Беб-сайт муҳаррири:

Дилноза Камол

Саҳифаловчи-дизайнер:

Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ юлдузи”